1932 йил 13 апрелда Ибрагим бек Чакабаев [Иброҳимбек Чақабоев; 1889-1932] [17], Абдуқаюм Парваначи Улаев [Абдуқаюм Парвоначи Улаев; 1856-1932], Ишан Исахан Мансурханов [Эшон Исохон Мансурханов; 1885-1932], Алимардон Датхо Мухамедов [Алимардон Додхоқ Мухамедов; 1887-1932], Сулайман Салахутдинов [Сулаймон Салоҳиддинов, Эшони Судур; 1877-1932], Кур Артык Аширов [Ортиқ Додхоқ Аширов; 1891-1932], Мулла Нияз Парваначи Ҳақимов [Мулла Ниёз Парвоначи Ҳақимов; 1878-1932], Мулла Аҳмад Бий Саидов [Мулла Аҳмадбий Саидов; 1878-1932], Ташмат Ходжа Бердиев [Тошмат Хўжабердиев; 1894-1932], Азим Марка Астанакулов [Азим Марка Остонакулов; 1880-1932], Куганбек Ширалиев [Кўганбек Шералиев; 1897-1932], Шаҳасан Иманкулов [Шоҳасан Имонкулов; 1892-1932], Мирзақаюм Черов [Мирзақаюм Шеров; 1897-1932], Куган Кенджаев [Кўганбек Кенжаев; 1904-1932], Алят Палван Ильмирзаев [Арлот Полвон Элмирзаев; 1890-1932], Ишан Палван Баҳадур Заде [Эшон Полвон Баҳодирзода; 1888-1932]га оид жиноят иши ОГПУ томонидан кўриб чиқилиб, отиб ўлдириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Мазкур жиноят иши суд томонидан кўриб чиқилмаган, жиноят ишида суд ҳукми ёки баённомаси мавжуд эмас»[18].

Иброҳимбек лашкарбоши, Носирхон Тўра каби кўрбошилар, жадидлар ҳамда уламоларнинг совет давлати емирилгандан сўнг 30 йилдан кейин оқланиши Ўзбекистонда катта акс-садо берди. Ижтимоий тармоқларда, интернет саҳифаларидаги турли расмий каналлар ва оммавий ахборот воситаларида (радио, матбуот ва телевидение) бу воқеа кенг шарҳланди. Ўзбекистон жамоатчилигининг бу ходисага муносабати ҳам турлича бўлди. Кўпчилик Олий суднинг оқлов қарорини кечикиб қабул қилинган бўлса ҳам унинг тўғри эканлигини таъкидлашди. Бироқ айрим зиёлилар, улар ўртасида ҳатто тарихчилар ҳам бор, бу қарор нотўғри эканлигини такрорлашдан тўхташмаяпти.

Ана шундай «тарихчилар»дан бири Самарқанд давлат университети кафедра мудири Бахтиёр Эргашев интернет тармоқларида рус тилида (!) эълон қилган мақоласида Иброҳимбек кўрбоши ва унинг сафдошларига қарши худди совет давридаги коммунист ва комиссарлар сингари тўхмат ва маломатлар ёғдиради. Б.Эргашевнинг фахр ва ғурур билан ёзишича,

унинг бобоси Шамсиддин Тожиев қизил армия сафида туриб 1931-1932 йилларда «Иброҳимбек бандасини тугатиш»да қатнашган экан. Тожиев Самарқанд атрофида бўлган жанглари ҳам ўз неварасига хотирлаган эмиш.

Аслини олганда Б.Эргашевнинг қизил аскар бобоси Россиядан юртимизга бостириб келган босқинчилар ва большевиклар билан бир қаторда туриб, Самарқандда ва бошқа жойларда ўз халқига қарши жанг қилган. Айнан Тожиев қабилидаги каслар ўзбек халқи манфаатларига хиёнат қилган. Бу ҳолатни айти пайтда университетда дарс бераётган ва тарихчи ўқитувчиларга мудирлик қилаётган кафедра раҳбари ҳозир ҳам тушунмаслиги ва идрок эта олмаслиги унинг муаммоси ва фожиасидир. Бироқ асл фожиа шундаки, Б.Эргашев сингари «тарихчи домлалар» бугунги ёш авлодга Ўзбекистон тарихи фанидан қандай сабоқ беришмоқда? Улар Россия вузларида эмас, балки Ўзбекистондаги олий ўқув юрларида ишлаётганликларини унутиб қолдиришмаяптими?

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки ўн йилликларида, ҳатто бу йил ҳам совет даврида яшаб фаолият кўрсатган, бироқ ҳозирда вафот этган бир гуруҳ марҳум маданият ва санъат арбобларининг турли давлат мукофотлари (орден ва медаллар) билан тақдирланиши қатъий бир анъанага айланган. Биринчи томондан, совет ҳокимияти йилларида яшаган, бироқ коммунистик мафкура ва янги режимни қабул қилмаган ҳамда шунинг учун ўз даврида қатағон қилинган Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Мунаввар Қори сингари миллатпарвар жаҳид тараққийпарварлари ва ёзувчилар Ўзбекистоннинг турли давлат мукофотлари билан ўлимидан сўнг тақдирланди. Иккинчи томондан, ўз даврида совет ҳокимиятига садоқат билан хизмат қилган Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон каби ижодкорларга ҳам ўлимидан сўнг шундай мукофотлар берилди. Учинчи томондан, совет ҳокимияти йилларида ижод қилган ва фаолият кўрсатган, имконият доирасида ҳам мавжуд тузумга, ҳам ўз халқига хизмат қилган ўнлаб бошқа ижодкорлар, олимлар ва давлат арбоблари (Ойбек, Иброҳим Мўминов, Яҳё Ғуломов, Шароф Рашидов ва б.) ҳам айнан шундай мукофотлар билан тақдирланди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Юқорида номлари тилга олинган марҳум маданият арбобларини айнан мустақиллик даврида турли давлат мукофотлари билан тақдирлаш мумкин экан, нега энди совет режимига қарши қўлда қурол билан курашган, ўз ижодий фаолиятида мустақиллик ғояларини тараннум этган юзлаб ва минглаб ватанпарвар кўрбошилар ва уларнинг йигитлари, жададлар ва уламолар ёки бошқаларни оқлаш мумкин эмас? Ўзбекистонда Иброҳимбек сингари кўрбошилар ва Носирхон Тўра каби тараққийпарварлар мустақиллик йилларида энди-энди аста-секин оқланмоқда. Бироқ бу мард ва жасур инсонларнинг

хотираси ханус мамлакатимизда абадийлаштирилган ва эъзозланган эмас. Уларга ўлимидан сўнг ҳам ҳеч қандай давлат мукофотлари ёки турли унвонлар берилган эмас. Ҳолбуки Иброҳимбек кўрбоши ва унинг жасур сафдошлари ҳам, Носирхон Тўра ҳам ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ юксак унвонини олишга лойиқ мард ва фидойи инсонлар, юрт озодлиги ва мустақиллиги йўлида шаҳид кетган халқ ва миллат қаҳрамонлари ҳисобланади.

Фойдаланилган манба ва дабиётлар:

1. Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, 2-дафтар, 45-варақ.
2. Қаранг: Ражабов Қ. Истиклол шаҳидлари. Бухоро кўрбошилари // «Шарқ юлдузи» (Тошкент). 2002. Тўртинчи фасл. – Б. 107; Назаров Н. Муҳаммад Иброҳимбек лақай. Серия «Рабочие документы ИФЕАК». Выпуск 20. – Тошкент, 2006. – Б. 14-15.
3. Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, 2-дафтар, 45-варақ.
4. Ражабов Қ. Иброҳимбек // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том 4. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёт, 2002. – Б. 64-65.
5. Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Форсидан таржима, муқаддима ва изоҳлар муаллифи: А. Ирисов. Нашрга тайёрловчи: Саид Мурод. - Тошкент: «Фан», 1991. – Б. 19.
6. Пограничные войска СССР. 1918 – 1928. Сборник документов и материалов. – Москва: «Наука», 1973. – С. 601.
7. Ali Bademci. 1917–1934. Turkistan milly Istiklal Hereketi ve Enver Pasa. Korbasilar. -Istanbul, 1975. T.1. –S. 25.
8. Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920-1924 й.). – Тошкент: «Маънавият», 2002. – Б. 34.
9. Zaki Velidi Togan. Natiralar. 2-baski. – Ankara, 1999. - S. 386.
10. Abdullah Receb Baysun Turkistanli. Turkistan Milli Hareketleri. - Istanbul, 1945. - 202 S.
11. Ўзбекистон Давлат хавфсизлик хизмати архиви, 123469-иш, 7-варақ.
12. РГАСПИ (Россия давлат ижтимоий-сиёсий тарихи архиви), 2-фонд, 1-рўйхат, 23181-иш, 6-варақ.
13. РГВА (Россия давлат ҳарбий архиви), 25895-фонд, 1-рўйхат, 870-иш, 141-171-варақлар; 875-иш, 53-57-варақлар.
14. Густерин П. История Ибрагим-бека. Басмачество одного курбаши с его слов. Saarbrucken: LAP LAMBERT, 2014. – С. 7.
15. Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон давлат хавфсизлик хизмати архиви, 577051-иш, 3-жилд (уч жилдлик); Назаров Н. Муҳаммад Иброҳимбек Лақай. Тўлдирилган 2-нашри. – Тошкент, 2007. – Б. 133 –

134; «Шарқ юлдузи», 2004. № 1. – Б. 50.

16. Назаров Н. Муҳаммад Иброҳимбек Лақай. Тўлдирилган 2-нашри. – Тошкент, 2007. – Б. 133 – 134.

17. <https://sud.uz/2508-2/> Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий сайти материалларидан.



ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТИЗИМИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.63.72.045>

Исмаилов Алишер Файзиевич,

*педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим,
Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи Илмий котиби*

Аннотация: *Мазкур мақолада Ўзбекистонда илмий тадқиқот куртаклари, ўзига хослиги ва Ўзбекистон тарихи давлат музейининг ташиқил топиши, шаклланиши ва ривожини кенг ёритилган. Бундан ташиқари Ўзбекистон тарихи давлат музейининг асосий илмий-тадқиқот ишлари унинг илм-фанга қўшган ҳиссасига кенг эътибор қаратилган.*

Калит сўзлар: *фан соҳалари, олимлар жамияти, музей, музей низоми, тўртта бўлим, Музей экспозицияси, Музей фондлари, илмий кутубхона, Фанлар қўмитаси, Фанлар академияси, илмий-тадқиқот муассасаси.*

РОЛЬ ГОСУДАРСТВЕННОГО МУЗЕЯ ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА В СИСТЕМЕ АКАДЕМИИ НАУК

Аннотация: *В данной статье дано широкое освещение зарождение, своеобразие научных исследований, а также организация, становление и развитие Государственного музея истории Узбекистана. Кроме этого большое внимание уделено основным научно-исследовательским работам музея и его вклад в науку.*

Ключевые слова: *Отрасли науки, научное общество, музей, положения о музее, четыре отдела, музейная экспозиция, музейные фонды, научная библиотека, Учёный совет, Академия наук, научно-исследовательское учреждение.*

THE ROLE OF THE STATE MUSEUM OF THE HISTORY OF UZBEKISTAN IN THE SYSTEM OF THE ACADEMY OF SCIENCES

Abstract: *This article provides broad coverage of the origin, originality of scientific research, as well as the organization, formation and development of the State Museum of the History of Uzbekistan. In addition, much attention is paid to the main research work of the museum and its contribution to science.*

Key words: *Branches of science, scientific society, museum, museum regulations, four departments, museum exposition, museum funds, scientific*

library, Academic Council, Academy of Sciences, research institution.

XIX аср охири - XX аср бошларида Ўзбекистонда фан янги суръатда ривожланди. Математика, астрономия, ботаника, ирригация, метеорология, геология, минтақавий тиббиёт, тарих, археология, музейшунослик ва бошқа соҳаларда турли хил илмий йўналишлар шакллана бошлади [6,16]. 1869 йилдан «Ўрта Осиё олимлари жамияти» фаолият кўрсата бошлади. Унинг аъзолари Туркистон ўлкасини ўрганиб, бу борада кўплаб асарлар яратган шахслар эди. Жамият мажлисларида тарих, этнография, археология, жўғрофия, иқтисодёт, геология ва ҳ.к.лар бўйича маърузалар ва ахборотлар тингланган. Жамият ўлкада музей ташкил этиш, русча-ўзбекча, ўзбекча-русча луғатлар, ўзбек ва форс тилларини ўрганиш учун дарсликларни тайёрлаш бўйича фаолият кўрсатган. 1872 йилда мазкур жамият тугатилди [15,388-389].

А.П.Федченко «Туркистоннинг муваффақиятли ривожланиши учун у билан пухта танишиш зарур ва бу учун музей энг яхши восита» деб ёзган эди [11,38-49]. 1876 йилда Тошкент музейи ташкил этилган. У етакчи олимлар ва жамоат арбоблари А.П.Федченко, В.Ф.Ошанин, Н.А.Маев ташаббуси билан очилган Ўрта Осиёнинг биринчи музейидир [9,143.179].

Ўрта Осиёда биринчи музейнинг расмий очилиши 1876 йил 12 июлда бўлиб ўтди. 1877 йил январь ойида этнография, техник ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, тарих ва археологияга оид 1500 дан ортиқ турли хил буюмлар, 800 та қадимий тангалар ва медаллар мавжуд эди.

1880 йилда музейнинг низоми ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, унда унинг мақсади, вазифалари ва ишнинг моҳияти аниқланди.

Музейда тўртта бўлим мавжуд эди: техника, этнография, тарих, археология ва нумизматика ва қишлоқ хўжалиги.

Музейни бошқариш беш кишидан иборат кузатув кўмитасига топширилди. Музей раҳбари унга бўйсунган. Музей экспозицияси «жамоатчиликни Марказий Осиё асарлари билан таништириш ва олимлар ўз соҳасида тўпланган материалларни ўрганишлари учун» очилган.

Низомнинг ушбу банди жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, музейнинг илмий ва таълим муассасаси эканлиги таъкидланди, аммо музей ҳали бу талабга жавоб бермади, чунки унда асосан тарқоқ коллекциялар намойиш этилди. Аммо умуман олганда, Туркистон музейи фаолиятининг биринчи даври (1876-1880) анча самарали бўлган. Музей фондлари нумизматика, этнография, геология ва бошқаларга оид турли хил тўпламлар билан бойитилган.

1900 йилда музей экспозициясига 5400 киши, 1913 йилда - 35 минг,

1916 йилда - 370 минг киши ташриф буюрган, бу вақтда музей ҳар куни ишламаган.

Тошкент музейининг муваффақияти вилоятнинг бошқа шаҳарларида ҳам музейлар ташкил этишга ҳисса қўшди. Уларнинг экспонатлари турли хил кўргазмаларда намойиш этилган. Шундай қилиб, 1890 йилда Тошкент музейи экспонатлари Туркистон қишлоқ хўжалиги кўргазмасида намойиш этилди. 1900 йилда ўтказилган халқаро Париж кўргазмаси учун музей маҳаллий аҳолининг кийим-кечаклари ва кундалик ҳаёти буюмлари, миллий асбоблар, чарм буюмлар, шиша, металл, археологик ва табиий тарих бўлимларини юборди. Катта этнографик тўплам 1906 йилда Милан кўргазмасига ва бошқа жойларга юборилган [12,38-39].

Туркистон халқлари тарихини ўрганиш соҳасида ҳам катта илмий ишлар олиб борилди. Туркистон Қ(б)П Марказий Комитета ҳузуридаги партия тарихи институти маҳаллий инқилобий ҳаракатлар тарихи материалларни тўплашга киришди. Ўзбекистоннинг ўтмишдаги энг бой ёдгорликларини сақлаш ва ўрганиш тўғрисида 1918 йилда қадимий меъморий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва таъмирлаш бўйича комиссия тузилган. 1920 йилда Музейлар ва ёдгорликларни муҳофаза қилиш комитети (Турккомстарис) ўз ишини бошлади [10,27.11].

1918 йилдаги Октябрь инқилобидан кейин музей Туркистон халқ университети тасарруфига ўтказилиб, мустақил муассаса сифатида ажралиб чиқди [9,143/79].

Музей фондларини мунтазам равишда тўлдириш унинг экспозициясини 12 дан 18 хонага қадар кенгайтиришга имкон берди; 1923 йилда бу ерда 30 мингдан ортиқ буюмлар намойиш этилган. 1924 йилга келиб Ўрта Осиё музейи Туркистон ўлкасини ва унга қўшни мамлакатларни ўрганиш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар олиб борадиган ва иш олиб борадиган нуфузли илмий муассаса, иттифоқ аҳамиятига эга бўлган йирик музейга айланди. Музейда махсус илмий кутубхона ишлай бошлайди, илмий архив ва мусиқа кутубхонаси яратилди. СССР Фанлар академияси ва хорижий ўлкашунослик марказлари билан алоқалар ўрнатилмоқди. 1930 йилда музейлар тармоғини соддалаштириш, уларнинг фаолиятидаги параллелликни йўқ қилиш, ёдгорликларни бир жойга тўплаш, илмий кучларни бирлаштириш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон ССР ҳукумати Тошкент музейларини қайта ташкил этди. Улар Марказий Осиё аҳамиятига эга иккита йирик музейга бирлаштирилди [12,38-49].

Музей 1933 йилда Фанлар қўмитасига ўтказилди [9,143/79]. Музейларнинг белгиланишини улар амалда бажарган вазифаларига мувофиқлаштириш учун 1933 йил 3 апрелда (б) Ўзбекистон Марказий Қўмитаси Котибияти барча музейларга қатъий республика характерини

беришни назарда тутувчи қарор чиқарди. Халқ таълими комиссариати бюджетидан молиялаштирилади. Илгари Ўрта Осиё деб номланган барча музейлар республика музейларига айлантирилди.

1940 йил бошида Ўзбекистон тарихи ва инқилоб тарихи музейи Ўзбекистон ССР Марказий музейига айлантирилди ва шу йилнинг ноябрида унинг экспозицияси янгиланди[12,38-49].

Иккинчи жаҳон уруши республика музей тармоғи вақтинча қисқартирилиб, уларнинг бинолари эвакуация қилинган муассасаларга берилди. 1941 йил ноябрда ойида Санъат музейи, Алишер Навоий музейи Тарих музейига, Политехника музейи эса Табиат музейига бирлаштирилди. Ўзбекистонда мавжуд 17 музейдан 6 таси ёпилди. Тарих, маданият ва санъат музейида доимий кўргазма сифатида «Улуғ Ватан уруши» стенди яратилди. Ундаги экспонатлар фронтдаги ҳаёт-мамот жанглари, ўзбекистонлик жангчилар жасорати, фронт орқасидаги фидокорона меҳнат, шимолий Тошкент канали қурилишидаги матонат ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар, суратлар, ҳужжатлар, фронт газеталари, мукофотлар, қаҳрамонларнинг шахсий буюмлари стенддан кенг ўрин олди[14,66-68].

1942 йилнинг биринчи ярмида аллақачон Ўзбекистон халқлари тарихи, Улуғ Ватан уруши, совет аскарлари ва фронт орти ишчилари қаҳрамонлигига бағишланган заллар очилди[12,38-49].

1943 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ташкил этилиши билан музей илмий муассаса сифатида унинг таркибига киритилди [9,143/79].

Улуғ Ватан уруши ғалаба қозонганидан сўнг, мамлакатимизда музей ишлари янада ривожланди. Ўзбекистон ССР тарихи музейи фаолияти ҳам тобора фаоллашди. Музей ходимлари махсус ва мураккаб экспедицияларда фаол иштирок этиб, музей фондлари ва экспозицияларини тўлдирган янги қимматбаҳо материалларни очиб беришди. 1953 йилдан бошлаб, Совет Иттифоқида, биринчи навбатда, саноат корхоналари ва колхозлар маҳсулотларини ўрганиш асосида маблағларни режали сотиб олиш йўлга қўйилди[12,38-49]. 1967 йилда Ўзбекистон халқлари тарихи музейи «Мамлакатнинг энг яхши музейи» унвонига сазовор бўлди[11,455]. 1969 йилда Ўзбекистон тарихи музейига ўзбек ёзувчиси, академик М. Т. Ойбек номи берилган[9,143/79].

Музейнинг юз йиллиги, яъни 1976 йилга келганда унинг савияси анча ўсган эди, агар у XIX асрнинг 80 йилларида у 3 минг экспонатни ва 100 м² майдонни эгаллаган бўлса, энди музей 6000 м³ ҳудудда жойлашган ва 200 мингдан ортиқ Ўзбекистон халқларининг моддий ва маънавий маданияти ёдгорликларига эга. 1901 йилда унга 5400 киши, 1975 йилда эса 400 мингдан зиёд одам ташриф буюрган. Музей ва унинг

филиалларида 33 нафар илмий ходим ишлайди, шулардан 10 дан ортиғи фан номзодлари мавжуд бўлган[12,38-49].

1976 йилда музей меҳнаткашларни коммунистик тарбиялашдаги хизматлари учун ва унинг ташкил этилганлигининг 100 йиллиги муносабати билан «Фахрий ёрлик» ордени билан тақдирланди[11,455].

1980 йилда Абу Али Ибн Сино таваллудини нишонлаш борасида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг М.Т.Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ходимлари Республика олимлари қаторида қизғин фаолият кўрсатди. Биринчи навбатда IX-XI асрларга оид экспозициялари қайта кўриб чиқилди. Экскурсияга келган томошабинлар Ибн Сино яшаган давр ва олимлар ижодига оид кенг тасаввур олишлари мумкин эди[13,104-108].

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг В.И.Ленин марказий музейининг Тошкент филиалини ва Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлар тарихи музейини тугатиб, уларнинг негизида 1992 йилдан бошлаб Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистон тарихи музейини ташкил этилди. Қарорга кўра Ўзбекистон тарихи музейи илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади[3].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 5 августдаги «Ўзбекистон тарихи давлат музейини ташкил этиш тўғрисида»ги 402-сон қарори биноан Фанлар академиясининг Ўзбекистон тарихи музейига Давлат музейи мақоми берилди[4].

Ҳозирги кунда Ўзбекистон тарихи давлат музейининг илмий ва илмий-ташқилий фаолияти қуйидагилардан иборат:

тарихий, маданий, маърифий фанларнинг устивор йўналишлари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш;

кишилик жамиятининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисидаги илмий билимларнинг дастлабки (бирламчи) манбалари бўлган моддий маданият, тарихий ёдгорликларни тўплаш, бутлаш (қайта таъмирлаш), уларни илмий асосда ўрганишда жаҳон фани ютуқларидан фойдаланиш, умумлаштириш, амалиётга тадбиқ этишга кўмаклашиш, коллекциялар ҳисобини олиб бориш, сақланишини таъминлаш, илмий шарҳ бериш, уларни амалдаги мавжуд йўриқномалар ва услубий қўлланмалар талабига мувофиқ ҳужжатлаштиришни таъминлаш;

қадимий тарихий ёдгорликларни қидириш, тўплаш ва уларни ўрганиш мақсадида бошқа илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда экспедициялар ташкил этиш ва уларда қатнашиш;

ўзбек давлатчилиги тарихини, тараққиёт йўлини, жаҳон фани ва маданиятига қўшган улкан ҳиссасини кўрсатиб берадиган асл ҳужжатлар, қўлёзмалар, моддий-маънавий ёдгорликлар ва топилмалар

асосида доимий, вақтинчалик ва кўргазмалар ташкил этиш;

музей заҳира ва экспозиция залларини археологик, этнографик экспедицияларда тўпланган ашёлар, кенг халқ оммаси қўлидаги ва муассасалардаги халқимиз тарихига оид ёдгорликлар, осори атиқа буюмлар ҳисобига бойитиш;

музейнинг истиқболли мавзу-экспозицион режалари, безатиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

вилоят, туман ва бошқа музейларга музейшунослик масалаларида амалий ёрдам кўрсатиш;

хорижий мамлакатлар илмий муассаса ва музейлари билан ҳамкорлик қилишнинг турли шакллари йўлга қўйиш, иш тажрибасини ўрганиш учун ходимларни хорижий мамлакатларга юбориш ва уларнинг ходимларини қабул қилиш;

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 7 февраль кунги фармони билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлади[1]. Стратегия лойиҳаси долзарб ҳамда аҳоли ва тадбиркорларни ташвишга солаётган масалаларни комплекс ўрганиш, қонунчилик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти ва хорижий тажрибани таҳлил қилиш яқунлари бўйича ишлаб чиқилди.

2017 йил 11 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2017 — 2027 йилларда Давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори[5] тасдиқланди. Мазкур қарорда Ўзбекистон тарихи давлат музейи биноси янги қурилиш лозим бўлган бинолар рўйхатига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 ноябрдаги «Адиблар хиёбонида атоқли сўз санъаткорлари ва жамоат арбоблари хотираларига бағишлаб ёдгорлик мажмуаларини ўрнатиш ҳамда «Тошкент музейи» фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 905-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи филиали «Тошкент музейи» ташкил этилган.

Қуйидагилар «Тошкент музейи»нинг асосий вазифаларидир:

Тошкент тарихи, археологияси ва этнографияси ҳамда музейшунослик йўналишлари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш;

Тошкент воҳасидаги қадимий тарихий ёдгорликларни излаб топиш, тўплаш ва уларни ўрганиш мақсадида бошқа илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда экспедициялар ташкил этиш;

музей кўргазма залларидаги экспонатлар орқали халқни тарих бунёдкори ва моддий-маънавий бойликларни яратувчи сифатида

кўрсатиш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихни ёритиш;

республика таълим муассасалари билан ҳамкорликда музейда очик дарслар, маъруза ва семинар машғулоти, талабаларнинг малакавий амалиёт ўташини таъминлаш;

кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ходимлар таркибини истеъдодли олимлар, ёш илмий кучлар билан доимо тўлдириб бориш.

2020 йил 26 майда юқоридаги вазифаларни самарали амалга ошириш, маданият ва санъат соҳасидаги ислохотларни жадал давом эттириш, маданият органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони[2] эълон қилинди.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон тарихи давлат музейига - маданият ва тарих соҳасидаги барча музейлар фаолиятини илмий-тадқиқот ва методик жиҳатдан мувофиқлаштириш, уларнинг ушбу йўналишлардаги ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, кадрларнинг илмий салоҳиятини ошириш вазифаси юкланди. Бундан ташқари 2021 йил 1 январга қадар Ўзбекистон тарихи давлат музейида музейшунослик, санъатшунослик, маданиятшунослик йўналишларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ихтисослаштирилган илмий кенгашлар ва илмий-методик кенгашлар ташкил этиш белгилаб қўйилди.

Шунга биноан Ўзбекистон тарихи давлат музейи ҳузурида тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.02/09.07.2020.Таг. 120.01 рақамли илмий кенгаш тузилди[8]. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан Ўзбекистон тарихи давлат музейи Илмий Кенгаши таркиби тасдиқланди[7].

Музей Фанлар академияси таркибидаги илмий-тадқиқот муассаси бўлиб музейшунослик соҳасида Ўзбекистон музейлари учун таянч муассасадир. Музей ходимлари республика миқёсидаги илмий лойиҳаларни бажаради, илмий, маънавий-маърифий ва тарғибот ишларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – Б.71.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини

янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6000-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 апрельдаги «Ўзбекистон тарихи музейини ташкил этиш тўғрисида»ги 203-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 5 августдаги «Ўзбекистон тарихи давлат музейини ташкил этиш тўғрисида»ги 402-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги «2017 — 2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 975-сон Қарори

6. Академия наук в годы независимости Узбекистана / Фанлар академияси Ўзбекистон мустақиллиги йилларида. –Тошкент: Фан, 2013. -С.576.

7. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президиуми мажлисининг 2020 йил 27 ноябрдаги №ПМК-29 сонли Баёни.

8. Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг 2020 йил 9 июлдаги 282/2-сон Қарори.

9. Академия наук Узбекской ССР. Справочник. Автор-составитель А. И. Садовский. –Ташкент, 1958. -С.150.; // Академия наук Узбекской ССР Справочник. 1976. (Под ред. М.К.Нурмухамедова) -Тошкент:«Фан», 1976. -С.244.

10. Академия наук Узбекской ССР. Справочник. Автор-составитель А. И. Садовский. –Ташкент:, 1958. С-150. // Ҳ. Ф. Фозилов, А. И. Садовский. Ўзбекистонда фан тараққиёти. –Т.: 1959. 11 б.

11. Академия наук Узбекской ССР. –Ташкент: «Фан», 1983. -С.455.

12. Н.С.Содиқова. Ўзбекистон халқлари тарихи музейи 100 ёшда. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1976 йил 12-сон. 38-49 б.

13. Н.С.Содиқова. Ўзбекистон халқлари тарихи музейи Ибн Сино таваллудининг 1000 йиллигига//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1980 йил 8-9-сон. 104-108-б.

14. Н.С.Содиқова. Улуғ ватан уруши даврида Ўзбекистон музейлари// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1975 йил 5-сон. 66-68 -б.

15. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12-жилд. Ўзбекистон Республикаси. -Т.: «Ўзбекистан миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. 388-389 б.



ЎЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ БУХОРО БЎЛИМИНИНГ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ ВА ДАСТЛАБКИ ФАОЛИЯТИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.56.68.044>

Ахматов Амонкелди

Бухоро Давлат университети таянч докторанти (PhD)

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Бухоро бўлимининг қайта ташкил қилиниши ва дастлабки йиллардаги фаолияти, ҳамда унинг Бухоро адабий муҳити тарихидаги аҳамияти, шунингдек вилоятда ташкил қилинган адабий уюшма ва тўғарақлар ҳақида архив материаллари асосида энг янги маълумотлар берилди.

Калит сўзлар: Бухоро адабий муҳити тарихи, ёзувчилар уюшмаси, адабий уюшмалар, адабий тўғарақлар, адабий кечалар, «Бухоро ҳақиқати», Тошпулат Ҳамидов, педагогика институти.

СОЗДАНИЕ И НАЧАЛО ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БУХАРСКОГО ОТДЕЛЕНИЯ СОЮЗА ПИСАТЕЛЕЙ

Ахматов Амонкелди

Базовий докторант (PhD) Бухарского государственного университета

Аннотация: В статье представлена последняя информация о реорганизации и деятельности Бухарского отделения Союза писателей Узбекистана в первые годы, а также его значение в истории литературной среды Бухары, а также архивные материалы о литературном творчестве. ассоциации и кружки региона.

Ключевые слова: История литературной среды Бухары, писательское объединение, литературные объединения, литературные кружки, литературные вечера, «Бухарская правда», Ташпулат Ҳамидов, педагогический институт.

ESTABLISHMENT AND INITIAL ACTIVITIES OF THE BUKHARA BRANCH OF THE WRITERS' UNION

Akhmatov Amonkeldi

Basic Doctorate (PhD) of Bukhara State University

Abstract: The article provides the latest information on the reorganization and activities of the Bukhara branch of the Writers' Union of Uzbekistan in the early years, as well as its importance in the history of the Bukhara literary environment, as well as archival materials about literary associations and circles in the region.

Key words: *History of Bukhara literary environment, writers' association, literary associations, literary circles, literary evenings, «Bukhara truth», Toshpulat Hamidov, pedagogical institute.*

Кириш. XX аср 50-йилларига келиб Ўзбекистон ССРнинг минтақаларида ҳам адабий жараёнлар жадаллашди. Ушбу адабий доиралар вакилларининг ижоди ўзбек халқининг умумий маданиятининг бир қисми бўлиб маданий фолклор, ижтимоий хусусиятлар туфайли ўз аънаналарига эга эди. XX аср иккинчи ярмида Бухоро адабий муҳити тарихида ҳам кўплаб замонавий шоир ёзувчилар яшаб ижод қилганлар. Муҳаммаджон Васфийнинг ташаббуси билан ташкил қилинган адабий гуруҳда 1951-1955 йилларда Очил Тоғаев, Аъзам Шерматов, Тўра Жуман, Максим Каримов сингари адабиётда танилган ижодкорлар тарбияландилар. 1956-йилдан кейинги даврда Пўлат Фаттохов, Латиф Азимов, Мақсуд Қурбонов, Шоди Ражабов сингари қаламкашлар ижод қилдилар. Адибларининг бир қисми пойтахт адабий муҳитига кўшилиб, кейинги фаолияти пойтахт билан боғлиқ бўлсада, улар айнан Бухоро адабий муҳитида тарбияланган ва шуҳрат қозонган эдилар. Ўзбекистон ССР Вазилар кенгашининг 1955-йил 21-январдаги 100-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Совет Ёзувчилар уюшмасининг маъмурий бошқарув аппарати таркиби ва штат бирлиги қайта шакллантирилди. Қарорга биноан бир қатор вилоятларда Ёзувчилар уюшмасининг бўлимларини ташкил қилишга киришилди [4,2]. Ёзувчилар уюшмаси Бухоро бўлимининг қайта ташкил қилиниши ва ёш ҳаваскор ижодкорларнинг кенг жалб қилиниши Бухоро адабий муҳити тарихида янги саҳифа очди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Мавзуга оид манбалар асосини Марказий Давлат Архиви (МДА) ташкил қилади. МДАдаги бир қатор материалларни ўрганиш жараёнида Бухоро адабий муҳитига тааллуқли ҳали илмий муомалага киритилмаган кўплаб маълумотлар олинди ва илк маротаба кенг жамоатчиликка маълум қилинмоқда. Шунингдек Бухоро вилоят Давлат Архивидаги (Бухоро ВДА) ишларни ўрганиш асносида адабий муҳит тарихига оид қимматли маълумотлар қўлга киритилди ва таҳлил қилиниб илк маротаба илм аҳлига тақдим қилинмоқда. Бундан ташқари мақолани ёзишда матбуот материалларига ҳам мурожаат қилинди, жумладан, Бухоро вилояти марказий нашри бўлмиш «Бухоро ҳақиқати» газетаси материалларидан ҳам самарали фойдаланилди.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). 1955-йил 10-ноябрда бўлиб ўтган биринчи йиғилишида 50 дан ортиқ ёш ижодкорлар қатнашдилар. Ташкиллаштирилган дастлабки кенгашда

Тошпўлат Ҳамидов, Я.Гордон, А.Абдуллаев, М.Бақоев, Наврўзов, А.Мўминов, В.Туров, Шарофжон Орифий, Гулшин ва шу жумладан, куйидаги хаваскор ёзувчи, шоир, публицистлардан: Чори Файзуллаев, Туроб Ишбоев, Саъдулла Каримов, Фатҳи Равиров, Ғулом Шомуродов, Максим Каримов, Амонов, Нурулла Убайдов, Тилла Ашуров, Ҳабиб Қахҳоров, Хадича Содикова, Мукбина Шодиева, Мирфайз Казаков, Чори Биклиев ҳамда А.Ниёзмуродовлар иштирок қилишади [10,249]. Ўзбекистон ССР ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилоят бўлими котиби лавозимига Тошпўлат Ҳамидов тайинланади. Дастлабки кунларданок қизғин фаолиятни бошлаган бўлимнинг биринчи йиғилишида Ўзбекистон ССР Ёзувчилари уюшмаси Бухоро вилоят бўлими вазифалари ва ташкилий ишлар белгилаб олинади. Сўзга чиққан Тошпўлат Ҳамидов Ўзбекистон Совет ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими вазифалари ва ташкилий масалалар тўғрисида нутқ сўзлади. Бўлимнинг вазифалари ҳақида батафсил тўхталиб, Ўзбекистон Совет Ёзувчилари уюшмаси Бухоро вилоят бўлими президиуми таркибини етти (7) кишилик микдориди тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритади. Унга кўра Бухоро вилоят бўлими президиуми аъзолигига куйидаги шахслар тасдиқланади:

1. Тошпўлат Ҳамидов – аъзо. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмасининг Бухоро вилоят бўлими котиби.

2. Виктор Туров – аъзо. Бухоро вилояти Кунжиқала қишлоқ совети Охунбобоев номли мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси.

3. Шарофжон Орифий- аъзо. Молотов номли № 19-мактаб директори, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани.

4. Г.Гулшин – аъзо. «Кашқадаринская Правда» вилоят газетаси муҳаррири, Қашқадарё вилояти.

5. А.Абдуллаев - аъзо. Бухоро Давлат педагогика институти Ўзбек адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари номзоди.

6. Гардон Яков Ильич - аъзо. Бухоро давлат педагогика институти рус адабиёти кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари номзоди.

7. Муҳаммад Бақоев – аъзо. Бухоро вилоят «Бухоро ҳақиқати» газетаси адабий ходими [2,82]

1955-йил ноябр-декабр ойлари учун Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси Бухоро бўлимининг иш режасини тасдиқлаш муҳокамасида Т.Ҳамидов, А.Мўминов, В.Туров, Я.Гордон, М.Бақоев, Ғ.Наврўзов ва бошқалар иштирок қиладилар. Муҳокама хулосаси В.Туров томонидан ўқиб эшиттирилади. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси Бухоро бўлимининг таҳририят бўлимига В.Ким ҳамда М. Бақоев тасдиқланади[2,86].

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси Бухоро бўлимининг адабий жанрлар бўйича масъуллигига:

1. Ўзбек адабиёти бўлимнинг мудирини А. Абдуллаев;
2. Рус адабиёти бўлимнинг бошлиғини Яков Гордон;
3. Адабиётшунослик ва танқид бўлими раҳбарлигига А. Мўминов тасдиқланган [2,88].

Бўлимнинг 1995 йил ноябрь ва декабрь ойлари учун мўлжалланган иш режаси бажарилиши В. Туров зиммасига юкланади. Бўлим ташкил этилгандан кейинги дастлабки ташкиллаштирадиган тадбири 1955-йил декабрда вилоят мусиқали драма театрининг 25-йиллигига бағишланган юбилей кечаси тадбирини ўтказилиши А. Мўминов зиммасига юкланади. Шунингдек, А. Ниёзмуродов масъуллигида рус ва ўзбек тилларида ёзилган алманах тузишга киришилади. Колхоз ҳамда янги ерларни ўзлаштириш мавзуларида ёзадиган ёзувчи ва шоирларни тўплаш ва ўрганиш Я.И. Гордонга топширилади. Колхозлар, фабрикалар ва заводларда адабий кечаларни ташкил этиш масаласи А. Мўминов зиммасига юкланади [2,88].

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Бухоро адабий муҳити вакиллари доимий равишда Механизация мактабининг ўқувчилари билан учрашув ташкил қилинади, адабий кечаларда муаллифлар ўзларининг энг яхши шеърларидан, ҳаваскор ижодкорларнинг, таниқли рус ва ўзбек совет адибларининг асарларидан парчалар ўқилади.

Бўлим Бухоро давлат педагогика институти билан доимий алоқада бўлибмунтазам равишда учрашувлар ва семинарлар ташкиллаштирилган. Бўлимнинг ташаббуси билан партия ташкилотлари ва педагогика институти маъмурияти иштирокида вилоятнинг ёш шоирлари, шу жумладан педагогика институти талабалари: Ғ. Шомуродов, Д. Тўраев, Максим Каримов, Х. Содикова, Ф. Насиров, Т. Новичков ва бошқалар иштирокида адабий кечалар ташкиллаштирилади. Бухоро давлат педагогика институтида ҳам алоҳида адабий муҳит шаклланди. Китобхонлар конкурси, ёш ижодкорлар конференциялари ташкиллаштириб турилган. Бухоро давлат педагогика институтининг баъзи ҳаваскор ёш ижодкорлари бўлим раҳбарлиги остида республика радио тармоғида овоз ёзиш орқали чиқишлар қиладилар. Жумладан, 1956-йил 22-февраль филология фанлари номзоди А. Абдуллаев иштирокида бўлим ташаббуси билан икки марта радио чиқиш қилинади [1,4]. Бухоро вилоят пахта экиш компанияси бошланганда талабалар бўлим номидан колхоз, совхоз, чорвачилик фермаларига тарғибот-ташвиқот, кўнгилочар тадбирларда иштирок учун юборилган.

Адабий тўғараклар, адабий кечаларнинг ташкиллаштирилиши жараёнларга янги раҳл бағишлади. Ижодий уюшмалар, халқ таълими, педагогика институти ҳузурида ташкил қилинган адабий-бадиий тадбирларда адабий муҳит вакиллари фаол бўлдилар. Жумладан, 1957-

йил Бухоро халқ ижодий уйининг ҳисобот кечасида Тошпўлат Ҳамид раислигида катта тадбир ташкиллаштирилди. Кечада адиб «Ёшлигим», «Мирзачўл», «Қишлоқ йўлида» шеърларини ёд айтди. Шунингдек, Аҳмаджон Ниёзмуродов «Фестивал кўшиғи», «Ҳиндистонлик дўстимга», шеърлари билан иштирок қилди. Адабий тадбирда ёш ижодкорлар иштирокига ҳам алоҳида ўрин ажратилган бўлиб, жумладан, ўз шеърлари билан матбуотда кўрина бошлаган Бухоро Педагогика институти талабаси Максим Карим билан бир қаторда, эндигина ижод майдонига кириб келаётган мактаб ўқувчилари ҳам ўз шеърлари билан иштирок қилдилар. Адабий кечада жами 250 киши қатнашган [5,2]. «Ашула байрами»нинг 20-мартдан 25-май оралиғида ташкиллаштирилган вилоят, республика босқичларида адабий муҳит вакиллари кенг жалб қилинган. Бухоролик ижодкорларнинг бир нечта сценарийларига Тошпўлат Ҳамидовнинг «Қора сочим», «Совчи йигит» шеърлари киритилган [6,9].

1957-йил 21-июнь маълумотида вилоятда 146 та клуб, 117 та қироатхона бўлиб қишлоқ аҳолиси билан бевосита боғланган эди. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилоят бўлимининг раҳбарлигида туманларда ҳам уюшманинг шўбалари фаолият юритган. Жумладан, Гиждувон шаҳар клубида адиблар ташаббуси билан Абдулла Қаҳҳор ижодий фаолиятига бағишланган адабий кеча ташкиллаштирилади. Кечанинг иккинчи қисмида мактаб ҳаваскорлари томонидан «Оғриқ тишлар» комедияси сахналаштирилади.

Киров маданият уйида ташкиллаштирилган ижодий кечада вилоят халқ ижодий уюшмаси директори А.Мирфаёзов нутқи тингланади. Бухоролик ижодкорлардан Максим Карим. Пўлат Фаттоҳ, Равшан Шарипов ва бошқа ҳаваскор ижодкорлар ўз шеърлари билан иштирок қиладилар [7,98].

Бадий ҳаваскорлар тўгараги адиблар фаолиятида алоҳида ўринга эга бўлиб ҳар бир тадбирда уларнинг иштироки кузатилади. Туманларда ташкил қилинган уюшма бўлинмалари доимий фаолияти тўғрисида вилоят бўлимига ҳисобот бериб турган. Клуб муассасалари ҳузуридаги бадий ҳаваскорлик тўгарақларига пахта йиғим терими даврида омма орасида маданий хизмат кўрсатишни ташкил этиш вазифалари ҳақида методик кўрсатмалар марказ томонидан юборилган [7,5]. Шу ўринда алоҳида такидлаш лозим Республика Ёзувчилар уюшмаси томонидан «Қишлоқ бадий ҳаваскорлиги методик кўрсатма ва репертуарлар», Бадий ҳаваскорлик тўгарақлари учун репертуарлар рўйхати, «Клубда болалар билан ишлаш», «Клубда улуғ октябрь революциясининг 40 йиллигига атаб кеча ташкил этиш» сингари методик кўрсатмалар асосида тадбирлар ташкиллаштирилган [7,5].

1958-йил Москвада ўтказиларган «Ўзбек санъат ва адабиёт декадаси» республика маданият ва ижтимоий ҳаётида муҳим воқелик бўлиб, ёзувчи, рассом, композитор, киномотаграфия ходимларининг етуклиги ва маҳоратига ижодий имтиҳон саналади. Ушбу декадага кўпгина бухоролик хаваскор ижодкорлар ҳам тайёрлик кўрганлар. Максим Карим, Ғулом Шомуродов, Аҳмаджон Ниёмуродов, Тўра Жўраевлар Бухоро вилоят ёзувчилар бўлимининг котиби Тошпўлат Ҳамидов раҳбарлигида кўпгина асарлар устида иш олиб борганлар [7,7].

Бўлим Бухоро вилоятидаги адабий, маданият тадбирларда фаол иштирок қилиб, ташкилий ишларда самарали меҳнат қилишга интилади ёзувчилар уюшмаси қатор камчиликлар ҳал қилинмаган эди. «Бухоро ҳақиқати» таҳририяти биноти жойлашган Колхозчилар кўчаси 21-уйдаги тор хонада ишлашга мажбур бўлади. Таҳририят вақтинча ажратган иш столи ва китоб жавонлардан фойдаланади. Ёзув машинкасининг етишмаслиги материалларни лойиҳалашнинг техник томонини мураккаблаштиради ва атрофдаги ёш ижодкорларнинг хатларига доимий жавоб беришни кечиктиради [2,84].

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котибиятининг ўринбосари Алятдинов 1955-йил 28-ноябрда ёзган хатида, декабр ойининг биринчи ярмида бўлим учун ускуналар сотиб олишга ваъда беради. Алятдинов Тошпўлат Ҳамидовга маошнинг мунтазам берилиши, адабиётлар рўйхати ва қайси газета, журналлар кераклиги ёзиб юборилса имозланишини ва маблағ ажратилишини айтади [2,79]. Бироқ 1955-йил 22-декабрдаги бошқа бир ҳужжатдан маълум бўладики ваъдалар бажарилмаган, қоғозда қолиб кетган. Смета бўйича офис харажатлари учун тақдим этилган маблағлар бўлим ҳисоб рақамига ўтказилмаган. Шунингдек, адабиётларни сотиб олиш учун берилиши айтилган бир ярим минг сўм пул ажратилмай қолади.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси Бухоро бўлим котиби Тошпўлат Ҳамидов 1955-йил 22-декабр санасида Ёзувчилар уюшмасига йўллаган ҳисоботида бўлим учун зарурий эҳтиёжларига ҳеч бўлмаганда бирламчи фаолият учун керакли иш юритиш материалларини (стол, стуллар, китоб жавони ва ёзув машинкаси) тезда юборилишини, бўлим учун алоҳида бино ва хона ўзи учун квартира ажратишларини сўрайди [2,84].

Бироқ, 1956-йил июль ойидаги (8.07.1956 й) ҳужжатлардан маълум бўладики, бўлим саккиз ой давомида фаолият кўрсатаётган бўлсада, афсуски, шу пайтгача иш столи ҳам ажратилмаган эди. Тошпўлат Ҳамидов бундай шароитда ишлаш мумкин эмаслигини эслатган ҳолда яна такрор уюшмадан биринчи ҳолда, бўлим учун зарур бўлган нарсаларни ажратишини сўрайди: 1. Ёзув столи; 2. 10 та стулча; 3. Диван; 4. Китоб жавони; 5. Ёзув машинкаси; 6. Скатор ва гилам.

1956-йил бўлимга педагогика институти ҳудудидан алоҳида хона ажратилади, бироқ зарур жиҳозлар билан тامينланмаганлиги сабабли «Бухоро ҳақиқати» тахририятининг тор хонасида ишлашга мажбур бўлишган [1,15].

«Бухоро ҳақиқати» газетаси ҳузурида ёш ижодкорларнинг «Нилуфар» адабий тўгараги ташкил қилиниб ойда бир марта йиғилиб турадиган Бухоро воҳасининг турли ҳудуларидан бадий ижодга ҳавасманд аксарият қаламкашлар уюштирди. Тошпўлат Ҳамид ташаббуси билан ташкил қилинган ушбу тўгарак аъзоларининг ижод намуналари матбуотда бериб борилди. шаҳар кутубхоналарида ташкил қилинган адабий машғулотлар ҳаваскор ижодкорлар учун маҳорат мактаби бўлди. Фафур Ғулом, Уйғун, Туроб, Тўла, З.Обидов, Зулфия сингари ижодкорлар билан адабий учрашувлар ташкил қилинди. Максим Карим, Неъмат Амин, Жамол Камол, Омон Мухтор, Ғулом Шомурод ҳамда бир қанча ёшлар дастлаб ана шу даврада тажриба йиғганлардан эди. Улар сафини Мурод халил, Аҳд Ҳасан, Тожи Қораев, Яхё Ваҳобов, Тошпўлат Аҳмадлар қўшилганлар. Ушбу тўгарак фаолияти самарасида сиёсий тазйиқлар таъсирида пароканда бўлган ва узилиб қолган адабий ҳаракатчилик қайта жонланди

Хулоса қилиб айтганда, қандай шароитда бўлишидан қатъий назар адиблар коммунистик партия ва давр эҳтиёжларидан келиб чиқиб замонга муносиб асарлар яратишда давом этганлар. XX аср 60 йилларига келиб ёзувчилар ижодида фаоллик кузатилди, кўплаб йирик асарлар майдонга келди. Адабий муҳит янги кучлар билан тўлиши жараёнининг кенг кулоч ёйганини такидлаш жоиз. 1950-йиллар охири 1960-йиллар бошида Ёзувчилар уюшмаси Бухоро бўлими 70 дан ортиқ ёш ҳаваскор ижодкорларни атрофига жамлаган эди[2,83]. Бироқ ижодкорларнинг Республика Ёзувчилар уюшмасига қабул қилиниши қийинчилик билан кечди. 1957-йилда Тошпўлат Ҳамид Ўзбекистон ССР ёзувчилар уюшмасига аъзо қилинмагунча Бухородан бирорта вакил йўқ эди [8,350]. Шундан кейин бирин кетинлик билан Шариф Нурхон, Неъмат Аминов, Жамол Камол, Сафар Барно, Омон Мухтор, Аҳад Ҳасан сингари бухоролик ижодкорлар уюшма аъзолигига қабул қилина бошланди. Бухоро адабий муҳити равнақида Садр Зиё, Садриддин Айний ва Ғафур Ғуломлар бошлаб берган адабий мураббийлик анъанаси айрича таъсир кўрсатди. Тошпўлат Ҳамидовнинг бухоролик ёш ижодкорларга мураббийлиги, айниқса, 60-йиллардан эътиборан янги мазмун касб этди, адабий муҳит янги бир босқичга кўтарилди. Саъй-ҳаракатлар воситасида ёш ижодкорлар рағбатлантирила борилди. Бу силсилада 50-йилларда нашр қилинган «Бухоро куйлайди». «Октябрга гулдаста», шунингдек, 1968-йилда қайта нашрдан чиққан «Бухоро куйлайди» тўпламлари ёш ижодкорларни бир мунча уюштирибгина қолмай, балки

ўз ижодий имкониятларига ишончларини ҳам мустаҳкамлади. Натижада 60-йилларга келиб, улар ўз асарларини дадиллик билан нашр эттира бошладилар. Бухоро адабий муҳити вакилларининг асалари республика нашрларида босила бошлади. Тошпўлат Ҳамиднинг ёзувчилар уюшмасини бошқариши фаолият самарадорлигини ортишига хизмат қилди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон МДА, Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 375 иш
2. Ўзбекистон МДА, Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 405-иш
3. Ўзбекистон МДА, Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 772–иш
4. Ўзбекистон МДА, Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 369–иш, 2-варак
5. Бухоро ВДА фонд-1168, 1-рўйхат, 7-иш
6. Бухоро ВДА 1198-фонд, 1-рўйхат, 38-иш
7. Бухоро ВДА 1198-фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 7-варак
8. Қораев Т. Танланган асарлар, II жилд, Т.:»Наврўз нашриёти», 2019, –Б.455
9. Ахматов А. XX аср 50-йилларида бухоро адабий муҳити/ Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача) мавзусидаги Республика илмий-амалий (онлайн) конференция материаллари, - Б.84-87
10. Akhmatov A.N. History of Bukhara Literary Environment in 1950-1960s // Middle European Scientific Bulletin <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/index>

**ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВ И ФИРМ
В РАЗВИТИИ ХЛОПКОВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В
БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВЕКА**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.67.42.043>

Амонова Феруза

докторант Ташкентского химико-технологического института

***Аннотация:** В данной статье рассматривается развитие хлопковой промышленности в конце XIX – начале XX века, а также деятельность фирм и акционерных обществ. Статья подготовлена на основе архивных материалов Национального архива Узбекистана, анализа исторической литературы Российской Федерации, Узбекистана и дальнего зарубежья, а также на основе материалов прессы того периода.*

***Ключевые слова:** Акционерное общество, фирмы, хлопкоочистительные заводы, машина джин, банки, каракульская шерсть, шёлк, русские капиталисты, местные инвесторы.*

**ACTIVITIES OF FIRMS AND JOINT-STOCK COMPANIES ON THE
DEVELOPMENT OF THE COTTON INDUSTRY AT THE XIX – THE
BEGINNINGS OF THE XX CENTURIES IN THE BUKHARA EMIRATE**

Amonova Feruza

doctoral student of the Tashkent institute of chemical technology

***Abstract:** This article examines the development of the cotton industry in the late 19th – early 20th centuries, as well as the activities of firms and joint stock companies. The article was prepared on the basis of archival materials of the Central State Archives of the Republic of Uzbekistan, analysis of the historical literature of the Russian Federation, Uzbekistan and far abroad, as well as on the basis of press materials of that period.*

***Key words:** Joint-stock company, firms, gin factories, gin machine, banks, karakul wool, silk, Russian capitalists, local investors.*

**XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА
ПАХТА САНОАТИ РИВОЖЛАНИШИДА АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТЛАРИ ВА ФИРМАЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ**

Амонова Феруза

Тошкент кимё-технология институти таянч докторанти

***Аннотация:** Мақолада XIX аср охири XX аср бошларида амирликда пахта саноатининг ривожланиши, фирма ва акциядорлик*

жамиятларининг фаолияти, пахта ва пиллачиликка асосланган саноат турлари ва корхоналарини ташкил этишига оид масалалар Ўзбекистон миллий архиви материаллари, хорижий адабиётлар ва матбуот материаллари асосида тайёрланган.

Калим сўзлар: *акциядорлик жамияти, фирма, пахта тозалаш заводи, жин, банк, қоракўл тери, рус тадбиркорлари, маҳаллий сармоядорлар.*

В период колонизации Российской империи в среднеазиатских ханствах ведущей отраслью стала хлопковая промышленность. В частности, в Бухарском эмирате одним из основных целей было расширение выращивания хлопка, переработка местного выращенного хлопка, получения масла из хлопкового волокна. Если раньше русские торговые владельцы занимались закупкой местного хлопкового волокна, то позже с целью развития этой отрасли всё внимание было уделено выращиванию быстро поспевающего сорта хлопкового волокна из Америки. В результате этого были построены крупные холдинги, фирмы и акционерные общества по хлопководству, а также хлопкоочистительные заводы.

Во второй половине XIX века акционерные общества были одними из самых распространённых и быстроразвивающихся форм предпринимательской деятельности. Создание акционерных обществ активно развивалось в Российской империи по сравнению с Западной Европой. Однако на пороге XX века, после создания правовых основ формирования акционерных обществ, началась новая эпоха деятельности обществ [1].

Акционерное общество является крупным капиталистическим объединением, занимающееся капиталом, накопленным акционерами. А фирмой называется торговое предприятие, основанное на производстве. Вместе с развитием деятельности этих двух объединений к концу XIX века в Бухарском эмирате развивалась промышленность перепроизводства.

Множество фирм, проявивших свою деятельность в конце XIX – начале XX века, считались коммерческими объединениями в промышленной, торговой, сельскохозяйственной областях. Американский исследователь Джонн Мскай в своей монографии [2] раскрыл роль иностранных инвесторов, значение международных фирм и акционерных обществ в развитии промышленности в Российской империи на основе архивных материалов. В данной монографии указывается, что фирма образовывается на основе одного из экономически задействованных предприятий и формируется за счёт технологического

присоединения рабочей силы. На самом деле, фирмы, проявившие свою деятельность в Бухарском эмирате образовались самостоятельно или из союза нескольких производственных объединений.

Российский исследователь, кандидат юридических наук Т.К.Красильникова в своём исследовании[3] изучает с исторического и юридического аспекта деятельность акционерных обществ в Российской империи в конце XIX – начале XX века. Согласно её мнению, в Российской империи был разработан ряд проектов для формирования и упорядочения акционерных обществ. В основном, разработанные в 1867, 1872 и 1898 годах проекты были обсуждены в правительственном кругу империи. Однако такие моменты, как то, что ни один из этих проектов не был подтверждён и не имел правовой действительности, а также отсутствие правовой базы для упорядочения и защиты прав акционерных обществ оказали негативное влияние на развитие акционерных обществ.

Если поначалу торговые дома, фирмы и компании в Бухарском эмирате занимались закупом меха и других тканевых продуктов, то в последствии после расширения выращивания хлопка основное внимание уделялось торговле хлопка. В 1867 году фирма «Багина» выкупила каракульскую шерсть чёрного цвета и обычную шерсть ягнёнка, а фирма Осипова за год – 1200 штук 25 аршин мовута. Фирма Сучковой и Богомозова, а также фабрики Морозова, Соколовой и Шереметовой выкупили ткань в светло-красном цвете. Фирма Баранова купила ткани с принтом тюльпана и мелко-полосатые хлопчатобумажные ткани, а фирмы Пасилина, Самсонова, Барусова, Гандурина, Журова – обычные полосатые хлопчатобумажные ткани. Торговлей длинных и коротких платков занималась фирма Баранова. Закрученным хлопком занимались фирмы Морозова, Хлудова Лодера[4]. Торговые отношения между Российской империей и Бухарским эмиратом были укреплены договорами, подписанными обеими сторонами в 1868 и 1873 годах.

Русский инвестор Николай Павлович Кудрин, имевший своё место в торговой промышленности Бухарского эмирата во второй половине XIX века и проявлявший свою деятельности в отдельности, являлся директором Среднеазиатской торгово-промышленной компании «Н.Кудрин и К». Главный правительственный орган компании находился в Оренбурге. В нескольких городах России находились отделы компании. Его интересовали качественные продукты из хлопка, сырого шёлка, каракульской шерсти и шерсти, изготовленные в Средней Азии, а также тот факт, что эти продукты очень ценились на Европейском рынке и каракульская шерсть изготавливается в мире только на одном месте – в Каракульском районе Бухарского эмирата.

Компания в первые же дни своей деятельности начала привозить хлопковые семена из Америки, чтобы выращивать в Средней Азии американский сорт хлопка. Александр Лукич Лосев столкнулся со многими трудностями при привозе хлопкового семени из Америки. После этого начали привозить семена из Марсели. Хлопчатник, выращенный в Средней Азии, отправлялось под названием «Зайтун» в Марсель в заводы по производству масла[5].

Как приводится в монографии В.И.Массальского «Хлопководное дело в Средней Азии и его будущее», земельная территория, отданная в дар бухарским эмиром, была дана на пользование в течение 10 лет. Первые 4 года компания была освобождена от земельного налога. Кроме этого компания имела хлопкоочистительный завод в Новом Чарджуе, работавший на паровой силе, где 60-80 джин машин перерабатывали хлопок. Завод перерабатывал 1200 пуд сырого хлопка за день. Из этого получали 400-450 пуд чистого волокна. 1 пуд чистого волокна расценивался в 10 копеек, а кип оставшегося хлопка – в 50 копеек. В 1889 году завод очистил 30 000 пуд хлопка, а в 1890 году – 50 000 пуд. В феврале 1890 года начал свою деятельность хлопкоочистительный завод компании в Сарипуле. В этом заводе было установлено 4 джин машины, которые двигались на паровой и водяной силе[6].

По влиянию на хлопковом рынке и по количеству инвесторского обращения среди фирм и компаний в Бухарском эмирате были лидером мануфактура Большого Ярославля. Эта фабрика смогла конкурировать с Среднеазиатской торгово-промышленной компанией «Н.Кудрин и К» по продаже хлопка американского сорта.

Из-за отсутствия в городе Бухаре – столице Бухарского эмирата – торговых компаний, специализированных на переработку, прессование и отправку хлопка, в 1890 году начал свою деятельность хлопкоочистительный завод мануфактуры Большого Ярославля, основанная братьями Корзинковыми. В заводе были установлены 2 гидравлика[7]. С целью покупки в большем количестве и переработки местного хлопка в 1891 году был построен хлопкоочистительный завод, находившийся в ½ верст от Новой Бухары (Кагана). В этом заводе было установлено 8 джин машин для очистки хлопка, и один гидравлик. Завод двигался с помощью 3 приборов на паровой силе[8].

Хлопкоочистительный завод, относящийся к мануфактуре Большой Ярославль, построенной в 1892 году и находящейся в половине верст от Нового Чарджуя, там были установлены для очистки хлопка 5 джинов (25 с пилой) и 1 устройство-проводник. Также было установлено одно устройство для прессования хлопка, которое работало на основе ручной силы. Завод работал на основе паровой силы. В 1889 году 22.000

пуд хлопка, переработанных в этом заводе, были экспортированы зарубеж. Кроме того, хлопок, купленный в Новом Чарджуе и Карки, был отправлен в разные города Европы и Российской империи через общества Меркурий и Кавказ. С ноября 1888 года по ноябрь 1889 года производственное общество купило стоимостью 5 рублей 50 копеек за пуд всего 240.000 пуд хлопка у бухарских местных маклеров[9].

В начале XX века было внедрено перечисление для торговли хлопком. В течение 1912 – 1913 годов мануфактура Большой Ярославль с целью покупки хлопка высокого качества перечислила в свой Чарджуйский отдел 495.000 рублей, а в Бухарский – 880.000 рублей[10]. Общество купило хлопок высокого качества из Чарджуйского отдела посредством местного собственника Музаффара Саида Ахметовича Шохпулатова из территории эмирата в 1909 – 1910 годах стоимостью в 960 рублей, а в 1913 – 1914 годах – в 1.200 рублей[11].

Средиевреев, живших в Бухарском эмирате (Бухарские евреи) развился слой крупных торговцев, предпринимателей и промышленников. Одна их часть владела своими торговыми домами в Оренбурге и Москве. В особенности, братья Катан и Хаим Вадьяевы, Рафаэль Шоломович Потеляхов, братья Ягудаевы, Фузайлов, Симхаев, Рыбаков, Давидов, Арабов, Кобул Абрамов и другие крупные предприниматели занимались производством[12]. С 1900 года фирмы Х.Вадьяева и Р.Ш.Потеляхова также начали деятельность в Бухарском эмирате. Сыновья Хаима Вадьяева были также предпринимателями и имели свою семейную торговую компанию. Начиная с 1902 года братья Вадьяевы на основании партнёрства создали торговый дом. В Туркестане действовало 11 частных и 20 арендованных хлопкоочистительных и маслопроизводственных заводов, принадлежащих фирме братьев Вадьяевых[13]. В некоторых источниках гласит информация о том, что в 1912 году годовой оборот торгового дома Вадьяевых составлял 50 млн рублей, что они владели 30 хлопкоочистительными и 5 маслопроизводственными заводами, а также все заводы были оборудованы современной техникой и по оборудованию завода они были на передовом месте[14].

«Торговая компания Потеляхова», принадлежавшая торговцу 1-ой гильдии Коканда, родом из бухарских евреев Рафаэлю Шоломовичу Потеляхову и его сестре Эстер Шоломовне Давидбаевой, занималась куплей-продажей готовых продуктов из хлопкового сырья и хлопкового сырья, а также очищенного хлопка. Компания владела своим хлопкоочистительным, хлопкоперерабатывающим и маслопроизводственным заводами. Произведённые продукты экспортировались в страны Европы и Азии.

Рафаэль Потеляхов был первым в городе Бухара, кто занимался

упакованием и продажей чая и специй. Позже Рафаэль переехал в Коканд и открыл магазин тканей со своим партнёром Шаломо Мусаевым [15]. Он начал заниматься производством в Средней Азии, в особенности в Ферганской долине начиная с 1889 года. Впоследствии был владельцем большого имущества в хлопковой и производственной промышленности. В Андижане, Маргилане, Ташкенте, Коканде, Термезе, Чарджуе, Челаке, Шахрисабзе и Новой Бухаре были основаны филиалы «Торговой компании Потеляхова» [16].

Братьям Рафаэлю и Натаниэлю Потеляховым принадлежали 36 фирм и 2 завода хлопкового масла. Они считались одними из самых богатых людей Бухарского эмирата и Туркестанского края. Р.Потеляхов получил прозвище короля хлопководства в Туркестане и управлял фирмой «Торговая партнёрская компания Потеляхова». Он организовал строительство железной дороги из Асаки до Ванновской станции (1913). Открыл в Коканде школу бухарских евреев и обеспечивал её (1905).

Иван Григорьевич Стахеев, крупный русский предприниматель, живший в городе Елабуга Казанской губернии Российской империи, начал свою предпринимательскую деятельность в сотрудничестве с Прокопием Петровичем Батолином в 1899 году. Они занимались на территориях Российской империи куплей-продажей зерна, торговлей нефтью и керосином, а также производством продуктов для нужды населения. В 1905 году с целью развития торговых сетей он со своими шестью сыновьями основал торговый дом «И.Г.Стахеев и К» [17]. Торговый дом занимался производством зерновых и табачных продуктов, чая, сахара, а также торговлей нефтяных продуктов.

С разрешением Бухарского эмира Саида Алимхана (период правления: 1910 – 1920 гг.) торговый дом «И.Г.Стахеев и К» планировали строительство маслопроизводственного завода, нескольких паровых мельниц, тянувших около 2 000 000 пуд пшеницы за год, а также фабрики переочистки шерсти на территории эмирата. На основании партнёрства он начал устанавливать орошательные каналы на земельной территории, купленной у Бухарского правительства, с целью расширения выращивания хлопка [18].

Торговый дом «И.Г.Стахеев и К» осуществляли партнёрские отношения с Бухарским правительством через Русско-Азиатский банк. Иван Григорьевич Стахеев осенью 1916 года предложил образовать концерн для Бухарского правительства, то есть дать возможность заниматься развитием выгодных сфер промышленности и улучшением торговли в Бухарских землях [19]. Управление Русско-Азиатским банком и большая часть банковских средств перешла во владение И.Г.Стахеева. В 1917 году Иван Григорьевич Стахеев получил право на образование

Русско-Бухарского банка[20].

И.Г.Стахеев выкупил у эмира Саида Алимхана за 25 миллионов золотых рублей, взятых на кредит с 8 процентами, несколько крупных компаний Российской ткацкой промышленности. В особенности, он инвестировал в мануфактуры Нева, Шуя, Шибанов и Старо-Горькин и начал их деятельность[21].

Крупный русский предприниматель А.А.Нератов за период своей деятельности побывал несколько раз в Бухарском эмирате и установил тесную связь с эмиром. Непосредственно через него эмир Бухары через Русско-Азиатский торговый банк инвестировал 33 миллиона золотых рублей для Большой Русской фабрики по производству бумаги в России, 2,5 миллиона – для образования Русско-Бухарского банка, 2,5 миллиона – для Русско-Бухарского акционерного общества, 3,5 миллиона золотых рублей – для построения Бухарской железной дороги[22].

Для купли-продажи хлопка в Бухарском эмирате было основано Русско-Бухарское торгово-промышленное общество. 14 декабря 1913 года крупные инвесторы, имевшие несколько хлопкоочистительных заводов, образовали крупное монополистическое объединение. Каждый член объединения в определенном количестве покупал хлопковое сырьё. Например, мануфактуре Большой Ярославль было поручено купить 12% хлопка, Мухиддинову – 13 %, Л.Н.Левину – 9 %, Ш.Ш.Двоскину – 9%, М.Г.Флакману – 10%, В.И.Леву и П.И.Поляку – 10%, Зирабулакскому хлопкоочистительному заводу – 8 %. Общество было в 1917 году превращено в Русско-Бухарский банк[23].

Как приводится в документах, хранящихся в фонде И-99 Национального архива Узбекистана, в секретном отчёте казикаляна Бухарского эмирата в 1915 году Бухарскому представителю политического агента Российской империи Я.Лютцу были приведены сведения о крупных фирмах, купивших на территории эмирата хлопок высшего сорта, а также об их представителях и о количестве купленного хлопка. Кроме того, в отчёте указаны названия больше 45 фирм и их представителей, купивших хлопок на территории ханства в 1912 – 1915 годах[24].

В сентябре 1905 года русские фирмы в Москве, занимающиеся каракульской шерстью, расширили связи с политическим агентом в Бухаре и начали покупать каракульскую шерсть в более высоком количестве. Торговый дом «Стуккен и К» занимался куплей шерстяных тканей. Его центр находился в Москве, и среди его членов были также немецкие граждане. Немецкие фирмы покупали ежегодно каракульскую шерсть в среднем 100 тысяч штук. Фирмы Торер, Килин и Рейхенштейн с условием оплаты дополнительного налога Бухарскому

правительству занимались торговлей каракульской шерсти через своих представителей. Бухарское правительство в договоре с министерством финансов устанавливает таможенную пошлину в 5 рублей за каждые 10 штук каракульской шерсти, которая должна быть вывезена за границу. Отдел немецкого торгового дома Торер в Бухаре проявлял свою деятельность под руководством Дюршмидта Воронова. 12 мая 1914 года компания Г.В.Дюршмидта в летнем дворце эмира Ситораи Мохи Хоса договорилась с эмиром об организации купли-продажи каракули и других шерстяных продуктов[25].

В начале XX века в Бухарском эмирате проявляли свою деятельность представители международных фирм. В особенности, Парижский торговый дом «Revillon Freres» основал в Средней Азии свои прилавки по торговле меха. Один из представителей торгового дома, предприниматель Бюдло Бло купил каракульскую шерсть у бекства Карки в большом количестве. Одна из французских фирм «Рейхман и Джевецкий» занимались покупкой хлопка в Бухаре. Один из руководителей фирмы Джевецкий близ Каганской станции Закаспийской железной дороги в августе 1890 года построил хлопкоочистительный завод, работающий на пару. Изначально в заводе был один джин (с 60 пилами) и несколько машин, отделяющих сырой хлопок из хлопчатника. Впоследствии было запланировано установить в заводе 4 джина устройство получения хлопкового масла. Этот завод считался первым заводом, очищающим влажный хлопок, но из-за не современного обустройства хлопок в нём очищался в маленьких кусках. В результате этого хлопок был безкачественный и сушился с кусочками хлопчатника внутри хлопка.

В городе Бухара представитель фирмы «Рейхман и Джевецкий» Лодз имел хлопкоочистительный завод. Хлопок для завода покупался у мелких местных маклеров Чарджуя. Кроме того, близ Самаркандских ворот города Бухары находился хлопкоочистительный завод, принадлежавший предпринимателю Штейну и работавший на лошадиной силе[6] группы предпринимателей увеличили свои средства посредством торговли хлопком[26].

Также Английская торговая фирма «Reichardt Bro» покупает каракульскую шерсть и шерстяную ткань. Представитель фирмы Рейхардт запланировал покупку шерсти в Бухаре через 12 агенств на 12 лет. Основным пунктом продажи каракули было бекство Карки. Один из представителей фирмы Эрнест Паркинсон организовал покупку тканей из Чарджуя. Фирма купила в Бухаре в 1914 году 80-90 тысяч пуд шерсти[27].

В Бухарском эмирате также проявляли свою деятельность торговые дома, принадлежавшие местным собственникам и ставшие

конкурентами зарубежным фирмам и торговым домам. Крупный предприниматель на рынке каракули Мирза Мухитдин Мансуров имел несколько хлопкоочистительных заводов в Бухарском эмирате и был основателем «Торгового дома Мансурова». Он финансово поддерживал первую газету в Бухаре – «Бухорои Шариф», а также обеспечивал новометодные школы. Мирза Мухитдин Мансуров через «Торговый дом Мансурова» имел свои магазины ткацких и каракульских продуктов в Милане, Риме, Берлине, Лондоне, Москве и Петрограде. Он считался крупным собственником, активно сотрудничавшим при купле-продаже хлопка с такими инвестиционными зарубежными торговыми компаниями Америки, Франции, Германии, Англии и других стран, как Стужин, Рихтер, Зельман, Иранан, Дюршмит, Торер, Клинт[28].

В заключение можно сказать, что в конце XIX – начале XX века предпринимательские объединения в Российской империи вели свою деятельность в виде полного партнёрства, ограниченного партнёрства, артели и акционерных обществ. Зарубежные фирмы, предприятия, акционерные общества, торговые дома, проявлявшие свою деятельность в Бухарском эмирате, хоть и были основаны с целью личной выгоды, но привели к относительно большим изменениям в экономике эмирата. Эти процессы сначала расширили ряд местных собственников, а позже и привели к формированию владельцев современно оснащенных фирм и крупных предпринимателей, образовавших торговые дома, которые могли соперничать с иностранными фирмами.

Образованные объединения привели и к положительным, и к отрицательным последствиям в социальной жизни населения. Во-первых, это стало причиной изменения духовности, начиная от городского населения, заканчивая простым деревенским населением. Если последствием расширения постройки заводов и фабрик со стороны фирм некоторая часть населения была обеспечена работой, то деревенское население, после усиления внимания к хлопку, осталось без своего земельного имущества и обанкротилось со стороны местных богачей. В результате изменения образа жизни, недовольства населения, пострадавшего от фирм и торговых домов, политических процессов в 1917 году и из-за завоевания Бухарского эмирата красной армией в сентябре 1920 года деятельность многих предприятий и фирм была ликвидирована.

Источники и литература:

Глазовский Д.Ю. История акционерного законодательства Российской империи: XIX - начало XX вв. Автореф. дисс... канд. юридических наук. – Москва. 2005. С. 34.

Mckay J. Pioneers for profit. Foreign entrepreneurship and Russian

industrialization, 1885-1913. Chicago, 1970. - P. 312.

Красильникова Т.К. Правовой статус акционерных обществ в России в XIX - начале XX веков: Историко-правовой аспект. Автореф. дисс... канд. юридических. наук. – Саратов. 2001. С. 27.

Мир Солих Бокчурин. Цены товарам и продуктам в Бухаре // Туркестанский сборник. Том 8. Ташкент, 1868. –С. 21-25.

Варенцов А.В. Слышанное. Виденное. Передуманное. Пережитое (Россия и мемуарах). –Москва.: 2011, С. 25-45.

Массальский В.И. Хлопковое дело в Средней Азии (Туркестан, Закаспийская область, Бухара и Хива) и его будущее. – Санкт-Петербург, 1892. С. 142.

Национальный архив Узбекистана, ф. И-3, оп. 1, д. 840, л. 53.

Гулишамбаров С.И. Экономический обзор Туркестанского района обслуживаемого Средне-Азиатской железной дорогой. Том. 2. – Асхабад, 1913. С. 272

Национальный архив Узбекистана, ф. И-99, оп. 1, д. 52, л. 56.

Национальный архив Узбекистана, ф. И-99, оп. 1, д. 82, лл. 12-13.

Национальный архив Узбекистана, ф. И-99, оп. 1, д. 323, л. 55.

Каганович А. Друзья поневоле: Россия и бухарские евреи, 1800-1917. – Москва.: «Новое литературное обозрение», 2016. С. 97.

Тухтаматов Т. Россия и Бухарский эмират в начале XX века. Ташкент.: «Фан», 1977. С. 134.

Вавилова Т. Вадьяевы-Писма и Ташкенте // <https://mytashkent.uz>

Устав «Потеляховского торгово-промышленного товарищества на паях». – Москва, 1913. С. 1-3.

Рыбаков И.Рафаэль Потеляхов // http://plada.info/ner_zikaron_potelyahov.asp

Платонов О. А. 1000 лет русского предпринимательства. Из истории купеческих родов // <https://history.wikireading.ru>

Сааков В.Г. История Бухары: 100 вопросов и ответов. – Ташкент.: «Шарк», 1996. – С. 76-97. <http://www.bukhara.uz>

Национальный архив Узбекистана, ф. Ф-23, оп. 14, д. 766, л. 6.

Вафина А.Д. Елабужские купцы-меценаты Стахеевы // «Русская история». №5. 2014.

Холбоев С. Бухоро амирлигининг олтин хазинаси (тарихи, тақдири, таҳлили). – Тошкент.: «Фан», 2008. Б. 109.

Михайловский Г. Н. Записки. Из истории российского внешнеполитического ведомства, 1914–1920 гг.

Национальный архив Узбекистана, ф. И-99, оп. 1, д. 113, л. 84.

Национальный архив Узбекистана, ф. И-99, оп. 1, д. 45, л. 78 и обр.

Национальный архив Узбекистана, ф. И-3, оп. 2, д. 101, л. 144.

Национальный архив Узбекистана, ф. И-99, оп. 1, д. 70, л. 27.

Национальный архив Узбекистана, ф. И-126, оп. 2, д. 140, л. 15.

Abduxoliq Nabaviy. «Buxoroi sharif» sarog'ozii matbuoti milliy. – Dushanbe.: «Buxoro», 2012. С. 27-30



МИЛЛИЙ МАФКУРА – ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИНИ БОЙИТИШДА МУҲИМ ОМИЛ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.83.92.042>

Жумаев Рустам Ганиевич

*сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Бухоро давлат
университети*

Аннотация. Мақолада миллий мафқуранинг ёшлар дунёқарашини бойитишида асосий муҳим омиллардан бири эканлиги мисоллар орқали исботланган. Миллий мафқуранинг ёшлар онгига сингдиришининг асосий тамойиллари унинг илмий жиҳатдан асослангани ва мунтазамлиги, очиқлик ва бағрикенглик, тарихийлик ва замонавийлик, универсаллик ва мослашувчанлик каби хусусиятларга эга эканлиги билан ифодаланади. Миллий мафқуранинг ёшлар онгига сингиши халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариб, Ўзбекистоннинг янги тарихида учинчи ренессанс даврининг бошланишига хизмат қилади.

Калит сўзлар: миллий мафқура, ёшлар дунёқараши, гоё, бағрикенглик, тарихийлик, замонавийлик, универсаллик, мослашувчан.

НАЦИОНАЛЬНАЯ ИДЕОЛОГИЯ - ВАЖНЫЙ ФАКТОР ОБОГАЩЕНИЯ МИРОВОЗЗРЕНИЯ МОЛОДЕЖИ

Джумаев Рустам Ганиевич

*Доктор философии (PhD) по политическим наукам, Бухарский
государственный университет*

Аннотация. В статье на примерах доказываемся, что национальная идеология является одним из важнейших факторов обогащения мировоззрения молодежи. Основные принципы внедрения национальной идеологии в сознание молодежи характеризуются ее научностью и регулярностью, открытостью и толерантностью, историчностью и современностью, универсальностью и гибкостью. Внедрение национальной идеологии в сознание молодежи позволит реализовать огромный интеллектуальный и духовный потенциал нашего народа и послужит началом третьего возрождения в новейшей истории Узбекистана.

Ключевые слова: национальная идеология, мировоззрение молодежи, идея, толерантность, историчность, современность, универсальность, гибкость.

NATIONAL IDEOLOGY IS AN IMPORTANT FACTOR IN ENRICHING THE WORLDVIEW OF YOUNG PEOPLE

Djumayev Rustam Ganiyevich

Doctor of Philosophy (PhD) in Political Science, Bukhara State University

Abstract. *The article proves with examples that national ideology is one of the most important factors in enriching the worldview of youth. The basic principles of introducing national ideology into the minds of young people are characterized by its scientific nature and regularity, openness and tolerance, historicity and modernity, universality and flexibility. The introduction of national ideology into the minds of young people will allow realizing the huge intellectual and spiritual potential of our people and will serve as the beginning of the third revival in the modern history of Uzbekistan.*

Key words: *national ideology, youth worldview, idea, tolerance, historicity, modernity, universality, flexibility.*

Кириш. Ўзбекистонда юз бераётган янгиланишлар жараёни, янги Ўзбекистонни вужудга келтириш ҳодисаси, учинчи Ренессансни бунёд этишга сафарбарлик истаги, айтиш мумкинки, бутун моҳияти билан миллий мафқуранинг мазмунини, моҳиятини ўзида мужассам этган, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таклиф этган «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» шиорига хос ва мос бўлиб, серқирра ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш ва замонавий цивилизация талаблари асосида шакллантиришни мақсад қилиб олганлиги билан аҳамиятлидир. Бу борада мамлакатимиз раҳбарининг: «Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир» [2], - деган эътирофи унинг нақадар долзарблигини юксалтирган. Бу миллатнинг ўзлигини англашига, ҳар бир фуқаронинг ўзини ўзи қадриятга айлантириш инстинктини кучайтиришга, инсон онги ва қалбини тубдан ўзгартиришга олиб келади. Ана шу ижтимоий-сиёсий ҳодисанинг ўзи Ўзбекистон янги Ренессанс олдида турганини кўрсатади. Дарҳақиқат, учинчи Ренессанс ғояси миллий ғоянинг табиий равишда ҳар бир фуқаронинг ички эҳтиёжи, ҳаётий мақсади, оиласи, фарзандлари истиқболи билан боғлиқ бўлиб кетган умуммиллий қадриятнинг ўзгинасидир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, миллий ғоя Ўзбекистонда ҳар бир фуқаро эрки, мустақиллиги, қадру қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган ва барча фуқароларни умуммиллий тараққиётга дахлдорлик туйғусини жонлантирадиган, ривожлантирадиган қудратли кучга, уларни бирлаштирувчи ягона миллат ва ягона умуммиллий манфаат ғоясига хизмат қиладиган қудратга айланди. Бу эса, ижтимоий фанларда

алоҳида тадқиқотни, илмий-назарий жиҳатдан ўрганишни, уни яхлит жараён сифатида таҳлил қилишни долзарб масалага айлантирмақда.

Инсон тафаккурининг маҳсули сифатида мафкура миллий-маданий меросни, умуминсоний қадриятларни, ижтимоий-маънавий ҳаётни, теварак оламни ўрганиш, билиш жараёнида вужудга келади. Ижтимоий онгнинг барча шакллари: илм-фан, фалсафа, дин, сиёсат, санъат ва бадиий адабиёт, ахлоқ ва ҳуқуқ муайян бир ғояларни яратади, уларга таянади ва уларни ривожлантиради.

Мамлакатда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бериш борасида мустақкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллашиб бормоқда. Хусусан, парламент томонидан 2021 йилгача ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида 2 та қонун ва 16 та қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Таълим ва тарбия тизимини тубдан қайта қуриш борасида ҳамдўстлик мамлакатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонда иш бошланди. Бу ишларнинг жами назаримизда, қуйидаги йўналишларни ўз ичига олди ва ёшлар дунёқарашини бойитиб боришни илмий ҳамда амалий йўналишга солиш имконини берди. Биз буларни қуйидагича белгиладик:

1. Миллий тарбия.
2. Эстетик онгни тўғри шакллантириш.
3. Маданий-маърифий тарғибот олиб бориш.
4. Мақсадли йўналтириш.
5. Коррекциялаш.
6. Ёшлар истеъдодини рўёбга чиқариш.

Адабиётлар таҳлили. Таълим соҳасидаги социологик тадқиқотлар мустақиллик йилларида ёшлар орасида олий таълим нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётганлигини кўрсатди. Ёшлар касб танлаш орқали дунёқарашини мақсадли тарзда бойитиб бораётгани маълум бўлмоқда. Касб танлаш ёшларнинг пухта ўйланган, мустақил қарори асосида амалга ошмоқда ва бу кўрсаткич кейинги 3-4 йил мобайнида кескин ўсиб бормоқда. Масалан, 2020 йилда Давлат бюджети харажатларнинг қарийб ярми ижтимоий соҳага ёки умумий харажатларнинг 22,9 фоизи таълим соҳасига йўналтирилиши кутилади. Ўзбекистон кейинги йилларда таълим тизимида давлат бюджети харажатининг 23-29 фоизини сарфламоқда. Бу жаҳондаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. «Эҳтимол, мамлакат Президенти ташаббуси билан Ўзбекистонда амалга оширилганидек, энг мураккаб давр ҳисобланган ўтиш даврида бўлган ҳеч бир мамлакат таълим тизимининг моддий-техник базасини ислоҳ қилиш ва мустақкамлашга бунча маблағ ажратмаган бўлса керак». [3]

Харакатлар стратегияси асосида кечаётган шиддатли ислохотлар халқнинг келажакка ишончини мустаҳкамлаш, уни бунёдкорлик ишларига сафарбар қилиш, жамиятда учраётган иллатлар, хусусан, лоқайдлик, боқимандалик ва коррупция каби ҳолатларга қарши фаол курашишга даъват этмоқда. [3] «Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак», «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ», «Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади», «Халқ биздан рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади», «Адолат – қонун устуворлигида», «Маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди!», «Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир» сингари тамойиллар ҳаётга изчил жорий қилинмоқда. Бу эса, миллий юксалиш ғоясининг халқ иродаси сифатидаги мақомини оширишга хизмат қилмоқда. Бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган, жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётган демократик ислохотлар ортга қайтмайдиган муқаррар тус олгани халқимиз, айниқса, ёшлар онгида эртанги кунга мустаҳкам ишонч туйғуларини уйғотмоқда, уларни буюк бунёдкорликларга сафарбар қилмоқда.

Дунёда бораётган глобаллашув жараёнларининг салбий оқибатлари, янги мафкуравий хавф ва таҳдидлар кўламининг кенгайиб бораётгани унинг аҳамиятини оширмоқда. Бунда мамлакатни шиддат билан тараққий этиб бораётган дунёга мос равишда ривожлантириш, жамият аъзоларини, айниқса, ёшларни миллий юксалиш йўлида янада бирлиштириш ва сафарбар этиш муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг дунёқарашида дунёвийлик ва динийликнинг соғлом мувозанатини таъминлаш, инсоф, виждон, диёнат каби ахлоқий қадриятларга таяниб яшаш ва фаолият юритишни фуқароларнинг дунёқараши ва ҳатти-ҳаракатига сингдириб бориш; мамлакатнинг кўпмиллатли бағрикенг диёр эканини англаб яшаш, «Миллий ғоя – бизнинг ғоя» деган тушунчани барча миллат ва элат вакиллари ўртасида кенг тарғиб қилиш.

Таҳлил ва мулоҳазалар. Умумий олиб қараганда, мафкура дейилганда бу муайян ижтимоий гуруҳ, синф ёки халқнинг дунёқарашини ифодалайдиган илмий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий ёки бошқа (масалан, диний) томондан тизимга солинган ғоялар, тамойил ва категориялар йиғиндиси ҳамда уларни жамият ҳаётига татбиқ этиш йўллари, усул ва воситалари мажмуаси тушунилади.

Мафкурани илмий жиҳатдан ўрганганда у асосан уч таркибий қисмдан ташкил топганлиги маълум бўлади. Унинг ушбу таркибий қисмлари қуйидагилар:

биринчиси, муайян тизимга солинган (илмий, фалсафий, диний ва бошқа томондан асосланган) ғоялар, категориялар, тамойиллар мажмуи;

иккинчиси, мафкурадаги ғоялар, категориялар ва тамойилларни жамиятга татбиқ этувчи субъектив омиллар (мафкуравий муассасалар ва мафкурачи шахслар);

учинчиси, ғоя ва категорияларни жамиятга татбиқ этиш жараёнида қўлланилган йўллар, усуллар ва воситалардир.

Мафкура уч таркибий қисмдан иборат бўлсада аслида у бўлинмас, яхлит механизмдир.

Жамиятнинг мақсадга эришишида мафкурадаги таркибий қисмларининг роли беқиёс. Уларнинг мафкуравий амалиётдаги баровар ҳаракатигина жамиятни мақсад томон олиб боради. Аксинча бўлса, яъни мафкуранинг бирор қисми тўла шаклланмаган бўлиб, ўз вазифасини бажармаса, ушбу мафкура нуқсонли бўлиб, жамиятда ўз етакчилигини йўқотади.

Мафкуранинг барча таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлигини эътироф этган ҳолда таъкидлаш лозимки, унинг биринчи таркибий қисми мафкуранинг назарий-фундаментал асоси ҳисобланади. Биринчи таркибий қисмдаги муайян тизимга солинган ғоялар, категориялар ҳамда тамойиллар ана шу мафкура моҳиятини очиб берувчи асосий элементлар бўлиб, улар қандай моҳият (бунёдкорлик ёки вайронкорлик) га эга бўлса, ушбу мафкура реал ҳаётда ана шундай намоён бўлади. Бу дегани биринчи таркибий қисмдаги ғоя ва категориялар инсонпарвар, бағрикенгликка йўғрилган бўлса ана шу мафкура амалиётда инсонпарвар ва бағрикенгликка даҳлдор ишларни амалга оширади. Ғоя ва категорияларнинг мазмун-моҳияти вайронкор бўлса, мафкура ҳам ҳаётда вайронкорлик касб этади. Яъни вайронкор ғоя ва категориялардан вайронкор мафкуралар вужудга келади.

Мафкуранинг шаклланиш жараёни аввало ана шу биринчи таркибий қисмдан бошланади. Бу қисм шаклланиши баъзи мафкураларда бир киши, бошқаларида эса бир гуруҳ ўз даврининг йирик олим ва мутафаккирлари томонидан амалга оширилади. Албатта, мафкуранинг назарий-фундаментал асосининг шаклланишида нафақат замонанинг бир гуруҳ инсонларининг фикри, балки ўтмишдаги мутафаккирларнинг қарашлари ҳам ўрин тутиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, мафкуранинг биринчи таркибий қисмидаги ғоя ва категориялар бир-биридан алоҳида тушунчалар ҳисобланади ҳамда улар амалиётда ўзига хос вазифаларни бажаради.

Ғоя деганда ижтимоий характер ва манфаатни ифодаловчи, ўз даври учун янги ва долзарб бўлган, инсон руҳиятига кучли таъсир этувчи тафаккур маҳсули тушунилади.

Ғоя ҳақида гап борганда уни фикр билан алмаштириб юбормаслик лозим. Ғоянинг фикр билан ўхшашлиги ва ўзаро фарқлари ҳам

мавжуддир. Жумладан, ғоя ва фикрнинг ўхшашлиги уларнинг ҳар иккиси ҳам инсон тафаккурининг маҳсули эканлигидан иборат.

Фарқи эса фикр кундалик онг даражасининг маҳсули бўлиб, унда шахсий характер ва манфаат кўзда тутилади. Ғоя эса назарий онг даражасида вужудга келади ҳамда ўзида ижтимоий характер ва манфаатни акс эттиради.

Инсон ҳар доим ҳам фикрлай олади. Аммо унинг онги кундалик онг даражасидан назарий онг даражасига кўтарилмас экан, у ғоя ярата олмайди.

Барча ғоялар назарий онг даражасида вужудга келиб, ўзида ижтимоий характер ва манфаатни акс эттирсада, лекин жамиятга кўрсатадиган таъсирига қараб икки турга бўлинади. Улар бунёдкор ва вайронкор ғоялардир.

Бунёдкор ғоя инсонларни эзгулик, адолат ва ҳақиқат, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, маънавиятли бўлиш, ўзидан яхши ном қолдиришга чорлайди.

Вайронкор ғоя бу бунёдкор ғояларга зид бўлган, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қилувчи, инсонни ва жамиятни тубанликка бошловчи, одамларни ғаразли, қабих мақсадларга ундовчи, халқлар ва давлатларни таназзулга маҳкум этувчи ғоядир. Унинг асосида инсонпарварлик тамойилига зид бўлган, бир миллатни бошқасидан устун қўядиган, олий ирқ даъвосида бошқа халқларни қирғин қилишга чақирувчи, жамиятни тарафкашларга ажратиб, бўлиб ташловчи қарашлар ётади.

Ғоя ҳақида гап борганда айтиш керакки, у қайси (бунёдкор ёки вайронкор) турга мансуб бўлишидан қатъи назар, агар мафкура таркибидан ўрин олмаган бўлса, куруқ назария сифатида қолаверади ва кенг қўламли таъсирга эга бўлмайди. Ҳар қандай ғоя мафкура таркибида ҳаракатлансагина кенг қўламли таъсир кучига эга бўлади.

Ғоялар мафкура таркибидан бош ва асосий ғоялар кўринишида ўрин эгаллайди.

Бош ғоянинг яралиши ва моҳиятан қандай бўлиши унинг муаллифлари томонидан белгиланган стратегик мақсад ва манфаатнинг қандайлигига боғлиқдир. Ҳар қандай бош ғоя якка шахс, муайян гуруҳ, миллат ёки бутун халқ томонидан стратегик мақсад ва манфаатнинг англаниши натижасида вужудга келади. Англаниш билан бирламчи мақсад ва ният мафкуравий мақсад бўлиб, у қандай (бунёдкор ёки вайронкор) бўлса, яралган бош ғоя ҳам шундай моҳиятга эга бўлади. Бош ғоя вужудга келиб мафкура таркибидан ўрин олгач, у ўзида юқорида айтилган англаниш стратегик мақсад ва манфаатни акс эттиради.

Мафкуранинг қурилишида бутун бир структура ана шу бош ғоя атрофида қурилади ҳамда бош ғояни тарғиб этиш ва амалга оширишга

йўналтирилади.

Мафкура таркибидаги асосий ғоялар эса ўз мазмунига кўра бош ғояга нисбатан торроқ бўлиб, ўзларида бош ғоянинг алоҳида қирраларини ифодалайди ва ўзаро боғланган ҳолда уни мазмунан бойитишга хизмат қилади.

Асосий ғояларнинг мафкуравий амалиётдаги роли жуда катта бўлиб, улар ўзлари орқали кишиларни мазмунан торроқ, бироқ аниқ нарсаларга ишонтиришга ундайди.

Мафкуранинг биринчи таркибий қисмида ғоялар тизимидан ташқари мафкуравий категориялар ҳам ўрин эгаллайди. Мафкуравий категориялар деганда, методологик ва дунёқараш мазмунига эга бўлган, мафкуравий билиш ҳамда мафкуравий амалиёт натижасида вужудга келиб, ғоявий тус олган ва ўзаро бир-бири билан қонуний боғланган асосий тушунчалар тушунилади. Ушбу тушунчалар кундалик онг натижасида эмас, балки назарий онг натижасида вужудга келганлиги билан ҳам оддий тушунчалардан фарқланади.

Мафкуравий категорияларнинг моҳиятини белгиловчи муайян мезонлар мавжуд.

Мафкуравий категориялар муайян мафкуравий таълимот билан бирга вужудга келади ва ана шу мафкура монополиясида бир-бири билан қонуний боғланган ҳолда ҳаракатланади.

Мафкуравий категориялар қайси миллат тилида яратилган бўлса, мафкуравий амалиётда ҳам улар ҳеч бир миллат тилига таржима қилинмасдан қўлланилади.

Мафкуравий категориялар инсонлар учун билиш, баҳолаш ва фаолият юритиш мезонини кўрсатувчи образли белги ҳисобланади. Ана шу мезонларга тўғри келадиган мафкуравий категориялар таснифланганда асосан уч турга бўлинади:

- идеал образларни ифодаловчи категориялар;
- душман образларни ифодаловчи категориялар;
- ҳолат ва жараёнларни ифодаловчи категориялар.

Ушбу категориялар амалиётда ўз ўрнини сақлаб келаётган ҳар бир мафкурада мавжуд бўлади.

Мафкуралардаги идеал образларни ифодаловчи категориялар, асосан, қўйилган мафкуравий мақсадга ҳамоҳанг тарзда ўзида идеал инсон ва идеал макон (жамият)ни ёрқин «ранг»ларда акс эттиради. Мазкур категориялар инсон онгини намунага йўналтиради ва танланган намуна ва андозага «мутлақ ишонил»ни тақозо этади. Демак, идеал образларни ифодаловчи категориялар негизида онгга йўналтирилган воқелик, андоза ёки намунага нисбатан «мутлақ ишонч» пайдо бўлади. Айнан ана шу ишонч субъектларни мудом идеалга талпиниб яшаш,

унга имкон қадар тезроқ етишиш учун дадил ҳаракатларга ундайди. Мазкур ҳолат мафқуранинг ҳаракатлантирувчи, сафарбар этувчи кучини ифодалаб беради.

Душман образларини ифодаловчи категориялар эса мафқуравий мақсадда белгиланган идеал «андоза» ва «меъёр»лардан ташқарида бўлган ҳамда уларга қаршилик қилувчи кишилар, куч ва макон (жамият, давлат ва турли гуруҳ)ларни қора «ранг»ларда ифодалайди. Чунки «қарама-қаршиликсиз ҳеч нарса юзага чиқмайди. Зеро, кўзгунинг бир томони қора бўлмас экан, унда ҳеч нарсанинг акси кўринмаслиги кундек равшан»дир.

Ҳақиқатдан ҳам мафқура халқ ҳаётида унинг тарихи, бугунги куни ва келажакни кўрсатиб берувчи кўзгу вазифасини ўтайди. Мафқуранинг бу вазифани тўлақонли бажаришида унга душман образларини ифодаловчи категориялар ёрдам беради.

Ҳолат ва жараёнларни ифодаловчи категориялар ҳам айнан ана шу мафқура мақсадидан келиб чиқиб, ижтимоий муҳитдаги ҳолат ва жараёнларни ўзида ифода этади.

Таъкидлаш лозимки, ҳар бир мафқура ўзидаги бу уч таснифдаги категориялар орқали, асосан, идеал инсон, идеал макон ва уларнинг акси бўлган душман образлар (мафқуравий таълимотга қарши кишилар, ту зумлар ва давлатлар)ни ҳамда борлиқдаги мавжуд ҳолат ва жараёнларни ўз мақсадидан келиб чиқиб акс эттиради. Яъни, мазкур категорияларда ифодаланаётган воқеликлар фақат мафқуравий мақсаднигина амалга ошириш учун хизмат қилади.

Агар мафқуравий мақсад илмий ва умуминсоний мезонларга тўғри келса, бу унинг категорияларида ҳам акс этади ва улар мафқуравий мақсадда ифодаланаётган воқеликни реал ҳаёт билан уйғунлаштиради. Бу эса жамиятдаги муаммоларни бартараф этиш баробарида, қўйилган эзгу мақсадлар сари кишиларни интиштиришни таъминлаб беради.

Лекин мафқуранинг мақсади аксинча бўлиб, яъни у илмийликдан, инсонийликдан узоқ бўлса, у ҳолда ундаги категориялар мавжуд мафқуравий мақсаддан келиб чиқиб, реал ҳаётдаги оқни қора, қорани эса оқ, деб кўрсатади.

Миллий мафқурани ёшлар онгига сингдиришнинг асосий тамойиллари унинг илмий жиҳатдан асослангани ва мунтазамлиги, очиқлик ва бағрикенглик, тарихийлик ва замонавийлик, универсаллик ва мослашувчанлик каби хусусиятларга эга эканлиги билан ифодаланади ва у қуйидагилардан иборат:

-миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ўзбекистоннинг барча фуқаролари манфаатлари ва орзу-интилишларини акс эттириш;

-миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлигини, миллатлараро

тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш;

-қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий кадрият даражасига кўтариш;

-ошкоралик ва фикрлар хилма-хиллигига риоя этиш;

-шахс, жамият ва давлат манфаатлари ҳамда масъулияти уйғунлигига эришиш;

-фаровон ҳаёт барпо этишга қаратилган иқтисодий омиллар самарадорлигини ошириш;

-миллий юксалиш ғоясини умуммиллий ҳаракатга айлантириш. [4]

Миллий мафқуранинг ёшлар онгига сингиши халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариб, Ўзбекистоннинг янги тарихида учинчи ренессанс даврининг бошланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу маънода ёшлар дунёқарашини бойитиш жараёнида тадбирларни мақсадли йўналтиришнинг аҳамияти катта. Мақсадли йўналтириш замирида, албатта бирор тадбирни, маросимни мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш, қатнашчиларнинг дуч келаётган муаммоларини, тилининг учида турган масалаларни ечишга қаратилиши тушунилади

Бунинг учун тадбирлар қўллаш механизмини, маданий-маърифий тарғиботни коррекциялаш кутилган натижани бериши мумкин. Ёшлар дунёқарашини издан чиқаришда мафқуравий муҳолифлар қўллаётган усул ва услублар, бу йўлда уларнинг ҳеч нарсадан қайтмаслиги, ҳеч нарсани аямаслиги, жумладан, «оммавий маданият»ни ана шу йўл билан жаҳонга тарқатаётгани сир эмас. Машҳур маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг: «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир», [5] деган ибратли сўзлари ёшлар тарбияси ҳар бир даврда ҳам ўз долзарблиги ва муҳимлигини йўқотмаганлигини англатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг «Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий -иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси» ҳақидаги Қарори. // 2019 йил. 7 ноябрь. ЎЗА.

2. Шавкат Мирзиёев: Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир // <https://president.uz/uz/lists/view/4089>

3. Фуқаролар учун бюджет – 2020 (лойиҳа) китоби. Т. 2019. 21 б.

4. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш Концепцияси. 2019. Июнь

5. Авлоний А. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ». Т. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 йил, 227-бет/

6. Холбеков А., Татибоев Т. Демократик ғоялар ва ижтимоий адолат. «Академия». Т., 2008. Б.25.

БУХОРО АМИРЛИГИДА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ МАЗМУНИ (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА)

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.21.98.041>

Ахмадов Олимжон Шодмонович,

Бухоро давлат университети, педагогика кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада XIX асрнинг охири-XX аср биринчи чорагида Бухоро амрлигида таълим-тарбия муаммоларига бағишлаб яратилган манбалар ва адабиётлар илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. XIX асрдан XX асрнинг биринчи ярмигача Туркистон ва Бухорода ижтимоий, маданий ҳаёт ривожининг асосий босқичлари ва йўналишлари, мактаб ва мадрасалар ва улардаги таълим-тарбия мазмуни, халқ педагогикасида таълим-тарбия муаммолари, Туркистон тараққийпарварларининг маънавий мероси ҳамда ибратли фикрлари ўз ифодасини топган.

Таянч сўзлар: Манба, манбашунослик, таълим, тарбия, узлуксиз таълим, тадқиқот, мақола, дастур, тизим, анъанавий таълим, мактаб, мадраса.

СОДЕРЖАНИЕ НАЧАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ И ВОСПИТАНИЯ В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ (КОНЕЦ XIX-НАЧАЛО XX ВВ.)

Ахмадов Олимжон Шодмонович

*преподаватель кафедры педагогики Бухарский государственный
университет*

Аннотация: В статье дается научный анализ источников и литературы, созданной в конце XIX - начале XX веков по проблемам образования в Бухаре. Основные этапы и направления развития общественной и культурной жизни Туркестана и Бухары с XIX по первую половину XX веков, содержание школ и медресе и их образовательное содержание, проблемы воспитания в народной педагогике, духовное наследие и образцовые идеи Туркестана.

Ключевые слова: Источник, источниковедение, образование, воспитание, системное образования, исследование, статья, программа, система, традиционное образование, школа, медресе.

THE SYSTEM OF PRIMARY EDUCATION AND UPBRINGING IN THE EMIRATE OF BUKHARA (LATE XIX-EARLY XX CENTURIES)

Akhmadov Olimjon Shodmonovich

teacher of the Department of Pedagogy of Bukhara State University

Abstract: The article provides a scientific analysis of sources and literature created in the late 19th - early 20th centuries on the problems of education in Bukhara. The main stages and directions of the development of

the social and cultural life of Turkestan and Bukhara from the 19th to the first half of the 20th centuries, the maintenance of schools and madrasahs and their educational content, the problems of education in folk pedagogy, the spiritual heritage and exemplary ideas of Turkestan.

Key words: *Source, source studiers, education-upbringing, chain education, study, article, program, system, nontraditional education, school, madrassa.*

Ўзбекистон Республикаси истиқлол йилларида таълим ва тарбияни тубдан ислоҳ қилиш, миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлиги асосида замонавий тараққиёт асосларини барпо этиш йўлида дадил қадамлар қўйилди. «Таълим тўғрисида»ги қонун вазифаларини бажариш бу борадаги бой тарихий тажрибани ўрганишни тақозо қилади. Совет ҳокимияти йилларида аждодлар давридаги таълим даргоҳлари асоссиз равишда жаҳолат ва қолоқлик намунаси, диний хурофот маркази сифатида қораланди.

Тўғри, таълим тизимида амирлик даврида Бухорода турғунлик ва замон талабларидан ортда қолиш юз берганди. Бироқ ўтмиш таълим ва тарбия мактабларида ўртак олса арзийдиган жиҳатлар ҳам мавжуд эди. Таълим ва тарбия жараёнларининг узвий боғлиқлиги, инсон мафкуравий иммунитетини юзага келтиришдаги ахамияти, жамият барқарор ривожланишидаги ўрни масалаларининг беқиёслиги исбот талаб қилмайди. Ўтмишдаги воқеликларни нуқул бир хил қора бўёқда тавсифлаш услуби эса анаънавийлик билан замонавийлик боғлиқлиги тизимида дарз келтиради.

Шунингдек, аждодлар ва авлодлар ўртасидаги алоқадорликни ёқолишига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев «Эл - юртимизнинг қон - қонида азалдан бўлган ақл – заковат, илм - марифат туфайли заминимизда янги Хоразмийлар, Бегунийлар, Улуғбеклар етишиб чиқишига ишонч билдирди.

Таълим - тарбия масаласида таълимни ҳар бир тарихий босқичда такомиллаштириш, анъанавий таълим билан замонавийлик уйғунлигини таъминлаш, ўтмиш тажрибасини ўрганиб, тегишли хулосалар чиқариб иш қўриш истиқболсари боришнинг энг муҳим тамойили ҳисобланади. Шунингдек, айнан XIX аср охири – XX аср дастлабки ўн йиллигида анъанавий таълим тизимини ислоҳ қилиш, модернизациялаш парокандалик ва қолоқликдан қутилишнинг йўли деб қаралганлиги, бу борада амалга оширилган ишлар тарихий тажрибасини қиёсий таҳлил қилиш вазифаси қўйилганлиги ҳам мзкур ўқув қўлланмани яратиш заруратини тақозо қилади.

XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигида анъанавий бошланғич таълим-тарбия тизимида бир қатор муаммолар тўпланиб

қолганди:

- қишлоқ ва шаҳарда мактабхоналар асосан масчитлар ҳузурида фаолият кўрсатиб, бор-йўғи битта хонадан иборат эди. Унда сабоқ берувчи домла шу хонада намоз ўқирди, овқатланарди, ота-оналарни қабул қилишга мажбур эди;

- мактаб хоналарнинг санитария-гигиена коидаларига мос келмай, зах ва нам, қоронғу, туйнугидан етарлича ёруғ тушмаслиги, уқувчиларнинг шол ва буйралар устида ўтириб сабоқ олишларига тўғри келган;

- мактабларда таълимнинг асосини диний билимлар ташкил этиб, дунёвий илмларга эътибор иккинчи даражага тушиб қолганди;

- мактабларда дарслик ва ўқув қўлланмалар етишмас, ҳар бир домла ўз имкониятидан келиб чиқиб ўзида мавжуд бўлган китоблар билан тахсил бериши ягона дарсликлар ўқув дастурлари асосида таълимнинг тизимли равишда йўлга қўйиш имконияти мавжуд эмасди;

- таълим муддати 7 йилдан 10 йилгача чўзилиб, биргина савод чиқариш, бошланғич тушунчалар олиш учун бу муддат узок эди. Болаларнинг вақтлари беҳуда сарфланарди;

- бошланғич мактабхоналардаги домлаларнинг саводхонлик даражаси пастлиги, улар қиладиган хайр-эҳсон ва оз миқдордаги маош туфайли умргузаронлик қила олмай, масчитларда имом-хатиблик ҳам қилишлари,

- мактабхоналарнинг мунтазам ишламай, айрим пайтларда масчитга қатнайдиغان намозхонлар талаби билан ҳам ёпиб қўйилиб, охиروқибатда таълимнинг узлуксизлигига даҳл етарди;

- форс тилида ёзилган китоблар орқали ўқувчиларга араб грамматикаси араб фонетикаси, лексикологиясини ургатишга қаратилган қийин, мураккаб, самарасиз услуб яшовчан бўлиб келаётган эди;

- аҳолининг асосий қатлами ўзбек, тожик, туркман, қозоқлардан иборат бўлса-да, таълимнинг мактабхонада араб имлоси ва тилида берилиши ҳам тараққиётга тўсиқ бўлиб келаётган эди. Саводи паст бўлган мактабхона домласининг ўзи ҳам араб тилида ёзилган адабиётлардан кўп масалалар моҳиятини тўғри англамас ва тушунтира олмасди. Ўзаро мулоқот тили асосан ўзбек тили, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосан форс-тожик тилида, чунки давлат расмий тили форс-тожик тили эди, ўқитиш араб тилида. Ўқувчилар ўзбек, форс-тожик, араб тили орасида каловланиб қолганди;

- мактабхоналарда тан жазосининг кенг қўлланилиши. Домла шовқин кўтарган ва интизомсизлик қилган болани 1,5 газ (90-95 см-дисс.) келадиган таёқ билан халфа ёрдамида оёқлари кафтига уриб, моматалоқ қиларди, Домланинг узун таёғидан ташқари бир иккита ўқувчиларни калтаклашга мўлжалланган кичик таёқлари мактабхона

деворига тиркаб қўйиларди. Белгиланган тартибни бузган ўқувчиларни домумла бир-бирига калтаклатарди. Ўқувчилар тан жазоси берилишига одатлантирилганди;

- мактабхонада таълимнинг тарбия билан уйғун равишда олиб борилмаслиги, ўқиш эрталаб 8:00 дан бомдод намози (кеч 17:00 гача) га қадар чўзилиб, баъзида танаффуссиз 4-5 соатлаб шолча ёхуд буйра устида ўтириб ўқувчиларнинг зерикиб кетишлари оқибатида тўс-тўполон, ур-йиқитлар бўлиб туриши. Айниқса, домла мактабхоналарни тарк этганида ушбу ҳолатнинг кучайиши кузатиларди. Сабоқдан кейин ўқувчилар уйига кетиш ўрнига «ошиқ ўйини», «беданабозлик», «эшшак уриштириш», «киморбозлик» кабилар билан шуғулланиб, гаров асосида бир-бирлари билан рақиб бўлиб қолишган;

- камбағал болалар учун «буйра пули», «кўмир пули», «пайшанбалик эҳсони», янги сабоқни баҳолаш куни инъоми каби 15 дан ортиқ турдаги харажатлар оғирлик қилар, шу сабабдан домла уларни пастга уриш билан бирга эътиборни бой болаларга қаратарди. Бойларнинг болалари 3-5 йилда савод чиқарса, камбағал болалар мактабхоналарда 10-12 йиллаб қолиб кетишган.

Хулоса қилиб айтганда Бухоро амирлигида бошланғич таълим XIX аср охири – XX аср бошларида замон талабларидан ортда қолиб, ислохотларга муҳтож бўлиб қолганди. Бухоронинг Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Абдувоҳид Мунзим сингари тараққийпарвар инсонлари мактабхоналар фаолиятини тубдан янгилаш орқали инқирозли ҳолатдан чиқиш мумкинлиги тўғрисидаги илғор фикрларини илгари сурдилар. Амир Сайд Олимхонни бу борада буйруқ чиқаришга ундашди. Бироқ диний мутассиблар 1911 йилда бундай буйруқ чиқаришга йўл бермай, амирга эски тартибларни сақлаб қолиш ҳақидаги буйруққа имзо чектирдилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бобожонова Ф. Бухоро амирлигида аёллар қурдирган мадрасалар тарихи ва таълим / Тарихий хотира- маънавият асоси. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. -Бухоро-2013. –Б. 101.

2. Кличев О. Бухоро амирлигидаги рус-тузем мактабларида таҳсил олган ўқувчилар хусусида / XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро мавзусида Республика илмий-назарий анжумани материаллари. - Бухоро-2016. – Б.107-109.

3. Муҳиддинов С. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти тарихи. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. - Самарқанд-2020. – Б.13-18.

4. Ахмедов О. Ш. Образование в Бухарском эмирате (на основе жизни и творчества правителей) //Вопросы науки и образования. – 2021.

– №. 6 (131). – С. 10-13.

5. Shodmonovich A. O. Education in the emirate of bukhara (based on the life and work of the rulers) //Academicia: an international multidisciplinary research journal. – 2020. – Т. 10. – №. 12. – С. 1224-1227.

6. Хайитов Ш. А. Историческая судьба туркестанских военнопленных второй мировой войны //Метаморфозы истории. – 2015. – №. 6.

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ МИЛЛИЙ КОРПУСИНИ ЯРАТИШДА ЛИНГВИСТИК МОДЕЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ (қўшма сўз ясалиши мисолида)

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.30.61.040>

Тоирова Гули Ибрагимовна

*Бухоро давлат университети, филология фанлари бўйича фалсафа
доктори(PhD), доцент*

Аннотация: Мақолада сўз ясалиши ва унинг тарихи билан боғлиқ маълумотлар таҳлил этилган. Ушбу мақолада лингвистик дастурларнинг мустақил таркибий қисмларидан бир лингвистик модул ва алгоритм ҳамда унинг турлари таҳлил қилинган. Лексик-грамматик кодни шакллантириши мақсадида қўшма сўз ясалиши қоидалар бўйича алгоритм зарурияти илмий асосланган. Ўзбек тили миллий корпусининг лингвистик базасини тузишида қўшма сўзнинг лингвистик модулларининг аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: корпус, модул, лингвистик модул, қўшма сўзнинг модуллари, сўзли алгоритм, формулалар алгоритм, жадвалли алгоритм, графикли алгоритм.

В СОЗДАНИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ КОРПУС УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЯЗЫКОВЫХ МОДЕЛЕЙ (пример составного словообразования)

Тоирова Гули Ибрагимовна

*Бухарский государственный университет, доктор философских
наук, доцент*

Аннотация: В статье анализируются сведения о словообразовании и его истории. В данной статье анализируются лингвистический модуль и алгоритм, а также его типы из независимых компонентов лингвистических программ. Необходимость в алгоритме на правилах составного словообразования для формирования лексико-грамматического кода является научно обоснованной. Подчеркивается важность языковых модулей сложного слова в формировании лингвистической базы национального корпуса узбекского языка.

Ключевые слова: корпус, модуль, лингвистический модуль, модули составных слов, словарный алгоритм, формульный алгоритм, табличный алгоритм, графический алгоритм.

IN THE CREATION OF THE NATIONAL CORPUS OF THE UZBEK LANGUAGE, THE USE OF LANGUAGE MODELS (example of compound word formation)

Toirova Guli Ibragimovna

Bukhara State University, Doctor of Philosophy, Associate Professor

Abstract: *The article analyzes information about word formation and its history. This article analyzes the linguistic module and algorithm, as well as its types from independent components of linguistic programs. The need for an algorithm based on the rules of compound word formation for the formation of a lexico-grammatical code is scientifically substantiated. The importance of language modules of a complex word in the formation of the linguistic base of the national corpus of the Uzbek language is emphasized.*

Key words: *corpus, module, linguistic module, compound word modules, dictionary algorithm, formula algorithm, tabular algorithm, graphical algorithm.*

Кириш. Ривожланган мамлакатлар бугунги кундаги тараққиётига кўплаб омиллар билан бирга инновация жараёни – илғор ғоялар, ишланмаларни ўз вақтида ҳаётга татбиқ этишга берилган эътибор туфайли эришгани ҳеч кимга сир эмас. Чунончи, инновация – тараққиёт гарови. Илм-фанда инновацион технологияларнинг тараққий этиши натижасида тилга ташқи манба ҳисобидан янги атамаларнинг кириб келиши, улардан фойдаланиш кўлами кун сайин ортиб бормоқда. Жумладан, ўзбек компьютер лингвистикасига ҳам хорижий компьютер лингвистикасидан ўзлашган сўзлар эвазига бойиб бораётганлигини кузатамиз.

Компьютер лингвистикасида «лингвистик модел» атамаси муҳим аҳамият касб этади[1,2,6]. Чунончи, миллий тилнинг компьютер тилига ўтказилиши, яъни компьютер тизими орқали матнга ишлов бериш йўллари яратилади. Бунинг учун ўзга тилларнинг лингвистик дастурлари ишлаб чиқилади. Лингвистик модел ана шундай лингвистик дастурларнинг муस्ताқил таркибий қисмлари ҳисобланади. Масалан, лексик моделда луғат қатлами (сўзлар) қуршаб олинса, графематик моделда рамзлар, тиниш белгилар, ҳарфий ва бошқа белгилар таҳрир қилинади, орфографик моделда имло қоидалари, морфологик моделда сўзшакллар анализи (сўзшаклдан лексемага қадар таҳлил) ва синтези (лексеманинг грамматик шаклланиши таҳлили жараёни), синтактик модулда суперсинтактик бирлик – гап ёки сўзларнинг ўзаро боғланиш ҳодисаси таҳлил қилинади[6,11].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ўзбек тилшунослигида сўз ясалиши (деривация) масалалари анча ўрганилган соҳалардандир.

1940-50 йилларда замонавий ўзбек тилшунослигининг асосчиси профессор Айюб Ғуломов[20,21] деривация масалалари билан

боғлиқ ўнлаб илмий мақолалар нашр эттирган. Жумладан, 1977 йилда нашр қилинган «Ўзбек тили морфем луғати» д.и. Бундан ташқари, рисолаларининг таркибида ҳам сўз ясашига дахлдор ўринлар бор[24,25]. 1960-2000 йилларда сўз ясаши муаммолари билан Ёрмат Тожиев, Турсунали Мирзақулов, Клара Шарипова, Абдували Бердалиев, Насим Маматов, Шеркул Мирзақулов, Севара Тошалиева, Сиддиқ Фузаилов, Анора Ҳамитова, Зокиржон Маъруфов, Абдужаббор Мухторов, Фароғат Убаева, Мамлакат Жўрабоева, Азим Ҳожиев, Замира Ақобирова[3,5,7,10,12,13,24,25,] каби олимлар шуғулланиб келишди. 1980 йилларнинг охиридан бошлаб ўзбек тилида деривация лисон~нутқ фарқланишини диалектик УМИС~ЯХВО сифатида тушунадиган субстанциал тилшунослик намояндалари томонидан тадқиқ этила бошланди[14,15,16]. Бу йўналишнинг асосий тушунчалари қуйидагилардан иборат:

– сўз яшаш қолипи, уни ажратиш ва уни икки томонлама лисоний бирлик сифатида –шакл (сўз яшаш асоси+сўз яшаш воситаси/усули) ва мазмун (қолип ҳосиласининг умумий маъноси//вазифаси) яхлитлиги сифатида тушуниш;

– ясама сўз (маъноси контекстдагина муайянлашадиган нутқий ҳодиса) ва ясалган сўз (маъновий муайянликка эга бўлиб ўзак//асос ва сўз яшаш воситаси//усулига ажраладиган сўз)ларни фарқлаш[15];

– сўз ва лексема муносабатини нутқий бирлик~лисоний бирлик сифатида тушуниш[5].

Тилшуносликда деривация тушунчаси икки хил атама билан берилади:

- 1) сўз яшаш;
- 2) сўз ясаши.

Олим Айюб Ғуломов ҳар иккала атамани фарқламай ишлатади. Азим Ҳожиев эса бу икки атамани махсус таҳлил қилиб «сўз ясаши» атамаси устида тўхталади. «Сўз яшаш» атамаси таҳлил жараёнида лисоний имкониятларни ўрганиш диққат марказида туришини, лисоннинг фаол, яратувчан имкониятлар хазинаси эканлигини таъкидлайди. «Сўз ясаши» атамаси эса тадқиқотнинг нутқий бирликлар, муайян ҳодисалар – «ясалган»ларга таянишига ишора этади. Шу асосда тарихий ясалган сўзларга нисбатан «сўз ясаши» атамаси, лисоний имкониятларга нисбатан эса «сўз яшаш» атамаси қўлланилади.

Бу ҳақида професор Ҳамид Неъматов[15] нинг фикрларини қўллаб-қувватлаймиз. Субстанциал таҳлилда деривация талқинида формал ва тарихий тилшуносликдан кескин фарқланувчи бир ҳолат мавжуд. Бу ҳолат шундан иборатки, формал тилшунослик ҳамда тарихий тилшунослик диахроник (тарихий) ва синхроник (ҳозирги) деривацияни фарқлайди. Ўзбек тилшунослигида сўз ясаши масаласини ўрганиш натижасида қуйидаги умумий хулосаларга келиш мумкин:

Ўзбек тилида сўз яшаш/ясашиш (деривация) тадқиқи узоқ тарихга эга бўлиб, унинг илдизлари туркий тилшуносликнинг ҳозиргача бош манбаи бўлган «Девону луғотит турк»га бориб тақалади. Ўзбек

тилшунослигида сўз ясаши масаласини Маҳмуд Кошғарийдан кейин юқори даражага кўтара олган олим Абдурауф Фитрат бўлди. Фитрат сўз яшаш асоси, сўз ясовчи қўшимча ва ясама сўз тушунчаларини ўзбек тилшунослигига олиб кирди. Бироқ ўзбек тилшунослигида сўз ясаши масаласининг чуқур илмий таҳлили Айюб Ғуломов номи билан боғлиқ. Айюб Ғуломов ўзбек тилшунослигида сўз яшаш усуллари тушунчасини олиб кирди ва унинг аффиксация, композиция, конверсия, фонетик, аббревация каби усуллари тавсифини берди. Профессор Айюб Ғуломов талқинлари мактаб ва олийгоҳ дарсликлари орқали кенг оммалашди ва кейинги тадқиқотларда, хусусан, академик Азим Ҳожиёв томонидан олиб борилган изланишларда тўлдирилди.

Тилшунослигимизда ҳозирда формал тадқиқот босқичи деб қаралаётган йўналишнинг асосий ютуқлари – сўз яшаш усуллари фарқлиниши, синхроник ва дихроник сўз яшаш турларининг ажратилиши ва сўз яшаш асоси, сўз яшаш усули, сўз яшаш жараёни ҳосиласи тушунчаларининг фарқлиниши бўлди.

Субстанциал тилшунослик формал тилшунослик ютуқларига таянган ҳолда «сўз ясаши» ва «сўз яшаш» тушунчаларини фарқламоқда. Сўз ясаши тушунчаси остида ясалган, луғатлардан ўрин олган, барқарор маънога эга бўлган луғавий бирликларнинг ҳосил бўлиш асос, усул ва воситалари тадқиқи тушунилоқда. Сўз яшаш атамаси остида тилнинг ички тизимини янги-янги сўзлар билан бойитиш имкониятлари назарда тутилоқда.

Тадқиқот методологияси. Модул ҳодисани махсус математик қурилма, график, диаграммалар ёрдамида ифодалайди. Модул ҳодисанинг характерли белгилари ва асосий томонларини очиқ бериш имконини беради. Математик ва имитацион модуллаштириш мавжуд. Математик модуллаштириш деганда ҳодиса тадқиқоти ва ифодаси учун математик қурилмани қўллаш деб тушунилади. Аниқ математик модуль объектнинг ҳолатини кузатиш ва уни таҳлил қилиш имконини беради. Имитацион модуллаштириш – асосан саноатда қўлланилади, ҳисоблаш техникаси ва махсус дастур (программа) таъминоти ёрдамида реал мавжуд бўлмаган қурилмада бир қатор текширишлар ўтказиш имконини беради. Бундай модуллаштиришни қўллаш хом ашё ишлаб чиқаришни тезлаштиради, чунки қуриш ва тадқиқ қилиш жараёни қисқаради, хатолар миқдори ва уларнинг баҳоси камаёди. Масалан, «Боинг» фирмаси узоқ йиллар давомида қўлланиб келинган жойни режалаштиришни ишлаб чиқиш, йўловчилар ўриндиқларининг жойлашуви, самолёт салонининг натурал модуллари яратишдан бош тортди, уларни компьютер модуллари алмашди. Бу миллионлаб долларларнинг тежалиши ва самолётларнинг янги модуллари ишлаб чиқиш муддатларини қисқартирди. Модулни қуриб бўлгандан сўнг унга мос алгоритмни яратиш босқичига ўтилади. Алгоритмлар орқали ечилувчи масалалар. Ҳисоблаш машинаси тилида (машина кодларида) кетма-кет буйруқлар кўринишида берилган масала ечимининг алгоритми машинавий дастур деб аталади. Машинавий дастур буйруғи ёки машинавий буйруқ-қўшимча кўрсатма ва тушунчаларсиз

автоматик ҳолда бажарилувчи элементар машина инструкцияси. Дастурлаш – дастур тузиш билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий фаолият. Алгоритмни машина тилига ўгириш жараёни компиляция деб аталади. Машина тилини «одамийлаштиришнинг» биринчи қадами рамзий номларни машина кодига ўтказувчи дастурлар тузиш бўлди.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги ўзбек адабий тилида сўз ҳосил қилиш усуллари беш турга бўлинади:

- 1) аффиксация усули;
- 2) фонетик усул;
- 3) семантик усул;
- 4) композиция усули;
- 5) аббревиация усули;

Аффиксация усули. Ясаш асосига аффикс қўшиш орқали янги сўз ҳосил қилиш аффиксация усули дейилади: асос-ла, асос-ли, асос-сиз-лик, астар-ли, астар-сиз, астар-лик, этик-дўз-лик, этик-чи каби. Ўзбек тилида аффиксация усули билан янги сўз ясаш от, сифат, феъл ва равиш сўз туркумлари учун ҳосилдир.

«Ўзбек тили миллий корпуси»нинг лингвистик базасини яратишда ясама сўзларнинг моделларини тузиш аҳамиятлидир. Бу ўринда М.Абжалова таклиф этган лингвистик модуллардан фойдаланиб, аффиксация усулида 3 хил кўринишдаги қуйидаги сўз ясаш моделини таклиф этиш мумкин:

Бундан: А=асос, N=ҳосила сўз

N= асос + ли

N= асос + ла

N= асос + сиз

N= асос + лик

N= асос + чи

N= асос + хон

N= асос + дон.....

Аффиксация усули билан сўз яшашда аффикслар, одатда, асосдан кейин қўшилади. Шунга кўра бу усул билан ҳосил бўлган ясама сўзлар «асос + қўшимча (суффикс)» тарзида бўлади (маза-ли, маза-сиз, мазлум-лик, сабза-вот, сабзавот-чи, сабзавотчи-лик, супур-ги каби).

N= бе+асос

N= но+асос

N= ҳам+асос

N= бад+асос.....

Ясама сўзлар «олд қўшимча(префикс) + асос» шаклида ҳам бўлади. Бу ҳодиса асосан тожик тилидан ўзлашган аффикслар орқали сўз яшашда учрайди: бе-лаззат, бе-ҳикмат, бе-ҳисоб, бе-ҳол, бе-ҳузур, бе-хужжат, сер-барака, сер-бар, сер-иштаха, сер-мазмун, но-инсоф, но-умид, но-кулай, но-муносиб каби.

N= бе+асос +лик

N= но+асос +лик

N= ҳам+асос +лик



N= бад+асос +лик.....

Ясама сўз таркибида сўнг қўшимча (суффикс) ҳам, олд қўшимча (префикс) ҳам келиши мумкин: бе-сабр-лик, бе-парво-лик, бе-саранжом-лик, бе-саришта-лик, ҳам-жихат-лик, ҳам-нафас-лик, но-инсоф-лик, но-мард-лик, но-маъқул-чилик, но-махрам-лик, но-аниқ-лик, бад-бахт-лик сингари.

Аффиксация ўзбек тилида сўз яшанинг энг унумли усули ҳисобланади. Бу усул орқали содда ясама сўзлар ҳосил қилинади. Аффиксация усули билан сўз яашда одатда ўзбек тилининг сўз ясовчи аффикслари қўлланилади. Шу билан бирга бошқа тиллардан (жумладан, тожик тилидан) қабул қилинган аффикслар ҳам ишлатилади: китоб-хон, ғазал-хон, палов-хўр, пора-хўр, чой-хўр, сомса-фуруш, нос-фуруш, туздон, ўрмон-зор, бе-тўхтов, но-тўғри каби. Бундай ясовчи воситалар дастлаб тожик тилидан кирган сўзлар таркибида ишлатилган бўлса, кейинчалик ўзбек тилидаги сўзларга ҳам қўшилиб, янги сўзлар ясай бошлади.

«Ўзбек тили миллий корпуси»нинг маълумотлар базасини шакллантиришда оддий Excel жадвалларидан фойдаланилади:

Намуна:



Композиция усули. Икки ва ундан ортиқ сўзнинг қўшилиши орқали янги сўз яашга композиция усули билан сўз яаш дейилади. Ўзбек тилида композиция усули билан янги сўз яаш феъл, от, сифат ва равиш сўз туркумлари учун хосдир.

Мазкур усул билан асосан қўшма сўзлар ясалади: гулбеор, кўзойнак, Бешёғоч, Қорақамиш, олтингугурт, томорқа, гултожихўроз.

Қўшма сўзларнинг кўпчилиги тарихан сўз бирикмаларининг

яхлитланишидан келиб чиққан. Тил тараққиёти жараёнида сўз бирикмалари қисмларининг маъно ва грамматик жиҳатдан яхлит ҳолга келиши, унинг қисмлари орасидаги синтактик муносабатнинг йўқолиши ҳамда уларнинг бир маъно марказига бирлашиши натижасида қўшма сўзга айланади. Бундай пайтларда қўшма сўз қисмлари ўзининг алоҳида лексик маъносини йўқотиб, янги тушунчани англатади. Чунончи, ошқазон, белбоғ, гулғунча, отгўрва, оққуш, музёра, Олтинсой каби.

Композиция усули билан сўз ясашда қўшма сўзнинг умумий маъноси таркибидаги сўзлар маъноси билан боғлиқ бўлиши ҳам (токқайчи, анжиршафтоли, асалари), боғлиқ бўлмаслиги ҳам (иккикат, бошқоронғи, қўзиқорин) мумкин.

Таклифлар. Тил корпусини яратишда композиция усулини ҳам моделлаштириш имкони мавжуд. Сўз туркумига боғлиқ ҳолда уларнинг қуйидаги кўринишларини таклиф этиш мумкин:

1)



а) $[F]+[F]=QS$; $[феъл]+[феъл]=қўшма сўз$

Масалан, олиб бормоқ, сотиб олмоқ, олиб қочмоқ, чиқиб кетмоқ, олиб кетмоқ, олиб келмоқ, олиб бермоқ, олиб чиқмоқ, ишлаб чиқармоқ, ишлаб чиқмоқ, тортиб олмоқ. Ушбу қўшма сўз тузилишли қўшма феъллар нутқда турли прагматик маъноларни ифодалаб келиши мумкин. Чунончи, корпус қидирувига топшириқ берилганда, қуйидаги натижага эришилади:

Олиб бормоқ – 1) Мехмонларни бизникига олиб бор, (бошлаб, йўл кўрсатиб, бирга бормоқ маъноларини беради) мен орқаларингдан етиб бораман, – деди (Абдулла Қаҳҳор. «Қўшчинор чироқлари»);

2) Йўлчи анча ергача кузатиб, Ёрматни турмага олиб боришларини (элтмоқ, элтиб бермоқ маъноларини беради) англагач, ноилож орқага қайтди. (Ойбек. «Қутлуғ қон»);

3) Отабек эшик занжирига қўлини олиб боргани (узатмоқ, чўзмоқ маъноларини беради) ҳолда, ўйланиб тўхтади ва эшикни очмай, орқага қайтди. (Абдулла Қодирий. «Ўтган кунлар»);

4) «биринчи квартал режасини 150 фоизга олиб бордик» (бирор даражага, чегарага етказмоқ маъноларини беради), – деди раис мақтаниб, аммо ўзи ҳам ўз гапига ишонмагандай атрофга олазarak қаради. (Абдулла Қаҳҳор. «Қўшчинор чироклари»);

5) Эргаш Ҳамроқулов раислик қилиб, мажлисни олиб бор (бошқармоқ маъносини ҳам беради)моқда. (Парда Турсун. «Ўқитувчи»);

б) Одамларнинг ўт кечиб, сув кечиб олиб борган курашлари натижасида турмушлари қандай ўзгарганлигини кўрсатмоқчи, холос. (Абдулла Қаҳҳор. «Йиллар»).

б) [I]+[F]= QS; [исм]+[фeyл]=қўшма сўз. «Исм» деганда сифат, от, тақлид сўз, ундов сўз ҳисобга олинган.

Масалан, хафа қилмоқ, саргардон бўлмоқ, саргардон қилмоқ, жавоб олмоқ, жавоб бермоқ, жавоб қилмоқ, тажанг бўлмоқ, овора бўлмоқ, обод этмоқ, абгор этмоқ, адо бўлмоқ, ҳозир бўлмоқ, ҳозир айламоқ, касал бўлмоқ, тайёр бўлмоқ, тайёр этмоқ, оҳ урмоқ, уф тортмоқ, тақ-тақ қилмоқ, хиппа бўғмоқ, шилиқ этмоқ.

Қўшма сўзни корпус қидирувига «қидирув» топшириғи берилганда, қуйидаги натижага эришилади:


Хафа бўлмоқ– 1) қайғули ҳолатда бўлмоқ маъносини билдиради. Масалан, Хафа бўлиб ёшга тўлганди кўзим, Ўлсам, ўчар Чамбилдан босган изим. («Алпомиш»);

2) ранжиган, озор топган ҳолатда бўлмоқ маъносини билдиради. Масалан, –Анови куни мендан хафа бўлдингиз-а, – деди у орқасига қарамай. (Ўткир Ҳошимов. «Қалбингга қулоқ сол»)

Хафа қилмоқ–1) қайғули ҳолатга солмоқ маъносини билдиради. Масалан, Турсунбой онасини хафа қилганини ўйлайдиган, ҳис этадиган аҳволда эмас эди. (Саид Аҳмад. «Уфқ»);

2) ранжиган, озор топган ҳолатга солмоқ маъносини билдиради. Масалан, Агар у ерда ҳам уни хафа қилишса, чопонини елкасига ташлаб кетаверарди. (Саид Аҳмад. «Уфқ»);

ЎТ ЯСАЛИШИ



[от+от] тузилишидан иборат қўшма отлар: асалари, аждаргул,

айиқмурут, айиқтовон, арпабодиён, арпапоя, тошқўмир, чаёнгул, илонгул.

Тил корпус қидирувига «қидирув» топшириғи берилганда, қуйидаги натижага эришилади:

Аччиқтош– алюминий, хром, темир сингари металлнинг сульфат кислота билан ўзаро таъсирдан ҳосил бўлган тузлар. Саноатда кўнчиликда ва халқ таъбаотида ишлатилади. Масалан, Бир куни дошқозонда аччиқтош сувига қаҳрабони солиб қайнатаётган эди, саройдан фаррош келиб: –Зоти олийлари сизни чақираётирлар, – деди. (Миркарим Осим. «Карвон йўллари»дан)

[сон+от] тузилишидан иборат қўшма отлар: Учқудук, Учқўл, Учқўрғон, Тўртқўл, Бешарик, Бешбалиқ, Бешработ, Еттисой, Еттисув, бешбармоқ, бешпанжа, саккизоёқ.

[от+феъл] тузилишидан иборат қўшма отлар: ўринбосар, отбоқар, куркабоқар, товукбоқар, қуёнбоқар, итбоқар, чўчкабоқар, молбоқар, қўйбоқар, куртбоқар, бўрибосар, дунёқараш, бешиктерватар.

Бешиккертти– қадимги миллий удумлардан бири бўлиб, одатда, янги туғилган болаларни бешикка солаётган пайтларидаёқ унаштириб қўйишган. Ҳозирда бу эскирган одат ҳисобланади. Турғун ака Ҳамидани чақалоқлигида бир дўстининг ўғлига «бешиккертти» қилиб қўйган. (Ойбек. «Олтин водийдан шабадалар»дан)

[феъл+от] тузилишидан иборат қўшма отлар: айирбош, тураржой.

Тил корпус қидирувига «қидирув» топшириғи берилганда, қуйидаги натижага эришилади:

Айирбош–бошма-бошёкибошқабироршартбиланалмаштирилаётган нарса, буюм ёки шахс. Масалан, Сотишга ва айирбошга арзигулик нарсалар ҳам соп бўлди. (Парда Турсун. «Ўқитувчи»дан)

[феъл+феъл] тузилишидан иборат қўшма отлар: ишлаб чиқариш, олибсотар...

Ишлаб чиқариш – муайян ижтимоий муносабатлар шароитида киши меҳнати туфайли жамиятнинг яшаши ва тараққий этиши учун зарур бўлган моддий бойликлар яратиш маъносини беради. Чунончи, Қоровулбозор туманида нефть ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилмоқда. (Газетадан)

[сон+феъл] тузилишидан иборат қўшма отлар: бешқўтарар, бешотар...

Бешқўтарар (айнан бешқарта ёки бешқўл)– карта ўйинининг бир тури.

Бешотар– милликнинг бир тури бўлиб, ўқдонига бешта ўқ кетадиган, беш зарядли маъноларини ифодалайди. Унинг ҳаммавақт бешотари ўқланган бўлади.

СИФАТ ЯСАЛИШИ

[исм+исм]=қўшма сўз

[от+от]=қўшма сифат

[сифат+от]=қўшма сифат

[сон+сифат]=қўшма сифат

[от+сифат]=қўшма сифат

[сифат+сифат]=қўшма сифат

[сон+от]=қўшма сифат

[от+аро сўзи]=қўшма сифат

[умум сўзи + от]=қўшма сифат

[исм+феъл]=қўшма сўз

[от+феъл]=қўшма сифат

[сифат+феъл]=қўшма сифат

[исм+ўзгармас сўз]=қўшма сўз

[от+равиш]=қўшма сифат

[равиш+от]=қўшма сифат

[ўзгармас сўз+феъл]=қўшма сўз

[равиш+феъл]=қўшма сифат

5.[феъл+феъл]=қўшма сўз

[сифат+сифат] тузилишидан иборат қўшма отлар: қорақўтир, қорасовуқ.

Қорақўтир – яра битаётганида, унинг устида пайдо бўладиган қаттиқ пўст маъносини билдиради.

Қорасовуқ – ҳаво ҳароратининг мусбатга тушиши натижасида тупроқ устки қатламининг ноль даражага тушиши, баъзан ундан ҳам пасайиши натижасида рўй берадиган табиат ҳодисаси (шундай ҳодиса рўй берганда барглари қораяди).

[от+сифат] тузилишидан иборат қўшма отлар: қулоқчўзма, дамқисма, ертўла...

Қулоқчўзма – болалар ўйинининг номи. Анвар (Солиҳ махдумнинг мактабидаги болалар) ўйнаётган қулоқчўзма ўйинига бир пас қараб турди, аммо уларга қўшилишдан уялди. (Абдулла Қодирий. «Меҳробдан чаён»)

Дамқисма – нафас сиқиши билан боғлиқ касаллик номи, астма.

[ундов+от] тузилишидан иборат қўшма отлар: хайрхабар, саломхат...

[сифат+феъл] тузилишидан иборат қўшма отлар: касалбоқар, қорабура...

Касалбоқар – касал одамга доимий қарайдиган, қўпинча, унинг моддий жихатини ҳам ўз зиммасига олган киши. Масалан, –Оилада сендан бошқа касалбоқар топилмадимиз?–жаҳл билан сўради раис. (Суннатилла Анорбоев. «Оқсой»)

Қорабура– тўғон, дамба, сохилбўйи тўсиқларга, сув урган ерларга босиш учун ичига тош солиб, сим билан боғлаб тайёрланган шох-шабба боғлари.

[сифат+тақлид] тузилишидан иборат қўшма отлар: қорашақшақ...

Қорашақшақ – чумчуқсимонлар туркумининг шақшақлар оиласига мансуб сайроқи куш. Масалан. ...йўл четидаги тут томондан қорашақшақ шақиллаб учиб қўнди. (М.Мансуров. «Ёмби»)

[сифат+сифат] тузилишидан иборат қўшма сифатлар: олачипор, хомсемиз, текис юзли, тенг юзли, тенг ҳажмли, тенг ҳуқуқли, хомпишиқ, мураккабгулли, узунтумшуқли, узунтўлқинли.

[сифат+от] тузилишидан иборат қўшма сифатлар: карқулоқ, ширинсўз, қимматбаҳо, текинтамоқ, очофат, бангинусха, бангибашара, қорамағиз, жўровоз, бузукбош.

[от+от] тузилишидан иборат қўшма сифатлар: аждарнафс, арслонқомат, балиққўз, ҳаво ранг, бодомқовоқ, оташқалб, изоҳталаб, баҳсталаб, буғдоймағиз, бағритош, биткўз, бодомкўз, чумчуқкўз, бодом мағиз, бодом нусха.

[равиш+от] тузилишидан иборат қўшма сифатлар: ҳозиржавоб, эскичақараш, юқоритабиат, қийқангбош.

Эскичақараш– дунёқараш, ўй-фикрлари замонага мос келмайдиган кишиларга хос бўлган белги маъносини ифодалайди. Масалан, –Энди орамизда эскичақараш одамларга ўрин йўқ, -деди Йўлчи тўлқинланиб. (Ойбек. «Қутлуғ қон»)

[от+равиш] тузилишидан иборат қўшма сифатлар: байрамолди, сайловолди, томорқа, юзтубан...

[равиш+феъл] тузилишидан иборат қўшма сифатлар: кейинсилтар, орқатортар, кечпишар...

Кейинсилтар – ишни вақтида битирмайдиган, орқага тортадиган кишиларга нисбатан ишлатилади. Масалан, –Машина вақтида тузалиши керак, бизга кейинсилтар «уста»ларнинг кераги йўқ, –деди кесатиб... (Вали Ғафуров. «Вафодор»)

РАВИШ ЯСАЛИШИ

[равиш+от ёки raviш]=қўшма raviш

[ҳар сўзи+ўрин ёки pайт маъноли сўзлар]=қўшма raviш

[бир сўзи+ўрин, миқдор ёки pайт маъноли сўзлар] =қўшма raviш

[равиш+от ёки raviш] тузилишидан иборат қўшма raviшлар: ҳали замон, наридан бери;

Ҳали замон (мазкур сўз «Ўзбек тилининг имло луғати» [26, 605-бет] да чизиқча билан ёзилган, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» [31, 279-бет] да эса қўшиб ёзилган) – келаси замонга тегишли ноаниқ пайт маъносини ифодаловчи сўз. Масалан, Ҳали замон ўғилларим ҳам молдан келиб

қолишади. (Мирмуҳсин. «Меъмор»)

[ҳар сўзи+ўрин ёки пайт маъноли сўзлар] тузилишидан иборат қўшма равишлар: ҳар лаҳза, ҳар гал, ҳар маҳал, ҳар замон, ҳар замонда, ҳар он, ҳар вақт, ҳар дам, ҳар доим, ҳар чоғ, ҳар қаерда, ҳар қачон.

Ҳар лаҳза– одатда, уч замондан бирига тегишли ноаниқ (такрорий) пайт маъносини ифодаловчи сўз. Масалан, Ҳар лаҳза кўзларим йўлингда гирён... (Шеърдан)

[бир сўзи+ўрин, миқдор ёки пайт маъноли сўзлар] тузилишидан иборат қўшма равишлар: бир вақт, бир йўла, бир маҳал, бир маҳалда, бир маҳалдаги, бир замон, бир замонлар, бир замонда, бир зум, бир зумда, бир зумгина, бир дафъа, бир нафас, бир нафасда, бир сафар, бир қадар, бир дафъа, бир карра, бир оз, бир озгина, бир талай, бир талайгина, бир неча, бир қанча, бир мунча, бир пасда...

Бир оз (мазкур сўз «Ўзбек тилининг имло луғати» [26] да ажратиб ёзилган, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» [27, 279-бет] да эса қўшиб ёзилган) – ноаниқ пайт маъносини ифодаловчи сўз. Масалан, У (Мулла Обид) бир оз сабр қилишни жоиз деб топди. (Абдулла Қодирий. «Обид кетмон»)

Бир мунча– ноаниқ пайт баъзан миқдор маъноларини ифодаловчи сўз. Масалан, Абдужалил бойникидаги зиёфатни Мулла Обид бир мунча таажжуб ичида ўтказди. (Абдулла Қодирий. «Обид кетмон») (пайт маъносида)

Элмурод қизга яқинлашар...ва унинг олдида бирмунча хижолат чекиб, кўпинча, гап тополмай, қизарар эди. (Парда Турсун. «Ўқитувчи») (миқдор маъносида)

Бир қанча– ноаниқ миқдор маъносини ифодаловчи сўз. Масалан, Бунёд шу бевафо учун бир қанча машаққатларни бошидан ўтказган бўлса-да, Паризодга ҳеч нарса демабди. (Эртақдан)

Аббревиация усули. Қисқартма қўшма сўзлар аббревиация усули орқали ҳосил қилинади. Қисқартириш натижасида олинган сўзлар қисқартмалар ёки мураккаб сўзлар деб аталади. Қисқартма сўзлар бу мустақил сўз бирикмаларининг бош ҳарфларини ёки маълум бир қисмини қўшиш орқали ҳосил қилинган сўзлардир. Аббревиация усули орқали турғун бирикма таркибидаги сўз қисмлари қисқартирилади. Қисқартмалар нутқ жараёнида ихчамликка эришиш зарурати туфайли дастлаб ёзма нутқда пайдо бўлиб, кейинчалик оғзаки нутқда ҳам фойдалана бошланган.

Қисқартма сўзлар, асосан, от туркумига мансуб бўлиб, қуйидаги усуллар орқали ҳосил қилинади:

1) сўз бирикмаси компонентларининг биринчи ҳарфларини қўшиш орқали. Масалан, ДТС – давлат таълим стандарти, МТРК –

Миллий телерадиокомпания; қисқартма сўзларнинг ушбу тури илмий адабиётларда аббревиатура деб ҳам аталади;

2) сўз бирикмаси таркибидаги биринчи сўзнинг биринчи бўғинини, қолган сўзларнинг биринчи ҳарфларини олиб қўшиш орқали ҳосил қилинади. Масалан, ЎЗМУ - Ўзбекистон миллий университети, ЎЗАС - «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»;

3) сўз бирикмаси таркибидаги сўзларнинг бош қисмларини олиб қўшиш орқали - биофак - биология факультети, журфак - журналистика факультети;

4) сўз бирикмаси таркибидаги биринчи сўзнинг биринчи бўғинини, қолган сўзларни қисқартирмай қўшиш орқали -Ўздонмаҳсулот, Ўзгазлойиҳа;

5) аралаш йўл орқали -Ўзбектелеком, Ўзтелерадиокомпания, Ўзавтойўл ва бошқаларни бунга мисол тариқасида кўрсатишимиз мумкин.

Қисқартма сўзларни шартли қисқартмалардан фарқлаш лозим. БМТ, АҚШ, БАМ, ХХР, БухДУ; А.Навоий, А.Қод., А.Қаҳ. кабилар шартли қисқартмалар бўлиб, оғзаки нутқда уларни кенгайтириб ўқиш шарт. Яъни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Америка Қўшма Штатлари, Байкал-Амур магистрали, Хитой Халқ Республикаси, Бухоро Давлат университети, Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор сингари.

Хулоса. Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, маълумотлар базаси – маълумотларни сақлаш, янгилаш, қидириш ва етказиб беришни таъминловчи ахборот, дастурий таъминот бўлиб, у аппарат ва ходимларнинг комбинациясини ифодаловчи автоматлаштирилган тизим ҳисобланади. Табиий тилдаги энг яхши ишлов берилган, тезкорлик ва аниқлик учун хизмат қиладиган асл матнлар она тилимизнинг сунъий интеллектини бойитадиган лингвистик база – бу тилшуносликнинг асосий воситалари матнни кейинги таҳлил қилиш учун тайёрлайдиган, самарали қидирув ёки ишлов беришга имкон берадиган морфологик қурилиш блок ҳисобланади. Лингвистик базани тузишда лингвистик моделлаштиришнинг аҳамияти беқиёски, шу боис компьютер иши жараёнида бошқариладиган кўрсатмаларни ишлаб чиқаришнинг асоси алгоритм ҳисобланади. Морфологик разметкалаш алгоритмини тузишда ҳар бир сўз туркумини разметкалаш орқали махсус лингвистик модель шакллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Қўшма сўз ясалишида моделлаштириш лингвистик базани шакллантириш учун муҳим саналади. Қўшма сўз ясалишида феъл, от, сифат ва равиш сўз туркумларида мавжуд бўлиб, нутқимизда қўшма отлар ниҳоятда кўп эканлиги билан ажралиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абжалова М. Ўзбек тилидаги матнларни таҳрир ва таҳлил қилувчи дастурнинг лингвистик модуллари (расмий ва илмий услубдаги матнлар таҳрири дастури учун): Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)... дис.–Фарғона, 2019.–Б.22.
2. Авлиёкулов Н.Х. Касбий фанларни модулли ўқитиш технологияси. – Т.:Янги аср авлоди, 2004. –106 б Степанов А.Н. 6.3. Архивация файловых объектов // Информатика: базовый курс: для студентов гуманитарных специальностей вузов. – Питер, 2010. – 719 с.
3. Ванюшкин А. С., Гращенко Л. А. Оценка алгоритмов извлечения ключевых слов: инструментарий и ресурсы // Новые информационные технологии в автоматизированных системах. – 2017. – № 20. – С. 95–102.
4. Ақобирова З. Сўз яшаш қолиплари, уларда унумлилик ва маҳсуллилик.// Ўзбек тили ва адабиёти. 2001, №6. Б. 68-70.
5. Бердиалиев А. Ўзбек тилида соддалашган қўшма аффикслар// Ўзбек тили ва адабиёти. 1969, №5.
6. Бегматов Э., Неъматов Ҳ., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (Систем лексикология тезислари)// Ўзбек тили ва адабиёти. 1989, №6. Б. 35-40.
7. Жўрабоева М. Ҳозирги ўзбек тилида окказионал сўз яшалиши. - Т., 1983. Б. 68-70.;
8. Замонавий ўзбек тили. II жилд. Морфология. Масъллар: Ҳ.Ғ.Неъматов, Р.Р.Сайфуллаева. - Т.:Мумтоз сўз, 2008. 468 б.
9. Убаева Ф. Сўз яшаш усуллари (ўқув қўлланма). - Бухоро, 1958.
10. Кутузов А.Б. Корпусная лингвистика. – (Электрон ресурс): Лицензия Creative commons Attribution Share-Alike 3.0 Unported (Электрон ресурс) - //lab314.brsu.by/kmp-lite/kmp-video/CL/CorporeLingva.pdf
11. Маматов Н. Қўшма сўзларнинг яшалиши // Ўзбек тили ва адабиёти. 1979, №6. Б. 31-36.
12. Мирзақулов Ш. Ўзбек тилида сўз яшалиши маъноси ва парадигмаси: филол.фан.номз...дисс.автореф. – Сам., 1995.-21 б
13. Нигматов Х. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XII веков. Т., 1989, 181 стр.;
14. Неъматов Ҳ. Сўз яшаш қолипи, ясалган ва ясама сўз хусусида// Ўзбек тили ва адабиёти. –2007, №1. Б.
15. Неъматов Ҳ. Айюб Ғуломов ва ўзбек тилшунослиги// Тилшуносликнинг долзарб масалалари (илмий мақолалар тўплами). Мас. муҳ. Ҳ.Дадабоев. – Т.:ЎЗМУ, 2004. Б.15-17.;
16. Сафарова Р.Г. ва б. Умумий ўрта таълим мактабларида модулли ўқитиш жараёнида қўлланиладиган педагогик технологияларни фанлар кесимида таснифлаш. / Методик қўлланма. – Т.: «Ўзбекистон миллий

энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2016. –176 б.

17.. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма / Мас. муҳар. Ҳ. Неъматов. –Т.: Фан ва технология, 2009. – 416 б.

18. Фузаилов С. Ҳозирги замон ўзбек тилида равиш ясалиши// Ўзбек тили масалалари. Янги серия. – Т., 1957. Б.94-119

19. Гуломов А. 1. Сўз ясалиши. 2. Морфологияга кириш. // Ўзбек тили грамматикаси. 1-том. Морфология. –Т.: Фан, 1975.

20. Гуломов А., Тихонов Н., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем луғати. –Т., 1977.

21. Ҳожиев А. Ўзбек тилида сўз ясалиши. – Т., 1989.109 б.;

22. Ҳожиев А. Сўз ясалиш имкониятларидан тўғри фойдаланайлик.// Ўзбек тили ва адабиёти. –1996, №1. Б. 23-29.;

23. Ҳожиев А. Ясама сўз лисоний бирликми ёки нутқ бирлигими // Ўзбек тили ва адабиёти. 2004, №1. Б. 49-54.;

24. Ҳожиев А. Ўзбек тилида равиш ясалиши тизими масаласига доир.// Ўзбек тили ва адабиёти. 2004, №2. Б. 42-46.;

25. Ҳожиев А. Ўзбек тилида сўз ясалиши тизими. Т.: Ўқитувчи, 2007. 167 б.

26. Toirova G. About the technological process of creating a national corps. // Foreign languages in Uzbekistan. Electronic scientific-methodical journal. - Tashkent. 2020, № 2 (31), –B.57– 64. <https://journal.fledu.uz/uz/millij-korpus-yaratishini-tehnologiya-zharayoni-hususida/>

27. Toirova G. The importance of linguistic module forms in the national corpus // Current problems of modern science, education and upbringing (Current problems of modern science, education and upbringing in the region) (Electronic scientific journal), - Urgench. 2020, № 5, –B.155-166. http://khorezmscience.uz/public/archive/2020_5.pdf

28. Toirova G. The importance of the interface in the creation of the corpus. *International Scientific Journal «Internauka»*, // *Mejdunarodnyy nauchnyy zhurnal «Internauka»*. - 2020. - №7. Online magazine. <https://doi.org/10.25313/2520-2057-2020-7-5944>

29. Toirova G. The Role Of Setting In Linguistic Modeling. // *International Multilingual Journal of Science and Technology*. ISSN: 2528-9810 Vol. 4 Issue 9, September - 2019, -P.722-723 <http://imjst.org/index.php/vol-4-issue-9-september-2019/>

ВИРТУАЛ ТИЗИМДА НУТКИЙ ДИСКУРСНИНГ СОЦИОМАДАНИЙ ВА ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.13.67.039>

Халилова Рухсора Рауповна,

*Бухоро давлат университети, Бошланғич таълим назарияси
кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация: Маколада нутқий мулоқотнинг оғзаки ва ёзма кўриниши билан биргаликда виртуал мулоқотнинг мавжудлиги тўғрисида сўзланади. Виртуал мулоқот оддий мулоқотлардан фарқланиши ва унинг бир неча кўринишлари борлиги тўғрисида айтилган. Интернет виртуал майдонда бош асос бўлиб хизмат қилиши ва ҳосил бўлиши ҳақида айтиб ўтилган. коммуникатив-прагматик ўрганиши ёндошуви орқали тармоқ виртуал мулоқотни фойдаланувчиларнинг нутқини таҳлил қилиш имконини беради. Бу эса виртуал майдондаги нутқий мулоқот муаммосини ёритиб бериш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжудлигини тақозо этади.

Калим сўзлар: нутқий мулоқот, виртуал нутқий мулоқот, мулоқот жараёни, коммуникатив майдон, форум, глобал ва минтақавий тармоқ, аудио-визуал мулоқот, интернет, чат

РЕЧЬ В ВИРТУАЛЬНОЙ СИСТЕМЕ СОЦИАЛЬНО- КУЛЬТУРНЫЕ И ПРАГМАТИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ДИСКУРСА

Халилова Рухсора Рауповна,

*Бухарский государственный университет,
преподаватель кафедры теории начального образования*

Аннотация: Статье обсуждается существование виртуального общения, наряду с устными и письменными формами вербального общения. Виртуальное общение отличается от обычного общения и имеет несколько проявлений. Благодаря коммуникативно-прагматическому подходу к обучению виртуальная коммуникация в сети позволяет анализировать речь пользователей. Это требует дальнейшего углубления научных исследований проблемы речевого общения в виртуальном поле.

Ключевые слова: речевое общение, виртуальное речевое общение, форум, глобальная и региональная сеть, аудиовизуальная коммуникация, Интернет, чат.

VIRTUAL SPEECH SOCIO-CULTURAL AND PRAGMATIC PROPERTIES OF DISCOURSE

Khalilova Rukhsora Raupovna,

Bukhara State University,

Lecturer at the Department of Theory of Primary Education

Abstract: *This article discusses the existence of virtual communication, along with oral and written forms of verbal communication. Virtual communication is different from normal communication and has several manifestations. Thanks to the communicative-pragmatic approach to learning, virtual communication in the network allows you to analyze the speech of users. This requires further deepening of scientific research on the problem of speech communication in the virtual field.*

Key words: *speech communication, virtual speech communication, forum, global and regional network, audiovisual communication, Internet, chat.*

Бугун янгиланишларнинг муҳим омилига айланиб бораётган замонавий ахборот технологиялари кириб бормаган соҳа ёки жабҳа қолмади. Шу боис юртимизда барча жабҳада, жумладан, иқтисодий-барқарорлик, ижтимоий фаровонликни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Интернет – бу ягона стандарт асосида фаолият кўрсатувчи жаҳон глобал компьютер тармоғи ёки вакили. У лотинчадан олинган бўлиб, inter — аро ва net (work) — тармоқ таркибий қисмларга ажратилади. Бу сўз икки хил талқин қилинади, яъни «International Network» – халқаро тармоқ ва «Interconnected networks» «тармоқлараро» деган маънони англатади[21,22]. Ўзининг алоҳида ахборот майдонига эга бўлган ушбу виртуал тўплам барча компьютерларнинг ўзаро маълумотлар алмашиш имкониятини яратиб бера олади. У маҳаллий (локал) компьютер тармоқларни бирлаштирувчи ахборот тизими бўлганлиги боис, унинг ҳар бир миждози ўзининг шахсий компютери орқали бошқа шаҳар ёки мамлакатга ахборот узатиш мумкин. Интернет ўз-ўзини шакллантирувчи ва бошқарувчи мураккаб тизим. У тармоқ воситаларини ягона стандарт асосида (ягона тилда) ишлашни таъминловчи дастур сифатида иккита асосий вазифасини бажарилади. Яъни, биринчиси ахборот макони ва иккинчиси коммуникацион восита.

Вертуал нутқий мулоқот оддий нутқий мулоқот каби уч таркибий қисмдан иборат: мулоқотни бошлаш, мулоқотни сақлаш ва мулоқотни яқунлаш. Фойдаланувчи ўзбек тили чатининг вертуал мулоқот маконида ўз борлигини ифодаловчи тил ва прагматик қоидаларига

асосланиб мулоқотни амалга оширади. Вертуал суҳбатни қуйидагича тавсифланиши мумкин: 1) мулоқотнинг оммавий характери; 2) алоқа йўналиши: кўпдан кўпгача; 3) синхрон алоқа; 4) хабар олувчига хабар беришнинг ўртача тезлиги; 5) хабар шакли ва мазмунига қатъий талабларнинг йўқлиги[4,7,15].

Интернет орқали видео мулоқот деганда фойдаланувчилар бир бирларини компьютер экранида (он-лайн тарзда) кўриб турадилар, яъни фойдаланувчиларнинг ҳаракатли тасвирлари бир-бирларига узатилади. Бу видео алоқани амалга ошириб берувчи қурилма веб камера деб номланади. Интернет орқали видео мулоқот жараёнида мулоқотда қатнашаётган барча фойдаланувчилар бир бирининг гапини эшитибгина қолмай, балки бир-бирларини кўриб ҳам туришади.

Вертуал мулоқот жараёни маълум бир шароитларда ва маълум бир омиллар таъсирида амалга ошади. Аввало мулоқот жараёни доим аниқ бир вазиятда амалда бўлади. Меъёрдаги мулоқот акти камида иккита иштирокчи бўлишини тақозо этади: гапирувчи (ёзувчи) ва тингловчи (ёзувчи). Бунда гапирувчи ва тингловчи роллари ўзгармайди. Вертуал майдондаги мулоқот актида онлайн бўлиши шарт. Вертуал майдондаги мулоқот соҳаси маълум бир умумий вазифа ва вазиятли шарт-шароитлар билан бирлашган мулоқот актлар мажмуаси бўлиб, коммуникатив ҳодиса сифатида активдир. Бундай мулоқот мутлақо турли хил соҳаларда амалга ошиши мумкин: кундалик мулоқот соҳаси (асосан шахслараро); саноат мулоқот соҳаси; бизнес мулоқот соҳаси (ёки бизнес мулоқот); илмий, маърифий ва сиёсий нутқ соҳаси; туризм, спорт ва шоу-бизнес соҳаси; тиббий нутқ соҳаси; халқаро алоқа ва ҳ.к [8].

Вертуал майдонда мулоқот соҳаси турли хил булшидан қатъий назар мулоқот модели қуйидаги кўринишда намоён бўлади: манба – > кодлаш – > хабар – > декодлаш – > олувчи [8,10,13] «Кодлаш» бу ўринда манба матнининг турли ўзгаришларини ўз ичига олган хабарга ўтиш жараёнини англатади[13]. Вертуал майдондаги мулоқот жараёнини шакллантирадиган омилларни гуруҳлайдиган бўлсак, бир қатор имкониятларни кўриш мумкин: коммуникатор омили (мазкур жараёнга таъсир этувчи мақсад ва вазифаларини белгилайди); мақсадли аудитория омили (адресат манфаатларини белгилайди); мулоқот канали омили (чекловчилар сифатида майдонга чиқадиган, мазкур канал стандартларини белгилайди). Вертуал майдондаги нутқий мулоқотнинг объекти «чат» тизимидаги компьютер мулоқоти ҳисобланади. Компьютер ёки Internet мулоқот деганда (ҳатто махсус СМС термини ҳам мавжуд (СМС= computer-mediated communication) [3,10,19], бунда компьютер орқали инсонлар ўртасида нутқий мулоқот ва ахборот алмашиш билан боғлиқ коммуникатив ҳатти-ҳаракатларни тушуниш керак бўлади. Бу

компьютер тармоқларидаги масофавий мулоқот бўлиб, бу турдаги гаплар мулоқот канали асосида ажралиб туради. Иштирокчиларнинг бир-биридан узоқлиги ва замонавий компьютерларнинг ўзига хос технологияси бу мулоқотни ўзига хос тарзда намоён этади. Internet-мулоқотни таҳлил қилиш жараёнида компьютер мулоқотининг қуйидаги хусусиятлари мавжуд: 1) электрон сигнал (бу мулоқот канали ҳисобланади); 2) виртуаллик (номаълум жамоа билан алоқа, номаълум суҳбатдошлар билан мулоқот); 3) масофавий (макон ва замонда ажратиш ва бир вақтнинг ўзида синхронизация); 4) воситачилик (алоқа техник воситалар ёрдамида амалга оширилганлиги учун); 5) долзарблиги ва юқори даражадаги ўтказувчанлик (ҳар қандай шахс компьютер мулоқотнинг иштирокчиси бўлиши мумкин); 6) гиперматнлилик; 7) компьютер матнларининг креативлиги (жанр қоришмаси); 8) тармоқ иштирокчиларининг асосан мақомига кўра тенглиги; 9) «кулгичлар» ёрдамида ҳиссиётлар, юз ифодаларининг узатилиши; 10) нутқнинг компьютер шакли барча турдаги гапларни бирлаштиш; 11) ўзига хос компьютер этикаси [2,7,8].

Internet-мулоқот инсонлар ўртасидаги мулоқотида янгича ўлчамини очиб берди. У катта ҳажмдаги ахборотларни сақлаш ва тез узатиш, audio ва video алоқа каналларидан фойдаланиш ва он-лайн режимида мулоқот қилиш имконини яратиб беради. Яъни респодентлар билан бевосита тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатишга замин яратилди. Компьютер мулоқоти virtual муҳитдаги мулоқот бўлиб, бу унинг бошқа нутқий мулоқот турларидан фарқловчи энг муҳим хусусиятидир. Вертуал мулоқот бошқа мулоқот турлари каби бир неча хил хусусиятларга эга. Масалан, қамрови нуқтаи назаридан компьютер мулоқот оммавий (бутун дунё билан алоқа), ички шахсий (фойдаланувчи ва компьютер ўртасидаги алоқа) ва гуруҳли мулоқот кўринишга эга. Вақт омилини, яъни мулоқот жараёнининг давомийлигини ҳисобга олган ҳолда компьютер мулоқот қисқа (электрон почта орқали хабарни олиш) ёки вақт бўйича чекланмаган (Internet-конференцияларда иштирок этиш) бўлиши мумкин. Шаклига кўра компьютер мулоқот оғзаки (овозли modem) ва ёзма (матн ва график)га бўлинади. График шакл – ҳарфлар ташқари бошқа тасвирлар, диаграммалар ва ҳоказоларни узатишни англатади. Мулоқот усулига кўра компьютерли мулоқот воситали алоқа ҳисобланади, чунки у техник воситалар ёрдамида амалга оширилади. Ахборотни узатиш ва идрок қилиш каналига кўра компьютер мулоқоти ҳақиқий (реал инсонлар билан мулоқот) ва virtual (номаълум, хаёлий суҳбатдошлар билан мулоқот) га бўлинади [2,3].

Шундай қилиб, компьютер мулоқотни ўрганиш бўйича қуйидаги

назарий моделини бешта омиллар кўра тасвирлаш мумкин:

қамрови бўйича (оммавий, гуруҳли ва интерперсонал);

вақтга асосланган (қисқа ва чегараланмаган вақт ичида);

ёзма (матнли ва график) ва оғзаки (audio модемдан фойдаланганда ҳолда) шаклда;

узатиш канали бўйича (ҳақиқий, virtual);

алоқа усулига кўра (ҳар доим билвосита).

Вертуал мулоқот шахсга йўналтирилган (электрон почта ёзишмалари) ёки мақомга йўналтирилган (турли мавзулардаги конференцияларда мулоқот: сиёсат, sport, тиббиёт, фан ва бошқалар) бўлиши мумкин. Унда нутқнинг барча турларига оид хусусиятлари мавжуд бўлади. Нутқнинг компьютер тури оммавий мулоқот билан кўп боғлиқлик жиҳатлари бўлса-да, аммо у билан тўлиқ мос келмайди. Жумладан, оммавий ахборотдан фарқли равишда компьютер мулоқот ўзаро йўналтирилган бўлиб, кўпгина матнлар шахсий характерга эга бўлади. Шунини таъкидлаш керакки, ахборот технологияларининг фаол ривожланиши ва инсонларнинг кундалик ҳаётида қўлланилиши ҳисобга олган ҳолда, компьютер ва инсон ўртасидаги муаммолар бугунги кунда асосий босқичга кўтарди.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, вертуал мулоқотни коммуникатив-прагматик ўрганиш ёндошуви орқали тармоқ фойдаланувчиларининг нутқини таҳлил қилиш имконини беради. Бу эса вертуал майдондаги нутқий мулоқот муаммосини ёритиб бериш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжудлигини тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Галичкина, Е. Н. Компьютерная конференция в системе жанров компьютерного общения. Межвузовский сборник научных трудов - Саратов: Изд-во «Научная книга», 2003. - Выпуск 9. - С. 276-280.

2. Демьянков, В. З. Интерпретация, понимание и лингвистические аспекты их моделирования на — М.: Изд-во Моск. ун-та, 1989.- 172 с.

3. Жичкина, А.Е. Социально-психологические аспекты общения в Интернете [http:// floqiston.ru/projects/articles/strategy.shtm/](http://floqiston.ru/projects/articles/strategy.shtm/).

4. Карцевский С. Об асимметричном дуализме лингвистического знака // Звегинцев В.А. История языкознания в очерках и извлечениях. Ч. II. —Москва: Просвещение, 1965. —85 с.

5. Кашкин В.Б. Введение в теорию коммуникации. Воронеж, 2000.- С.221-234.

6. Кремлева, С. «ЧАТ» как разновидность виртуального общения // <http://sociology.extrim.ru/dip/start.htm>

7. Лошманова Л.Т. Жаргонизированная лексика в бытовой речи



молодёжи 50-60-х годов. Автореф.дисс...канд.филол.наук. –Ленинград, 1975.-С.57-59.

8. Овчарова, К. В. Электронный дискурс: общая характеристика // Лингвистическая организация дискурса: функциональные и содержательные аспекты : Межвуз. сб. тр. молодых ученых. — Краснодар, 2004. - Вып.1. - С. 108-113.

9. Миртожиев М.,Махмудов Н. Тил ва маданият.– Тошкент: Ўзбекистон, 1992.– 110 б.

10. Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари:Филол.фан.д-ри. ... дисс. –Тошкент, 2000. –Б. 198-204.

11. Почепцов Г.Г. О месте прагматического элемента в лингвистическом описании // Прагматические и семантические аспекты синтаксиса. –Калилин: КГУ, 1985. –С. 12-18.

12. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – Москва: Наука, 1971. –С. 95.

13. Соссюр Ф. Труды по языкознанию. –Москва: Прогресс, 1977. –С. 52.

14. Стратен В.В. Арго и арготизм. – В сб.: «Труды комиссии по русскому языку». –Ленинград, 1931.-С.91-98

15. Тоирова Г.Этносоциопрагматика ёки прагматик социолингвистика ҳақида. БухДУ илмий ахбороти. 2008, № 1. –Б.53-55.

16. Тоирова Г. Нутқий мулоқотнинг лисоний вербал ва лисоний новербал воситалари хусусида (саломлашиш мисолида). БухДУ илмий ахбороти. 2018, № 1. –Б.67-74.

17. Формановская, Н. И. Речевой этикет и культура общения. - М.: Высшая школа, 1989. - 415 с.

18. Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. –Тошкент: Фан, 1982. –Б. 43-53.

19. <https://sites.google.com/site/comnetschool/mir-obedinennyj-v-set/cto-takoe-internet>

20. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/internet-uz/>

**ЖАМОЛ КАМОЛ ШЕЪРЛАРИДА ЎЗБЕК-ТОЖИК
АДАБИЁТИДАГИ АНЪАНАВИЙ ЛИСОНИЙ БИРЛИКЛАР ВА
ОБРАЗЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.77.67.038>

Акрамова Сураё Ренатовна,

*Бухоро давлат университети, Бошланғич таълим назарияси
кафедраси ўқитувчиси*

***Аннотация.** Ушбу мақолада тилнинг ижтимоий ҳодиса экани, турли лисоний бирлик ва образлар, атаманинг анъанавийликка асосланиши орқали адабиётдаги акси Жамол Камол шеърларидан фойдаланган ҳолда очиб берилди.*

***Калит сўзлар:** Жамол Камол, ўзбек-тожик, лисоний бирлик, образ, адабиёт.*

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТРАДИЦИОННЫХ ЯЗЫКОВЫХ ЕДИНИЦ
И ОБРАЗОВ В УЗБЕКСКО-ТАДЖИКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ В
СТИХОТВОРЕНИЯХ ДЖАМАЛА КАМАЛА**

Акрамова Сураё Ренатовна

*Бухарский государственный университет,
преподаватель кафедры теории начального образования*

***Аннотация.** В данной статье раскрывается, что язык - это социальное явление, с использованием различных языковых единиц и образов, отражение термина в литературе через стихотворения Джамала Кемала.*

***Ключевые слова:** Джамал Камал, узбекско-таджикский, языковое единство, образ, литература.*

**THE USE OF TRADITIONAL LINGUISTIC UNITS AND IMAGES
IN UZBEK-TAJIK LITERATURE IN THE POEMS OF JAMAL KAMAL**

Akramova Surayo Renatovna

*Bukhara State University,
Lecturer at the Department of Theory of Primary Education*

***Abstract.** . This article reveals that language is a social phenomenon, using various linguistic units and images, the reflection of the term in literature through the poems of Jamal Kemal.*

***Key words:** Jamal Kamal, Uzbek-Tajik, linguistic unity, image, literature.*



Биров тайёрагоҳда дедиким
менга:эронийман,
Манам қўл чўздиму дарҳол,
Дедим унга:туронийман...
Кулишдик...Дедиким менга:
Туронда акс этар Эрон,
Сени кўрсам, кўзим қувнаб,
ширинсўз, хушзабонийман. (Ж.Камол)

Кўп асрлик тарих гувоҳки, ўзбек ва тожик халқлари Марказий Осиёнинг жаннатмонанд ҳудудида елкама-елка яшаб, бир дарёдан сув ичиб, шу ўлкани обод қилиб, маданият ва санъатини ривожлантириб, дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшиб келаётгани адабиёт оламида ҳам бегона эмас. Бу халқларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, маданияти муштараклиги ҳақида кўплаб мисол келтириш мумкин. Ўрта асрларда, Иккинчи уйғониш (ренессанс) даврида ўз ижоди билан бутун Шарқни қойиллатган Алишер Навоий билан Абдурахмон Жомий дўстлиги ўзбек ва тожик халқлари тарихидаги ёрқин саҳифалари эмасми?

Бу матлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 9-10 март кунлари Тожикистонга тарихий ташрифи чоғида икки буюк мутафаккир шоирнинг ибратомуз дўстлигига оид китобни Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмонга ҳадя қилиш асносида алоҳида таъкидланган эди. Бу рамзий маънога эга. Чунки икки мутафаккир дўстлиги бир неча асрдирки, халқларимиз яқинлигига нур ва шукуҳ бағишлаб келмоқда. Икки халқ адабиётининг дўстлиги, айниқса, зуллисонайнлик (икки тилда баробар ижод қилиш) анъаналарида биз аввало элларимизнинг маънавияти муштараклигини ҳис этамиз. Шукурки, аждодлар анъанаси янги давру замонларида янгича аҳамият касб этиб келмоқда. Бу ҳақда яқин тарихимиз ҳам сўзлайди. Тарих эса буюк муаллим. Шу тариқа, Ғафур Ғулум, Ойбек ва Садриддин Айнию Мирзо Турсунзодалар, Абдулло Орипову Эркин Воҳидов ва Лоик Шералиларнинг дўстона алоқаларига ҳам назар ташлаш мумкин.

Ҳаётимизнинг қайси соҳасини олмайлик, биз – ўзбек ва тожик халқларининг бирлиги таъсирини кўрамиз. Халқларимиз қалбидаги меҳру садоқат, маънавият ва руҳият мана шу бирликни мустаҳкамлаш, тараннум этиш йўлида оҳанрабо ва бир-бирларига тортувчи, элтувчи жозиба кучидир. Бу эса халқлар дўстлиги ва бугунги кунда жуда муҳим бўлган маданиятлараро мулоқот (сўзлашуви)да муҳим омил ҳисобланади. Тилшунослигимизда ҳам бевосита бадиий матн антропоцентризи оламнинг индивидуал-муаллифлик манзарасини, муайян этноснинг миллий маданиятини, менталитетини, турмуш тарзини, унинг анъаналари ва маданий қадриятларини акс эттириши

асосланган;

стилистик воситалар муайян тарихий, бадий, мифологик, диний ва бошқа характердаги билимлар структурасини етказиб берувчи когнитив модел эканлиги исботланган; миллий-маданий хусусият матнда миллий маркерланган тил бирликлари (сўз-реалиялар, фразеологик бирликлар), миллий шартланган маданий концепталар, миллий маркерланган стилистик воситалар ва контекстлар, миллий маданиятга алоқадор миллий анъаналар, маросимлар ва ҳодисаларда намоён бўлиши далилланган;

оламнинг миллий манзараси тилшуносликда қайд этилган оламнинг содда манзараси, оламнинг илмий манзараси, оламнинг бадий манзараси, оламнинг индивидуал-муаллифлик манзараси каби манзара типлари билан чамбарчас боғлиқлиги асосланган; миллий-маданий ўзига хосликда рамз, аллюзия, метафора, литота каби стилистик воситаларнинг муҳим аҳамиятга эгаллиги таъкидланиб келган. Бу, айниқса, ўзбек-тожик лисонида ўз исботини топган.

Бу борада Т.Б. Радбиль таъкидлаганидек, «...ибтидоий онг миқёсида менталитет деб атаб келинган нарса қадимдан бизнинг экзистенциал тажрибамизнинг шартсиз мавжудлиги сифатида ҳис қилинади. Бунга бизни фольклордан олинган маълумотлар, хусусан, миллий мавзудаги латифалар, фразеологизм, мақол ва маталларнинг лисоний материали ҳамда фалсафий, маданий ва адабий анъаналар ишонтиради».

Биз устоз Жамол Камол шеърларининг ҳар қатида бу лингвوماданий муштаракликни кўрамиз. Аслида, тилшунослик бўйича замонавий тадқиқотларда «образ», «образлилик» атамалари тез-тез учраб туради. Лисоний образлилик масаласи айни пайтда ҳам қадимий, ҳам янги ҳисобланади. Қадимийлиги шундаки, унинг айрим аспекти, жумладан, образлиликни яратувчи асосий воситалар – метафора ва ўхшатиш – анча олдин антик риторика асарларида кўриб чиқилган.

Ўзбек мумтоз шеъриятида ҳам бир-бирига кўчиш, нафақат лисоний, образлар муштаракликка гувоҳ бўламиз, ҳатто анъанавий поетик образлар тизими мавжуд. Мумтоз шеъриятда ой, юлдуз, куёш тимсоллари маъшуқа ва ошиқ образини ифодалаб келса, Ж.Камол ижодига мансуб ғазалларда ҳам айни шу ҳолатни кўриш мумкин.

Бир санам янглиғ тикарму
Кўкда олтин кашта ой
Бир санам деб ё фалак
Саҳросида саргашта ой.

Юқоридаги сатрларда ой дастлабки сатрга маъшуқага қиёс этилиши орқали метафорик маъно кўчишни юзага чиқарган. Кейинги мисрада эса ошиқ тимсолини акс эттириб келмоқда. Яъни «бир санам» – суюкли

ахлоқий муҳитни муайян даражада барқарорлаштиради. Айни пайтда мутафаккирлар ахлоқ фазилатларининг акси бўлган салбий хислатларни айтиб, уларни рад қилади. Бу борада улар, худбинлик, исрофгарчилик, бахиллик, журъатсизлик, манманлик, иккиланиш, қайсарлик, ғазаб, уятсизлик (важоҳат), нифок, хушомадгўйлик, бекорчилик (ихмол), хирс, мунофиқлик (риё), мол дунёга ўчлик (сарват) каби иллатларни изоҳлаб ўтади. Улар ушбу салбий хусусиятлар шахсни ғофиллик ва инқирозга бошлашни алоҳида уқтирадilar. Шарқ мутафаккирлари ижодида аксарият ҳолларда қуйидаги методлардан фойдаланилган: Шахс онгини шакллантирувчи методлар; бунга суҳбат, маъруза, тушунтириш, панд-насиҳат методлари кириб, ўқув-тарбия жараёнида улардан фойдаланган ҳолда талабаларда билим, кўникма ва малакалар шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Ундан кўзланган асосий мақсад – шахсга ҳаттиҳаракатлар, воқеа- ҳодисаларга нисбатан у ёки бу талабларнинг маънавий, ахлоқий, ижтимоий-иқтисодий, жисмоний, эстетик жиҳатларини очиб бериш, ёшларда хулқ-атвор ва инсоний муносабатларга тўғри баҳо беришни шакллантиришда кўмаклашишдан иборат. Одатлантириш методи. Ушбу метод орқали талаба-ёшлар меҳнатсеварлик, тежамкорлик ҳамда ижодкорлик кўникмаларини эгаллашга одатлантирилади. Жазолаш методи. Ёшлар исрофгарчиликка йўл қўйганда, одоб-ахлоқда салбий томонга нисбатан ўзгариш бўлганда, ўзидан кичикларни қийнаганда, мазкур методдан фойдаланган. Рағбатлантириш методи. Талаба-ёшлар ўқув-тарбия жараёнида муайян муваффақиятларга эришган ҳамда жамиятга бирор фойда келтирганда мазкур методни қўллаш таълим жараёнида катта самара беради. Рағбатлантириш методи талабалар шахси, хатти-ҳаракатларини фаоллаштириш мақсадида қўлланилади. Маълумки, алломаларнинг таълимотларида мавжуд бўлган рағбатлантирувчи сўзлар «баракалла», «кўп яша», «бале», «барака топ», «отанга раҳмат», «умринг зиёда бўлсин» кабилар бугунги кунда ўз қимматини йўқотган эмас. Мазкур рағбатлантирувчи сўзлар орқали талаба-ёшлар дунёқараши, тафаккури ва онгини ривожлантиришга эришиш мумкин. Рағбатлантириш талабаларни билимларни чуқур эгаллаш, касбий кўникмаларни мустаҳкамлаш, тинимсиз ҳаракат қилишга илҳомлантиради. Кўриниб турибдики, ҳозирги замон тарбия методлари билан аждодларимиз ижодида фойдаланилган методлар орасида қатор ўхшашликлар мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1 Ш.Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т., «Ўзбекистон», 2017. - Б. 45.

2. Мамуров Б.Б. Акмеологический подход к воспитанию молодого поколения в наследии предков. http://www.manpo.ru/manpo/publications/ped_obraz/n2016_03.pdf#page=147

3. 10. Gaybullaevna Dilova Nargiza Innovative approach to education is a factor for developing new knowledge, competence and personal qualities. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) Year 2021

БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАР АМАЛИЙ КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.68.47.034>

Исамова Покиза Шамсиевна

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, «Педагогика ва педагогика» кафедраси в/б доценти, педагогика фанлари номзоди

Аннотация. *Мазкур мақолад, бўлажак педагоглар амалий компетентлигини ривожлантириши йўллари илмий назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада бўлажак педагоглар амалий компетентлигини такомиллаштириши замирида дидактоцентриқ технологиялар, ўқув дастурида режаслаштирилган материалларни таълим олувчиларга етказишнинг методик таъминоти яратиши муҳим педагогик аҳамият касб этиши апрофлича таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *бўлажак педагог, амалий компетентлиги, мезон, дидактик жараён, талаба, ўқув фаолияти, илмий-назарий, билим, ўзлаштириши, дидактоцентриқ технология, ўқув дастури, режа, таълим олувчи, методик таъминот, ўқитиши жараёни.*

Аннотация. *В статье анализируется научно-теоретический анализ путей развития практической компетентности будущих учителей. В статье также подробно анализируется важное педагогическое значение дидактоцентрических технологий, создание методического обеспечения сдачи плановых материалов учащимся на основе повышения практической компетентности будущих учителей.*

Ключевые слова: *будущий учитель, практическая компетенция, критерии, дидактический процесс, студент, учебная деятельность, научно-теоретические, знания, усвоение, дидактически-центрическая технология, учебный план, план, обучающийся, методическое обеспечение, учебный процесс.*

Abstract. The article analyzes the scientific and theoretical analysis of the ways of developing the practical competence of future teachers. The article also analyzes in detail the important pedagogical significance of didactic-centric technologies, the creation of methodological support for the delivery of planned materials to students on the basis of increasing the practical competence of future teachers.

Key words: future teacher, practical competence, criteria, didactic process, student, educational activity, scientific and theoretical, knowledge, assimilation, didactic-centric technology, curriculum, plan, student, methodological support, educational process

Жамиятимизнинг турли соҳаларида бўлгани каби таълим соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётган бугунги кунда узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир босқичи тадрижий йўл билан тараққий этиб бормоқда ва муайян ислохотлар олиб борилмоқда.

Президент Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратиш [1;] муҳимлиги эътироф этилган. Бунинг учун, бўлажак ўқитувчиларни давр талаблари асосида тайёрлаш, уларни ўз касбининг моҳир устаси, янгиликларни тез идрок этиб, ўз фаолиятида қўллайдиган ижодкор қилиб тарбиялаш олий мактаб ва педагогика фани олдида турган муҳим вазифаларидан бўлиб ҳисобланади. [1;]

Айтиш ўринлики, мутахассиснинг касбий компетентлиги муайян бир соҳа мутахассисининг касбий тайёрлиги, салоҳиятлилиги ва касбий етуқлигини баҳоловчи мезон ҳисобланади. Шу ўринда биз педагогик компетентлик тушунчасига изоҳбериб ўтишни лозим топдик.

Педагогик компетентлиликнинг ўзига хос хусусиятлари хусусида Н.Азизходжаева педагогик компетентлик - бу қабул қилинган нормалар, стандартлар ва талабларга мос тарзда педагогик функцияларни бажариш қобилияти ва тайёрлигини белгиловчи ўқитувчининг индивидуал ва касбий тавсифи, - деган таърифни умумлаштиради[2;] ва педагогик компетентлик қуйидаги компонентлардан иборат эканлигини билдиради.

Булар:

- ўқитувчининг таълим-тарбия ишларини гуманистик позициядан бошқариши бўлиб, бу феномен педагогик компетентлиликнинг асосий компоненти эканлиги;

- таълим – тарбия ишларини муайян тизим асосида олиб бориш;

-фанларни ўқитишда талабаларнинг эркинлигини таъминлашда ўқитувчининг мулоқот маданияти, ўзининг фани бўйича янги ахборотлар билан танишиш масаласи ва уларни индивидуал тажрибаларида қўллаб, билимларини ошириб бориши алоҳида аҳамиятга эга эканлиги;

-ўзининг педагогик тажрибаларини илғор тажрибалар билан интеграциялаш, ўз касбдошларининг тажрибаларини ўрганиши, инновацион тажрибаларни ўзлаштириш қобилияти ва ўз тажрибаларини умумлаштирган ҳолда уларни бошқаларга етказиш малакаси.

Педагог олимлардан В.Сластёнин билан И.Исаевлар эса педагогнинг касбий компетентлиги унинг педагогик фаолиятини амалга оширишга қаратилган назарий ва амалий тайёргарлигининг бирлиги бўлиб, педагогнинг профессионализмини белгилашини таъкидлаган.

Педагог олимларнинг «педагогик компетентлилик» тўғрисидаги илмий қарашларни ўрганиб чиқиб айтиш мумкинки, «Билишнинг

асосини амалиёт ташкил этади» [8;]. Фикримизча, амалиётда қўлланилмаган билим ҳосилсиз дарахтга ўхшайди. Шунинг учун бўлажак педагогларнинг амалий компетентлигини шакллантиришда ҳар бир дарс, ҳар бир фаолият, ҳар бир машғулот амалиёт билан боғлиқлигига, англанди маълум мақсадга қаратилганлигига эътибор бериш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Кузатишларимизга караганда қайси соҳада бўлмасин, соҳа мутахассисларининг юқори даражадаги амалий компетентликка эга бўлиши, биринчидан, иш жойларида ижобий педагогик муҳитни шакллантириб, ишнинг самарадорлиги ва интенсивлигини таъминланса, иккинчидан, ушбу соҳанинг ривожланишида аҳамиятли ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам таълим ва турли ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалиётчи педагогларга бўлган эътибор долзарб масала сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги педагог олимларидан И.Лёхина ҳамда Ф.Петровалар «Компетенция» тушунчаси латин тилидан олинган бўлиб, *competentsia* – «тегишли», «билгили бир соҳани билувчи», «тўлиқ ҳуқуққа эга», «муайян бир шахс ёки корхонанинг тўлиқ ҳуқуққа эгаллиги», «шахснинг билимлари ва тажрибалари атрофидаги масалалар» - деган маъноларни билдирса, компетентлик тушунчаси ўз билимлари ва ҳуқуқларига суянган ҳолда муайян бир масалаларни ҳал этиш ва еча олишга лойиқлиги, фикр юрита олиш малакасига эга эканлигини билдиришини [4;] қайд этган. Б.Эльконин компетентликни мутахассиснинг билимлилик, касбига мос бўлиш, малакаси, бой тажрибага эга бўлиш, жавобгарликни, педагогик фаолиятга сингдириб бориш, ўз соҳасининг устаси бўлиш ва унинг сирларини чуқур билиш билан боғлиқ эканлигини баён этган. [5;] Э.Зеер билан Н.Шахматовалар эса муайян бир соҳа мутахассисининг касбий компетентлигидаги турли кўринишлар, яъни касбий компетентликнинг турлари ўзаро интеграллашиб боришини билдирган. Шунингдек, Ю.Бабанский, А.Белкин, С.Елканов, И.Зязюн, И.Исаев, В.Кан-Калик, Н.Кузьмина, Н.Кухарев, К.Левитан, А.Леонтьев, А.Макаренко, А.Маркова, Л.Новикова, В.Сластёнин, И.Шварц томонидан касбий тайёргарлик билан унинг амалий тажрибаси, шахс ва мутахассис сифатида ўз - ўзини англаши, ўз кучига бўлган ишонч, бошқалар томонидан билдирилган камчиликларни тўғри қабул қилиш касбий компетентликнинг асосий даражалари сифатида таҳлил қилинган. [6;]

Педагогика соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири шахс манфаати ва таълим устуворлигидир. Бу омиллар асосида:

- бўлажак педагогларни ўз-ўзини таҳлил қилиши;
- инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топишида амалий ёрдам бера олиши;

- ўз-ўзини касбий ривожлантиришини режалаштира олиши;
- мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаши;
- иш фаолияти жараёнида ўзини кўрсата олиши ҳамда йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида тузатиб боришини амалий компетентлиликка эришишнинг асосий йўли сифатида кўрсатиш мумкин.

Олий таълим муассасаларининг Педагогика йўналишида таҳсил олаётган бўлажак педагогларнинг амалий компетентлигини ривожлантириш, дидактик имкониятларини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида:

- бўлажак педагоглар учун янги малака талабларини ишлаб чиқиш;
- бўлажак педагогларни зарур методик материаллар билан қуроллантириш;

- олий таълимни бошқариш ахборот тизимини (EMIS) такомиллаштириш, вазирлик ва идораларнинг бошқа ахборот тизимлари билан интеграциялаш;

- халқаро стандартлар ва миллий анъаналар уйғунлигида юқори малакали, замонавий билим ва кўникмаларга эга профессионал кадрларни тайёрлаш;

- таълимда брендлар, илмий анъаналар тизимини яратиш асосида олий таълим ва олий таълим муассасалари имиджини шакллантириш стратегияси бўйича дастурлар ишлаб чиқиш муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган. [3;]

Юқорида кўрсатилган вазифалар ижросини таъминлаш учун олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бўлажак педагогларнинг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришнинг дидактик имкониятларини аниқлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун:

- биринчидан, юқори самарали замонавий таълим ва инновация технологиялар, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бўлғуси педагоглар учун малака талаблари, ўқув режалари, дастур ҳамда усулларни тубдан янгилаш;

- иккинчидан олий таълим муассасаларида талабаларга сабоқ бераётган профессор-ўқитувчиларнинг замон билан ҳамнафас бўлишларига, ўқув жараёнига фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, илғор усулларни кенг жорий этишга зарур шарт - шароит яратиш, шу билан бирга, касб маҳорати, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ривожлантириб боришни талаб этади. Бугунги замонавий педагог:

- ҳар томонлама ривожланган илмий тафаккурга эга, касбига тегишли маълумоти бор, яъни ўз фанининг чуқур билимдони, педагогик мулоқот устаси, педагогик - педагогик ва услубий билим ҳамда малакаларни эгаллаган бўлиши, турли педагогик вазиятларни таҳлил қила олиши;

- педагогик таъсир кўрсатишнинг дидактик усул ва воситаларини танлай олиш қобилиятига эга бўлиши, монодидактик тизимнинг комбинациясидан унумли фойдалана олиши;

-ассоциатив - рефлаторли, бихевиористик, гештальттехнология, интериоризаторлик, ривожлантирувчи, нейролингвистик дастурлаштирилган ва суггестив таълим технологияларини амалиётга татбиқ эта олиши;

-юксак даражадаги педагогик маҳорат, чунончи, коммуникативлик лаёқати, педагогик техника (нутқ, юз, қўл-оёқ ва гавда ҳаракатлари, мимика, пантомимика, жест) қоидаларини чуқур ўзлаштириб олишга эришишлари лозим.

Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бўлажак педагогларни педагогик маҳорат сирларидан бохабар этиш билан бир қаторда, уларнинг амалий компетентлигини оширишнинг дидактик имкониятларини бевосита таълимий муаммоларни, талабаларнинг таълим жараёнидаги фаолияти, уларнинг ўқув, билув жараёнига илмий-назарий жиҳатдан ёндашувини такомиллаштириш ҳам муҳим педагогик аҳамият касб этади. Олий таълим муассасаларида бўлажак педагоглар амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш кўп жиҳатдан ўқув жараёнини педагогик лойиҳалашга боғлиқ бўлиб, ўқув жараёни қуйидаги педагогик ва педагогик шартлар асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- мутахассислик фанлари бўйича замонавий тенденцияларга асосланган махсус билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланишида юқори даражадаги мотивацияни шакллантириш;

-бўлажак педагогларнинг мустақил ўзлаштириш фаолиятини ривожлантириш имконини берувчи хорижий тажрибалар ва амалий тренингларни қўллаш;

-педагогик фаолиятда муҳим шахсий сифатларни фаол ривожлантириш усул ва воситаларидан самарали фойдаланиш; турли педагогик маслаҳатлар ва экстремал педагогик вазиятларни ҳал қилиш тажрибасини эгаллашда амалий тайёргарликнинг устунлиги;

- замонавий усуллар ва дидактик воситалар, шунингдек, ахборот-коммуникацион технологиялар ва симуляцион дастур воситаларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш;

-бўлажак педагогларнинг амалий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришда ўқув-тарбиявий жараённи ижодий технологик жараён билан алмаштириш;

- бўлажак педагогларнинг амалий компетентлигини такомиллаштириш технологиясининг барча босқичларида узлуксиз мониторинг хизматларини йўлга қўйиш.

Айтиш жоизки, «Бутун ҳаёт давомида таълим олиш» концепцияси амалиётчи педагог фаолиятидаги коррекцион ва ривожлантирувчи ишларнинг сифат ва самарадорлигини таъминлашга эришишнинг бош мақсади бўлиб, бу жараён олий таълим муассасаларини модернизациялаш ва интеграциялаш, педагогик лаборатория хоналарини моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ўқув-услугий таъминоти, таълим менежменти ва назоратини замонавий педагогик технологиялар асосида олий таълим муассасаларида ўқитувчиларининг педагогик маҳоратлари ва таълим жараёнига креатив ёндашувларини хорижий тажрибалар асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

Олий таълим муассасаларида бўлажак педагоглар амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш тамойиллари қуйдагилардан иборат:

- таълимнинг устуворлиги;
- таълимнинг демократлашуви;
- таълимнинг инсонпарварлиги
- таълимнинг ижтимоийлиги;
- таълимнинг миллий йўналтирилганлиги;
- таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги;

-иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражаси, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш[2;] билан бирга, педагог компетенциясига оид халқаро ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг методологик асосларини, мазмун ва моҳиятини билиш, уларга амал қилиш.

Биз тадқиқотлар жараёнида олий таълим муассасаларида бўлажак педагоглар амалий компетентлигини такомиллаштириш негизида ДТСда белгиланган таълимнинг барча босқич талабаларининг мутахассислик фанлари бўйича тайёргарлик даражасига қўйилган талаблар мазмуни ва таркибий тузилишини илмий - назарий нуқтаи назардан ўрганиб чиқдик ва бўлажак педагоглар амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнайдиган қуйидаги йўналишларни олий таълим муассасаларида кенгроқ ёритиш кераклигини мақсадга мувофиқ деб топдик:

- таълим мазмунини ташкил қилишда, ўз шахсий тараққиёт йўналишида педагог вазифаларини кенгайтириш;
- амалий компетентлилик бўйича миллий ва халқаро тажрибага оид материаллар (илғор педагогик ғоялар, янги замонавий ахборот технологиялари, педагогика соҳасидаги янгиликларга оид материаллар);
- таълим олувчининг билим ва кўникмаларини касбий фаолиятида қўллай билишга тайёрлаш;

–ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги интеллектуал-эмоционал

дидактик таълим мазмуни ва усулларининг вариативлиги, интерфаоллик, диалоглик, муаммолик, амалий йўналтирилганлик тамойиллари асосида ишлаб чиқилганлиги ва ҳ.к.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак педагоглар амалий компетентлигини такомиллаштириш замирида:

- аниқ мезонлар асосида тартибланган дидактик жараён орқали талабалар ўқув фаолиятидаги илмий-назарий билимларни ўзлаштириш имкониятлари кондирилади;

- дидактоцентрик технологиялар, ўқув дастурида режалаштирилган материалларни таълим олувчиларга етказишнинг методик таъминоти яратилади;

- ўқитиш жараёнида ўқитувчи томонидан қўлланиладиган дидактик воситалар ва дидактик материаллар таълим тамойиллари асосида яратилади;

- талабаларнинг дидактик қобилиятлари шакллантирилади;

- ўқув жараёнининг предметли қўллаб-қувватланиши учун шарт шaroит яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни // Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 24-сентябр

2. Президент Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2020

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2019 й.

4. Краткий словарь иностранных слов. (Под редакцией И.В.Лёхина и проф. Ф.Н.Петрова. 5-переработанное и дополненное издание. Государственное издательство иностранных и национальных словарей. –М.: 1950г. -456с. стр.174

5. Б.Д.Эльконин «Понятие компетентности с позиции развивающего обучения». 2002г.

6. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999. – 244 с..

7. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003

8. Х.И.Ибрагимов, У.А.Йўлдошев, Х.Бобомирзаев. «Педагогик психология». Ўқув қўлланма. Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти. Тошкент. 2007.



ИНФОРМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШНИ НЕЙРОТАРМОҚ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ТАШКИЛ КИЛИБ ТАЛАБАЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.25.64.100>

Юсупов Давронбек Фирнафасович

ORCID: 0000-0002-1863-1375

*Urganch davlat universiteti, Axborot texnologiyalari kafedراسи katta
o'qituvchisi*

Аннотация. Мақолада олий таълимда мутахассислар тайёрлаш жараёнидаги муҳим масалалардан бири кўриб чиқилган. Замонавий таълим, замонавий ишлаб чиқариш ва жамиятнинг турли соҳаларида тез ўзгаришлар фониди узоқ йиллар давомида ўзгаришсиз қолди. Таълимнинг эволюция суръати, тармоқлар ва жамиятнинг ривожланиши тезлигидан орқада қолаётганини ҳаммага маълум. Бўлажак мутахассислар замонавий ва сифатли таълим олиши жамиятдаги асосий муаммолардан биридир. Бироқ, таълим олиши ва таълим сифатини баҳолаш масалалари деярли ўрганилмаган, аксарият университетлар эса ички ахборот-таҳлил тизимини яратмасдан туриб, таълим сифати муаммосини ҳал қилиши мумкин эмаслигини тушунадилар.

Калит сўзлар: нейротармоқ технологияси, талабаларни фаоллаштириши, мослашган ўқитиши, мавзуни структуралаш, ўқитиши модели, мантиқли граф-схема, семантик тўр.

МЕТОДИКА АКТИВАЦИИ СТУДЕНТОВ ПРИ ОРГАНИЗАЦИИ ОБУЧЕНИЕ КУРСА ИНФОРМАТИКА НА ОСНОВЕ НЕЙРО СЕТЕВОЙ ТЕХНОЛОГИИ

Юсупов Давронбек Фирнафасович

*Старший преподаватель кафедры информационной технологии
Ургенчского государственного университета*

Аннотация. В работе рассматриваются насущные вопросы подготовки специалистов высшего образования. Современное образование уже как множество лет остается неизменным на фоне стремительных изменений в различных сферах деятельности современного производства и общества. Всем известно, что темпы эволюции образования отстают от скорости развития отраслей производства и общества. Получения актуального и качественного образования будущими специалистами является одной из главных проблем в обществе. Однако вопросы получения востребованного образования и оценки качества образования остаются почти не исследованными, при этом большинство вузов понимает, что без создания внутренней информационно-аналитической системы проблему качества образования не решить.

Ключевые слова: нейросетевые технологии, активация студентов, адаптивное обучение, структурирование содержание темы, модель обучения, логическая граф-схема, семантический сет.

METHODS OF ACTIVITY OF STUDENTS FOR ORGANIZATION COURSE INFORMATICS ON THE BASIS OF NEURO NETWORK TECHNOLOGY

Yusupov Davronbek Firnafasovich

Senior Lecturer, Department of Information Technologies, Urgench State University

Abstract. *The paper deals with the pressing issues of training higher education specialists. For many years, modern education has remained unchanged against the background of rapid changes in various spheres of activity of modern production and society. Everyone knows that the rate of evolution of education lags behind the rate of development of industries and society. Getting an up-to-date and high-quality education for future specialists is one of the main problems in society. However, the issues of obtaining education in demand and assessing the quality of education remain almost unexplored, while most universities understand that the problem of education quality cannot be solved without creating an internal information and analytical system.*

Key words: *neural network technologies, student activation, adaptive learning, structuring the content of the topic, learning model, logical graph-scheme, semantic set.*

Ахборот коммуникация технологиялари соҳасида, умуман барча соҳаларда ҳам, мутахассисларни тайёрлашнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд, яъни таълим мухити ва соҳанинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзига хос ўқитиш моделини яратиш зарур. Ўқитиш модели деганда биз предмет соҳаси бўйича барча билимларни ўз ичига олган билимлар базаси ва ўқитишнинг метадологик концепсиясига асосланган моделлар мажмуасини тушунамиз [1-4]. Ўрганиладиган шундай предмет соҳалари билимлари, чунончи математика, информатика, физика, химия ва бошқа табиий фанлар, буларда предмет соҳасини баён қилишнинг тушунчалари ва қоидалари, постулатлари жуда аниқ шаклланган, структураси жуда юқори даражада расмийлаштирилган. Бундай билим соҳалари қоидалар, тушунчалар ва априор маълумотлар ўртасидаги мантикий боғланишлар тўпламини тавсифлайди. Предмет соҳасида билимларни тавсифлаш бўйича предметнинг мантикий граф-схемаси асосида қурилган семантик тўр кўринишидаги ўқитиш моделини тавсия қилмоқчимиз [5-10]. Информатика фани асосида фаннинг таркибий қисмларини мантиқли структуралаштириш ва ўқитиш модели учун расмийлаштириш жараёни билан чекланиб қолмаймиз. Предметни ўқитишнинг семантик модели

мантикий граф кўринишида тавсифланади. Семантик графнинг тугунлари предмет соҳасининг мантикий тугалланган (фанни таркиби бирор мезон бўйича таянч тушунчаларга ажратилади) тушунчаларини, қирралари эса асосий тушунчалар орасидаги узвий боғланишларни, муносабатларни ифодалайди.

И.А.Лебедев [1] ўрганиладиган объектнинг, бирор қоида асосида, қандайдир мантикий конструкциялар кўринишида тавсифланадиган қуйидаги структураларини ажратади:

мазмунли (илмий, методологик, культурологик ва ҳақозо);

ташкилий дидактик (талаба ва ўрганиш обектининг ўзаро муносабатларини бошқаришга қаратилган).

Мазмунли ва таркибий-дидактик структуралар ўзаро чамбарчас боғланган, ўқув ахбороти бирорта ахборот ташувчидан ташқарида мавжуд эмас, таркибий дидактик структура эса доимо бошқарувчи тизим томонидан қабул қилинган ахборотларни моделлаштиришнинг у ёки бу имкониятлари билан боғланган.

Фаннинг таркибий қисмлари, структураси «масала» кўринишида характерланадиган ривожлантирувчи таълимда ўқув материалнинг мазмуни талабалар олдида масалалар занжири кўринишида гавдаланади. Фикрлашнинг муаммоли характерга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, аниқ мавзу ёки бўлимнинг мазмунини қуйидагича қуриш мақсадга мувофиқдир, яъни, «билиш масалаларининг мантикий кетма-кетлиги кўринишида, ўқув жараёни эса - ўқув вазиятлари занжири кўринишида, унинг билиш ядроси ҳисобланади, мазмуни эса - ўқитиш усуллари ва билим олишнинг ҳар хил воситаларини қўллаган ҳолда масалаларни ечиш бўйича талабаларнинг биргаликдаги, ҳамжиҳатликдаги ишидир»[2,4,5,7].

Адаптив, мослашувчан ўқитиш тизимининг асосий хусусияти шундаки, бунда бирорта мезонлар негизида ўқув жараёни оптималлаштирилади. Ҳозирги кунда универсал методологик ўқитиш тизимлари мавжуд эмас, шу боисдан ҳам ўқитувчи, ўзининг назарий ва амалий, ҳамда тажрибавий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўзига ўқитиш методикасини танлайди, бу эса ҳар доим ҳам самарали бўлавермайди. Биз бу ерда ўқитишнинг самарадорлик мезони деб ўқувчи томонидан предметни чуқур ўзлаштиришини, олган билимларининг мустаҳкамлиги ва тўлиқлигини, назарий материалларни ўзлаштирганлик ва амалий кўникмаларни ҳосил қилганлик даражасини қарадик. Компьютерлашган ўқитиш тизимининг моделида ўқувчининг ўзини хусусиятлари, педагогик-психологик жиҳатларини ҳисобга олиш қўйилган мақсадга самарали эришишни таъминлайди. Изланишлар жараёнида ўқувчининг характеристикалари ва хоссалари қилиб қуйидаги

параметрлари, ўқитиш моделининг ядросини ташкил этувчилари этиб танланди: а) ўқувчининг фикрлаш типи; б) берилаётган билимларни қабул қилиб олиш шакли; в) жавоб беришдаги ўзига ишончи; г) ўқувчининг ўзлаштирган билимининг даражаси; д) ўқувчи томонидан билим олишнинг самарали стратегияси.

Ўқувчи томонидан берилган билимларни қабул қилиб олиш шакли икки хил миқдор кўринишида тасвирланиши мумкин: интуитив ва назарий-методологик фикрлаш; айрим ҳолларда фақат битта типга ўтказиш мумкин. Шу боисдан ҳам ўқитиш моделида билим олишни анча аниқроқ акслантириш учун ўқувчининг хоссаларида ҳар бир параметр учун афзаллик (вазн) коэффицентларидан фойдаланиш таклиф этилади. Кейинги фикрлашларни камситмаган ҳолда, бундай коэффицентларнинг қийматини нормалаштирилган $[0,1]$ интервалдан олган маъқул. Умумлашган ҳолда бундай коэффицентларнинг қийматлари $[0,1]$ кесмада узликсиз тасвирланиши мумкин, бироқ, амалиётда бу қийматлар асосан дискрет кўринишда бирорга ўзгармас қадам билан ўзгаради. Бу коэффицентларнинг миқдори бир томондан параметрнинг семантикаси (параметрнинг мазмунли жиҳати) билан, бошқа томондан эса талаб қилинган аниқлик билан баҳоланади. Билимни тасаввур этишнинг асосий шакллари сифатида қуйидагиларни танлаймиз: аналитик (аналитик ифодалар, математик моделлар, алгоритмла, математик тавсифлаш ва бошқалар), образли (схемалар, расмлар, видеофрагментлар), эвристик (амалий методлар ва таклифлар, эвристик тавсифлар). Бирор конкрет мавзу бўйича билимларни тавсифлаш учун, масалан, «Дастурлаш асослари» фанида масалани «Алгоритмлаш ва дастурлаштириш» мавзуси бўйича m та саволни танлаймиз. Ҳар бир саволни батафсил тушунтирамиз аналитик, ёки образли, ёки эвристик усулда. Айтайлик, бу предмет бўйича олий таълим муассасида n та ўқитувчи машғулотлар олиб боради (бундай ҳолат хизмат қилувчи кафедраларда мавжуд, битта фанни бир қанча ўқитувчи дарс беради). Мисол учун саволлар сонини $m = 3$ деб қабул қиламиз, масалан, 1-савол – чизиқли ҳисоблаш жараёналрини алгоритмлаш ва дастурлаштириш; 2-савол – тармоқланувчи ҳисоблаш жараёнларини алгоритмлаш ва дастурлаштириш; 3-савол – такрорланувчи (циклик) ҳисоблаш жараёнларини алгоритмлаш ва дастурлаштириш; фанни икита ўқитуви ўтади $n=2$ [7,9].

Белгилашлар киритамиз:

$V = \{v_i\}, i = \overline{1, m}$ - саволлар сони;

$\Pi = \{\pi_i\}, i = \overline{1, n}$ - ўқитувчилар сони;

Мос равишда лингвистик ўзгарувчилар:

аналитик

$A = \{\text{"ифодалар"}, \text{"моделлар"}, \text{"алгоритмлар"}, \text{"сўзлар"}\} = \{a_1, a_2, a_3, a_4\}$;

Мантикий функция $f_a = a_1 \vee a_2 \vee a_3 \vee a_4 = 1, a_i \in [0, 1]$;

Аналитик

$O = \{\text{"схемалар"}, \text{"расмлар"}, \text{"графика"}, \text{"видеофрагментлар"}\} = \{o_1, o_2, o_3, o_4\}$;

Мантикий функция $f_o = o_1 \vee o_2 \vee o_3 \vee o_4 = 1, o_i \in [0, 1]$;

Аналитик

$E = \{\text{"эвристик тавсиф"}, \text{"амалий методлар"}, \text{"таклифлар"}\} = \{e_1, e_2, e_3\}$;

Мантикий функция $f_e = e_1 \vee e_2 \vee e_3 = 1, e_i \in [0, 1]$.

Билимларни тасвирлаш параметрларини шакллари кийматлари, билимлар кортежи, 12 та элементдан ташкил топади, яъни $Z = \{A, O, E\} = \{a_1, a_2, a_3, a_4, o_1, o_2, o_3, o_4, e_1, e_2, e_3, 0\}$. Биринчи тўртта элемент мос равишда билимни тасвирлашни аналитик шаклини коэффициентларини киймати, кейинги тўрттаси – образли шакл учун ва охириги тўрттаси – эвристик шакли учун. Шундай қилиб ҳар бир подкортеж 4 та элементдан ташкил топади ва ҳеч бўлмаганда битта элементи 1 га тенг бўлади, бу эса мос равишда кортеждаги билимларни тасвирлаш элементлари коэффициентларини кийматидир. Масалан, кортеж (0,0,0,1,1,0,0,0,0,1,0,0) қуйидагича фикрни билдиради: ўқувчи амалий методларни ва ўзлаштириладиган материални образли шаклда (блок-схема кўринишида), ҳамда унга материални сўз орқали тавсифлашса жуда яхши ўзлаштиради, унга бошқа усуллар методлар зарур эмас. Билимларни ўзлаштириш кортежи, ўқитиш модели учун, худди шундай бошқа саволлар ва бошқа ўқитувчилар учун ҳам тузилади.

Кортежларни бирлаштириш қуйидаги $N \times M$ ўлчамлик матрицани ҳосил қилади, бу ерда N – ўқитиш молеини параметрларини сони, M эса – кортеж кийматини узунлиги. Барча кортежларни ягона M нинг ягона кийматига келтириш талаб қилинади, бунинг учун йўқ элементларни киймати ноллар билан тўлдирилади. Шундай қилиб биз нол ва бирлардан ташкил топган матрицага эга бўламиз. Бу матрица бирорта ўқитиш momentiдаги ўқувчининг ҳолати моделини тавсифлайди.

Таклифқилинаётган мослашган (адаптив) ўқитиш тизими, ўқувчининг ҳолати параметрларини коэффициентлар ёрдамида расмийлаштирилган матрицадан фойдаланиб, таълим олувчига бирорта самарали ўқитиш методикасини таклиф қилиши зарур. Бироқ, ўқитиш жараёнида, ўқитиш субъектлари бўйича йиғилган ахборотга мос равишда ўқитиш моделида ўзгаришлар юз беради, бу сўзсиз ўқитиш методикасига таъсир қилади,

у ўқувчи учун бериладиги ўқув материалларини расмийлаштиришга жавобгардир. Ўқитишнинг самарали методикасини танлаш масаласи ўқувчиларни классификациялаш масаласига келтирилади, бошқача қилиб айтганда, таълим олувчи ўқувчи билан ўқитиш методикаси ўртасидаги мосликни ўрнатиши керак. Бундай ҳолатда, бизнингча, ўқувчининг на фақат турли вақт моментларидаги параметрларини қийматларини эмас, балки уларнинг ўзгариш динамикасини ҳам ҳисобга олиш муҳимдир. Оддий ҳолатларда бундай динамикани параметрларнинг ўзгариш тезлиги (параметр функцияларини ҳосиласи) характерлайди. Ўқитиш моделининг бошқа бир муҳим жиҳати, ўқув жараёнининг самардорлигига таъсир қилиши – яъни субъект – субъект типидagi муносабатлар. Бундай муносабатлар, охир оқибатда, ўқув субъектларининг ўзаро таъсирларини аниқлайди, яъни рақобатчиликни, ўзаро ёрдамни ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Шундай қилиб, ўқитиш моделининг натижаларига асосланиб ўқувчини бирорта синфга мансуб этиш зарур, бу синф учун мос келадиган ўқув методикалари ва ахборотларни, ўқув материалларини бериш шакллари танланади. Булар ўқувчига предмет соҳасининг асосий тушунчалари, қоидалари ва муҳим принципларини тўлиқ ва максимал тезликда етказиш имкониятини яратади.

Кўйилган масала, ўқувчиларни билим свиялари бўйича ўқишни ташкил қилиш учун классификация масаласини ечиш учун, математик аппарат сифатида, нейрон тўрларидан фойдаланиш таклиф этилади. Нейрон тўрлари классификация ва образларни англаш масалаларини ечиш учун жуда қулай ҳисобланади. Кўйилган масалага мос келадиган нейрон тўрини лойиҳалаш жараёнини кўриб чиқамиз.

Охирги ўн йилликларда жадал суратларда жуда кўп соҳаларда фаолиятини интеллектлаштириш жараёни кечмоқда, чунончи таълим соҳасида ҳам. Бирдан бир йўналиш – таълим тизимида ўқувчиларнинг билим олиш ва олган билимларини даражасини назорат жараёнини сунъий тафаккур ёрдамида автоматлаштириш, мақсад, даставвал, ўқув жараёнини жадаллаштириш, таълим сифатини ошириш, таълим дастурларига тузатишлар киритиш.

Интеллектли автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланишнинг самардорлиги кўп жиҳатдан, системанинг конкрет предмет соҳасидаги турли масалаларни ечиш учун қандай ўргатилганлигига боғлиқ. Нейротармоқ структураларни ўқитишга ёндашишлар алақачонлар амалга оширилиб келинмоқда, бир қанча амалий натижалар олинган. Бироқ, бу ерда яна битта муҳим ҳолатни, бошқа бир изланиш йўналишини ривожлантириш муҳим деб ҳисоблаймиз – таълим педагогикасида тўпланган ўқитишнинг самарали методлари ва усулларида, ўқитувчиларнинг бой тажрибасидан сунъий нейрон тўрларини ўқитишда фойдаланиш.

Таълим бериш ва олган билимларни назорат қилиш масалаларини ечишни автоматлаштириш учун йўналтирилган сунъий нейрон тўрларини ўрганишда шуни таъкидлаш мумкинки, инсонларни ўқитиш

тажрибаларини умумлаштириб шунга ўхшаган тарзда сунъий нейрон тўрларини ўқитиш ташкил қилинса жуда кўп самара берган бўлар эди. Бунинг учун, ҳозирги босқичда анча муҳим ҳисобланади ўқитишнинг психолого-педагогик жиҳатларини ўрганиш, изланишлар олиб бориш, маълум даражада интеллектга эга бўлган сунъий интеллектуал тизимларда йиғилган ўқитиш тажрибаларини таҳлил қилиш ва янада такомиллаштириш.

Сунъий нейрон тўрлари мослашувчан (адаптив) ўқитиш тизимлари ҳисобланади, ҳақиқий жараёнлардан керакли ахборотларни чиқариб олиш қобилиятига эга, буларни динамик тарзда моделлаштириш жуда мураккаб, чунки улар жуда кўп яширин, назорат қилиб бўлмайдиган параметрларга эга. Объектнинг фаолият кўрсатиш жараёнларини математик расмийлаштириш, тавсифлашнинг етишмаслиги, маслаларни ананай метолар билан ечишнинг ўта даражада муракаблиги, бундай ҳолатларда масалаларни ечиш учун нейрон тўрларидан фойдаланиш сезиларли даражада самара беради. Нейрон тўрлари фаолият кўрсатиш жараёнида худди инсонга ўхшаб ахборотларни йиғади, билимлар базасини такомиллаштиради, вақт ўтиши билан самарадорлиги ортиб боради. Бирорта предмет соҳаси бўйича ўргатилган нейрон тўрларидан фойдаланиш объектни диагностик назорат қилиш имкониятига эга бўлади ва уни тадбиқ қилиш фаолиятини янада кенгайтиради.

Таълим жараёнида ўқувчининг билимини баҳолашда умумий қонуниятлар, худди шундай хусусий қонуниятлар мавжуд, бирорта конкрет предмет соҳасига боғлиқ тарзда. Биринчи қарашда, ўқитиш сифатини баҳолашнинг кўп тарқалган тизими классификация масалаларини ечишдир, яъни натижани, ўқувчининг билим даражасини у ёки бошқа классга мансублигини аниқлаш (масалан, типик баҳолаш

класслари «R1-қониқарсиз», «R2-қониқарли», «R3-яхши», «R4-аъло»). $R = \{R1 \vee R2 \vee R3 \vee R4\}$.

Бундай баҳолашда мумкин бўлган барча ҳолатларни кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш натижасида, бир хил ечим қабул қилишни ҳисобга олган ҳолда, мантиқли фикр юритиш тизимини ҳосил қиламиз – нейрон тўрини қуришда уни ўқитиш масаласини расмийлаштиришнинг асоси бўлаоладиган предикатларни ҳосил қиламиз [4,148,151,161]:

$if P1 \wedge V1 \wedge (A1 \vee A2 \vee A3 \vee A4) \wedge (O1 \vee O2 \vee O3 \vee O4) \wedge (E1 \vee E2 \vee E3 \vee 0) then (R1 \vee R2 \vee R3 \vee R4)$

;

$if P1 \wedge (V2 \vee V3) \wedge (A1 \vee A2 \vee A3 \vee A4) \wedge (O1 \vee O2 \vee O3 \vee O4) \wedge (E1 \vee E2 \vee E3 \vee 0) then (R1 \vee R2 \vee R3 \vee R4)$

;

$if P2 \wedge (V1 \vee V2) \wedge (A1 \vee A2 \vee A3 \vee A4) \wedge (O1 \vee O2 \vee O3 \vee O4) \wedge (E1 \vee E2 \vee E3 \vee 0) then (R1 \vee R2 \vee R3 \vee R4)$

;

$if P2 \wedge V3 \wedge (A1 \vee A2 \vee A3 \vee A4) \wedge (O1 \vee O2 \vee O3 \vee O4) \wedge (E1 \vee E2 \vee E3 \vee 0) then (R1 \vee R2 \vee R3 \vee R4)$

.


У ҳолда, масалан, биринчи мантиқий фикр юритиш билдиради: «Агар $P1$ ўқитувчи $V1$ саволни билимларни тасвирлашнинг бирон бир аналитик, образли ва эвристик методлардан фойдаланиб тушунтирса, у ҳолда ўқитиш натижаси бўлиши мумкин ечим $R1$ ёки $R2$, ёки $R3$, ёки $R4$.

Бу ерда биринчи қадам мос нейрон тўрини танлаш ҳисобланади. Нейрон тўрини танлашда биз Хемминг моделида тўхталдик [28-30]. Бу моделлар асосан ассоциатив хотирани ташкил қилиш учун ишлатилади. Кейинги қадам – нейрон тўрини ўқитиш параметрларини танлашдан

иборат. Сунъий нейрон тўрининг кириш қатлами, бизнинг ҳолатда, кортеж матрицаси билан тасвирланган ўқитиш параметрларининг тўпламига мос келади. Энди тўрнинг топологиясини аниқлаш зарур, яъни нейронлар сони ва улар орасидаги боғланишларни. Биз бу масалани батафсил тафсилотини бериб ўтирмаймиз, чунки бу манографиялар, дарсликлар, маколаларда жуда яхши ёритилган.

Лойиҳалашнинг кейинги босқичи – нейрон тўрини ўқитиш. Ўқитишнинг типик шакли сифатида бошқариладиган ўқитишни, яъни ўқитувчини ўқитишни танладик, бунда ҳар бир кириш сигналлари наборига, тўнинг киришига бериладиган, мос равишда чиқиш қатламидаги чиқиш сигналлари набори маълум. Нейрон тўрини ўқитиш учун тайёрланган маълумотлар набои икки категорияга бўлинган: биринчи категория маълумотларини тўрни ўқитишга мўлжалланган, иккинчи категория маълумотлари ўқитилган тўрни фаолиятини тестлаш учун фойдаланилади. Нейрон тўрининг ҳақиқий аҳволи тестлаш қақтида аниқланади, тўрнинг муваффақиятли ўқитилганлиги тестлаш мобайнида нотўғри ишлаш белгиларининг мавжуд эмаслигидадир. Тестлаш нейрон тўрининг барча ҳолатларини текшириши, нормал ишлашини кўрсатиши, ўқитиш натижасида олган билимларини умумлаштириш қобилиятини баҳолашдан иборат. Билимларни умумлаштириш шундан иборатки, берилган маълумотлар билан масалани тўғри ечаолади, бу маълумотлар тўрни ўқитиш пайтидаги маълумотлардан фарқ қилиши мумкин.

Талабанинг билим даражасига мослашган индивидуал ўқитиш жараенини амалга оширадиган нейрон тўрли ўқитиш тизимини (НТЎТ) фаолиятини куйидаги схемада тавсифлаймиз [7,8] (1-расм).



1-расм. Нейрон тўрли ўқитиш тизимини фаолиятини тавсифловчи схема

Компьютерлашган ўқитиш тизимида ишлаш учун талаба икки хил муносабатда бўлиши мумкин: биринчидан бу тизимда ўқишга талабгор талаба

(потенциал талаба) ва тизиди ўқиётган-талаба статуси даражасида. Ўқиётган-талаба статусидаги талаба учун шахсга йўналтирилган, билим даражасига мос келадиган, ўқитиш модели қурилган ва педагогик мониторинг тизимида йиғилган статистик маълумотлар мавжуд.

Потенциал талаба НТЎТ да рўйхатдан ўтиши зарур ва система ёрдамида мазкур предмет бўйича дастлабки билимини даражаси (мисоллар, тестлар ёрдамида) диагностика қилинади.

Диагностика натижаларига, статистик маълумотларга, асосланиб Хеммингги нейрон тўри ёрдамида потенциал талабанинг дастлабки билимини даражаси аниқланади ва ўқувчи-талаба статуси билан мос гуруҳга (паст ёки тезкор) қўшилади.

Билим даражасига мос келадиган гуруҳни киритиш ўқитувчи тизимнинг фаолиятини тизимлаштиришга, яъни навбатдаги босқичдаги ўқитиш йўналишини аниқлашга имконият яратади. Бу қадамда потенциал талаба ўқувчи-талаба статусини олади, ўқитувчи тизим эса талабани билим даражасига мос келадиган шахсга йўналтирилган ўқитиш методикасини расмийлаштиради ва ўқитишнинг биринчи босқичи учун ўқув жараёнини режасини тузади.

Кўп қатламли перцептрон-нейрон тўридан фойдаланиб ва {P, V, A, O, E, fa, fo, fe} параметрларнинг қийматлари асосида ташкил қилинган ўқитиш модели асосида индивидуал ўқитиш жараёни амалга оширилади.

Шундай қилиб, нейротармоқли компьютерли ўқитиш тизимидан ахборотли-методик таъминот сифатида ҳамда ўқув жараёнини бошқариш учун фойдаланиш мумкин: индивидуал ўқитиш жараёнини расмийлаштириш; ўқитиладиган структураланган материални мустақамлаш жараёнида ахборотли-излаш фаолияти; компьютерли моделлар билан ишлаш жараёнида ўқув ахборотларини визуаллаштириш; ўқув жараёни фаолияти натижаларини назорат қилиш ва унга тузатишлар киритиш жараёнларини автоматлаштириш мақсадларида.

Индивидуаллаштирилган топшириқлар принципи асосида ва билимларни мустақил НТЎТ дан фойдаланиш натижасида талабаларда билим олиш фаоллашади. Ҳар бир ўқувчи-талаба учун унинг билим даражасига ва касбий сифатларига мос равишда ўзининг шахсий ўқитиш жараёни қурилади. Буларнинг барчаси эса нейрон тўрли компьютерлашган ўқитиш системаси самарали замонавий инструмендал педагогик система эканлигидан далолат беради.

Сунъий нейрон тўрлари технологисини олий таълим муасасалари фаолиятига кенг жорий қилиш, хусусан, талабаларнинг олган билимларини даражасини конкрет предмет соҳалари, таълим йўналишлари бўйича баҳолаш, бу эса ўз навбатида мос равишда ўқитиш методикаларига тузатишлар киритишга асос бўлади.

Бироқ ўқитишнинг анъанавий методларини ёқлайдиганлар эътироз билдириши мумкин, яъни шахсий компьютерсиз, ахборот-коммуникация технологияларисиз ҳам жуда яхши даражада билим беришни ташкил қилиб келганмиз, лекин ёмон натижа бўлмадику деб. Тўғри, анъанавий усулларнинг натижалари ўз вақтида жуда юқори бўлган, ўқувчилар етарли даражада

билим, кўникма олишган, булар кейинги билим олиш жараёни учун (олий таълимда) етарли бўлган. Анъанавий усулда ўқув жараёнининг марказида таълим берувчи, ўқитувчи, ўргатувчи устоз турар эди, яъни ўқитувчи-ўқувчи тамойилида дарс бериш ташкил қилинганлиги ҳаммага маълум. Бироқ, эндиликда, ахборотлашган жамият шароитида билим олиш марказида шахс сифатида ўқувчи турмоғи лозим, чунки ўқувчини янги шароитда ижодкор, фаол шахс деб қараш зарур, энди ўқувчи унга ўқитувчи томонидан таклиф қилинаётган билимларни пассив қабул қилувчи эмас.

Ҳозирги пайтда ўқувчиларимиз бизга ўқитишда янги методларни, услубларни, ёндашишларни қўллашни ундашяпти. Замонавий ўқувчи, айрим ҳолларда фан ўқитувчисига қараганда, масалан, информатика фани бўйича компьютернинг имкониятларидан фойдаланиш соҳасида анча юқори тажрибага эришган, малакага эга, илгарилаб кетган бўлиши мумкин, шу боисдан ҳам ўқитувчининг анъанавий тарзда дарс бериши ўқувчини қаноатлантирмайди. Бу билан ўқувчининг ролини ошириб, ўқитувчининг ролини пасайтириш дегани эмас, балки, таълим тизимида ҳар доим ҳам ўқитувчи асосий ролни ўйнайди, шу боисдан ҳам замонавий ўқитувчи ўз устида тинмай мунтазам ишлаши зарур, фаннинг методологиясини, концепциясини тўла ўзлаштириши, ўқувчиларга фан чўққиларини эгаллаши учун тўғри йўл кўрсата билиши, йўлбошчилик қила билиши, маслақдоши бўлиши даркор.

Янги компьютерлашган ахборот технологияларидан фойдаланиш натижасида ўқув жараёни индивидуаллашади, информатика фанини (бошқа фанларда ҳам) ўзлаштиришда ўқувчиларда янги мотивлар пайдо бўлади, ўқувчи-ўқитувчи тизимида тескари боғланиш кучли рол ўйнайди, билимларни баҳолашнинг объективлиги ортади, статистик маълумотларни йиғиш енгиллашади, ўқувчиларда билимларни ўзлаштиришнинг айрим жиҳатлари (яхши, паст) яққол намоён бўлади, ўқитувчида машғулот структурасини ўзгартириш имконияти (ўқувчиларнинг дастлабки тайёргарлик даражасига мос равишда) пайдо бўлади, ўқув жараёнини дифференциаллашга имкон яратади, мавзунини, фанни ўзлаштириш даражасини оширади, унга бўлган қизиқишни орттиради. Ўқув жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланиш ўқитувчини техникавий ва технологик жиҳатдан қўллаб қувватлайди, ўқувчилар билан жонли мулоқот қилиши учун анчагина вақтни тежашга эришилади, натижада ўқувчилар билан бўладиган мулоқот инсоний ҳамда индивидуал тарзда, ўзаро яқин муносабатда, уста-шогирд кўринишида бўлади.

Педагогнинг самарали фаолият кўрсатишига яна битта жуда мураккаб масала таъсир қилади, яъни, педагог янги шароитларда «ғоявий йўл кўрсатувчи», «билимлар дунёсининг дарғаси», улуғ инсон ва беғараз маслаҳатчилик ролини ўзида сақлаб қолиши зарур. Энди педагог қуйидаги фактлар билан келишишга мажбур: ўқувчилар компьютер коммуникацияларининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда дарс жараёнида берилган вазифаларнигина эмас, балки ундан ҳам кўп ахборотларни ўзлаштириб олишлари мумкин, ҳаттоки, ўқувчининг олган айрим ахборотлари бўйича ўқитувчида тасаввур ҳам бўлмаслиги мумкин. Бу – янги, замонавий педагогикада нормал, табиий ҳолат бўлиб компьютерлаштириш ва ўқитишнинг янги қирраларини характерловчи

парадигмаларнинг бевосита натижасидир. Бундай шароитларда педагогдан фанни абсолют «ҳар томонлама билиш» (бунинг иложи йўқ!) талаб қилинмайди, балки ҳодисаларнинг боғланишларини онгли равишда тушуна билиши, уларнинг илмий ва ҳаётий қийматини баҳолай олиши зарур.

Ўқув жараёнида компьютерлашган ўқитиш технологиясидан фойдаланишнинг характерли томони шундаки, ўқитувчи бундай машғулотга маъсулиятли тайёрланиши, мавзунини тизимли тарзда таҳлил қилиб, структуралаштириб, ўрганиладиган элементларнинг табиатига мос келадиган техникавий ва дастурий воситаларни олдиндан тузилган режа (сценарий) асосида намойиш қилиш ва тушунтириш учун сошлаб, тахлаб қўйиши зарур.

Шундай қилиб, машғулотларда нейротармоқли компьютерлашган ўқитиш системаларидан фойдаланиш информатика фанини (хоҳлаган фанни) ўқитишни, ўзлаштиришни англаб етишнинг янги қирраларини очиб беради ва ўқитувчида дарс машғулотларини олиб боришда янги сифат даражаларига эришишига кўмаклашади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Лебедев И.А. Методика отбора содержания обучения будущих учителей информатики конструированию компиляторов: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – СПб., 1996. – 19 с.

2. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006. – 160 б.

3. Хайтматов Ў.Т., Хақимов А.Ф., Азаматов О.Х., Юлчиева Г.Т. Создание интеллектуальной системы оценки качества учебного процесса. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2014 йил 1-8.

4. Голицына И.Н. Эффективное управление учебной деятельностью с помощью компьютерных информационных технологий// *Educational Technology & Society* 6(2) 2003, pp. 77-83

5. Юсупов Д.Ф. Нейрон тўрлари ва ундан ўқув жараёнида фойдаланиш муаммолари. Монография. – Урганч: «УрДУ», 2018. – 88 б.

6. Барский А. Б. Нейронные сети: распознавание, управление, принятие решений. — М.: Финансы и статистика, 2004. — 176 с

7. Руанет В.В., Хетагурова А.К. Нейросетевые технологии как средство организации образовательного процесса// *Educational Technology & Society* 8(4) 2005 pp. 296-317.

8. Буторина Т.С., Ширшов Е.В., Иванченко А.А. Теория и практика использования нейронных технологий в учебном процессе вуза// ИВУЗ. «Лесной журнал». 2004. № 2. – С. 80-85.

9. Юсупов Д.Ф. Таълим сифатини таҳлил қилишнинг ахборотлашган тизимини яратишда сунъий нейрон тўрларини қўллаш// *Илм сарчашмалари*. – Урганч, 2018. – № 2. – Б. 73-76.

10. Хайтматов Ў.Т., Хақимов А.Ф., Азаматов О.Х., Файзиев Р.А., Абдуллаев М.К. Автоматизация процессов оценки качества обучения на основе нейросетевых технологий. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2014 йил. 1-8

ТАСВИРИЙ САНЪАТДА ХОМАКИ РАСМЛАР БАЖАРИШ ВА КРЕАТИВ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.21.29.033>

Авезов Шерали Найимович

*Бухоро давлат университети « тасвирий санъат ва муҳандислик
графикаси » кафедраси докторанти*

Аннотация. Мақолада хомаки расмлар ва уларни бажариш усуллари ҳамда тасвирларни чизиш қоидалари ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: 1.Абрис- буюм тархи; 2.Конструкция- нарса ёки буюмнинг геометрик жисмлардан тузилиши. 3.Компоновка- буюмни тугри жойлаштириш. 4.Хомаки расм - асосий мақсадни киска вақтда каламда бажарилган тасвир. 5.Натура- куйилма(гипсдан ясалган геометрик жисмлар, антик даврдаги хайкаллар, уй рузгор буюмлари, одамлар, ва хоказо.)

Аннотация. В этой статье изложены принципы и основные техники создания наброска для лучшего освоения предмета рисунка.

Хомаки расмлар ҳақида гапирганда уларнинг вазифалари, мақсад ва йўналишларини тўғри аниқлаб олиш керак. Кўпинча «хомаки» тушунчасини расм устида ишланишнинг биринчи босқичи, шаклнинг чизиқли-конструктив қурилиши билан аралаштириб юборадилар. Бу албатта тўғри эмас.

Хомаки расм маълум вақт оралиғида кузатилаётган натура ҳақида тўлиқ тасаввур беришни мақсад қилиб қўяди. Хомаки расмлар ҳар хил давомийлик ва ҳар хил ишланишда бўлиши мумкин: иш шарт-шароитлари ва рассомнинг ўз олдига қўйган вазифаларига қараб ярим соатли, бир соатли, ўн минутли ва хоказо.

Хомаки расм-бу натурадан тезгина чизги қилиб олишдир; у ўқувчини тез фикрлаш, тасвирлашнинг энг ишончли ва мантиқий воситаларини қидириб топишга ўргатади, кузатувчанлигини ривожлантиради. Хомаки расм, расм чизувчини унча моҳияти бўлмаган нарсаларни четга чиқариб ташлаб, асосий нарсага қаратади.

Хомаки расм ўқувчида мустақил ишга бўлган тайёргарлик даражасини намоён этади.

Хомаки расмлар талаба тасвирий саводхонлиги қонуниятларини осон ва тез қўллаш билишга ўргатиши лозим.

Натурадан унинг ўзига хос хусусиятлари билан қисқагина хомаки расм чизиб олиш асосан тез кўриш ва идрок қила билиш қобилиятларини ўстириш учун мўлжалланади.

Идрок этишнинг «умумийликдан хусусийликка ва хусусийликдан

умумийликка» тасвирлаш усули таълим жараёнида босқичлар бўйича давомли ўқув расмини бажаришда ўз тасдиқини топади.

Кузатиш, идрок қилиш ва хомаки расмни ижро этишлар кўп ҳолларда бир вақтнинг ўзида содир бўлади. Хомаки расмлар чизишда фойдаланиладиган усулларни фарқлаш уларнинг олтига турини белгилаб олиш имконини беради. Хомаки расмлар ва уларнинг турлари қуйидагилардан иборат:

-натурани кузатган ҳолда ундан бошидан охиригача бевосита ижро этиладиган хомаки расмлар;

-комбинация усули (дастлаб натурадан кузатиб, кейинчалик натурасиз – хотира бўйича) билан ижро этиладиган хомаки расмлар;

-фақат хотирадан бажариладиган, яъни кузатишдан кейин бирор вақт ўтгандан сўнг, онгда кўриш қобилияти мустхкамланганидан кейин чизилладиган хомаки расмлар;


-инсонинг аввал онгида қабул қилинган баъзи предметлар, тирик объектлар ва атроф-борлиқ ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларни жонлантириш қобилияти билан боғлиқ тасаввурлар бўйича ишланадиган хомаки расмлар;

-комплекс усул билан, яъни юқорида кўрсатиб ўтилган ҳамма иш усулларини, жумладан тасаввур бўйича усулларини қўллаган ҳолда бажариладиган хомаки расмлар;

-ҳаёлга келтириш бўйича – бирор-бир ижодий фикр ёки бадиий образ, мавзу, сюжет ва хоказо предмет ва ҳодисалар ҳақида ўз тасаввурларини жонлантириб тиклаш асосида дастлабки умумлашган тасвирнинг хомаки расмлари чизиш.

Натурадан кузатиш бўйича хомаки расм чизиш фақат битта шарт билангина, яъни натура умуман кўзғалмас, ҳаракатсиз тургандагина бошидан охиригача бажарилиши мумкин.

Хомаки расмнинг мақсади натурани тўлиқсиз умумлаштирилган кўринишини акс эттиришдан иборат бўлгани учун рассом нисбатан анча бамайлихотир ишлайди. Агар мақсад амалга ошган бўлса-ю натура ҳали қимирламай турган бўлса, у ҳолда хомакиликдан чизғига (лавҳага) ўтиш мумкин. Коғоз четига қўшимча, натуранинг баъзи бўлақларини



анча батафсилроқ чизғиларини ҳам чиқарса бўлади (албатта, бунга зарурат туғилса). Шунини таъкидлаш керакки, айнан тирик модельнинг бундай кўзгалмас шартлари, яъни тинч, бамайлихотир қиёфа рассомнинг кузатувчан кўзлари учун энг қимматлидир. Аксинча, бир ҳил ҳолатда махсус турган тирик модель доимо ўз ифодалилигини йўқотади, чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам сунъийлик мавжуд бўлади. Бунинг устига ўша сизга қараб турган сиймо ҳам оҳир-оқибат чарчайди, бу эса унинг қиёфасига таъсир этмасдан қолмайди.

Шунинг учун ҳам хомаки расмда кўзгалмас тирик моделни муҳрлаб қўйиш учун рассом доимо шай туриши лозим. Ишлаш учун мавжуд вақт давомида кузатиш ва хомаки расмни бажариш учун ҳар бир дақиқа, хатто ҳар бир сониядан унумли фойдаланиб қолиш зарур бўлади. Шунинг учун уста рассомлар хомаки расмларни ишлашда «қиска», «жуда тез», «бир нигоҳда», «яшин тезлигида», «бир зумда» тасвирлаш каби сўзларни ишлатишлари ҳам бежиз эмас.

Хомаки расм чизишнинг муайян мақсади кузатиш натижасини бир зумда коғозга акс эттиришдир.

Синфдаги машғулотларда, айниқса хомаки расм чизишга ўргатилаётган дастлабки пайтларда ўқувчилар кузатишга ҳам, расм ижроси учун ҳам доимо етарли вақтга эга бўладилар.

Лекин синфдан ташқари пайтда хомаки расм устида ишлаш, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам кузатиш, ҳам чизиш пайтида (хатто муҳим турган натура устида ишланаётганда ҳам) тўсатдан узилиб қолиши мумкин. Баъзан рассом тезроқ ўз олдида қўйган мақсадга эришиши, бир вараққа натуранинг типик ҳамда характерли хусусиятларини дарҳол акс эттира қолишга ҳаракат қилади. Кузатиш вақти ижро вақтига тўғри келиб қолади. Ана шундай ҳолатда натурани кўриш идроки билан, ижро этиш кескинлашади. Яъни эътиборни чалғитмай туриб майда, иккинчи даражали икир-чикирларга берилмай, дарҳол предметнинг энг асосий зарур томонларини ўйлаб олишга, энг оддий воситалардан минимал даражада фойдаланишга ҳаракат қилинади.

Ааввало, бир нечта ишончли чизғилар билан, (ёки тус берувчи доғлар билан) бўлажак тасвирнинг ўрни ва ўлчамини-унинг абрисини белгилаб олиш зарур. Ана шунга қараб асосий қисмлари, конструкция ва ҳаракатларини ҳисобга олган ҳолда натуранинг бутун массасини тушуриб олиш керак.

Агар натура ўз кўзгалмас ҳолатини сақлаб турган бўлса, дарҳол белгиланган фикрларни деталлаштиришга киришмоқ, ва асосий, характерли хусусиятларни тезроқ ўйлаб олмоқ зарур.

Комбинациялашган (дастлаб натурадан, кейинчалик хотира бўйича) хомаки расмлар чизиш.

Натура ҳаракатига кела бошлаши, ўз ҳолатини ўзгартира бориши билан ва рассом кўзидан из қола бошлаши билан ана шу хомаки расмни ниҳоясига етказиш учун хотирадан кўриш қобилятингизни ишга солиш тўғри келади. Натурадан бошланиб, сўнгра унинг иштирокисиз хотирада тугалланган хомаки расм «Комбинациялашган» ҳисобланади.

Хотирадан чизиладиган хомаки расм чизиш.

Узлуксиз, доимий ҳаракатда бўлаётган натура ҳолатини бир зумда акс эттириш анча мушкул. Бундай пайтда ҳаммасини бирдан назардан қочирмай ўйлаб олиш ва дарҳол, ҳеч кечиктирмай хотирангизга муҳрланганни қоғозга тушириш зарур. Ана шунда хотирага муҳрланган кўриниш ўз «янгилигини» йўқотмайди. Бунга мисол қилиб олдингиздан тез югуриб ўтаётган ёки тўсиқлар оша сакраб югураётган спортчини кўришимиз мумкин. Бундай вазифани уддалаш амалда мумкин. Бунинг учун ўта тез, бир нигоҳда ҳаракатдаги ифодани ўйлаб олиш керак бўлади (масалан, югуриб бораётган спортчининг гавдаси, оёқлари бош ва қўллари ҳаракати). Лекин бу ўринда хомаки бажарилган чизикларни бир ерга тўплаш, яъни компоновкалашни унутмаслик керак.

Кўриш қобиляти кучли бўлганда, жуда қисқа баъзан эса бир сонияда хотирага муҳрланадиган деталларни ҳам умумлаштириб юзага чиқариш мумкин.

Рассом кўриш хотирасини ривожлантириши учун ҳаракатдаги одам, айниқса ўз характери ва ҳаракатланиши тезлиги ҳар хил бўлган бир гуруҳ одамларга қараб хомаки расмлар чизишни талаб этади. (масалан, баскетбол, футбол, хоккей каби спорт ўйинлари вақтида, ҳайвонот боғидаги ҳайвонларга қараб хомаки расмлар чизиш фойдадан холи эмас.

Айниқса қисман бирор ҳолатда (ёки схематик кўринишда) натурадан қоғозга туширилган чизгини диққат билан кузатган ва ўрганилган нарса хотирада яхши сақланиб қолади. Кўр-кўрона, ҳеч қандай таҳлилсиз, фақат кўчириб қўя қолинган нарса одатда хотирада узоқ сақланмайди.

Тасаввур қилиб хомаки расм ишлаш натурани бевосита кузатиш билан боғлиқ эмас. У аввал идрок қилинган, предмет олами ва онгда муҳрланиб қолган ҳодисалар асосидагина ижро этилади. Идрокка (қабул қилишга) нисбатан тасаввур янада умумийроқ характерга эга. Уларда тафсилот камроқ бўлади ва фақат предмет ва ҳодисаларнинг асосий хусусиятларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам тасаввурда чизилган хомаки расм «ўзидан чиқариб» иборасига яқин ва ўзининг мантиқийлиги, билан бевосита натурага қараб чизилган хомаки расмдан фарқ қилади.



Тасаввурда расм чизаётган киши уни қамраб турган вақт ва натура ҳолати каби омиллардан холи бўлади.


Оддий вазифа – полда турган оддий стул расмини тасаввурда чизиш масаласини ҳал қилиш учун, рассом ана шу стулнинг шаклини, унинг конструкциясини ва асосий ўлчам нисбатларини эслай олиш лозим.

Предмет шаклининг қурилиши қанча мураккаб бўлса, маълумки, уни «ўзидан чиқариб» тасаввурда чизиш ҳам шунчалик қийин кечади.



Расм чизувчи онгида (тасаввурда) предметнинг кенгликдаги образини тиклаш вазифаси туради. Бундай тиклаш жараёни нафақат предмет шакли ҳақидаги тасаввурни, балки унинг қурилиши, нисбатлари, ҳаракат йўнилиши ва тезлиги каби бошқа кенгликдаги нисбатларини ҳам ўз ичига олади. Масалан, агар одам қадди-қомати каби мураккаб тирик шаклнинг натурасиз, ўзидан чиқариб хомаки расмини (айтайлик бўлажак картина эскизи учун) умумлашган ҳолда чизадиган бўлсак, бунинг устига бу тасаввурдаги натурамиз тез ҳаракатда, бурилишда ёки бошқа ҳолатда (айтайлик, чўққидан тезликда тушиб келаётган чанғичи) бўлса вазифа анча мураккаблашади. Албатта бунда креатив қобилият муҳим аҳамият касб этади. Хомаки расм ижросидаги олдин хотирада тасвир образини, унинг қурилишини тасаввур қилиш, умуман ушбу шакл маълум нуқтаи назардан қоғозга қандай ўлчамни эгаллашини кўз олдимизга келтиришимиз керак бўлади. Фақат шундан кейингина, одамнинг пластик анатомияси ҳақидаги билимларни хотирага олиб, «ўзимиздан чиқариб» бир варақ қоғозга ҳаракатини қаламда белгилаб олгандан кейингина, бунинг устига гавда, бош, оёқ-қўллар нисбати, уларнинг ўлчамларини, ҳаракат пайтида қисқариш пропорцияларини, ёритилиш ҳолатини ҳисобга олган ҳолда инсон танасининг қурилиши

ҳақидаги билимлар етарли бўлган тақдирдагина чизишни бошлаш мумкин.



Ҳар қандай ҳолатдаги ва тез ҳаракатланаётган инсон танасини «ўзидан чиқариб»(натурасиз) эркин ва ифодали тасвирлай билиш фақат инсоннинг пластик анатомиясини, биринчи навбатда, скелет қурилиши ва скелет механизми ҳаракатларини яхши билиш натижасида «натурадан» ва «хотирадан» қилинган хомаки расмларда машқ ва янада кўпроқ машқ оқибатида юзага келади.

Тасвирий санъатнинг ҳамма тур ва жанрларида тасаввурдан хомаки расм чизишнинг асосий вазифаси – бадиий образ яратишишида туртки бўладиган кўмак, ёрдам кўрсатишдир.

Натурасиз ишланадиган хомаки расмлар (яъни «ўзидан чиқариб») мураккаб ижодий фикрни юзага чиқариш учун энг қулай техник восита ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тасвирий санъатга ўргатишда тасаввурда хомаки расмлар чизиш борасида ўқув дала амалиётларининг аҳамияти каттадир.

Комплекс хомаки расмлар (барча усулларни қўллаган ҳолда).

Энг сўнгги ва энг мураккаб ўқув хомаки расмлар тури бу – комплекс усулда бажариладиган, яъни юқорида кўрсатиб ўтилган усулларни ҳаммасидан қисман фойдаланган ҳолда (натурадан, комбинациялашган ёки дастлаб натурадан, кейин хотирадан, шунингдек фақат хотирадан ва тасаввурдан) ижро этиладиган хомаки расмлардир.

Комплекс хомаки расм чизишга ўргатиш расм дарсларида ўтказилади. Лекин амалиётда у «Композиция» ўқув курсида кўпроқ қўлланилади. Шунинг учун ҳам бу хомаки расмларни шартли равишда «Композицион» деб аташ ҳам мумкин. Ўз ижро усулига қараб улар у ёки бу ҳолатда натурани кузатиш билан боғлиқдир. Шунинг учун уларни ҳаёлан ижро этиладиган бадиий образнинг композицион ечими-хомаки

–эскизлар билан чалкаштириш керак эмас.

Ҳаёлан хомаки расмлар чизиш-бу жуда умумлашган хомаки расм – эскиз бўлиб, унда бадиий тасаввурнинг муайян график натижаси сифатида пайдо бўладиган бадиий образ гавдаланади.

Рассом хаёлотни объектив борлиқдаги предмет ва ҳодисалар ҳақидаги олинган тасаввурлари ва ундаги идрок этиш захирасига асослангандир. Рассом ўз хохишига қараб бу тасаввурларни қайта ва қайта шакллантириб, уларни комбинациялаб, улар ўртасида бойланиш ясаб ёки уларни бир-бирига зид қўйиб бадиий образнинг бир бутунлигига, максимал даражада ифодалилигига эришади.

Мазмуннинг маъно ва моҳиятига чуқур таъсир қиладиган, яъни тасвир ифодасига таъсир қиладиган икки шаклнинг ўзаро жойлашуви ва ички боғланиши каби жуда кўплаб ҳар хил вариантлар туғилиши мумкин. Энг яхши вариантни қидириб топишда уларни ўзаро бир-бири билан таққослаш зарур бўлади.

Рассом ўзи ўйлаб қўйган ижодий фикри учун муайян ёрқин жавоб олиши керак бўлса, хомаки расмнинг асосий аломатлари–унинг умумийлашгани, мантиқий жиҳатдан тўғрилиги кабилар катта аҳамият касб этиб қоладика, улар ташқаридан қараганда гўё тугалсиздек кўринади. Ваҳоланки айнан ана шу тугалсизлик бадиий тасаввурнинг кейинги фаолиятига кўпроқ туртки бўлади, муаллифни кўпроқ ифодаликка ундайди.



Тугалланмаган хомаки расм топилган ечимга дастлабки фикрга мувофиқ тез ва яққол ишонч ҳосил қилиш, унчалик қийинчиликсиз яхшилаш томонга қаратилган ўзгартиришлар киритиш имконини беради. Бунда киритиладиган ўзгартиришларни аввалги вариатларидаги билан солиштириш учун айнан ана шу хомаки расмга киритиш ҳам мумкин бўлади. Ниҳоясига етказилган расмдаги бирор қисмни техник жиҳатдан ўзгартириш, қўл ёки оёқни бироз бўлсада суриш, тана ёки бошни бирор

томонга буриш, тана ҳаракатини кучайтириш анчагина қийинлик туғдириши маълум.

Қаламда энгилгина ишланган хомаки расмда эса бу иш унчалик қийинлик туғдирмайди. Чунки бунда аввал белгилаб қўйилган нарсани ўчириш ёки йўқ қилиш зарурати туғилмайди. Оддийгина солиштириш билан бадий фикрнинг янги, янада ифодалироқ вариантини топиш имконини беради. Хомаки расм-эскизни муддатидан олдинроқ тугатиб қўйиш кейинги ишга ҳалақит беради, тасаввурни торайтиради.

Кўп йиллик амалиёт шуни кўрсатдики, маълум бир тизимсиз, услубий принципларсиз бу иш мақсадсиз бўлиши мумкин. Хомаки расм чизишга ўргатиш ҳам ўқув вазифаларини аста-секин мураккаблаштириш маълум бир услубий босқичликни тақазо этади. Дастлаб ўқувчилар учун анча энгил, ўқув вазифалари берилиши мақсадга мувофиқ.

Хомаки расм устида мунтазам ишлаш расм чизиш санъатини тезроқ эгаллаб олиш имкониятини беради. Бирорта расм йўқки, у ўзи билан хомаки расмлар учун махсус альбом кўтариб юрмаган бўлса. Ўтмишнинг машҳур расмлари ўзларининг кундаликишларига жуда катта эътибор берганлар. Машҳур расмлар доимо шуни таъкидлаганларки, расм бирор кунни ҳам ўтказмай, гарчи у бу мақсад учун ҳеч нарса бўлмаса ҳам бирор-бир нарсанинг расмини чизишга ундаганлар чунки у шогирдга кейинчалик жуда катта фойда келтиради. Ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаси моҳир педагогни тарбиялаш экан, инсон танаси, бош шакли ва атрофдаги барча шаклларнинг расмини чизишга ўргатиш тизимида хомаки расмлар чизиш ишига жиддий эътибор бериш лозим. Хомаки расмлар ва қисқа чизғилар бошловчи расмни ижобий фаолиятга узлуксиз бойлаб қўяди. Улар ўқувчини мустақилликка ва ўқув машқ тасвирий вазифаларни ҳал этишга ўргатади.

АДАБИЁТЛАР:

- 1.Бойметов Б. «Қаламтасвир ўқитишнинг илмий асослари».Методик тавсиялар.-Тошкент, 1995.
2. Хасанов Р. Мактабда тасвирий санъат ўқитиш методикаси.- Тошкент: Фан,2004.
- 4.Бойметов Б. «Қаламтасвир асослари».Ўқувқўлланма.- Тошкент, 1990. 5.М.Nabiyev, В.Azimova «Rasm chizishni o`rgatish metodikasi» Т. 1976.
- 6 Н.Н.Ростовцев «Методика преподавания изобразительного искусства в школе» М-2000.
- 7Е.В.Шорохов«Основы композиции»Издательство«Просвещение», 1979 г.

ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИ МУСИҚИЙ ПЕДАГОГИКАСИНING ТАРИХИЙ-НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.55.22.032>

Моянов Ыкласбай Жийенбаевич

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали, «халқ ижодиёти» кафедраси в.в.б доценти. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. *Мазкур мақолада, қорақалпоқ халқининг мусиқий педагогикаси тарихий-назарий жиҳатлари илмий назарий жиҳатдан ёритилган. Шунингдек мақолада, жировчилик санъати орқали санъат таълимини ривожлантириши масалаларига тўхталиб ўтилган.*

Калит сўзлар: *қорақалпоқ халқи, мусиқий педагогика, тарихий-назарий, мусиқа ижоди, тадқиқ ва тарғиб қилиши, санъат таълими, мусиқа ва санъат, маданият, профессионал фаолият, малакали кадр, жиров, бахшичилик санъати*

ИСТОРИКО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ МУЗЫКАЛЬНОЙ ПЕДАГОГИКИ КАРАКАЛПАКСКОГО НАРОДА

Моянов Ыкласбай Джиенбаевич

И.о. доцента кафедры «Народное творчество» Нукусского филиала Узбекского государственного института искусств и культуры. PhD

Аннотация. *В статье рассматриваются исторические и теоретические аспекты музыкальной педагогики каракалпакцев с научно-теоретической точки зрения. В статье также уделяется внимание развитию художественного образования через искусство джихада.*

Ключевые слова: *каракалпакский народ, музыкальная педагогика, историко-теоретическая, музыкальное творчество, исследования и популяризация, художественное образование, музыка и искусство, культура, профессиональная деятельность, квалифицированные кадры, жиров, искусство бахши.*

HISTORICAL AND THEORETICAL ASPECTS OF THE MUSICAL PEDAGOGY OF THE KARAKALPAK PEOPLE

Moyanov Ыкласбай Жийенбайевич

And about. Associate Professor of the Department of Folk Art, Nukus branch of the Uzbek State Institute of Arts and Culture. Ph.D

Abstract. . *The article examines the historical and theoretical aspects of the musical pedagogy of the Karakalpak people from a scientific and theoretical point of view. The article also focuses on the development of arts education through the art of jihad.*

Key words: *Karakalpak people, musical pedagogy, historical and theoretical, musical creativity, research and popularization, art education, music and art, culture, professional activity, qualified personnel, fat, art of bakhshi.*

Дунё миқёсида қорақалпоқ халқининг мусиқий педагогикаси тарихий-назарий ва ахборот соҳасидаги минтақавий, субминтақавий ҳамкорликни юксалтириш масалалари ўз навбатида илғор хорижий тажрибаларга таяниб мусиқа санъати ривожини фан ва технология ютуқлари билан ҳамоҳанг тарзда илмий таҳлил қилиш, қорақалпоқ халқининг мусиқий педагогикаси тарихий-назарий жиҳатларини такомиллаштириш билан боғлиқ миллий қорақалпоқ санъати орқали санъат ва тарбия интеграцияси асосида ёшларни маънавий-ахлоқий фазилятларини шакллантириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Айтиш ўринлики, мамлакатимиздаги ислохотлар саводли, савияли ёшларни тарбиялашга бевосита боғлиқ бўлиб, узоқ йиллардан буён сақланиб келаётган Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, дунё тараққиёти ва маданиятига қўшган бебаҳо хазинасини келажак авлодларга етказиш замонавий илм-фан ва тараққиёт учун муҳим аҳамият касб этади.

Тарихийлик тамойили асосида қорақалпоқ халқининг мусиқий педагогикаси тарихий-назарий жиҳатларига тўхталганда қорақалпоқ ярим ўтроқ ҳаёт кечириб, суғорма деҳқончиликни чорвачилик (айникса, қорамол) ва балиқ овлаш билан шуғулланишини эътироф этиб ўтиш жоиз. Қорақалпоқларнинг аксарият қисми XVI—XVIII асрлар ўрталарида Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими бўйлари (Туркистон, Жанкент, Чирикработ) ҳамда бир қисми Орол минтақасида (Қўнғирот, Шоҳтемир шаҳри) яшашган. Бироқ Ёйиқ ва Эмба дарёлари бўйларида ҳам қорақалпоқлар истиқомат қилганликлари ҳақида маълумотлар бор. XVI — XX аср бошларида қорақалпоқларда хўжалик, ижтимоий ва оилавий ҳаётда уруғ-қабилла тизими ва патриархал-уруғчилик

муносабатлари қолдиқлари сақланиб қолган. [3;4;]

Қорақалпоқ халқининг маданий меросини такомиллаштириш орқали баркамол ривожланган шахсни шакллантириш миллий маданиятни янада ривожлантиришнинг асосий мақсади ҳисобланади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 - 2022 йилларда миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорида халқимизнинг юксак маънавий қадриятларини асраб-авайлаш ва камол топтириш, асрлар давомида шаклланган маънавий-маърифий меросни жаҳон ҳақлари маданияти билан уйғун ҳолда келажак авлодга етказиш, миллий маданиятимизнинг жаҳон маданиятида тутган бебаҳо ўрнини тарғиб этиш мақсадида, тарихий ва маданий меросимизни сақлаш ҳамда уни ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда қўллаш каби вазифалар билан бир қаторда:

- анъанавий ва умуминсоний қадриятларни ёш авлод онгига сингдириш, этник маданий анъаналарни асраб-авайлаш ва унга асосланган халқ ижодиётини қўллаб-қувватлаш;

- аҳоли, шу жумладан, ёшларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва кенгайтириш, ижод эркинлигини таъминлашга эришиш;

- маданият соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, миллий маданиятни янада кенг тадқиқ ва тарғиб этиш жараёнида инновацион ғоялар ва технологиялардан самарали фойдаланиш;

- Ўзбекистонда миллий маданиятни янада ривожлантиришда унинг тарихий босқичларини ўрганиш ва бу борада кенг қўламли илмий тадқиқотлар олиб бориш;

- халқ санъатини ривожлантириш, унинг барча шакл, усулларини такомиллаштиришга кўмаклашиш, бу соҳадаги маҳаллий ва миллий анъаналарни, маҳаллий жамиятлар ва ҳудудларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда оммавий ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш;

- аждодларни бебаҳо мусиқа меросини асраб-авайлаш, янги шароитларда ривожлантириш ва улардан халқимизни баҳраманд қилиш учун кенг имкониятлар яратиш;

- ўзбек халқ оғзаки ва мусиқа ижоди намуналарини тўплаш, тадқиқ ва тарғиб қилишга қаратилган махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш;

- санъат таълимини ривожлантиришда шахснинг эркин ривожланиши устуворлиги асосида мусиқа ва санъат таълимининг давлат сиёсатини амалга ошириш;

- маданият, мусиқа ва санъат соҳасидаги профессионал фаолият учун малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини

ошириш;

- шахснинг билимига, ижодкорликка ва санъатга бўлган интилишини кўллаб-қувватлаш орқали санъат таълимини ривожлантириш ҳамда санъат соҳасидаги хорижий ва миллий анъанавий таълим тизимининг энг яхши ютуқларига, шунингдек, санъат соҳасидаги таълимни ривожлантиришга асосланган таълим технологияларидан кенг фойдаланиш кабилар таъкидланган [1].

Маълумки, қорақалпоқ мусиқа санъатини педагогик психологик аспектларини ўрганиш, шунингдек, мусиқа мактабларининг мазкур жараёндаги имкониятлари диагностикаси хулосаларига таяниб, қорақалпоқ халқ кўшиқлари асосида ёшларни санъат соҳасига бўлган қизиқишларини шакллантириш миллий қадриятларимизни, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёш авлод қалби ва онгига миллий халқ кўшиқчилиги санъатига муҳаббат, таълим-тарбия жараёнида халқимиз тарихи, маданияти ва маънавиятига янгича қараш, уни бугунги кун нуқтаи назаридан ўрганиш ва улардан ёшлар маънавий-ахлоқий фазилатларини тарбиялаш ва ривожлантиришда, маънавий сифатларни таркиб топтиришда фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

Қорақалпоқ мумтоз адабиётининг йирик намояндаси шоир Жиенжировнинг (1730-84) фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Ўзининг «Улуғ тоғ», «Пўсган ел» дostonларида қорақалпоқларнинг Хоразмга кўчиб келиш тарихини ёзган. Қорақалпоқларнинг Туркистондан кўчиб келишига шоирнинг яна бир «Хуш бўлинг, дўстлар» шеъри бағишланган. Яна бир шоир Кунхўжа «Oriental Art and Culture» Scientific-Methodical Journal - (SI) II/2020 ISSN 2181-063X 42 <http://oac.dsmi-qf.uz> шеърларида ўзи яшаган даврдаги халқ ҳаётини тасвирлаган. Ажиниязнинг ижоди XIX асрда ижод қилган қорақалпоқ шоирлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Унинг асарлари алоҳида тўпламлар сифатида қорақалпоқ, ўзбек, қозоқ ва рус тилларида чоп этилган. Бердақ шоирнинг лирик, сатирик, дидактик шеърлари, тарихий дostonлари диққатга сазовор. Шунингдек, Отеш Алшинбай ўғли (1828-1902), Қулмурот Қурбош ўғли (1841-1926). Омар Суғиримбет ўғли ва бошқа шоирларнинг шеър, дoston ва бошқа асарлари қорақалпоқ адабиёти тарихида муносиб ўрин эгаллайди.

Адабиётлар таҳлили асосида айтишимиз мумкинки, қорақалпоқ тили - туркий тилларнинг қипчоқ гуруҳига мансуб тиллардан; қозоқ ва нўғай тиллари билан биргаликда қипчоқ тилларининг қипчоқ-нўғай гуруҳчасини ташкил этади. Қорақалпоқларда кенг тарқалган машҳур «Алпамис» шунингдек, «Едиге». «Қублон», «Қирққиз» дostonлари орқали ёшлар бадиий ва ахлоқий маданиятини юксалтириш, шахс сифатида доимий равишда ўз-ўзини ривожлантириб, маънавий, руҳий

ва интеллектуал камолотга эришиши учун педагогларнинг креатив ёндашуви муҳим йўналтирувчи мотивацион таъсирга эга.

Қуйида биз қорақалпоқ халқининг мусиқий педагогикаси тарихийлиги нуктаи назаридан таҳлил қилиб жиров санъатига қисман тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Жиров – кўлига кўбиз олиб, халқ оғзаки ижоди намуналари, жумладан, достон, ривоят ва тарихий қиссаларни чолғу асбоблари ёрдамида куйлаб, репертуарини оммага намойиш қиладиган, ўз замонаси манфаат ҳамда эҳтиёжларини ифодалайдиган, нақл, ҳикматли сўз, тўлғов ва термаларни маромига етказиб ижро этадиган истеъдод соҳиби, моҳир сўз устаси ва хушовоз созанда.

Қорақалпоқ халқида жировчилик мактаблари шуҳрат қозонган. Одатда, улар маҳаллий аҳоли орасида истиқомат қилишиб, халқ ўғил-қизларини юксак инсонийлик ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш вазифасини ўз зиммасига олишган. Шунингдек, жировчилик анъаналарини мустаҳкамлашда шогирд тайёрлаш дастури муҳим аҳамият касб этади. Ўлкада жировчилик анъаналари бахши, қиссахон ва шоирларга нисбатан аввалроқ пайдо бўлган. Миллий қадриятлар тарихий ривожини жировчилик мактаблари ҳосил қилган.

Қорақалпоқ жирови чертадиган чолғу асбоби «кўбиз», дея номланиб, энг қадимий асбоб тарзида қайд қилинади. Тўғри, жорий чолғу асбоби илгари бошқа халқларда ҳам бўлган. Хусусан, кўбиз аввал Украина халқларида мавжуд бўлиб, у «қобзар» дея аталган. Кейинроқ бу асбоб ўрнини кўп торли «бандура» эгаллаган. Украинада кўбиз асбоби йўқолган бўлса-да, кўбиз сўзи сақланган. Кўбиз билан халқ турмуш тарзини куйлаган жиров ёхуд шоирни украинлар «Кобзар», дея аташган. Буюк шоир Т.Г.Шевченкони украин халқи жорий кунда ҳам қобзар деб аташади.

XVII асрда яшаган мусиқа олими Дарвиш Али эътирофича, бир хил тамбурга эга кўбиз жуда қадимий асбоб. У «мусиканинг назариясини яхши ўрганиб олган 19 аср машҳур мусиқачиси Султон Увайс замонида қўлланди» деб кўрсатади. [8;] Қорақалпоқ жировларида мазкур чолғу асбоби тўғрисида шундай ривоятлар сақланган. Жумладан, Есемурат Жиров билан Қияс Жиров таъкидлайди: «Кўбиз пири Кўркут ота ва Девонаи Бурик деб эшитамиз. Илгари яшаган жировлар шундай афсона тўқийди. Кўркут ота ёғочдан кўбиз ишлаб, чолғу чертишни орзу қилади. Анча ёғочларни йўниб овора бўлса-да, ишлаган кўбизидан самара чиқара олмайди. Кўркут отанинг дарахтни йўниб ишлаётганини шайтонлар кўриб, Кўркут отадан кўбизингни кўрсат деса, у шайтонлардан меҳнатини яширибди. Кейин Кўркут ота ўрмондан қайтаётган кишига ўхшаб, яширинча шайтонларнинг сўзини тинглабди.

Шайтонлар Кўркут ота тўғрисида шундай дейишаётган экан: «Кўркут ота жуда ажойиб иш бошлабди, лекин охирига етказа олмайди. Агарда ўрмондаги тўнғиз суйкалиб қуриган майда жийда ёғочидан кўбизни йўнса, унинг ичини ўйиб, ўйган жойини бақироқ туянинг бош териси билан қопласа, унга тиниб-тинчимас отнинг қуйруғидан олиб қил тақса, кумда, тоғда ўсадиган сассиқ қурай (майса) ширасидан яхши қилнинг остидан кўтариб турадиган эски қобқдан йўниб таянч (торни кўтариб турадиган) солса, жуда яхши асбоб бўлган бўлар эди. « Кўркут ота шайтонларнинг бу сўзини эшитиб оркасига дархол кайтиб, эшитганидек чолғу асбоби ясаган экан, оҳанграбодек товланадиган мусиқа оҳанглари пайдо бўлибди. Шундан Кўркут ота кўбизни хар хил чолғу асбобга солиб чертиб юра берибди. Алалхусус, Кўркут ота кўбизнинг пири бўлибди...»

Жиров сўзи қадимий турк халқлари орасида кенг тарқалган. Хусусан, ўрта асрлар ўзбек мумтоз шеърляти вакили Лутфий (1411) «Гул ва Наврўз» достонида жирова сўзи мавжуд:

Йировлар софу соқиёлар гуландом
Тобукчилар сабук руҳи дилором. [10;]

(Жировлар жуда тоза, сахий-шароб қуювчи аёл гул баданли. Табукчилар-хизмат қилувчиларнинг оёғи енгил ва чиройли).

Жиров сўзи ўзбек адабиёти мумтоз намоёнчаси Алишер Навоий ижодида ҳам учрайди:

Сокий май тотув қуйгил сўзни,
Хон қурултойига еткур ўзни,
Зафмай жом орагар гул дилкаштур,
Тустуган ишира кимиз ҳам хуштур,
Эй йиров сен ҳам эшикни кўргуз,
Етуган бирла улуг ирни туз. [9;]

(Сокий ичимлик қуйганда сўзни тўк, тоза ичимлик коса ичида бўлса кўнгил хуш бўлади, тустокан ичидаги кимиз ҳам кўнгилни шод этади, жирова сен кўрсат «Етуган» чолғу асбоб асбоби билан улуг ашулани туз).

Алоҳида эътроф этиб ўтиш жоизки, жировчилик санъати, ўз навбатида, ёшларда миллий ғурур ва ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш, ижодий маҳорат, нафосат ва бадиий дидни ўстириш, фикр доирасини кенгайтириш, мустақиллик ва ташаббускорликни тарбиялаш, қорақалпоқ, ўзбек ва жаҳон композиторларининг асарларидан баҳраманд бўлиш ва турли мусикий жанрларни бир-бирдан фарқлашни ўргатиш, миллий санъатимиз намуналари орқали дунёқарашини кенгайтириш имконини яратади.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қорақалпоқ жировчилик санъати, мумтоз санъат асарлари асосида ёшларнинг дунёқарашларини

шакллантириш, мусиқа таълими жараёнида миллий мусиқа дурдоналари, жирова бахши кўшиқлари билан бир қаторда, жаҳон халқлари мусиқа маданияти намуналаридан ҳам баҳраманд бўлишларини таъминлаш, бу борадаги мавжуд ҳолатни ўрганиш, уни бойитиш чораларини излаш, камчиликларни бартараф этиш жорий режаларни белгилашга бевосита боғлиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, қорақалпоқ халқ мусиқаси асосида илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ёшларни санъат соҳасига қизиқтиришда куйидаги вазифаларни амалга оширишга эришиш мақсадга мувофиқдир:

- ёшларнинг санъатга бўлган қизиқишларини уйғотиш;
- мусиқа тинглаш ва жамоа бўлиб куйлаш маданиятини шакллантириш;
- назарий олган билимларини чолғу асбобларида амалиётда қўллаб ижро этишига эришиш;
- мусиқа саводхонлиги ва мусиқа ижодкорлигини тарбиялаш;
- ўз-ўзини баҳолай олиш ва ўз-ўзини намоён қилиш кўникма-малакаларини шакллантириш;
- чолғучилик, мусиқали ҳаракатлар, ижодкорлик фаолиятларини шакллантириш;
- ёшларни миллий урф-одат ва анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама етук, юқори ахлоқли пок инсон бўлишга йўллаш;
- ёшларда қорақалпоқ халқининг тарихий, маданий, миллий хусусиятларини англаб олишга бўлган эҳтиёжни таркиб топтириш;
- ёшларни қобилияти, қизиқишига кўра мусиқага йўналтириш;
- ёшларда ижодкорлик фазилатларини таркиб топтириш;
- ёшларда инсонпарварлик, халқига садоқат, хушмуомалалилик каби хислатларни таркиб топтириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2018-2022 йилларда миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори лойиҳаси <http://regulation.2018.gov.uz/oz/document/480>

2. Алеуов У. Қарақалпақстанда талим-тарбиялик ойлардын қалипlesiуи ҳам раўажланыўы.- Нөкис: Билим, 1993. – 503 б.

3. Алеуов У. Музыкалык тарбияның тарийхый дереклери // Материал РНТК «Роль Амир Тимура в истории культуры центральной Азии» Нукус, КГУ. 2006. – 36-48 б.

4. Алламурастов А., Доспанов О., Тилеумуратов Г. Қарақалпақша көркем-өнер атамаларның сөзилиги. Нөкис 1995.

5. Алламурастов А. «Қарақалпақстан искусствасының тарийхынан»



«Қарақалпақстан баспасы» Нөкис 1968. – 80 б.

6.Бекимбетова А.А Қарақалпоқ халқ педагогикасида ёшларга ақлий тарбия бериш анъаналари. П.ф.н.илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Т., 2010. – 20 – б.

7.Бахадырова С. «Қарақалпақ қандай халық» Ташкент 2017.

8.Акбаров.И.А. Карақалпақ халық намалары. –Т.: 1959, -Б. 17.

9.Лутфий. Гул ва Наврўз // Ўзбек адабиёти. 1-жилд, -Т.: 1959, -Б. 463.

10.Алишер Навоий. Сольийнома. Хазоинул маоний. –Т.: 1960, -Б. 898.

МЕТОД ИМЕНИ СОКРАТА

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.57.23.031>**Уришов Шокир Маматалиевич***кандидат педагогический наук, доцент Узбекский государственный университет мировых языков*

Аннотация. В статье рассматривается метод имени Сократа. В эвристическом подходе, переводя незнание в знание, ученик будто бы сталкивается с парадоксальной ситуацией увеличения незнания, поскольку именно оно «объективируется», становится очевидным и превращается в знание о незнании: «Я знаю, что у меня еще нет следующих знаний...».

Ключевые слова: мето Сократа, эврика, эвристика, креатив, анализ.

SOCRATES NAME METHOD

Urishov Shokir Mamatalievich*Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor, Uzbek State University of World Languages*

Abstract. The article discusses the method of the name of Socrates. In the heuristic approach, translating the unknowable into knowledge, the student seems to be faced with a paradoxical situation of increasing ignorance, since it is this that is «objectified», becomes obvious and turns into knowledge of ignorance: «I know that I do not yet have the following knowledge ...»

Key words: Socrates' method, eureka, heuristics, creativity, analysis.

С именем древнегреческого философа и педагога Сократа (469–399 гг. до н. э.) связан метод эвристических бесед. Слово «эвристика» происходит от греческого *heurisko*, что означает «отыскиваю, нахожу, открываю». Путем особых вопросов и рассуждений Сократ помогал собеседнику самостоятельно приходить к постановке или решению проблемы; в результате истина открывалась не только ученику, но и учителю. Его метод нашел отражение во многих прогрессивных теориях обучения и получил название «сократический», или «эвристический».

Эвристический метод предполагает рождение знаний вместо их передачи. Свой метод Сократ сравнивал с повивальным искусством, называя его майевтикой (от греч. *maieutike* – повивальное искусство). Философ считал, что, помогая рождению истины в других людях, он продолжает в духовной области дело своей матери, очень опытной и строгой повитухи Фенареты.

О приходящих к нему учениках Сократ говорил: «От меня они ничему не могут научиться, просто сами в себе они открывают много прекрасного, если, конечно, имели и производят его на свет». Уточнение – «если, конечно, имели» – говорит о том, что философ не считал всех людей равными по познавательным возможностям. Однако способность человека к рождению знаний не выступала для философа неизменной и могла, на его взгляд, развиваться. По мнению Сократа, перед тем как родить знания, человек должен «забеременеть», т. е. приобрести основу для последующих споров и рассуждений.

Сократ признает уникальность каждого человека и истинность каждого мнения: «Мера существующего или несуществующего есть каждый из нас. И здесь-то тысячу раз отличается один от другого, потому что для одного существует и кажется одно, а для другого – другое.... Ничье мнение не бывает ложным... ». Впрочем, было бы опрометчивым распространять этот тезис на учеников. Сократ имел в виду не школьников, а мнение вполне образованных людей по вопросам, дискуссионным для ученых, а не для тех, кто не вполне еще усвоил таблицу умножения. Безоглядный педоцентризм, признающий право ученика на ошибку и призывающий уважать его мнение в любом случае, как теперь говорят, контрпродуктивен. Он не полезен в первую очередь для самих детей. С учеником, считающим, что дважды два равно четырем с половиной, педагог имеет право не согласиться. Вспомним изречение древних мудрецов: – «Человеку свойственно ошибаться, глупо упорствовать в ошибке».

Анализ античных диалогов, изложенных учеником Сократа Платоном, позволил выявить дидактические элементы его системы, среди которых:

- ирония, уличающая собеседников в незнании;
- формулирование возникающих противоречий или искусственное создание таковых для обнаружения имеющегося незнания;
- индукция, предполагающая восхождение от частных представлений к общим понятиям;
- конструирование дефиниций понятий по направлению от поверхностных к более глубоким определениям понятий;
- предложение ученику на выбор несколько вариантов решения возникшей проблемы;
- привлечение собственного опыта для подведения к уже известному ответу либо, наоборот, для создания напряженности, в которую учитель оказывается вовлеченным с тем же незнанием, что и его собеседник;
- рефлексия происходящего обсуждения, возвращение к исходным

предпосылкам или суждениям.

В наиболее общем виде метод Сократа базируется на следующих позициях.

Во-первых, учитель и ученик в своем диалоге находят согласие в общем предмете обсуждения.

Во-вторых, собеседники отыскивают среди разных случаев то общее, что является определяющим для частных, т. е. приходят к определению понятий.

В-третьих, в ходе диалога применяется внутренний критерий истинности возникающей мысли, т. е. осуществляется проверка: согласуется ли появившаяся мысль сама с собой и с вытекающими из нее следствиями, или нет; в результате исследование вещей, т. е. познание и обучение, происходит с опорой на сами вещи, а не на их внешнее отражение.

В эвристическом подходе, переводя незнание в знание, ученик будто бы сталкивается с парадоксальной ситуацией увеличения незнания, поскольку именно оно «опредмечивается», становится очевидным и превращается в знание о незнании: «Я знаю, что у меня еще нет следующих знаний...».

Но Сократ не противопоставлял незнание знанию, а соединял их: увеличивая знание, мы увеличиваем знание о незнании. Собственно, нет парадокса в том, что, накапливая знание, мы накапливаем незнание. Знание о незнании – это не незнание, а знание. Поэтому при обучении знание всегда увеличивается, и, задавая вопросы, на самом деле мы ориентируемся на получение ответов (т. е. знаний), а не на сами вопросы.

Литература :

1. Краевский В. В. Основы обучения. Дидактика и методика... С. 261–263.

2. Akramova Gulbakhor Renatovna. Psychological and pedagogical foundations for the development of critical thinking of students. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal* Year: 2020, Volume: Vol. 10, Issue 4. P.581-584. <https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=10&issue=4&article=081>

3. Dilova Nargiza Gaybullaevna Formative Assessment Of Students ‘Knowledge As An Innovative Approach To Education

4. Gaybullaevna Dilova Nargiza Innovative approach to education is a factor for developing new knowledge, competence and personal qualities. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)* Year : 2021, Volume : 10, Issue : 1 First page : (148) Last page : (153). <https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:ajmr&volume=10&issue=1&article=021>



КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА «ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ» ЭЛЕКТИВ ФАНИНИ ЎҚИТИШ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.39.99.030>

Жамилов Юсуф Юнус ўғли

*Бухоро давлат университети физика кафедраси таянч
докторанти*

Аннотация: Мақолада компетенциявий ёндашувлар асосида «Таълим тизимида муқобил энергия манбалари» электив фанини ўқитиш имкониятлари, таълимнинг шакл ва воситалари, талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик асослари мазмунида дастурий таълим воситалари, шу жумладан электрон ўқув-методик мажмуалардан фойдаланиш, ўқув машғулотларини ўтказишда электрон дарсликлар, виртуал лаборатория стендлари, мултимедиа воситалари, ўқув тренажорлари ва талабалар билимини назорат қилувчи ва баҳоловчи воситалардан фойдаланишнинг дидактик имкониятлари таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: таълим тизимида муқобил энергия манбалари, электив фан, электрон ўқув адабиётлари, электрон дарслик, виртуал лаборатория стендлари, 3D анимация, мултимедиа, баҳоловчи воситалар, дастурий таълим воситалари.

ОБУЧЕНИЕ ВЫБОРНЫЙ ПРЕДМЕТУ «ИСТОЧНИКИ АЛЬТЕРНАТИВНОЙ ЭНЕРГИИ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ» НА ОСНОВЕ КОМПЕТЕНТНЫХ ПОДХОДОВ

Жамилов Юсуф Юнусович

*докторант кафедры физики, Бухарский государственный
университет*

Аннотация: В статье рассматриваются возможности преподавания предмета «Альтернативные источники энергии в системе образования», формы и средства обучения, программные средства обучения в контексте педагогических основ развития у студентов альтернативных энергетических компетенций, включая электронные учебники. Электронные учебники, виртуальный анализ дидактических возможностей использования лабораторных стендов, мультимедийные инструменты, тренажеры и инструменты для контроля и оценки знаний студентов.

Ключевые слова: альтернативные источники энергии в системе образования, элективные науки, литература для электронного

обучения, электронные учебники, виртуальные лабораторные стенды, 3D-анимация, мультимедиа, инструменты оценки, программные средства обучения.

COMPETENCY-BASED APPROACHES TO TEACHING ELECTIVE SCIENCE «ALTERNATIVE ENERGY SOURCES IN THE EDUCATION SYSTEM»

Jamilov Yusuf Yunus ugli

*Basic doctoral student (PhD) of the Department of «Physics»
Bukhara State University*

Abstract: *The article is based on competency-based approaches to teaching elective science «Alternative energy sources in the education system», forms and means of education, software-based teaching aids in the context of pedagogical bases of developing students' alternative energy competencies, including e-textbooks, e-textbooks, an analysis of the didactic possibilities of using virtual laboratory stands, multimedia tools, training simulators and tools for monitoring and evaluating student knowledge.*

Keyword: *alternative energy sources in the education system, elective science, e-learning literature, e-textbooks, virtual laboratory stands, 3D animation, multimedia, assessment tools, software learning tools.*

Жаҳонда таълим жараёнини инновацион талаблар асосида такомиллаштириш, иқтисодиётни ривожлантиришда тежамкорлик ва атроф-муҳит муҳофазасига асосланган, муқобил энергияга оид билимларни фанларга интеграциялаш билан боғлиқ ўқув материалларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ривожланган давлатлар таълим тизимида илғор тажрибалар ва дастурий таълим воситаларидан самарали фойдаланиш, таълим олувчиларда энергияманбаларини ҳосил қилишнинг техник-технологик хусусиятлари, қурилмалардан фойдаланиш имкониятлари, энергия ҳосил қилишнинг мураккаб жараёнлари билан боғлиқ компетенцияларни ривожлантириш ишлари амалга оширилмоқда.

Жаҳон олий таълим муассасаларида талабаларнинг муқобил энергияга оид билимлар трансформацияси, педагогик хусусиятлари, энергия тежамкор технологиялар билан боғлиқ кўникмаларни шакллантиришнинг дидактик ёндашувлари, физик ҳодисаларни моделлаштириш, таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу илмий изланишлар таълим олувчиларда инновацион энергия турларини ҳосил қилишнинг физик жараёнларига оид хусусий ва таянч

компетенцияларни ривожлантириш, муқобил энергия манбаларидан самарали, оқилона ҳамда тежамкорлик билан фойдаланиш маданиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда олий таълим тизимини ислоҳ қилиш, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш, ўқув жараёнининг мазмунини халқаро таълим стандартлари асосида такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш асосида талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланиб, ўқитиш самарадорлигини ошириш имконияти юзага келди. 2021 - 2023 йилларда физика фанлари бўйича таълим сифатини ошириш ва физика соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг натижадорлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурида, «...таълим жараёнига замонавий ўқитиш услубларини, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш; таълим жараёнига «виртуал лаборатория»ларни жорий қилиш; қуёш энергияси ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга оид таълим дастурлари бўйича талабалар учун махсус маъруза ва амалий машғулотларни ўтказиш; яримўтказгичлар физикаси, микроэлектроника, материалшунослик ва муқобил энергия манбалари соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш» вазифалари белгилаб қўйилган . Бу борада таълим тизимида муқобил энергия манбалари ҳамда энергия тежамкор технологияларга доир инновацион билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш бўйича методик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, дастурий таълим воситалари асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

«Таълим тизимида муқобил энергия манбалари» электив (танлов) фанини ўқитиш юзасидан олиб борилган тадқиқот давомида муқобил энергия манбаларига оид таълим жараёнини ташкил этишга доир илмий-тадқиқод ишлари мазмуни тизимли таҳлил қилинди. Таҳлил қилинган ишлар асосан халқ хўжалигида фойдаланиладиган муқобил энергия манбалари қурилмалари, уларнинг самарадорлигини ошириш, қурилмаларнинг янги турларини яратиш муамосига бағишланган бўлиб, таълим жараёнини муқобил энергияга оид тушунчалар билан интеграциялаш, талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқод ишлари санокли эканлиги аниқланди.

Бу эса таълим жараёнида муқобил энергияга оид ўқув адабиётларининг янги авлодларини яратиш, бу борада дастурий таълим воситаларидан кенг фойдаланишни тақозо этади.

Тадқиқотда қайта тикланадиган (муқобил) энергия манбалари яъни,

куёш энергияси, шамол энергияси, оқар сув энергияси, биогаз, геотермал энергия ва бошқа муқобил энергия турларидан унумли фойдаланиш зарурати, имкониятлари ва қайта тикланмайдиган энергия манбалари, нефт, тошқўмир, табиий газ ҳамда атом электр станциялари ёқилғилари захиралари тизимли таҳлил қилинди (1-расм).

Муқобил энергия манбаларига оид тушунчалар талабаларнинг компетенциявий тафаккурини ривожлантиришга асос бўлади. Талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантириш, бўлажак мутахассисларнинг инновацион касбий фаолиятга тайёрлашда, уларнинг компетенцияларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Талабаларнинг муқобил энергияга оид мотивацияларини инобатга олиб, уларнинг педагогик-психологик ва физиологик хусусиятларига мос равишда (ижтимоийлик, коммуникативлик, интеллектуаллик, ахборотлилик) компетенциялари белгилаб олинди.



1-расм. Табиатдаги энергия манбалари.

1-расм. Табиатдаги энергия манбалари.

Ижтимоийлик компетенцияси - жамиятда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва уларда фаол иштирок этиш, ўзининг фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиш, унга риоя қилиш, меҳнат ва фуқаролик муносабатларида муомала ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш лаёатларини шакллантиришни назарда тутди.

Коммуникативлик компетенцияси – ижтимоий вазиятларда мулоқотга кириша олиш, мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш,

ижтимоий мослашувчанлик, ҳамкорликда жамоада самарали ишлай олиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутди.

Интеллектуаллик компетенцияси - доимий равишда ўз-ўзини жисмоний, маънавий, руҳий, интеллектуал ва креатив ривожлантириш, камолотга интилиш, ҳаёт давомида мустақил ўқиб-ўрганиш, когнитивлик кўникмаларини ва ҳаётий тажрибани мустақил равишда мунтазам ошириб бориш, ўз хатти-ҳаракатини муқобил баҳолаш ва мустақил қарор қабул қила олиш кўникмаларини эгаллашни назарда тутди.

Ахборотлилик компетенцияси-медиа манбалардан зарур маълумотларни излаб топа олиш, саралаш, қайта ишлаш, сақлаш, улардан самарали фойдалана олиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, медиа маданиятга эга бўлиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутди.

Шунингдек, фаннинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда талабаларда фанга оид умумий компетенциялар ҳам ривожтирилади.

«Таълим тизимида муқобил энергия манбалари» фанини ўқитишда дастурий таълим воситалари, яъни электрон дарслик, электрон ўқув қўлланма, электрон журнал, электрон энциклопедия, электрон кутубхоналар, виртуал кутубхоналар, виртуал лаборатория стендлари, электрон каталоглар, электрон ўқув-услугий мажмуалар, электрон масалалар тўплами, 3D анимациялар, электрон ўқув тренажорлари ва билимларни назорат қилишнинг компьютерли тизимлари, уларни ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар ўрганилиб, талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантириш имкониятлари тадқиқ қилинди.

Дастурий таълим воситаларига: инсонлар аро коммуникация воситалари (электрон почта, телефон алоқаси, чатлар, форумлар, видео конференциялар ва бошқалар), ташқи ва ички ахборот ресурсларига уланиш, шунингдек, талабаларга тақдим этиладиган ахборот ресурсларининг ўзи киради. Олий таълим муассасалари асосий ахборот ресурсларини турли фанларни ўрганишга оид электрон дарслик, қўлланма, ўқув-методик мажмуалар ташкил этади. Электрон ўқув-методик мажмуалар деярли барча ахборотли материалларни ягона ахборот мажмуасига жамлаш имконини беради. Бундан ташқари, унда ҳозирги кунда талаб этиладиган зарур интерактивлик, кўргазмалилик, мобиллик, ихчамлик ва уларни кўпайтиришда кам харажат сарфлаш, кўп вариантлилик ҳамда текшириш учун топшириқлар ва тестлар ҳажми-нинг кўп бўлишини таъминлайди.


Таълим жараёнига «Таълим тизимида муқобил энергия манбалари» фанининг электрон ўқув-методик мажмуаларини жорий этиш талабаларга фан бўйича ахборотнинг тўлиқ манзарасини намоиш этиш, ўқув материални мустақил ўзлаштиришини таъминлаш,

назорат ва ўз-ўзини назоратни такомиллаштириш, ўқув жараёнини натижавийлигини оширишга ёрдам беради. Замонавий электрон ўқув-методик мажмуаларнинг афзаллиги дарс жараёнининг янада қизиқарли ўтишини таъминлаш хусусиятидир.

Бунда ўқитувчи талабаларни фақат қўллаб-қувватлайди, ўқув ахборотлари оқимидан самарали фойдаланиш ҳамда юзага келадиган муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради.

Дарсларнинг дастурий таълим воситалари имкониятларидан фойдаланиб ўтилиши ўқитувчига бир қанча қулайликлар бериши, фанга оид мавзулаштирилган овозли дастурлар, расмли ишланмалар, ҳаракатли ёзувлар (презентациялар), мультипликация кўринишида яратилган фильмлар, 3D анимациялар талабалар қизиқиши ва таълим олишга бўлган иштиёқини ошириши, диққатни жалб қилиши ҳамда таълим самарадорлигини ошириши тадқиқот натижалари асосида тасдиқланди.

Масалан, қуёш энергияси асосида ишлайдиган фотоэлементлар, уларнинг ишлаш принципи тўғрисидаги «Яримўтказгичлар. Яримўтказгичларда аралашмали ўтказувчанлик» мавзусини ўқитишда назарий маълумотлар билан биргаликда яримўтказгичлик қурилмаларнинг «Вольт-Ампер» характеристикасини аниқлашда виртуал лаборатория стендлари, яримўтказгичларнинг амалиётда қўлланилиши мисолида фотоэлементлар, уларнинг тузилиши ва ишлаш принципи ақс этган 3D анимациялардан фойдаланиш таълим оловчиларнинг мавзу юзасидан чуқур билим олишини таъминлайди (2-расм).



2-расм. Фотоэлемент тузилиши, ишлаш принципи
Дастурий таълим воситаларининг юқорида санаб ўтилган

афзалликлари ва ижобий хусусиятларидан ташқари яна кўпгина имкониятлари мавжуд бўлиб, таълим жараёнида талабарнинг муқобил энергия манбалари ва қурилмалари, улардан халқ хўжалигида фойдаланиш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг экология ва атроф муҳит софлигини сақлашдаги аҳамиятига оид чуқур билим олишида, талабаларнинг мотивацияси оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги таҳлилларни инобатга олган ҳолда муқобил энергияга оид таълим жараёнида электрон адабиётлар ва мультимедиали дастурий воситалари яъни электрон дарсликлар, электрон масалалар тўплами, электрон ўқув-услугий мажмуалар, виртуал лаборатория стендлари, 3D анимациялар, электрон ўқув тренажорлари ва билимларни назорат қилишнинг компьютерли тизимларидан фойдаланиш, таълим олувчиларнинг мотивацияси ҳамда таълим сифати самарадорлигини сезиларли даражада оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. А.Р.Жўраев, «Бўлажак технология фани ўқитувчиларини касбий тайёрлашда дастурлаштирилган таълим воситаларидан фойдаланишнинг дидактик имкониятлари». Замонавий фан, таълим ва тарбиянинг долзарб муаммолари. Электрон журнал. – Урганч. 2019-1.

2. S.K.Kakharov, Yu.Yu.Zhamilov «Formation of competencies in the field of alternative energy using software for teaching physical education» The role of physics in modern education. Materials of the Republican Scientific and Practical Conference. Samarkand. 2019. – P. 41-42.

3. S.K.Kakharov, Yu.Yu.Zhamilov «Opportunities of the formation of students' competence on alternative energy using training software devices» European science 2020. № 2 (51). Part II. –P. 61-64.

4. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси. Тошкент. «Шарқ». 2002 йил, 2012 йил.

5. В.Н.Агеев Электронная книга: Новое средство социальной коммуникации. М. 1997.

6. www.lex.uz

7. www.ziyonet.uz

**ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР: ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ
МУНОСАБАТИ ВА ТАРИХИЙ ЁНДАШУВ**DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.59.80.029>**Юлдошева Бибиражаб Миржонова***Бухоро давлат университети докторанти*

Аннотация: Мақолада сайёрамизда экологик муаммоларнинг кўлами жуда тез кенгайиб кетаётганлиги, глобал экологик таҳдидларнинг салбий таъсири маълум бир мамлакат ёки минтақада эмас, балки бутун кишилик жамиятида акс этаётганлиги ҳақида сўз боради. Дунё сиёсат ва иқтисодчилари, олим ва кашфиётчилари, шифокор ва муҳандислари, келажак учун маъсул бўлган ҳар қандай соҳа вакиллари экологик таҳдидларни чуқур англаган ҳолда келажак қарорларини қабул қилишлари лозимлиги алоҳида таъкинланди. Дунё глобаллашув шароитида улкан саноат марказлари кўпаймоқда, аҳоли сони мунтазам ошмоқда, аксинча, табиий ресурслар камайиб, улардан фойдаланишида ҳам бетартиблик ҳукм сурмоқда. Бу ҳолат экологик муаммоларнинг сонини кўпайишига ва таҳдидини янада кучайиб кетишига олиб келади. Шундай шароитда дунё ҳамжамияти томонидан мазкур муаммоларни биргалашиб ҳал қилиши талаб қилинади.

Мақолада дунё ҳамжамияти томонидан экологик муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида тузилган ташкилотлар, мазкур ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган амалий ишлар, уларнинг натижалари ҳақида маълумот берилади. Экологик муаммоларни бартараф этиш масаласи БМТ нинг ўнлаб саммитларида асосий кун тартибига чиқди. Натижада дунё давлатларини экологини асрашга ундовчи тавсиялар, дастурлар қабул қилинди. Экологик таҳдидлар камайди. Аммо муаммо ҳали ўз ечимини топгани йўқ.

Kalit soʻzlar: атроф-муҳит, экологик муаммолар, атроф-муҳит муаммоларининг тарихи, «Рим клуби», «Барқарор ривожланиш дастури», атроф-муҳит бўйича дастури, Ер тизимини бошқариш лойиҳаси, «XXI аср кун тартиби», яшил иқтисод, барқарор ривожланиш, БМТ нинг атроф-муҳит масаласидаги конференциялари, табиий ресурслардан нотўғри фойдаланиш, қуёш панеллари, глобаллашув.

Abstract: The article argues that the scale of environmental problems on our planet is expanding very rapidly, the negative impact of global environmental threats is reflected not in a particular country or region, but in society as a whole. It was emphasized that world politicians and economists, scientists and inventors, doctors and engineers, representatives of any field responsible for the future must make decisions with a deep



understanding of environmental threats. In the context of globalization, huge industrial centers are proliferating, the population is constantly growing, on the contrary, natural resources are declining and their use is chaotic. This situation leads to an increase in the number of environmental problems and a growing threat. In such circumstances, the world community is required to work together to address these issues. The article provides information about the organizations created by the world community for the prevention and elimination of environmental problems, the practical work carried out by these organizations, their results. Addressing environmental issues has been high on the agenda of dozens of UN summits. As a result, recommendations and programs have been adopted to encourage countries around the world to protect the environment. Environmental threats have decreased. But the problem has not yet been resolved.

Keywords: *environment, ecological problems, history of environmental problems, «Club of Rome», Sustainable Development Program, environmental program, Earth System Governance Project, «Agenda of the XXI century», green economy, sustainable development, UN Environment Conferences, misuse of natural resources, solar panels, globalization.*

Кириш. Атрофимиздаги олам, яъни сув, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиат ва борлиқ мунтазам равишда турли омиллар таъсирида ўзгаришларга учрайди. Бу тарихий жараён сифатида баҳоланади. Аммо сўнгги вақтларда табиий ва антропоген омилларнинг кўлами ва таъсири кенгайиб, атроф-муҳитнинг мусаффолиги ва барқарорлигига жиддий зиён етмоқда. Натижада сайёрамизда глобал, минтақавий ва локал даражадаги экологик муаммоларлар вужудга келмоқда. бу эса дунё аҳолисини сергак тортишга мажбур қилмоқда. Ер юзиде глобал иқлим ўзгариши, чучук сувнинг етишмаслиги ва ифлосланиши, табиий ресурсларнинг камайиб кетиши, ҳавонинг ифлосланиши, озон қатламининг емирилиши, океан сувининг ифлосланиши, шаҳарлашув (урбанизация), чиқиндиларнинг кўпайиши, аҳоли сонининг ошиб бориши каби экологик муаммолар бор экан, инсоният юқоридаги каби муаммоларнинг салбий таъсирларини камайитириш ва муаммони бартараф этиш масалаларида биргаликда ҳаракат қилмас экан, охир-оқибат кишилиқ жамияти заволга юз тутди. Шунингдек, ер юзиде янги турдаги касалликлар, жумладан аллергия, СПИД (ОИТС), юқумли ва сурункали ўпка, ўсма, янги вируслар билан боғлиқ касалликлар юзага келмоқда. Инсон ҳаёти жиддий хавф остида қолмоқда. Экологик таҳдидлар табиат ва жамият ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши натижасида юзага келмоқда. Охир-оқибат, атроф-муҳит мувозанати ва экологик муаммолар масаласи халқаро саҳнага чиқа бошлади.

Адабиётлар таҳлили ва методлар. Ўтган асрнинг 60-70 йилларида атроф-муҳит муаммоларининг тарихини Родерик Насх, Алфред Кросби каби тарихчи олимлар табиатни муҳофаза қилиш масалаларига асосий урғу берган ҳолда ўрганишни бошлаган бўлсалар, 80-90 йилларда эса Тоен, Ворстер, Верстегин, Ван Занден сингари тарихчи олимлар экологик муаммолар, атроф-муҳит масалари бўйича йирик тадқиқот олиб борган экологик муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатларини ўргана бошладилар. Ворстер, Пфистер, Бримблекомбе, Понтинг каби олимларнинг хизматлари туфайли атроф-муҳит муаммоларининг тарихи соҳаси фан даражасига чиқди.

Ўзбекистондаги мавжуд экологик муаммоларнинг маълум бир жиҳатлари Зияева Д.Ҳ, Бобожонова Д.Б, Давлетов С.Р, Аллаберганов Ш.Й, Раҳимова Г.С каби бир қатор тарихчи олимлар томонидан ўрганилди. Уларнинг тадқиқотларида Ўзбекистонда асрлар давомида вужудга келган экорлогик муаммоларнинг тарихий илдизлари, иқтисодий-сиёсий фаолиятнинг атроф-муҳитга таъсири очиб берилган. Аммо уларда атроф-муҳит муаммолари тўлақонли очиб берилмаган.

Муаммони ўрганишда тизимлаштириш, хронологик узвийлик, фанлараро ёндашув каби усуллардан фойдаланилди.

Натижалар ва муҳокама. Дунё халқларининг барчасига бирдай хавф соладиган атроф-муҳит муаммолари олдида халқаро ҳамжамият бирлаша бошлади. 1968 йилда бир гуруҳ фан ва маданият, маориф ва давлат арбоблари халқаро жамоат ташкилоти - «Рим клуби»га бирлашиш режасини ишлаб чиқдилар. Ушбу жамоат ташкилоти ер юзининг келажакдаги ривожланиш истикболини ўрганиш ва инсон-табиат муносабатларининг уйғунлаштириш ғоясини илгари сурди. 1972-йилда ўзининг биринчи ҳисоботи – «Ўсиш чегаралари»ни нашр қилди. Бу атроф-муҳит муаммолари мавзусини илк бора юқори сиёсий даражада кўрилишига сабаб бўлди [1].

Шу йилнинг ўзида Даниянинг Стокгольм шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳит масалалари бўйича конференциясида «Барқарор ривожланиш дастури» муҳокама қилинди. Конференция якунида атроф-муҳитни мувозанатда сақлашнинг 26 тамойилдан иборат Стокгольм декларацияси қабул қилинди [2].

Шунингдек, БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури – UNEP яратилди. UNEP глобал ва минтақавий миқёсдаги экологик муаммоларни ҳал қилиш учун жавобгардир, айти вақтда табиатни муҳофаза қилишни тизимли тарзда мувофиқлаштиришга ёрдам беради. Дастурнинг энг машҳур лойиҳаси қуёш энергиясини ривожлантириш дастуридир. Дастурга асосан, қуёш панелларини сотиб олиш арзон нарх белгиланиб, қўшимчасига турли имтиёзлар жорий қилинди. Лойиҳа давомида, 2007

йилда Ҳиндистоннинг ўн саккиз минг хонадони куёш кредитлари дастури доирасида куёш панелларидан фойдаланишни бошлади [3].

Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича бутунжаҳон қўмитаси 1987 йили «Бизнинг умумий келажагимиз» сарлавҳаси остида маъруза тайёрлади. Унда ривожланган мамлакатлардаги исрофгарчилик ва ривожланаётган мамлакатлардаги етишмовчилик атроф-муҳитнинг ёмонлашувига олиб келадиган асосий сабаблардан бири сифатида тилга олинади. Маърузада илк бора «барқарор ривожланиш» тушунчаси келтирилади [4].

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида 1992 йилда БМТнинг «Атроф-муҳит ва ривожланиш»га доир конференцияси (АМРК) бўлиб ўтди. Унда 170 дан ортиқ давлатлардан вакиллар иштирок этган, шундан 130 га яқин давлат бевосита ўз ҳукумат бошлиқларини иштирокини таъминлаган [5]. Конференцияда давлатларнинг барқарор ривожланиши, тинч-тотув яшашини таъминлаш учун атроф-муҳитга тушадигин босимни камайтириш масаласи кўрилади.

Конференция якунида муҳим ҳужжатлардан бири «XXI аср кун тартиби» қабул қилинган. Ушбу юз йиллик дастур тўрт бўлим, тўрт бобга эга ва умумий ҳажми уч юз варақдан ортиқ халқаро ҳужжатдир. Унда 2000 йил ва ундан кейинги юз йил ичида Конференцияда таклиф этилган чора-тадбирлардан келиб чиккан ҳолда қўйилган мақсадга эришиш учун атроф-муҳит муҳофазаси ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасида инсоният барча куч-ғайратининг асосий йўналиши батафсил ва атрофлича таърифланган [6].

2002 йилда БМТнинг «Барқарор ривожланиш» рукни остида Бутунжаҳон Саммити (БРБС) Жанубий Африка Республикасининг Йоханнесбург шаҳрида бўлиб ўтди. Бутунжаҳон Йоханнесбург саммитида «Сиёсий декларация» ва «Барқарор ривожланиш бўйича олий даражада Бутунжаҳон учрашувлар қарорларини бажарилиш режаси» каби ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда ер юзи аҳолисининг тоза ичимлик сувига ва электр қувватига бўлган талабини қондириш, 2015 йилга қадар инсониятнинг қашшоқлик коэффциетини тенг ярмига қадар камайтириш кўзда тутилган [7]. Саммит жаҳон ҳамжамиятининг барқарор тараққиёт йўлинин тартибга солди ва келажак режаларни белгилаб берди.

2012 йилнинг 20-22 июнида Йоханнесбургда «Барқарор ривожланиш»га бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда асосан «Яшил иқтисод», «Барқарор ривожланиш» масалалари кўриб чиқилди. Халқаро конференцияда қуйидаги масалаларда қарор қабул қилинди:

қашшоқликни йўқотувчи, нисбатан экологик хавфсиз бўлган иқтисодиётни ривожлантириш;

иқлим ўзгаришига салбий таъсир килувчи, денгиз экотизимларини талофатловчи, океанларда балиқ хўжалиги юритувчи ёндошувлардан муҳофаза қилиш;

шаҳарларда ободонлаштириш тадбирларини оқилона тарзда олиб бориш орқали уларда аҳоли учун қулай шароит яратиш;

иктисодий ривожланишга олиб келадиган муқобил энергияни турларини кенг ишлатиш орқали углерод чиқиндиларини камайтириш ва атроф-муҳитни ифлослантиришни камайтириш;

ўрмонлардан фойдаланиш бошқаруви самарадорлигини ошириш;

барқарор ривожланиш ва чўлланишга олиб келувчи сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш.

2015 йил БМТнинг 70 – саммитида Барқарор ривожланиш учун «2030 глобал ҳаракатлар режаси» ишлаб чиқилди. Унда кейинги ўн йилликда янада адолатли, гуллаб-яшнайдиган ва атроф-муҳитга кўпроқ ҳурмат кўрсатадиган даражага эришиш учун аниқ чора тадбирлар белгилаб олинди [8]. Режани амалга ошириш дастури ўн еттита глобал мақсадларни қамраб олади. Буларга қашшоқлик, очлик ва ижтимоий тенгсизликка чек қўйиш, иқлим ўзгариши ва атроф-муҳитнинг ифлосланишига қарши курашиш, соғлиқни сақлаш, таълим олиш имкониятларини яхшилаш, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш каби масалалар қиради.

Атроф-муҳитни сақлаш бўйича иш олиб боровчи тузилмалардан бири ESGP – Ер тизимини бошқариш лойиҳасидир [9]. У 2009 йил январ ойида ташкил этилган. 300 га фаол ва 2300 га яқин билвосита қатнашган дунё олимларини бирлаштирган узоқ муддатли, фанлараро ижтимоий илмий тадқиқотлар дастури. Лойиҳадан кўзланган мақсад атроф-муҳитнинг тезкор ўзгаришлари даврида бошқарувнинг йирик, мураккаб муаммолари доирасида илм-фанга ёрдам беришдир. ESGP шунингдек, инсонларнинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларини тартибга солувчи муассасалар, ташкилотлар ва бошқарув механизмларнинг аҳамиятини яхшироқ англашга қаратилган. Бундан ташқари, FFF (Келажак учун жума), GGGI (Яшил ўсиш бўйича глобал институт), IPCC (Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро комиссия), IUCN (Табиатни сақлаш бўйича халқаро қўмита) каби халқаро тузилмалар ҳам ташкил этилди.

Дунё аҳолиси учинчи минг йилликда яшай бошлади. Экологик хавфни бартараф этиш борасида амалга оширилган чора-тадбирларга қарамай, атроф-муҳит муаммолари ҳамон глобал, миллий ва ҳудудий муаммо сифатида долзарблигини йўқотмаган. Шу сабабли соҳа фанлараро ва йирик тадқиқотларга муҳтож. Чунки атроф-муҳит муҳофазаси, экологик муаммолар кенг қамровли ва халқаро миқёсдаги

ҳал қилиниши лозим бўлган асосий мавзу ҳисобланади.

ХУЛОСА. Мақолада экологик хавфни камайтириш ва бартараф этиш мақсадида жаҳон ҳамжамияти томонидан олиб борилаётган фаолиятига тўхталиб ўтилди. Мазкур муаммони ҳал қилиш юзасидан амалга оширилган тадбирларга қарамай, экологик муаммолар, айниқса табиий ресурслардай фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар моҳияти ва кўлами бўйича ҳамон долзарб бўлиб турибди. Бугунги глобаллашув шароитида экологик муаммоларни ҳал қилишни қайсидир ташкилот ёки ривожланган давлатларгагина тегишли деб ўйлаш мутлоқо хато. Кўпқутбли дунё тенденциясида ҳар бир мамлакат ўзидаги ва глобал миёсдаги атроф-муҳит билан боғлиқ муаммоларни ўрганиб, уларни бартараф этишда фаол бўлиши замон талаби. Бугунги кундаги халқаро вазиятга ва экотизим ҳолатига қарайдиган бўлсак, халқаро ҳамкорликгина келажакдаги муаммоларни бартараф эта олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Publications. [Electronic source] - URL: <https://www.clubofrome.org/publications>
2. Декларация Конференции Организации Объединенных Наций по проблемам окружающей человека среды [Электронный ресурс] - URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declarathenv.shtml
3. UNEP News Release 2007/11 [Electronic source] - URL: <https://www.webarchive.loc.gov>
4. Экологик муаммолар ва уларни ҳал этишда журналистиканинг ўрни. [Электрон манба] - <http://ekolog.uz/?p=2486>
5. Барқарор тараққиёт ва табиатшунослик асослари: олий ўқув юртларининг барча таълим йўналишлари учун дарслик А. Эргашев [ва бошқ.]. — Тошкент: Vaktria press, 2016. - 296 б.
6. Барқарор ривожланиш ва унинг тизимли индикаторлари: Нигматов А.Н ва бошқ. – Т.: Spectrum Media Group, 2015. Б 15.
7. Экологик муаммолар ва уларни ҳал этишда журналистиканинг ўрни. [Электрон манба] - <http://ekolog.uz/?p=2486>
8. Transforming our world: the 2030 Agenda for Sustainable Development [Electronic source] - URL: <https://sdgs.un.org/2030agenda>
9. Earth System Governance Project. [Electronic source] - URL: https://en.wikipedia.org/wiki/Michele_Betsill

ЗАРУБЕЖНАЯ И МЕСТНАЯ ПРАКТИКА ОЦЕНКИ КОМПЕТЕНТНОСТИ СТУДЕНТОВ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.12.92.028>

Ганиева Гулрух Валижон кизи,

*старший преподаватель кафедры психологии и педагогики,
Международной исламской академии Узбекистана*

Аннотация. *Статья посвящена о проблеме зарубежная и местная практика оценки компетентности студентов. Критический анализ зарубежного опыта, основанный на социально-экономических и социокультурных реалиях системы образования, позволяет увязать эффективные формы и инструменты оценки компетенций с возможными методами и условиями применения в местных вузах.*

Ключевые слова: *зарубеж, оценки компетентности студентов, анализ, образования, ВУЗ.*

FOREIGN AND LOCAL PRACTICE OF ASSESSING THE COMPETENCE OF STUDENTS

Ganieva Gulrukh Valijon kizi,

Senior Lecturer at the Department of Psychology and Pedagogy of the
International Islamic Academy of Uzbekistan

Abstract. *The article is devoted to the problem of foreign and local practice of assessing the competence of students. A critical analysis of foreign experience, based on the socio-economic and sociocultural realities of the education system, makes it possible to link effective forms and tools for assessing competencies with possible methods and conditions of application in local universities.*

Key words: *abroad, assessment of students' competence, analysis, education, university.*

Одним из наиболее активно обсуждаемых вопросов в теории и практике зарубежной педагогики является оценка профессиональных компетенций магистров, по этому поводу проведено множество научных исследований. Компетентностный подход направлен на оценку личных качеств магистра, а также его знаний и навыков и требует изменения традиционного процесса оценивания.

Предполагается, что такие изменения должны быть связаны с переходом от оценки знаний к оценке компетенций. В этой связи, с одной стороны, «переход от оценки, ориентированной на контроль, к оценке, ориентированной на развитие; с другой стороны, мы видим необходимость в методах оценки практических действий и профессионального опыта мастеров».

Критический анализ зарубежного опыта, основанный на социально-экономических и социокультурных реалиях системы образования, позволяет увязать эффективные формы и инструменты оценки

компетенций с возможными методами и условиями применения в местных вузах.

Рассмотрим зарубежный опыт оценки компетенций на примере специфики трех основных методологических подходов, используемых в США, Великобритании и Европе.

В США система оценки компетенций в первую очередь ориентирована на результаты обучения с такими ключевыми показателями, как готовность выпускника применять полученные знания на практике и формирование профессиональных навыков. Этот тип системы оценивания основан на практике, навыках и компетенциях в саморазвитии и использует проблемные ситуации, максимально приближенные к профессиональной деятельности при оценке результатов.

В.И. Звонникова, М. По наблюдениям Чельшковой, оценка компетенций студентов в Великобритании проводится «функционально» (умение выполнять виды профессиональной деятельности). Он определяет не только знания и их применение, но также учитывает ценности и жизненные навыки. В связи с этим при оценке учитываются пять аспектов компетентности (1 - жадвал).

Таблица 1

Аспекты оценки компетенций

Аспекты компетенций	Содержание оценки компетенций
Когнитив	Проверка и оценка знаний по сути знаний (с точки зрения профессиональной деятельности)
Функциональный	Оцените профессиональные навыки и навыки решения проблем
Аспект оценки	Направленная на проверку навыков и характеристик, определяющих качество коммуникативных навыков студента при реализации будущей профессиональной деятельности
Аспект оценки сформированных компетенций	Связаны с личными и профессиональными ценностями студента, которые связаны с его способностью принимать осознанные решения в процессе общения в возможных жизненных или профессиональных ситуациях
Аспект проверки цены	характеризуется умением студента быть уверенным в своих знаниях и навыках в будущей профессиональной деятельности, преодолевать ошибки и неуверенности, адекватно понимать мнение руководителей, партнеров, коллег и делать правильные выводы из этих комментариев. самообразование и саморазвитие

Детальное обследование и оценка академических достижений студентов проводится с учетом оценки когнитивных компонентов компетенций и личностных способностей студентов. Он использует диагностические инструменты, такие как альтернативные тесты, портфолио. Такой подход к оценке компетенций является обычным для студентов из Великобритании, поскольку преподаватели обычно устанавливают успеваемость учащихся и их академические достижения на разных этапах обучения в соответствии с конкретным планом.

Европейский (особенно во Франции и Германии) подход к оценке компетенций студентов называется многомерным и реализуется в двух основных областях: индивидуальном и коллективном.

Личностная ориентация связана с оценкой сформированности личностных качеств, связанных с профессией.

Команда стремится проверить способность выпускника эффективно работать в будущей карьере.

Вышеперечисленные три подхода к оценке компетенций используются как универсальные индикаторы мониторинга профессиональной подготовленности выпускника вуза, а ее проверка проводится на уровне сформированности знаний, функциональных и профессиональных личностных качеств. В этом случае достижения студента за период обучения являются кумулятивными, а индекс достижений сохраняется в специальных файлах, называемых «достигнутые результаты».

В России к проблеме оценки компетенций подходят иначе. Федеральные государственные образовательные стандарты (ФГОС ВПО) предусматривают формирование практических знаний, и уровень их усвоения варьируется в зависимости от интеллектуального развития студентов, их мотивации к изучению науки. Особенность академических, профессиональных, общекультурных, социальных и иных компетенций, перечисленных в государственных образовательных стандартах, заключается в том, что их формирование осуществляется в рамках каждой дисциплины. Эти компетенции относятся к группе научных, личных и социальных компетенций.

В отличие от американского, британского и европейского подходов, в России компетенции оцениваются на уровне знаний, навыков и мастерства (обычно с помощью теста). Такая оценка компетенций не позволяет методике точно и в определенной степени оценить формирование личностных качеств, готовность к профессиональной деятельности и, во многом, социальные компетенции. В следующей таблице представлен сравнительный анализ систем оценки компетенций в ведущих зарубежных странах (Таблица 2).

Таблица 2

Анализ систем оценки компетенций в ведущих зарубежных странах

Страна	Аспекты оценки	Что оценивается?
США	активный	направлена на определение готовности выпускника и умения применять компетенции на практике в профессиональной деятельности (анализ тестовых заданий и конкретных практических ситуаций).
Великобритания	функциональный	Достижения студентов 5 уровня: 1. Знание + понимание. 2. Уметь применять знания для решения проблем. 3. Профессионально ориентированные личные качества, проявляющиеся в решении проблем. 4. Мировоззренческие ценности, выраженные в решении проблем. 5. На уровне компетентности.
Франция	Многоаспектный	индивидуальные и командные достижения ученика: на индивидуальном уровне исследуется формирование качеств и характеристик (настойчивость, лидерские качества, дисциплина, элементы самоорганизации и др.), важных для конкретной сферы деятельности и дальнейшего образования. На командном уровне проверяются компетенции (знания, навыки, аналитические и прогнозные навыки, умение работать в команде и др.), позволяющие эффективно работать в выбранной профессиональной сфере.
Россия	знающий	Компетенции оцениваются на уровне знаний, навыков и владения. Показатели качества результатов обучения студентов определяются на основании следующих критериев: - систематичность - учащиеся демонстрируют логику мышления, умение связывать между собой разные факты, систематически их рассматривать; - активный - демонстрирует умение и готовность применять теоретические знания для решения практических задач; - самостоятельное мышление - ученик демонстрирует способность мыслить самостоятельно и применять знания в самых разных ситуациях.

Многие ученые высказали свое мнение об оценке компетенций. В том числе учёный-педагог В.П. Беспалко предложил оценивать формирование компетенций у студентов на трех уровнях: понимание, творческое использование и на основе шаблонов; Для оценки уровня сформированности базовых компетенций М.В. Аргунович предложил систему из трех уровней критериев: общеобразовательные компетенции, социальные и личностные качества.

Н.В., предложившего использовать проектный метод как инструмент

развития и оценки компетенций. Матяш опирался на следующие аспекты этого метода: -таълим ва ҳаёт ўргасидаги алоқани мустаҳкамлашга имкон яратади;

- направлены на развитие индивидуальных способностей студентов;
- развивает навыки планирования своей работы и самостоятельности в ее выполнении;
- развивает рефлексию.

Применение идей компетентного подхода к высшему образованию в учебном процессе показало, что большинство педагогов не хотят отказываться от традиционных методов и принципов. Это показывает, что педагоги пытаются адаптировать технологию компетентного подхода к традиционной системе образования, что приводит к утрате основной идеи компетентного подхода (служебной аттестации) и специфики организации обучения. процесс обучения. Это можно объяснить:

- знания и навыки, а не компетенции по предмету проверяются на занятиях и экзаменах;

- недостаточное внимание преподавателей к самостоятельной работе студентов и исследовательской деятельности;

- большинство преподавателей придерживаются мнения, что переход к оценке компетенций занимает много времени, и что развитие этих процессов может помешать студентам «сформировать твердые знания по предмету»;

- формирование компетенций - это длительный процесс, поэтому педагоги не всегда могут контролировать результаты своей работы, и в результате ограничиваются оценкой эффективности выбранных методов деятельности на промежуточных этапах обучения;

- учитель рассматривает эту работу как работу, выполненную с «неопределенным результатом» из-за неправильного представления о компетенциях;

- Учителя обычно привыкли тратить время на обучение, чтобы решать задачи по определенной теме, формировать определенные знания и умения, а также обсуждать стратегию учебной деятельности, формирование навыков самооценки кажется ему неэффективным процессом.



BOSHLANG‘ICH SINFLARNI O‘QITISHDA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNING AFZALLIKLARI

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.47.73.027>

Niyozqulov Mirjalol Baxtiyorovich,

Qarshi davlat universiteti «Boshlang‘ich ta‘lim» kafedrasida o‘qituvchisi

Аннотация. Ushbu maqolada umumta‘lim maktablarining boshlang‘ich sinf darslarida zamonaviy axborot texnologiyalari imkoniyatlaridan foydalanish, ilg‘or pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy qilish afzalliklari yoritilgan.

Калит so‘zlar. boshlang‘ich ta‘lim, axborot texnologiyalari, kompyuter, dars, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, zamonaviy texnologiyalar.

ПРЕИМУЩЕСТВА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СОВРЕМЕННЫХ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБУЧЕНИИ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ

Ниёзкулов Миржалол Бахтиерович,

преподаватель Каршинского государственного университета

Аннотация. В статье рассматриваются преимущества использования современных информационных технологий в классах начальной школы, совместное внедрение передовых педагогических и информационно-коммуникационных технологий.

Ключевые слова. Начальное образование, информационные технологии, компьютер, уроки, информационные и коммуникационные технологии, современные технологии.

ADVANTAGES OF USING MODERN INFORMATION TECHNOLOGY IN THE TEACHING OF PRIMARY CLASSES

Niyozkulov Mirjalol Bakhtiyorovich,

Lecturer at Karshi State University

Abstract. This article discusses the benefits of using modern information technology in the primary school classes, the widespread introduction of advanced pedagogical and information and communication technologies.

Key words. Primary education, information technology, computer, lessons, information and communication technologies, modern technologies.

Hozirgi kunda davlatimiz tomonidan o‘qituvchilarning darslarga ijodiy yondashishini ta‘minlash, ular faoliyatiga ilg‘or pedagogik va axborot-

kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy qilish hamda o'quvchilarning dastlabki bilim egallash poydevori mustahkam bo'lishi, barcha fanlarni o'zlashtirishga qiziqishini oshirish maqsadida zarur chora-tadbirlar ishlab chiqilib, hayotga tatbiq etib kelmoqda.

Hozirgi davr o'qituvchi va o'quvchi oldiga katta talablar qo'ymoqda, bu talablarning eng asosiysi-darsning samaradorligi, uning sifatligi, o'quvchilarning bilim va ko'nikmalariga, maktablardagi turli xil o'quv mashg'ulotlari, ularni tashkil qilinishi va u orqali o'quvchilarni turli bilim va ko'nikmalarni egallab olishidir. Bugungi kunda ta'lim jarayonini to'g'ri va samarali tashkil qilishda innovatsion texnologiyalar, texnik vositalarning, jumladan, zamonaviy kompyuterlarning o'rni beqiyosdir. Dars mavzusiga oid multimediya, animatsiya, grafika, diafilm va videofilmlardan foydalanish dars jarayonini yana-da qiziqarli bo'lishiga ko'mak beradi, buning uchun esa o'qituvchi o'z ustida ishlashi va har bir darsga «men bugungi dars jarayoniga qanday yangilik bilan kirib, darsni qiziqarli tashkil qila olaman» deya o'ziga savol berishi ya'ni, an'anaviy ta'limdan qochib, noan'anaviy ta'lim berishga intilishi lozim.

Ma'lumki, ta'lim bu o'qituvchi va o'quvchilarning hamkorligidagi faoliyat turi bo'lib, dars orqali o'qituvchi o'z bilimi, ko'nikma va malakalarini mashg'ulotlar vositasida o'quvchilarga yetkazadi, o'quvchilar esa uni o'zlashtirib olishi natijasida undan foydalanish kompetensiyalariga ega bo'ladi. Yangi bilimlarni o'rganish jarayonida esa o'quvchilar o'zlashtirishning turli ko'rinishlaridan foydalanishlari tabiiy hol masalan, ma'lumotlarni qabul qilish, ularni qayta ishlash hamda amaliyotga tatbiq etish kabi jarayonlarda amalga oshadi. Hozirgi kun umumta'lim maktablarida zamonaviy kompyuter texnologiyalaridan foydalanish imkoniyatlarini takomillashtirish, ta'lim jarayonida zamonaviy texnologiyalar imkoniyatlaridan to'laqonli foydalanish eng muhim ko'rsatkichlaridan biri ekanligi yetuk pedagog olimlar tomonidan e'tirof etilganligi hech kimga sir emas. Jumladan, U.Sh. Begimkulov ta'lim jarayonida hozirgi zamon talablariga javob bera oladigan kompyuter axborot muhitini yaratish hamda ta'lim jarayonida multimedia, o'qitishda immitatsiya, zarur axborotlarni kompyuter texnikasi yordamida kiritish, tizimlashtirish, saqlash va foydalanish uchun tavsiya qilinadigan ma'lumotlar bazasini yaratishni taklif etadi.

Mamlakatimizdagi deyarli barcha umumta'lim maktablari zamonaviy kompyuter va telekommunikatsiya texnologiyalari bilan jihozlangan. Bu esa, o'z navbatida, boshlang'ich sinf o'qituvchilarning o'z mehnat faoliyatlariga yangicha yondashuvlarini talab etadi. Boshlang'ich sinf darslari o'quv jarayoniga yangi texnologiyalarni joriy etilishi, o'qituvchini texnik vositalar tomonidan siqib chiqishiga emas, balki yangicha yondashuv orqali uning vazifasi va rolini o'zgartirib, o'qituvchilik faoliyatini yana-da serqirra, ijodiy

va kreativ yondashuvga asoslangan kasbga aylantiradi.

Zamonaviy axborot texnologiyalari yordamida dars jarayonini tashkil etishda o'qituvchi dastlab:

- darsning maqsadi;
- maqsadga erishish yo'llari;
- o'quv materiallarini taqdim etish usullari;
- o'qitish metodlari;
- o'quv topshiriqlarining turlari;
- muhokamalar uchun savollar;
- munozara va bahslarni tashkil etish yo'llari;
- o'zaro aloqa usullari va kommunikatsiya singari omillarni aniqlab olishi lozim bo'ladi.

Ta'lim-tarbiya jarayonida o'quvchilarni aqlan va ruhan yetuk insonlar qilib tarbiyalashda, milliy urf-odatlarimiz, qadriyatlarimiz mohiyati bo'yicha bilim, ko'nikma va malakalarini rivojlantirishda ularda buyuk ajdodlarimizning boy ma'naviy me'roslarini o'rganishda kompyuter va axborot texnologiyalaridan foydalanish muxim rol o'ynaydi.

Kompyuter va axborot texnologiyalari vositalari orqali pedagog xodimlar hamda o'quvchilar juda ko'p miqdorda ma'lumotlarni olish, izlash qayta ishlash va o'zlashtirish imkoniyatiga ega bo'ladilar. Albatta, ta'lim muassasalarida yangi pedagogik va axborot texnologiyalarini joriy qilish. O'quv mashg'ulotlarini yangi interfaol usullar, zamonaviy vositalar ya'ni axborot texnologiyalari vositalaridan foydalangan holda o'tkazish, jumladan, dars mashg'ulotlarida multimediani qo'llash, internet tarmog'idan foydalanish shubhasiz o'z samarasini beradi.

O'qituvchi zamonaviy kompyuter texnologiyalaridan foydalanish orqali quyidagi bir qancha vazifalarni amalga oshirishi mumkin:

- boshlang'ich sinflarda multimedia texnologiyalarini qo'llash orqali o'quvchilarda fanga qiziqishi rivojlanadi;
- ta'limning bunday usuli o'quvchilarning fikrlash qobiliyatlarini faollashtiradi va o'quv materialini o'zlashtirilishining samaradorligi yana-da oshadi;
- namoyish qilinishi qiyin yoki murakkab bo'lgan jarayonlarni modellashtirish va ko'rish imkoniyatini beradi;
- o'quv materiallarini o'zlashtirilishi faqat darajasiga ko'ra emas, balki o'quvchilar erishgan mantiq va qabul qilishlarining darajasiga ko'ra ham samarali hisoblanadi;
- o'quvchilarga mustaqil izlanish yo'li bilan materiallarni izlash, topish hamda muammoli masalalarga javob topish orqali ma'lum tadqiqot ishlarini bajarish uchun imkoniyat yaratiladi;
- o'quvchilarning yangi mavzuni o'zlashtirishi, misollar yechishi,

insho, bayon

– yozish ishlarida, o‘quv materiallari bilan mustaqil tanishish, tanlash va axborot hamda ma’lumotlarni tahlil etish kabi masalalarni tez bajarish uchun sharoit yaratiladi.

Hozirgi kunda ta’lim jarayonida interfaol metodlar va axborot texnologiyalarini o‘quv jarayonida qo‘llashga bo‘lgan qiziqish kundankunga ortib bormoqda. Bunday bo‘lishining sabablaridan biri, shu vaqtgacha an’anaviy ta’limda o‘quvchilar faqat tayyor bilimlarni egallashga o‘rgatilgan bo‘lsa, zamonaviy texnologiyalardan foydalanish esa ularni egallayotgan bilimlarini o‘zlari qidirib topish, mustaqil o‘rganish va fikrlash, tahlil qilish, hatto yakuniy xulosalarni ham o‘zlari keltirib chiqarishga o‘rgatadi. O‘qituvchi bu jarayonda shaxs rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi va shu bilan bir qatorda boshqaruvchilik, yo‘naltiruvchilik funksiyasini bajaradi.

Boshlang‘ich ta’limga zamonaviy axborotlar texnologiyalarini tatbiq etish o‘quv mashg‘ulotlarining samaradorligini oshiribgina qolmay, ilm-fan yutuqlarini amaliyotda qo‘llash orqali mustaqil va mantiqiy fikrlaydigan, har tomonlama barkamol yuksak ma’naviyatli shaxsni tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etadi. Har bir o‘qituvchi ijodkor bo‘lishi kerak, u har bir o‘quv soatiga puxta tayyorlanib yangilik bilan kirishi kerak, chunki har darsda takrorlanadigan bir xillik o‘quvchini darsga va fanga qiziqishini susaytiradi, natijada dars samaradorligining pasayishiga olib keladi.

Axborot texnologiyalarining o‘qituvchi va o‘quvchi uchun ahamiyatli jihatlari quyidagilar:

- o‘quvchining diqqatini jamlash;
- ma’lumot to‘g‘risidagi tasavvurni kengaytirish;
- izlanuvchanlik, ijodkorlik va mustaqil faoliyatga kirishish;
- o‘z-o‘zini baholash.

O‘qituvchi faoliyatida axborot texnologiyalardan foydalangan holdagi darslarning o‘rni quyidagilarda aks etadi:

- vaqtni to‘g‘ri taqsimlash;
- o‘quv materiali mazmun-mohiyatining yorqin va ishonarli bo‘lishini ta’minlash;
- berilayotgan axborot ko‘lamini oshirish;
- o‘quv topshirig‘ining turlarini kengaytirish;
- sog‘lom raqobat, ijodiy muhitni yuzaga keltirish;
- kasbiy malakani muntazam oshirib borish.

Kompyuter dasturi orqali oddiy didaktik materiallar tayyorlashda va ularni kompyuter sinflarida o‘tiladigan darslarda o‘quvchilarga mustaqil ishlash uchun taqdim etish mumkin. Bunday didaktik material izohli matn sifatida, rasmlar bilan bezalgan holda, nazorat savollari bilan o‘quvchilarga

beriladi va o'quvchilar tomonidan bajarilishi nazorat qilinadi. O'qituvchi faoliyatida eng muhim jihatlardan biri bu o'quvchilarning bilimini baholab borishdir. Barcha umumta'lim fanlarining turli bo'limlariga oid nazorat testlarini kompyuter yordamida tuzish mumkin.

O'zbekistonda ham ta'lim jarayonida didaktik vosita sifatida foydalaniladigan dasturlarning maxsus bozori shakllanmoqda. Hozirda umumta'lim darslarida foydalanishi mumkin bo'lgan internetga joylashtirilgan ko'plab dasturlar mavjud. Bular sirasiga birinchi navbatda elektron darsliklarni kiritish mumkin. Kompyuter texnologiyalari turli xil interaktiv xarakterdagi topshiriqlardan foydalanish imkoniyatini beradi. Masalan, o'quvchilar voqealarni xronologik ketmaketlikda joylashtirish, fanga oid atamalar va tushunchalarni to'g'ri izohlash yoki o'ng va chap qatoridagi atamalar va ularning ma'nosini mos ravishda strelka bilan ko'rsatish yoki berilayotgan mavzudagi tayanch so'zlarni to'ldirish, test topshiriqlarini bajarish, krosvordlarni yechish kabi topshiriqlarni qanday bajarganliklarini katta ekranda multimedia yordamida tushirilgan javoblar bilan taqqoslab, bilib borishlari mumkin bo'ladi. O'qituvchi dars jarayonida kompyuter yordamida mavjud materiallarni turli xil shaklda: slaydlar, video va audio parchalar diagrammalar, jadvallar, musiqiy ko'rinishlarda taqdim etiladi. Kompyuter yordamida dars jarayonini tashkil etilishi o'quvchilar tasavvuri va xotirasiga kuchli ta'sir qilib, eslab qolish jarayonini osonlashtiradi, darsni qiziqarli jarayonga aylantirib, o'quvchilarni u yoki bu tarixiy davrga olib kirish va voqealar ichida go'yoki ishtirok etish imkonini beradi.

Dars mashg'ulotlarida interfaol metodlarni qo'llash orqali ta'lim-tarbiya berish oid fikr va mulohazalarimizni bayon etamiz. Boshlang'ich sinflarda ayrim mavzular asosida o'qitishning zamonaviy usullarini tatbiq etish bo'yicha fikrlarimizni bayon etamiz.

«Videotopishmoq» metodi – ushbu metoddan foydalanishda quyidagi harakatlar

ketma-ketligi amalga oshirilishi lozim:

– o'quvchilar e'tiboriga o'rganilayotgan mavzu mohiyatini tasviriy yoritishga yordam beruvchi izohlarsiz bir nechta videolavha namoyish etiladi;

– o'quvchilar har bir lavhada qanday jarayon aks ettirilganini izohlashadi;

– jarayonlarning mohiyatini daftarlariga qayd etishadi;

– o'qituvchi tomonidan berilgan savollarga javob qaytarishadi.

Xulosa qilib aytganda, boshlang'ich sinflarda zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish o'quvchilarni mustaqil fikrlashga, ijodiy izlanish va mantiqiy fikrlashlarini kengaytirish bilan birga ularni darslarda o'rganganlarini hayot bilan bog'lash hamda darsga

qiziqishlarini oshirishga yordam beradi. O'qituvchilarning bunday zamonaviy talablar asosida yaratilgan sharoitlardan samarali foydalanib, darslarni ilg'or pedagogik hamda axborot kommunikatsiya texnologiyalari asosida tashkil etilishi ta'lim-tarbiya jarayonini sifatini kafolatlaydi. Aytish joizki, multimedia ilovalarini har bir darsda qo'llash natijasida o'quvchilarda mustaqil, ijodiy fikrlash yana-da rivojlanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 5-sentyabrdagi «Xalq ta'limi tizimiga boshqaruvning yangi tamoyillarini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida»gi № PQ-3931-sonli Qarori.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 29-apreldagi «O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida»gi Farmoni.
3. Tolipov O'.Q., Sharipov Sh.S. O'quvchi shaxsi ijodkorlik faoliyatini rivojlantirishning pedagogik asoslari. – T., Fan, 2012.
4. Yo'ldashev J. G., Usmonov S.A. Zamonaviy pedagogik texnologiyalarni amaliyotga joriy qilish. – T: Fan va texnologiya, 2008.



ЎҚУВЧИЛАРНИ ЖАМОАДА ИШЛАШ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАСИ: ТАРИХИЙ-МИЛЛИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА АЖДОДЛАР ТАЖРИБАСИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.90.52.026>

Татлибоев Шухратжон Камол ўғли

*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
таянч докторанти*

***Аннотация.** Мазкур мақолада ўқувчиларни жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантириш мазмун, моҳиятини маънавий мерос ёрдамида таркиб топтириш масалалари Ўрта Осиё мутафаккирларининг илмий маънавий мероси орқали ёритиб берилган. Шунингдек мақолада, ўқувчиларни ҳалоллик, поклик, ватан манфаатлари йўлида фидойилик кўрсатиш руҳида тарбиялашда, уларга ўзликларини англаш ва жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантиришда миллий, диний қадриятлар ўрни алоҳида касб этиши илмий назарий жиҳатдан ёритиб берилган.*

***Калит сўзлар:** Ўрта Осиё мутафаккирлари, маънавий мерос, ўқувчи, тарихий миллий ёндашувлар, ҳалоллик, поклик, ватан манфаатлари йўлида фидойилик кўрсатиш, тарбия, ўзликни англаш, жамоада ишлаш, миллий, диний қадриятлар, билим, кўникма, малака.*

ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ У СТУДЕНТОВ НАВЫКОВ КОМАНДНОЙ РАБОТЫ: ИСТОРИКО-НАЦИОНАЛЬНЫЕ ПОДХОДЫ И ИСКОННЫЙ ОПЫТ

Татлибоев Шухратжон Камол углы

*Базовый докторант Ташкентского государственного
педагогического университета имени Низами*

***Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы развития у студентов навыков командной работы через научное и духовное наследие мыслителей Центральной Азии. В статье также подчеркивается роль национальных и религиозных ценностей в воспитании школьников в духе честности, чистоты, преданности интересам Родины, развитию навыков самовыражения и командной работы.*

***Ключевые слова:** мыслители Центральной Азии, духовное наследие, студент, исторические национальные подходы, честность, чистота, преданность интересам Родины, образование, самосознание, командная работа, национальные, религиозные ценности, знания, умения, квалификация.*

PROBLEMS OF DEVELOPING STUDENTS' TEAMWORK SKILLS: HISTORICAL AND NATIONAL APPROACHES AND PRIMORDIAL EXPERIENCE

Tatliboev Shukhratjon Kamolovich

*Basic doctoral student of the Tashkent State Pedagogical University
named after Nizami*

Abstract. *The article examines the development of students' teamwork skills through the scientific and spiritual heritage of Central Asian thinkers. The article also emphasizes the role of national and religious values in educating schoolchildren in the spirit of honesty, purity, devotion to the interests of the Motherland, the development of skills of self-expression and teamwork.*

Key words: *thinkers of Central Asia, spiritual heritage, student, historical national approaches, honesty, purity, devotion to the interests of the Motherland, education, self-awareness, teamwork, national, religious values, knowledge, skills, qualifications.*

Халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти, асрий анъана ва кадриятлари[1;]асосида ўқувчиларни жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантириш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Инсоният ижтимоий тараққиёти узоқ давом этган тарихий жараён бўлиб, унда кишиларнинг эришган моддий ва маданий мероси ўз аксини топган[3;].

Илмий адабиётлар таҳлиliga кўра, ўқувчиларни жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантириш масалалари жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, ғоявий-мафкуравий ривожланиши билан узвий боғлиқ ҳолда юз беради. Ҳар бир давлат ва жамият ривожланишида умумийлик, мутаносиблик билан бирга ўзига хослик ҳам бор. [4;]

Шарқ мутафаккирлари Имом Ал-Бухорий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Унсурулмаолий Кайковус, Аҳмад Югнакий, Муслиҳиддин Саъдий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний каби алломаларнинг асарлари орқали ўқувчиларни жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, жамоанинг структурасини ташкил этадиган йўналтирилганлик, уюшқоқлик, интеллектуал коммуникативлик, психологик муҳит сингари умумий сифатларни ривожлантириш борасидаги қимматли фикрлари ҳозирги давр учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзликни англаш

тарихни билишдан бошланади» [2;], деган ғояларининг ўзиёқ, етук олимларимиз меросини, илғор фикрларини ўрганиш орқали ижтимоий ва шахсий моҳиятга эга инсонлараро муносабатларни таҳлил қилиш муҳим педагогик аҳамият касб этади. Аждодларимизнинг жамоани ижтимоий бирлик сифатида қарашлари, шахснинг шаклланиши ва индивидуалликнинг ривожланишини таъминлайдиган болалар муҳитида ижтимоий муносабатларни шакллантириш масалалари: қадимги ёзувлар, битиклар, қўлёзма ёдгорликлар, халқ оғзаки ижоди, муқаддас китоблар, пандномалар, ўқув қўлланмалари, меҳнат қуроллари, санъат асарлари, хунармандчилик буюмлари орқали бизгача етиб келган. [5;].

Биз тарихий ёндашув тамойилига асосланиб, ушбу муаммонинг тарихий-тараққиёт босқичларини асослашга ҳаракат қилдик.

Тарихий манбалардан бизга маълумки, ибтидоий кишилар ўзининг яшashi ва қорнини тўйдириши учун ҳаракат қилган (турмуш шароити яхши бўлмаган, гўштларни хом еган), меҳнат фаолияти жараёнида ўз эҳтиёжларини қондирган ва аста-секинлик билан инсон ижтимоийлашиб яъни жамиятга мослашиб бориши билан «жамият менга эмас, мен ҳам жамиятга беришим керак» деган тушунча ҳосил бўлган. Меҳнат фаолиятини ташкил этиш жараёни дастлабки пайтларда бутун ижтимоий ҳаётни йўлга қўйиш негизида амалга оширилган бўлса, кейинчалик тарбия инсон фаолиятининг асосий жиҳати, ижтимоий онгини шакллантиришнинг муҳим омилига айланган. Дастлабки уруғчилик жамиятидан олдин ҳам инсон яшаш учун курашган, мазкур даврда уруғнинг барча аъзолари жамоа бўлиб ҳаракат қилганлар [9;].

Ислom таълимоти, Қуръони Карим, пайғамбаримизнинг суннату сониялари ва Ҳадиси Шарифлари инсонларни тўғри йўлга бошлайди, юксак тафаккурга эга бўлишга чорлайди [7;], комил инсон ва етук жамоага эришиш каби ғоялар инсон жамоа бўлиб яшаш мазмунининг дебочаси ҳис Қуръони каримда мўмин мусулмоннинг хуш хулқли бўлиши учун уни юксак ахлоқли қилиб тарбиялашнинг йўл ва воситалари ишлаб чиқилган. Улар қуйидагилар:

- мол-дунёга берилмаслик; очкўзлик, бахиллик, ёмонликдан сақланиш; Оллоҳдан қўрқиш; тавба қилиш; кечиримли, нажоткор, эҳсонли, сабр-тоқатли, садоқатли бўлиш; умид бағишлаш; ибодат, илтижо қилиш; одамларни яхшиликка ундаш, уларни яраштириш; ўзаро ёрдам кўрсатиш; олийжаноблик, ширинсуханлик; манманлик, ҳасадгўйлик ва ғазабга берилмаслик; майпарастлик, қиморбозлик, бангиликдан сақланиш; ёлғончилик, чақимчилик, ғийбатчилик, бадгумонлик қилмаслик. [7;].

Бу сифатлар Қуръонда ҳар хил ҳаётий вазиятларни таҳлил қилиш, панд-насихат тариқасида баён қилинган бўлиб албатта ўқувчиларда

жамоадошларини ҳурмат қилиш, ўз-ўзини англаш, тарбиялашга ундайди.

Айтиш ўринлики, Имом Исмоил Ал-Бухорий ўз ҳадисларида ҳам иймон, эътиқод, инсонпарварлик, халқпарварлилик каби инсоний фазилатларни улуғлади, одамларни комил инсон бўлишга даъват этиши жамоавийлашувнинг мезони сифатидаги ақидага асосланган. [7;].

Тажриба ва кузатишларимиз шуни кўрсатадики бошланғич синф ўқувчиларини жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантиришда диний қадриятлардан фойдаланиш муҳим восита ҳисобланади.

Чунки қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасида замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексида:

- жамоа инсонга руҳий қувват берадиган, ўзига бўлган ишончини орттирадиган;

- фаолият ва мулоқотни юқори ахлоқий ва эстетик жиҳатдан юксалтирадиган;

- шахслараро муносабатларда ижтимоий қийматга эгаллиги ҳамда ҳамкорлик фаолиятининг шахсий мазмуни билан ажралиб турадиган ривожланишнинг юқори даражадаги гуруҳи дея таъкидланади.

Шунинг учун ўқувчиларни ҳалоллик, поклик, ватан манфаатлари йўлида фидойилик кўрсатиш руҳида тарбиялашда, уларга ўзликларини англаш ва жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантиришда миллий, диний қадриятлар муҳим ўрин эгаллайди. Айтиш ўринлики, ўқувчиларни жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантириш мазмун, моҳиятини маънавий мерос ёрдамида таркиб топтириш замирида шахснинг ижтимоий фаоллиги, юксак маънавий ахлоқий сифатлари тарбияланади.

Минтақамизда яшайдиган халқларга хос жамоавийликнинг тарихий-ижтимоий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Атрофи чўл ва саҳролар билан ўралган, табиат, иқлими ғоят мураккаб бўлган минтақа шароитига мослашиш зарурати азалдан водийларда, катта сув манбалари – дарё ва анҳорлар бўйида яшаб келган элат ва миллатларнинг минг йиллар давомида бир-бирига мослашиб, яқин елкадош бўлиб, бир-бирининг оғирини енгил қилиб яшашини тақозо этиб келади. Чиндан ҳам, бу заминда истиқомат қиладиган одамларнинг тарқоқ бўлиб яшашга имкони йўқ, табиатнинг ўзи, ҳаётнинг ўзи уларни шу руҳда тарбиялаган. Бир сўз билан айтганда, жамоа яъни жамулжам бўлиб яшаш туйғуси халқимиз учун ўзига хос ҳаёт фалсафасига, яна ҳам аниқроғи, ҳаёт қоидасига айланиб кетган. Ушбу туйғу бугунги миллий менталитетимизнинг асосини ташкил этади ва бизни бошқалардан ажратиб турадиган хусусият сифатида намоён бўлади [8;].

Тарихийлик тамойилига асосланиб ўқувчиларни жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантириш учун биринчи галда:

- Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий, Ал-Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абулқосим Фирдавсий, Амур Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари алломаларнинг меросидаги бадиий ижод намуналарини «Оила–маҳалла-таълим муассасаси» жамоат кенгаши ҳамкорлик стратегияси асосида ўқувчилар онгига сингдириш, ҳамкорликда тадбирлар ташкил этиш ; [4;].

- ўқувчиларни жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантиришда уларнинг ёш, шахсий, жинсий хусусиятларини инобатга олиб, тарбиявий ишларни ташкил этишда уларга индивидуал муносабатда бўлиш;

- ўқувчиларни жамоада ишлаш кўникмаларини тарбиялаш тизимини ривожлантириш хусусиятларига таъриф бериш;

Тадқиқотлар ва адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, тарбия – ижтимоий жараён ҳисобланиб, жамиятнинг асосий вазибаларидан биридир. Ўқувчиларни жамоада ишлаш кўникмаларини тарбиялаш жараёнида ҳам тарбия ёрдамида авлодларнинг синалган, энг маъқул, таракқийпарвар тажрибаси ўзлаштирилади ва янги авлодга етказилади, одамларнинг онги, ҳулқига шу жамиятда қабул қилинган ахлоқ меъёрлари сингдирилади, етакчилик қилаётган мафкура ўзлаштирилади[6;] 1-4 синфларда таҳсил олаётган бошланғич синф ўқувчиларини жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантиришда халқимизнинг кўп асрлик педагогик меросидан унумли фойдаланиш, миллий қадриятлар ва аждодларимиз мероси алоҳида педагогик имкониятларга эга.

Жамоада ўзини тутиш қоидаларини шакллантиришда миллий қадриятлар ва аждодларимиз мероси алоҳида педагогик имкониятларга эга. Фикримизча, бугунги кунда ўқувчилар жамоасига миллий қадриятларни сингдириш, Ўрта Осиё мутафаккирлари илмий меросидан фойдаланиб инсонпарварликка йўналтирилган, ташкиллаштирилган бирликнинг даражаси ҳамда психологик коммуникативлиги жиҳатидан ажралиб турадиган ўқувчилар жамоасини ташкил этиш давр талабига айланиб бормоқда.

Биламизки, қадрият-бу инсон ва жамиятнинг муайян эҳтиёжини қондирадиган, манфаатларига хизмат қиладиган қадрли нарсалар ва туйғулардир. Шундай экан, ўқувчиларда жамоада ўзини тутиш қоидаларини шакллантиришда умумбашарий ва миллий қадриятлардан таъсирчан восита сифатида фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга.

Куйида биз миллий қадриятларимиз зарварақаларига кирувчи Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» ва аждодлар тажрибаларини ўрганиб чиқамиз. «Авесто»да жамоани

жипслаштиришга хизмат қиладиган: иймон, эътиқодда собитлик, илм ўрганиш, касб-кор эгаллаш, ёшларни адолат, маърифат, инсоф, дўстлик, ватанпарварлик, она сайёрани эъзозлашга ҳидоят этишга даъват бош масала ҳисобланади. Маълумки, ўқувчиларда жамоада ишлаш кўникмаларини таркиб топтириш жараёнида дўстга садоқат, кечиримли бўла билиш, ёмонликка яхшилик билан жавоб бера олиш каби олижаноб хислатлар тарбияланади. «Авесто»нинг турли қисмларида ана шундай фазилатларни тарғиб этадиган кўплаб саҳифалар учрайди. «Ўзгаларни яхшиликка йўллай олган одамларнигина яхши одам дейиш мумкин», «Тангри ростгўйларнинг нигоҳбонидир», «Доно ўз ақлу фаросати билан нодон қалбини ёритмоғи лозим», «Доно ўзгаларни ўз билимидан баҳраманд этмоғи зарур» «Одамларга яхшилик қилмоқ дунёдаги энг мўътабар одатдир», «Ўз нафсини енгиб жиловлаб олмаган киши ҳеч нарсга устидан ғолиб чиқа олмайди» [4;].

Шундай қилиб, халқ оғзаки ижоди ва «Авесто»да олға сурилган ўқувчиларни жамоада ишлаш кўникмаларини такомиллаштириш ҳақидаги фикрларни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- «Авесто»да шогирднинг устоз олдидаги масъулияти жамоавийлашув жараёнининг дебчаси эканлиги;
- болаларга қўйиладиган гигиеник талабларни ҳисобга олиш;
- ўқув-қуроллари ва жиҳозларига нисбатан эҳтиёткорона муносабат тўғрисидаги фикрларидан жамоа фикрини ҳурмат қилишни ўргатишда;
- жамоа жипслашувида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни устунлигига эришиш;
- ўқувчиларнинг иродали бўлиш, жамият олдидаги бурчлари, маъсулиятларини ҳис этиш, поклик, адолат ва ҳамжиҳатликка зарурат, толериантлик ҳақидаги қарашларини теран ҳис этиш;
- жамоавий муносабатни шакллантиришда миллий ва диний қадриятларнинг ўрни.

Призидент Ш.М.Мирзиёев ўз нутқида ва чиқишларида алоҳида урғу бериб ўтаётган «.....жамоавий муносабатни шакллантиришда миллий ва диний қадриятларнинг ўрни.....»,«ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш», турли экстремистик оқимлар ўз манфаатлари йўлида диний эътиқод ва қадриятлардан қурол сифатида фойдаланаётганликларини ёшлар онгига сингдиришда Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифларда берилган таълимотлардан самарали фойдаланиш муҳим педагогик аҳамият касб этади. [1;].

Биламизки, ҳақиқий диний таълимот ёшларни вайронкорликка эмас, ишонч, эътиқодга чорлайди, уларни поклаб, маънавий жиҳатдан юксалтиради. Шу билан бир қаторда, ёшларни ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтиш, иродали бўлиш сари ундайди. Иродалилик эса

Ўқувчиларда жамоада ишлаш кўникмаларини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Дин инсонни доимо ўз ҳаёт тарзи, маънавий олами, умуман, ўзига танқидий қарашга даъват этиб, тартиб-интизом ва «жавобгарлик» туйғусини тарбиялаш қуроли бўлиб келган. Диний тарбия ўзи ва ўзгаларнинг ҳатти-ҳаракатларига инсоф, диёнат, ҳалоллик, поклик, инсонийлик, эркинлик, ҳурфикрлилик нуқтаи-назаридан ёндашган ҳолда баҳолашга ундайди. Бу жиҳатдан дин кишиларнинг руҳий, ахлоқий, маънавий покланиш воситаси, ўқувчилар жамоасини шаклланишида тарбия қуроли сифатида хизмат қилган.

Шундай қилиб, ўқувчиларда жамоада ишлаш кўникмаларини такомиллаштиришда талаб этиладиган диний кадрларнинг имкониятларини қуйидагича изоҳлаш мумкин: жамоа аъзоларини ва уларнинг фикрини ҳурмат қилиш орқали ўқувчиларда ижобий сифатларни тарбиялаш; комил инсон тарбиясида ёш хусусиятларини ҳисобга олиш; диний ва дунёвий билимларни эгаллаш; олижаноб бўлиш, покиза юриш, оила ва ватан олдидаги бурч ва вазифаларнинг устунлигига эришиш, эзгуликка хизмат қилиш.

Педагогика ривожига катта ҳисса қўшган, Абу Наср Форобий ўз асарларида жамоа бўлиб яшашга табиий мойиллик инсон турмуш тарзининг мазмунини ташкил этишини уқдиради. Форобий бу ҳақида қуйидаги фикр мулоҳазаларни баён қилган: «- ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга киритолмайди, уларга эга бўлиш учун одамлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интиланган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди. Жамоа одамлар мақсад-манфаатларининг умумийлиги, ўзаро ҳамкорлик қилишлари зарурлиги, меҳнат ва маиший ҳаётининг фаолиятлари йўналганлиги заминидан ўзаро биргаликда ҳаракат қилишларини тақозо этишидан вужудга келади.

Абу Наср Форобийнинг инсон ва унинг руҳияти, жамоада ўзини тутиш одоби ҳақидаги ахлоқий-фалсафий мушоҳадалари «Фозил одамлар шахри», «Масалалар моҳияти», «Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар», «Жисм ва акциденцияларнинг шакллари қараб бўлиниши», «Шарҳлар», «Ҳикмат маънолари», «Ақл маънолари тўғрисида» каби қатор асарларида баён қилинган.[5;] Кўриниб турибдики, Форобий

таълимотидан ҳам ўқувчиларда жамоада ишлаш кўникмаларини тарбиялашда кенг фойдаланиш мумкин.

Ўрта асрнинг буюк файласуфи Абу Райҳон Беруний ўз даврида жаҳон илму тараққиётига улкан ҳисса қўшган олим сифатида шуҳрат қозонган, унинг «Геодезия», «Ҳиндистон», «Минералогия», «Қонуни масъудий» каби асарлари ҳақида маълумотлар бериш ўқувчиларда юксак масъулият ҳиссини қарор топтириш, инсонлараро муносабатлар ижтимоий ва шахсий моҳиятга эга ҳамкорлик фаолиятини шакллантиришга хизмат қилади. Абу Райҳон Беруний жамоавийлик ва тарбия жараёнини коинот ва бутун борлиқ билан боғлиқ ҳолда тавсифлайди. У ахлоқий категорияларни инсоннинг феъл-атвори билан боғлайди, бошқарув ва сиёсат ишларида билимдонлик, тадбиркорликни улуғлайди. [3;].

Абу Райҳон Берунийнинг инсон тўғрисидаги ғояларини ўрганиш, бахт-саодат йўлида олиб борган ишларини ўқувчилар жамоасига тушунтириш, унинг ҳикматларини ёд олдириш жамоанинг ижтимоий-психологик муҳитни яратишга хизмат қилади. Шунингдек, шахснинг шаклланиши ва индивидуалликнинг ривожланишини таъминлайдиган болалар муҳитида ижтимоий муносабатларни, фаолият ва мулоқотни юқори ахлоқий ва эстетик жиҳатларини тарбиялайдиган жамоавий тузилган тизим яъни болалар жамоасини шакллантиришга замин ҳозирлайди. [4;]

Мусулмон Шарқининг буюк қомусий ақли, жаҳон илм-фани ва маданиятининг машхур намояндаларидан бири Ибн Сино ўқувчилар жамоасини тарбиялаш масалаларида мактабнинг ва педагогнинг маҳоратини алоҳида эътироф этади. Ҳар бир одам ақлий, ахлоқий, ғоявий жиҳатдан кучли етук бўлиши лозим. Агар инсон шундай хислатларга эга бўлсагина, жамиятга фойда келтириши мумкин. Ибн Сино комил инсон тарбияси тарбияси масалаларига алоҳида урғу бериб, болалар жамоаси тарбиялашда ижобий анъаналар ва қизиқарли истиқболлар сифатида; ўзаро ёрдам бериш муҳити, ишонч ва талабчанлик; танқидни ва ўз-ўзига танқидий муносабатни шакллантириш, онгли интизомни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Яхши фарзандни жамиятнинг бир бўлаги деб ҳисоблаб, яхши тарбияни жамият фаровонлиги деб айтади. [6;] Жамоа тарбиясида болаларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олишни кўпроқ тавсия қилади. Ўқувчилар билан ўтказиладиган суҳбат жараёнида халқнинг ҳикматли сўз ва эртақларидан мисол айтиб, мазмунини, ахлоқ-одоблилик маъносини тушунтирмақ афзаллигини таъкидлайди. Тарбияда, мақтов, рағбатлантириш, жазолаш жамоа тарбиясида, ўқувчиларни хатти-ҳаракатларини баҳолашда меъёр даражаси бўлишлигини эътироф этади.

Ибн Сино билим олишда болаларни мактабда ўқитиш зарурлигини

таъкидлар экан, таълимда қуйидаги талабларга риоя этиш зарурлигини таъкидлайди:

-ўқитишда жамоа бўлиб ўқитишга эътибор бериш;

-билим беришда болаларнинг майли, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш;

-ўқитишни жисмоний машқлар билан олиб бориш.

Кўриниб турибдики, Ибн Сино таълимий қарашларида ўқитишда жамоа бўлиб ўқитишга эътибор бериш орқали яхши одат, яхши хулқ ва ёмон хулқ, ёмон ахлоқ ҳақидаги тушунча, билим ўқувчилар онгига сингдириб борилади. Айтиш жоизки, буюк мутафаккир Абу Али ибн Синонинг жамоа тарбияси ҳақидаги илғор ғоялари бугунги кунда ҳам ўқувчиларимизни гўзал ахлоқли, теран фикрли, мулоҳазали, мушоҳадали этиб тарбиялашда бебаҳо маънавий хазина бўлиб ҳисобланади, бу талаблар ҳозирги давр таълим тамойилларига ҳам мос келиши билан қимматлидир.

Улуғ мутафаккир ва шоир Алишер Навоийнинг «Хамса», „Лисон-ут-тайр» („Қуш тили»), «Махбуб-ул-қулуб» («Кўнгилларнинг севгани»), «Мажолис-ун-нафоис» («Гўзаллар мажлиси»), „Хазойин-ул-маоний» („Маънолар хазинаси») ва бошқа асарларида етук, баркамол инсон одоби, маънавияти, маданияти, атрофдагиларга бўлган муносабати, истеъдоди ва қобилияти тўғрисида қимматли фикрлари айтилган. [5;]

Буюк саркарда Амир Темурнинг «Бирор ишни қилмоқчи бўлсам, Азму жамшид билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим» [6;] каби ўғитлари ўқувчиларда жамоада ишлаш кўникмаларини такомиллаштириш жараёнида фикр эркинлигини кафолатлаб бериш, ўзига ишонч, ўзгалар фикрини тинглаш, эшитиш ва айтишга имконият яратади..

Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек»Сулук ул-мулук» (Подшоҳларга қўлланма) [6;] китоби умумбашарий қадриятларга қўшган бекиёс ҳиссаси бўлиб, у бугунги кунда ҳам ҳаётимизда улкан аҳамият касб этмоқда.

Мирзо Улуғбек даврида, Ян Амос Коменскийдан анча илгари, ўқитишнинг синф-тизимлари, болаларни ёши буйича табақалаштириб ўқитиш, ўқув-тарбия ишларининг аниқ бир муддатини белгилаб қуйиш, таълимнинг босқичма-босқич (бошланғич, ўрта, олий) амалга ошириш усуллари йулга қуйилди. Жумладан, Мирзо Улуғбек ўқув муддатини катъий 8 йил килиб белгилаб қуйди. Дарс бериш индивидуал усулидан жамоа усулига ўтказилди. Бунда ҳар бир гуруҳда 15 – 20 ўқувчи бир вақтда сабоқ олар эдилар. У, аввало, ёш авлоднинг ақлий ва маърифий тарбиясига катта аҳамият бериб, уларни дунёвий билимларни эгаллашга

даъват этди, ҳар қандай жоҳиллик ва билимсизликка қарши курашди. [6;]

Кўриниб турибдики, аجدодларимиз болаларга ёшлиқдан бошлаб жамоада ишлаш кўникмасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратганлар. Уларнинг фозил шахс, комил инсон, ахлоқ-одоб ҳақидаги ғоялари ўқувчиларни жамоада ишлаш кўникмасини такомиллаштиришда дастурул амал бўла олади. Шунинг учун ҳам, халқ педагогикаси манбалари, аجدодлар тажрибасидан таълим-тарбия жараёнида, тарбиявий маънавий тадбирларда, ўқувчиларни жамоада ишлаш кўникмларини такомиллаштириш фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Тадқиқот муаммоси юзасидан олиб борган изланишларимиз аجدодларимиз ўлмас тарихий мероси, жамоа аъзоларининг меҳнати замирида вужудга келган урф-одатлар, анъаналар жамият ривожига, одамлар онгининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатиши борасидаги фикрлари «КЕЧА-БУГУН-ЭРТАГА» тизимининг узлуксизлиги ва узвийлиги ҳар бир тарихий даврда босқичма-босқич такомиллашиб борганини кўрсатди.

Хулоса қилиб айтганда, энг қадимги даврлардаги ёзма манбаларда, халқ педагогикаси намуналарида, Шарқ мутафаккирлари илмий меросида фикрлар, эътиқодлар, анъаналар, шахслараро муносабатларнинг характери, мактаб ва мадрасаларнинг ўрни, диний маърифий манбаларда болаларни жамоада тарбиялаш муаммолари ва уларни ечиш йўллари, шакл ва методларига алоҳида эътибор берилган бўлиб, бугунги кун тарбия тизимида ҳам ўз қимматини йўқотмаганлиги билан муҳим аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5039-сон «Маънавият ва ижодни қўллаб қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» ги Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2021 йил 26 март

2. Ислон Каримов Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: «Шарқ», 1998

3. Б.Зиямухамедов. Педагогика / Б. Зиямухамедов. - Тошкент : «TAMADDUN» нашриети, 2014. — 256 б.

4. Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Ҳ. Педагогика тарихи: Ўқув кўл-ланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 248 б.

5. Толипов Ф. Урф-одатлар – тарбия воситаси Халқ таълими ж.-Т., 2004 № 6 29-33 б.

6. Зуннунов А., Тўхлиев Б., Маъсудов Х. Педагогика тарихи дарслик. Т.: «Шарқ» нашриёти 2002. -116

7. Зарипов К.З. Таълим тарбияда Қуръони Карим ва ҳадислардан



фойдаланиш . –Бухоро, 1999. - 64 б

8.Эгамбердиева Н.М. Ижтимоий педагогика. Дарслик. Т.: А.Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, 2009. - 232 б

9.Давронова Д.С. Preparing Young People to Social Relations on the Basis of Formation ideological and Political Culture in the Family Preparing Young People to Social Relations on the Basis of Formation ideological and Political Culture in the Family Eastern European Scientific Journal. ISSN. 2199-7977 Ausgabe 3-2016 47-49

СМАРТ-ШАҲАРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИDOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.25.77.025>**Абидова Дилфуза Муратджановна,***етакчи ўқитувчи, Тошкент педиатрия тиббиёт институти
академик лицейи, Ўзбекистон*

Аннотация. Шаҳар муҳити мураккаблашган, келажак шаҳари ривожланиши йўлидаги ижтимоий ва сиёсий консенсус аста-секин заифлашиб бормоқда. Оқибатда моддий ва маънавий қарашлар, мақсадлар ўзгариб, қулайликларни манфаатли ҳамда арзон амалга оширишнинг асосий тамойиллари ҳам ўзгариши кузатилмоқда. Мазкур мақолада XXI асрда тараққиёт исботи сифатида тан олинаётган смарт-шаҳар, смарт-таълим, смарт-жамият гоялари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: смарт-шаҳар, смарт-жамият, смарт-фуқаро, смарт-таълим, келажак тенденциялари.

ТЕНДЕНЦИИ СОЗДАНИЯ УМНЫХ ГОРОДОВ**Абидова Дильфуза Муратджановна***Ведущий преподаватель, Академический лицей Ташкентского
педиатрического медицинского института, Узбекистан*

Аннотация. Городская среда стала более сложной, и общественный и политический консенсус в отношении будущего развития города постепенно ослабевает. В результате меняются материальные и духовные установки, цели, а также основные принципы выгодной и доступной реализации объектов. В статье рассматриваются идеи умного города, умного образования, умного общества, которые признаны свидетельством развития в XXI веке. В статье также рассматриваются вопросы обучения умных граждан, входящих в умное сообщество.

Ключевые слова: умный город, умное общество, умный гражданин, умное образование, тенденции будущего.

TRENDS IN CREATING SMART CITIES**Dilfuza Muratjanovna Abidova***Leading Lecturer, Academic Lyceum of the Tashkent Pediatric Medical
Institute, Uzbekistan*

Abstract. The urban environment has become more complex and the public and political consensus on the future development of the city is gradually weakening. As a result, material and spiritual attitudes, goals, as well as

the basic principles of profitable and affordable implementation of objects change. The article examines the ideas of a smart city, smart education, smart society, which are recognized as evidence of development in the 21st century. The article also discusses the issues of educating smart citizens who are part of a smart community.

Keywords: *smart city, smart society, smart citizen, smart education, future trends.*

Introduction. Today, the development of new ideas about the best urban planning has become a real hobby for designers, architects, urbanists and environmentalists. Since the beginning of the 21st century, the concepts of green, green, compact, creative and smart cities have attracted a lot of scientific interest and attention from the media and local authorities. Over the past twenty years, this concept has become more and more popular in the scientific literature and international politics.

Smart cities. A smart city is an urban planning concept for integrating various information and communication technologies (ICTs), including for the management of urban infrastructure: transport, education, healthcare, housing and utilities, security, and more. The goal of creating a «smart city» is to improve the efficiency of services and improve the quality of life of urban residents using IoT to meet the needs of the population [2].

What is a smart city and what features does it provide? The British Standards Institute (BSI) defines a smart city as «the effective integration of physical, digital and human systems in an artificially created environment to ensure a sustainable, prosperous and inclusive future for citizens.» ICTs enable city governments to interact directly with communities and urban infrastructure, monitor what is happening in the city, how the city is developing, and ways to improve the quality of life. Data received from city residents and devices is processed and analyzed using sensors in real time. The collected data is the key to solving complex problems [3].

The application of smart city technology is being developed with the aim of improving urban flow management and quick response to complex tasks. Therefore, the «smart city» is more prepared to solve problems than with a simple «operational» relationship with its citizens. However, the term itself remains unclear in its specificity, and, therefore, involves many interpretations and discussions [2].

Materials and methods. In this article were used methods of abstraction and concretization, statistics, comparative analysis, work with documents and forecasting.

Results and discussion.

Smart city properties. Components and functional areas of Smart City

projects:

- Video surveillance and video analytics
- Video recording cameras (photo and video recording)
- Situational centers, EDDS
- System 112
- ITS - intelligent transport systems
- Public transport safety
- Professional radio communication and broadband access (LTE, 5G)
- IoT - Internet of Things
- Unmanned vehicles
- Biometrics
- Processing of unstructured data
- Decision support technologies
- Augmented and virtual reality
- Distributed databases
- Geoinformation technologies and navigation
- Machine learning
- Cloud / Fog / Edge Computing

As Boris Glazkov, Vice President for Strategic Initiatives of Rostelecom, explained in the spring of 2018, end-to-end technologies affecting the development of Smart Cities include those technologies that simultaneously cover several trends or industries, in this particular case from the point of view of city management. Consequently, the emergence and development of cross-functional and intersectoral solutions depends on them. It is from the contact and mutual enrichment of different areas of knowledge that new effective technologies and applied solutions emerge that determine the prospects for the development of «Smart Cities». The competent use of end-to-end technologies will ultimately stimulate an increase in the quality of life, the comfort of the urban environment, management of various sectors of the urban economy while reducing resource consumption.

«Behind each end-to-end technology with a complex name are concrete solutions to improve the quality of life. For example, geographic information technologies and ultra-precise navigation, together with 5G, are the basis for the emergence of unmanned public transport. Digital technologies for decision support and processing of unstructured data, machine learning are needed to create smart systems for managing road transport infrastructure, including traffic forecasting, smart traffic lights and even control of bus driver fatigue. That is why end-to-end technologies should be the focus of attention in the development and implementation of Smart Cities concepts, noted Boris Glazkov.

The definition of a smart city is interpreted ambiguously by experts. Yet

their wording converges on one thing: a smart city is driven by data, and data management enables municipal services to improve the quality of life of the population. The data cover such spheres of citizens' life as security, transport, medical services, utilities, landscaping, etc. The sources of data are video cameras, various sensors, sensors, information systems, etc. [3].

According to UN estimates, by 2050, 67% of the world's population will live in cities. Already, some of the world's megacities are overpopulated. Municipalities do not always cope with garbage collection, the supply of utilities and electricity from district to district is not uniform, etc. In order to provide the population with high-quality urban services, administrations are increasingly introducing various information systems.

This term, along with the term «smart city», is suggested to be used by PwC analysts. However, there is also a problem here: there is no single standard or benchmark by which it would be possible to unequivocally determine how well or poorly a city is governed by data. Experts explain this by the fact that the technological landscape of megalopolises is constantly changing, and there is more and more heterogeneous information that becomes the basis for the implementation of the DDC concept.

Uzbekistan. Tashkent. «Shvabe» will take part in the project of creating a «smart city» in the administrative center of the Tashkent region.

On April 5, 2021, Shvabe Holding of Rostec State Corporation announced its participation in the project to create a «smart city» in the administrative center of the Tashkent region - the city of Nurafshan. More details here.

All settlements in Uzbekistan will be safe by 2023

One of the Safe City projects is working in Tashkent: smart CCTV cameras are operating at 120 crossroads to record violations. The information from the cameras is transmitted to the crime monitoring center, which was launched in July 2017. Until 2019, this project will fully cover Tashkent, and then the regions [5].

The Center for Information Security and Assistance in Ensuring Public Order will be engaged in further development of the software complex. The post of Deputy Minister for ICT Development, responsible for the implementation of Safe City projects, will also be created.

The first stage of the project will be implemented in 2017–2019. During this time, it is planned to create video analytics systems, install video surveillance and automate the reception of messages about incidents in Tashkent. In 2019–2021, the Safe City will be implemented in all regional centers, and in 2021–2023, it will cover the entire country.

The complex will be integrated with information systems of government agencies, video surveillance systems, analytics sensors, data processing centers. A unified dispatch service will be created for the Ministry of Internal

Affairs, the Ministry of Emergency Situations, ambulance, fire safety, which will receive calls to 112 and SOS-button signals, and decide who to call to the scene. The installation of SOS buttons will continue until September 1, 2019 in Tashkent, and until 2021 in all regions. All incidents recorded by sensors and video cameras will be reflected in the situation center. Then it will be possible to analyze the state of security in the capital on an interactive map online.

An analytical video surveillance system in public transport will be introduced in Tashkent by the end of this year, and parking lots with online payment and a license plate recognition system will be created in 2018-2019.

IBM partner of the government of Uzbekistan in the implementation of «smart cities». IBM Eastern Europe / Asia will render assistance to the republic in the deployment of the «smart cities» program in Uzbekistan. This was reported in the summer of 2017 on the official website of the Ministry for the Development of Information Technologies and Communications of Uzbekistan.

During negotiations to establish cooperation, the parties identified the main areas of interaction as the development of smart cities technology, training highly qualified IT specialists, software development, cloud technologies and support and funding for startups. It is expected that soon a corresponding agreement will be signed between IBM Eastern Europe / Asia and the Ministry for the Development of Information Technologies and Communications of the republic.

In July 2017, the Ministry for the Development of Information Technologies and Communications of Uzbekistan signed a memorandum of understanding and cooperation with SAP CIS. The document allows the vendor to train specialists and participate in projects to improve conditions for the development of information technologies in the republic. The company itself can count on benefits, which are determined by the presidential decree «On measures to radically improve conditions for the development of the information technology industry in the republic» [6].

The capital of Uzbekistan will be turned into a «safe city»

In July 2017, the President of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev made a proposal to turn the capital of the country into a «safe city». In the near future, the government will prepare a decree on the creation of a new subdivision in the structure of the Ministry of Internal Affairs of the republic, which will work with video surveillance systems installed in public places. [2]

In his address to the head of the Ministry of Internal Affairs, the President stressed: «You will create one system that will implement the concept of» Tashkent is a safe city «. One deputy minister and his team will deal exclusively with this matter. An experiment will be conducted in Tashkent from September 1, 2017 to 2019. Beijing has created such an excellent system, they are close to our mentality. «

According to the head of state, the control center will be tested for

two years, and then the system is planned to be introduced in all cities of the country. Tashkent University of Information Technologies and Inha University in the capital of Uzbekistan will train specialists with appropriate qualifications to work in this structure.

ICTs are used to improve the quality, productivity and interactivity of urban services, reduce costs and resources, and improve communication between the urban population and the government. But ICTs used in smart cities differ from conventional hardware and software in complexity. Of course, competent professionals in this field are needed to manage this type of ICT. This, in turn, opens the way for the development of the concept of intellectual education. In the next step, the agenda will include a requirement for individuals who are residents of smart cities to properly take advantage of the opportunities provided by smart cities. And that means acting like a community-organized citizen of a smart community.

Conclusion. Smart citizens are people with higher education who use modern technologies all their lives, work in a team and participate in management.

According to Professor Gianmarco Chifaldi, smart citizens are high-tech people who use modern technologies for their entire lives, in a sense, smart citizens are an integral part of a smart society. However, the professor notes that often in a smart society only smart technologies are understood (smart transport systems, smart housing, «greenhouses») [4]. It can make people forget.

In our opinion, it is advisable to include in the content of smart education, which prepares smart citizens, materials that develop more personal qualities, such as the possession of universal human values, humanity. Only then will it be possible to educate future citizens who are well developed and have no shortcomings.

References

Goloventchik GG. «Smart city» concept: genesis, priority development directions, problem aspects and ratings. *Journal of the Belarusian State University. Economics.* 2020; 1:103–117.

Smart cities. Smart cities. Retrieved from: [http://www.tadviser.ru/index.php/Article:Smart_cities_\(Smart_cities\)](http://www.tadviser.ru/index.php/Article:Smart_cities_(Smart_cities))

SamMusa. Smart City Roadmap. http://www.academia.edu/21181336/Smart_City_Roadmap.

What is a smart society? National Research University Higher School of Economics. <https://www.hse.ru/news/community/126203364.html>

Industrial Internet of Things – IIoT. [https://www.tadviser.ru/index.php/Статья:IIoT_-_Industrial_Internet_of_Things_\(Промышленный_интернет_вещей\)](https://www.tadviser.ru/index.php/Статья:IIoT_-_Industrial_Internet_of_Things_(Промышленный_интернет_вещей)).

Smart Grid. [www.tadviser.ru/index.php/Статья:Smart_Grid_\(Умные_Сети\)](http://www.tadviser.ru/index.php/Статья:Smart_Grid_(Умные_Сети)).

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ОММАВИЙ СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.82.78.024>

Сафоев Ҳасан Аминович,

Бухоро Муҳандислик-технология институти жисмоний маданият
кафедраси доценти.

Аннотация. Мақола жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатларига бағишланган. Жисмоний тарбиянинг шахсни ҳар тарафлама камол топтириш тамойили ишлаб чиқилган. Жисмоний тарбия жараёнида ақлий, ахлоқий ва эстетик тарбия вазифаларини ҳал этиш учун жуда катта имкониятлар мавжудлиги ва бу вазифаларни ҳал этиш шахсни ҳар тарафлама камол топтириш омили сифатида жисмоний тарбиянинг ролини кенгайтириб, бевосита жисмоний тарбиянинг ўз муваффақиятини таъминлаши келтирилган мисолларда ўз аксини топган.

Калит сўзлар: соғлом турмуш тарзи, жисмоний тарбия, жисмоний маданият, оммавий спорт.

ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И МАССОВОГО СПОРТА

Сафоев Ҳасан Аминович,

Бухарский инженерно-технологический институт, доцент
кафедры физической культура

Аннотация. Статья посвящена особенностям развития физической культуры и массового спорта. Разработан принцип всех аспектов физического воспитания. То, что в процессе физического воспитания открываются большие возможности для решения умственных, нравственных и эстетических проблем, и решение этих задач расширяет роль физического воспитания как фактора всестороннего развития личности, находит свое отражение в примерах непосредственного физического воспитания.

Ключевые слова: здоровый образ жизни, физическое воспитание, физическая культура, массовый спорт.

FEATURES OF THE DEVELOPMENT OF PHYSICAL CULTURE AND MASS SPORTS

Safoyev Khasan Aminovich,

Bukhara Engineering-Technological Institute, associate professor of the
department of physical culture.

Abstract. . The article is devoted to the peculiarities of the development of physical culture and mass sports. The principle of all aspects of physical education has been developed. The fact that in the process of physical education great opportunities open up for solving mental, moral and aesthetic

problems, and the solution of these problems expands the role of physical education as a factor in the comprehensive development of a personality, is reflected in examples of direct physical education.

Key words: *healthy lifestyle, physical education, physical culture, mass sports.*

Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, шунингдек, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли ташкиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимиз вакиллари Олимпия ўйинлари, жаҳон чемпионатлари, Осиё ўйинлари ва чемпионатлари ҳамда халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришаётгани, дунёда Ўзбекистоннинг обрў-эътибори ва спорт салоҳияти янада ошаётгани, республикамиз ҳудудларида жаҳон андозаларига мос мухташам спорт иншоотлари барпо этилаётгани, айниқса эътиборлидир.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги муҳим аҳамияти, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси эканини тарғиб-ташвиқ қилиш, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларни зарарли одатлардан асраш, уларга ўз қобилият ва истеъдодларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ҳамда мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида муҳим ва долзарб вазифалар турибди.

Талабалар жисмоний тарбия тадбирлари эрталабки бадан тарбия, жисмоний тарбия дарслари, спорт тўгарак машғулотлари, спорт оғломлаштириш мусобақалари ва байрамлари шаклларида бўлади. Эрталабки бадантарбия машғулотлари талабалар ётоқхонасида оммавий ҳолда, яшаш жойлари ва оилада мустақил ҳолда бажарилади. Талабаларни таълим муассасалари ва яшаш жойларида ташкил этиладиган эрталабки бадантарбия машғулотлари, жисмоний тарбия дарслари, спорт тўгаракларидаги машғулотлар, спорт байрамлари ва мусобақалари, дам олиш кунларида ташкил этиладиган сайёҳлик юришлари ва туризм машғулотлари, оилада олиб бориладиган ижтимоий фойдали меҳнат жараёнлари ҳамда соғлом турмуш тарзининг

организмга ижобий таъсирлари беқиёс ҳисобланади.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган жисмоний тарбия ва спорт, соғломлаштириш тадбирлари жисмоний тарбия дастури асосида ташкил этилади. Жисмоний тарбия дастурларида талабаларни жисмоний тарбия дарсларининг материаллари ҳамда жисмоний тарбиядан синфдан ташқари ишларнинг мазмуни замонавий талаблар асосида шакллантирилган. Шу билан бирга талабалар жисмоний тарбия ва спорт, соғломлаштириш тадбирлари жараёнларида жисмоний тарбия ва спорт машғулотларининг организм ижобий таъсирлари ҳамда жисмоний машқлар билан мустақил шуғулланиш, табиат омиллари сув, қуёш ва ҳаво ёрдамида чиниқтириш муолажалари қабул қилиш қоида ва талаблари ҳақида назарий маълумотларга эга бўлиб борадилар. Бундай назарий маълумотларни беришда мамлакатимиз ва ҳорижий мамлакатларининг йетук мутахассислари адабиётлари ва кўрсатмаларидан ҳамда интернет материалларида кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади. Талабаларнинг таълим муассасалари ва яшаш жойлари ҳамда оилада жисмоний тарбия ва спорт, соғломлаштириш ишларини самарали ташкил этиш мамлакатимиз келажаги ёш авлодни жисмонан баркамол ва маънавий етук инсон қилиб тарбиялаш ҳамда жамиятимизнинг фаол аъзоси бўлишини таъминлайди. Жисмоний тарбия ва спортнинг асосий тушунчалари ҳақида жисмоний тарбия ва спорт бўйича етук мутахассислар кўплаб таълимотлар яратган.

Шундан профессор А.Ашмариннинг таълимоти кенг мазмунга эга. Жисмоний тарбия назарияси жисмоний маданиятнинг қонуниятларини таҳлил этувчи илмий-назарий фан.

Жисмоний тарбия назариясининг асосий тушунчалари: жисмоний ривожланиш, жисмоний тарбия, жисмоний тарбия тизими, жисмоний камолот ва жисмоний маданият. Шу тушунчалар орқали жисмоний тарбия назариясининг моҳияти ва асосий қонуниятлари ўрганилади. Улар доимо ўзгариб кенгайиб ва чуқур мазмун акс эттириб келади. Жисмоний ривожланиш-тарбиянинг таъсирида организмда биологик шакллар ва функцияларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва такомиллашувидир. Бу жараён организм ва унинг яшаш муҳити тузилиши, ўзгариши ҳамда миқдор ва сифат ўзгаришлар қонуниятларига бўйсунди. Ижтимоий тараққиёт натижасида жисмоний хусусиятлар ишлаб чиқариш, маданият фан ва спорт соҳасида юксак натижаларга эришиш имкониятини яратди. Наслдан наслга ўтадиган табиий ҳаётий кучлар ва организмларнинг тузилиши, инсон жисмоний ривожланиши учун асос бўлади. Лекин жисмоний ривожланишнинг йўналиши, унинг характери, даражаси, шунингдек, инсон ўзида камол топтирадиган фазилатлар ва қобилият турмуш шароитлари ва тарбияга кўп жихатдан боғлиқдир. Жисмоний

ривожланиш қонунларини эгаллаш, улардан жисмоний тарбия мақсадларида фойдаланиш-жисмоний тарбия назарияси ва амалиётининг муҳим вазифасидир. Кишиларнинг ижтимоий ҳаёт шароитлари, жисмоний ривожланишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Булар орасида жисмоний тарбия энг муҳим рол ўйнайди. Жисмоний тарбия-аниқ бир мақсадни кўзлаб инсон жисмоний ҳолатини ўзгартирилиши жисмоний тарбиянинг асосий вазифасидир. Жисмоний тарбия-педагогик жараён, инсон организмни такомиллаштиришга, ҳаракат малакасини ва кўникмасини, маҳоратини шакллантиришга қаратилган. Жамият ҳаёт шароитлари, ов жисмоний тарбия вужудга келишининг асосий сабаби бўлган. Инсоннинг ибтидоий жамоа давриданок яшаш учун курашга, жамоада ўз ўрнини топишга ҳамда ов қилишда жисмоний ҳаракатлар кўл келган. Онгсиз равишда бўлса ҳам одамлар ўзларининг жисмоний сифатлари тезкорлик, кучлилик, чидамлилиқ, чаққонлик, ботирлик хислатларини ривожлантиришга ҳаракат қилганлар. Кўриниб турибдики, жисмоний тарбия инсоният жамияти шаклланиши билан бирга вужудга келган. Одамнинг ҳаёт фаолияти онглидир, унинг ҳаракатларида маъно, мақсад бор. Янги авлод фаолиятни ўзидан аввалги авлоддан ўрганган бўлиб, уларнинг ўртасида билимларни, маҳорат ва малакаларни ўргатишдан иборат алоқа ва давомийликни ўрнатади.

Жисмоний тарбияни ўзига хос хусусиятларини бир-бирига сингиб кетган икки гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Жисмоний тарбия-саломатликни мустаҳкамлаш мақсадида жисмоний камолотга таъсир ўтказиш, жисмоний сифатларга эга бўлиш ва уларни такомиллаштириш.

2. Жисмоний таълим-маҳсус маҳорат, кўникма ва билим берадиган таълим.

Жисмоний тарбиянинг ўзига хос хусусияти жисмоний қобилиятларни ривожлантирувчи восита сифатида хизмат қилишидир, шу билан бирга маънавий камолотга ҳам кучли таъсир этади.

Ҳозирги кунда замонавий ҳарбий техника тараққиёти инсон аралашувисиз ҳам жуда катта имкониятларга эга эди. Эндиликда уруш таҳдидлари бартараф этилаётган даврда ҳар бир инсон ўзини, оиласини қолаверса жамиятини ўз кучи ва матонати билан ҳимоя қилишга қодир бўлиши керак. Шунинг учун маҳсус хизмат қисмларида спорт тайёргарлик машғулотларига катта эътибор берилади. Машғулотлар якка курашлар, ҳар қандай шароитда яшаб қолиш ҳамда ҳар қандай жойларда ҳаракатланиш қобилиятларини шакллантириш ва такомиллаштиришга қаратилган бўлади.

Жисмоний тарбиянинг шахсни ҳар тарафлама камол топтириш тамойили: Жисмоний тарбия жараёнида ақлий, ахлоқий ва эстетик

тарбия вазифаларини ҳал этиш учун жуда катта имкониятлар бор. Бу вазифаларни ҳал этиш шахсни ҳар тарафлама камол топтириш омили сифатида жисмоний тарбиянинг ролини кенгайтириб, бевосита жисмоний тарбиянинг ўз муваффақиятини таъминлайди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш спорт орқали инсонларнинг онги ва руҳиятида янги сифатларни шакллантириш ва уларни руҳан бақувват, маънавий жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялашга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Bakhodir Mamurov. Scientific basis of the acmeological approach to the process of training and education. <http://pnar.ap.edu.pl/index.php/pnar/article/view/348>

2. Мамуров Б.Б. Акмеологический подход к воспитанию молодого поколения в наследии предков. http://www.manpo.ru/manpo/publications/ped_obraz/n2016_03.pdf#page=147

3. Mamurov Bakhodir B. Forming skills of academic process design for future teachers and methods of determining its quality. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=28408580>

4. Маъмуров Б. Б. Бўлажак ўқитувчиларни шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга тайёрлашда қўлланиладиган тамойиллар. Современное образование (Узбекистан), 2017. <https://cyberleninka.ru/article/n/b-lazhak-ituvchilarni-shahsga-y-naltirilgan-talim-tarbiya-zharayonini-loyi-alashga-tayyorlashda-llaniladigan-tamoyillar>

5. Mamurov B. B. The Need to Prepare Future Teachers to Design a Student-Centered Educational Process. Eastern European Scientific Journal, 2017. <http://journale.auris-verlag.de/index.php/EESJ/article/viewFile/600/596>

6. В Mamurov, A Mamanazarov, K Abdullaev, I Davronov. Acmeological Approach to the Formation of Healthy Lifestyle Among University Students. III International Scientific Congress Society of Ambient ..., 2020. <https://www.atlantis-press.com/proceedings/isc-sai-20/125937241>

7. Б. Б. Мамуров. Акмеологический подход к воспитанию молодого поколения в наследии предков. Педагогическое образование и наука, 2016. http://www.manpo.ru/manpo/publications/ped_obraz/n2016_03.pdf#page=147

RESULTS OF THE ANALYSIS OF THE USE OF THE PLATFORM IN THE ORGANIZATION OF EDUCATION DURING THE PANDEMIC

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.13.94.023>

Asadova Yulduz Ismatovna

Lecturer of the Department of Biophysics and Information Technologies, Bukhara State Medical Institute,

Abstract. *This article reveals the effectiveness of the hybrid educational environment by analyzing the relationship between student characteristics and learning tools for the learning management system (LMS) is a widely used and recognized around the world complex learning methods, especially the Moodle platform are specified positive aspects and details of the Moodle platform, unlike traditional alternatives. In addition, an analysis of the use of this platform during the COVID-19 pandemic. We describe the implementation and use of e-learning platforms and present our experience of using such platforms on the example of our faculty. We analyze the scientific activities of students who also use the e-learning platform, where they can get access to course resources and homework. In addition, they must submit their homework through the platform, meet strict deadlines and use feedback from teachers to improve the quality of their homework. This article presents the results of a scientific study on the use of the Moodle electronic platform when passing traditional training in the system of full-time method of education.*

Keywords: *LMS, Moodle platform, questionnaire survey, COVID-19 pandemic, distance learning.*

РЕЗУЛЬТАТЫ АНАЛИЗА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПЛАТФОРМЫ В ОРГАНИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ ВО ВРЕМЯ ПАНДЕМИИ

Асадова Юлдуз Исмаевна

Бухарский государственный медицинский институт, преподаватель кафедры биофизики и информационных технологий

Аннотация. *В данной статье раскрывается эффективность смешанной образовательной среды путем анализа взаимосвязи между характеристиками студента и обучения, также механизмы системы управления обучением (LMS) – широко применяемого и признанного во всём мире комплекса методов обучения, особенно платформы Moodle, указываются положительные стороны и детали платформы Moodle, отличие от традиционных альтернатив. Кроме того анализ применения данной платформы в период пандемии COVID-19.*

Ключевые слова: *LMS, платформа Moodle, анкетирование, пандемия COVID-19, дистанционное обучение.*

PANDEMIYA DAVRIDA TA'LIMNI TASHKIL ETISHDA PLATFORMADAN FOYDALANISHNI TAHLIL QILISH NATIJALARI

Asadova Yulduz Ismatovna

*Buxoro davlat tibbiyot instituti, biofizika va axborot texnologiyalari
kafedrasi o'qituvchisi*

Аннотация. *Ushbu maqolada talaba xususiyatlari va o'qitish o'rtasidagi munosabatlarni tahlil qilish orqali aralash ta'lim muhitining samaradorligi, shuningdek, ta'limni boshqarish tizimi (LMS) mexanizmlari – keng tarqalgan bo'lib qo'llaniladigan va tan olingan ta'lim usullari majmuasi, ayniqsa Moodle platformasi Moodle platformasining ijobiy tomonlari va tafsilotlari, an'anaviy alternativlardan farqli o'laroq, COVID-19 pandemiyasi davrida ushbu platformadan foydalanish tahlil qilingan.*

Калит so'zlar: *LMS, Moodle platformasi, so'rovnomalar, COVID-19 pandemiyasi, masofaviy ta'lim.*

Relevance. The COVID-19 pandemic shocked the whole world and human life took on a new form. Clinical and epidemiological characteristics of the new coronavirus infection was studied in [1] and nutritional requirements and the use of dietary supplements are given in [2]. The training system was organized in a new, remote format. During the quarantine period due to the COVID-19 pandemic, the Bukhara State Medical Institute implemented a distance learning system based on the Moodle platform, which is one of the training methods of the learning management system (LMS) – a widely used and internationally recognized set of training methods. Using the MOODLE platform to organize training during the Covid-19 pandemic also studied in [3, 4].

Learning Management Systems (LMS) are used by educational institutions around the world to organize critical course information and provide hybrid or fully online courses with all the components of a traditional face-to-face class, including assignments, classroom resources, and the ability for students and teachers to collaborate within a centralized digital learning solution [5, 6].

MOODLE (Modular Object-Oriented Dynamic Learning Environment) is the world's most widely used Learning Management System (LMS) for delivering learning through a dedicated learning platform, providing millions of educators with flexible, open-source technologies [7, 8].

The name Moodle is an abbreviation for a modular object-oriented dynamic learning environment. It offers some important benefits that can lead to improved learning outcomes for students [9, 10]. There are more than

100,000 implementations of this LMS worldwide, and more than 160 million students use it.

Some of the advantages of this electronic solution are:

- access your training materials anytime, anywhere. Because Moodle is a web-based solution that also offers a robust Moodle mobile app, students can access course materials from anywhere, anytime. This means that they don't need to be in the classroom or have physical materials on hand. They can progress in their training and participate in their courses when it is convenient and appropriate for their busy schedule;

- consistent content delivery and feedback. With Moodle, educators have more ways to ensure each student has access to all the types of content they need to explore, including various media plugin options and forums that encourage collaboration. In addition, instructors have comprehensive tools for feedback. For example, they can respond to a student's work with a simple categorization tool, evaluating the work against pre-set criteria;

- save time for teachers. Moodle is easily integrated with other tools and systems, the electronic journal of the institute, attendance tools, test books and much more. This integration means that teachers can spend less time registering and managing their students and more time learning.;

- an organized e-learning environment. As already mentioned, since Moodle is able to seamlessly integrate between existing systems, an educational institution can effectively manage training from the center. This helps keep all administrative and training activities more organized, organized, and allows you to store and track this holistic information in one place;

- the possibility of applying mixed approaches to learning. Training has long since faded into the background. However, using Moodle, you can use a mixed learning approach to include different learning materials suitable for specific goals, and different learning styles to effectively evaluate multiple types of formal and non-formal learning. Using solutions such as virtual classrooms, gamification, and other techniques can help create more dynamic courses and positively impact student engagement and overall success. [11, 12].

Higher education institutions need a learning platform that will allow them to ensure the success of their students and provide their teachers with a flexible solution that can be adapted to the teaching style of each teacher [13, 14]. Moodle, the most widely used and advanced learning management system in the world, can help solve a number of typical learning challenges faced by universities, creating sustainable learning programs that will ultimately improve learning outcomes..

These features of the Moodle platform are:

- workshops of the virtual laboratories. Virtual laboratories is an MHRD project, which is a repository of about 1,400 simulation experiments used by medical institutes, and an excellent portal that complements the experiments conducted by students over 6 years of study. They cover various areas of medicine [15, 16]. The use of these labs is free and can be done from anywhere, anytime on laptops, desktops, or smart phones..

- short lecture programs: These are 1-2-hour lecture programs on relevant medical and other topics of relevance and importance to professionals. They are conducted jointly with other sections of the society and the Affinity Groups of the section, independently as independent programs. These programs serve as a helper for practicing professionals and for curious students.

3. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999.

4. Ишмухамедов Р., Мирсолиева М. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. –Т.: «Fan va technology», 2014, 60 бет.

5. Муслимов Н.М. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.

6. Жўраев А.Р., «Бўлажак технология фани ўқитувчиларини касбий тайёрлашда дастурлаштирилган таълим воситаларидан фойдаланишнинг дидактик имкониятлари». Замонавий фан, таълим ва тарбиянинг долзарб муаммолари. Электрон журнал. – Урганч. 2019-1.

ФИЗИКАДАН ТАЪЛИМ БЕРИШ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.97.18.016>

Одилов Ёрқин Жўраевич

*Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот
технологиялари университети Қарши филиали, ассистент*

Аннотация: Мазкур мақолада «Дастурий инжиниринг» таълим йўналиши талабаларини физика фанини ўқитиш орқали физикавий ходиса ва жараёнларни лойиҳалаш ва конструкциялаш бўйича компетенцияларини шакллантириш, уларни лойиҳавий-конструкторлик фаолиятига тайёрлаш ҳақида фикр юритилган. Ундан ташқари физика ўқув курсини ўқитишни ташиқил этишининг лойиҳалаш босқичлари ва лойиҳавий-конструкторлик фаолиятининг мазмуний блок-схемаси аниқ мисоллар орқали тушунтириб берилган.

Калит сўзлар: мотивация, методология, дастурлаш, лойиҳалаш, конструкциялаш, компетенция, физик жараён, дидактик, интеграция, концептуал.

МЕТОДИКИ ПОДГОТОВКИ СТУДЕНТОВ К ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НА ОСНОВЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ФИЗИКИ

Одилов Ёрқин Жўраевич

*Ассистент Каршинский филиал Тушкентского университета
информационных технологии имена Мухаммада ал-Хоразмий*

Аннотация. В данной статье рассматриваются формирования компетенций студентов образовательного направления «Программный инжиниринг» по проектированию и конструированию физических явлений и процессов посредством обучения физике, подготовки их к проектно-конструкторской деятельности. Кроме того, на конкретных примерах разъясняются этапы проектирования организации преподавания учебного курса физики и содержательная блок-схема проектно-конструкторской деятельности.

Ключевые слова: мотивация, методология, программирование, проектирование, конструирование, компетенция, физический процесс, дидактика, интеграция, концептуальная.

METHODS OF PREPARING STUDENTS FOR PROFESSIONAL ACTIVITY ON THE BASIS OF TEACHING PHYSICS

Odilov Yorkin Juraevich

Assistant Karshi branch of Tashkent University of Information Technologies named after Muhammad al-Khwarizmi

Abstract. *This article discusses the formation of competencies of students of the educational direction «Software Engineering» for the design and construction of physical phenomena and processes through teaching physics, preparing them for design activities. In addition, specific examples are used to explain the stages of designing the organization of teaching a physics course and the content flowchart of design and development activities.*

Keywords: *motivation, methodology, programming, design, construction, competence, physical process, didactics, integration, conceptual.*

Техника олий таълим муассасаларида дастурчи-муҳандисларни тайёрлашда физикавий ҳодиса ва жараёнларни лойиҳалаш ва конструкциялаш учун физика ўқув курсининг билимларидан фойдаланиб, таълим жараёнини ташкил этиш бир неча босқичда амалга оширилади. Лойиҳалаш фаолияти босқичларини амалга ошириш билан боғлиқ мотивацион, услубий, шакллантирувчи ва физик масалаларни мустақил ҳал қила олиш босқичлари мавжуд [1].

Мотивацион босқичда талабаларнинг физикавий ҳодиса ва жараёнларни лойиҳалаш ва конструкциялаш фаолияти ривожлантирилади. Бунинг учун талабаларга лойиҳавий-конструкторлик фаолиятининг маълум бир босқичи билан боғлиқ бўлган касбий вазиятни тавсифловчи, уларни ҳал этиш қийинчилик туғдирадиган аниқ вазибалар таклиф этилади.

Методологик босқич - лойиҳавий-конструкторлик фаолиятининг муайян босқичини амалга ошириш учун умумлаштирилган ҳаракатлар тизимини ажратишдан иборат. Танланган ҳаракатлар тизимлари физиканинг турли бўлимлари («Механика», «Молекуляр физика ва термодинамика», «Электростатика» «Оптика») ҳақидаги билимлардан фойдаланган ҳолда, бажарилиши мумкинлиги сабабли лойиҳавий-конструкторлик фаолияти босқичларини бажаришнинг умумлашган усуллари тегишли мавзуларни изчил ўрганиш билан очиб берилади.

Шакллантирувчи босқич физика курсининг тегишли бўлимларини ўрганиш давомида бир неча марта ташкил этилади. Методологик босқичдан сўнг «Механика» бўлимини ўрганишда талабалар «физикавий ҳодиса ва жараёнлар ёки унинг алоҳида элементларининг механик

тавсифларини ҳисоблаш» босқичини бажаришнинг умумлаштирилган усули асосида аниқ масалаларни ечиш учун ҳаракатларни режалаштиришга ўргатилади.

Шунингдек, талабалар лойиҳавий-конструкторлик фаолиятининг тегишли босқичларини бажаришлари учун умумлашган усулларни шакллантириш мақсадида «Молекуляр физика ва термодинамика», «Оптика» бўлимларини ўрганганда шакллантирувчи босқич ташкил этилади: «Иссиқлик баланс тенгламалари», «Ёруғлик ҳодисалари»ни ўрганишда бажариш усуллариининг ҳаракатларини лойиҳавий-конструкторлик фаолиятининг аниқ босқичларини физика курсининг айрим бўлимларини билиш ёрдамида бажариш мумкин.

Лойиҳавий-конструкторликнинг муаммоларни мустақил ҳал қилиш босқичида (учинчи босқич) физика дарсларида ва махсус фанларни ўрганишда, диплом лойиҳаларини ишлаб чиқиш доирасида, курс лойиҳаларини амалга оширишда техник мазмундаги физикавий муаммоларни, жумладан: лойиҳавий-конструкторлик фаолиятининг ҳар қандай босқичини тўлиқ мустақил ҳал қилишни ўз ичига олади. Буларнинг барчаси ишлаб чиқилган ўқитиш методикасини амалга оширишнинг тўртинчи босқичининг давоми ҳисобланади.

Физика курсини ўрганиш давомида лойиҳавий-конструкторлик фаолияти босқичларини бажариш учун талабалар гуруҳи шакллантирилади. Гуруҳ учун махсус вазифалар ишлаб чиқилиб, унда физикавий ҳодиса ва жараёни лойиҳалаш, конструкциялаш ва дастурлаш билан боғлиқ мақсад ифодаланади.

«Дастурий инжиниринг» бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасининг биринчи семестрида физика курси билан параллел равишда «Дастурлаш» фани ҳам ўқитилади. Ушбу фан касбий фаолият объектларини аниқлаш ва белгилаш учун хизмат қилади. «Дастурлаш» фанини ўрганишда талабалар ўқитувчи раҳбарлигида турли техник билимларга оид масалаларни замонавий дастурлаш тиллари ёрдамида ҳал этиш ва уларнинг усулларини ўрганади [2].

Лойиҳавий-конструкторлик касбий фаолияти босқичларини бажаришнинг умумлашган усулларини эгаллаш учун мотивацион босқич ташкил этилади. Мотивацион босқич такроран ўтказилади. Биринчи марта-физика курсининг тегишли бўлимлари (механика, молекуляр физика ва термодинамика, оптика) ни ўрганиш бошланишидаги маърузалар давомида, иккинчи марта - ҳар бир бўлимни ўрганиш охирида ва учинчи марта-физика курсини ўргангандан сўнг якуний дарсда ўтказилади [3].

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятининг мазмуний блок-схемаси 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятининг мазмуний блок-схемаси

Кўрсатиб ўтилган блок-схема дастурчи-муҳандиснинг лойиҳавий-конструкторлик фаолиятига тайёргарлик кўриш йўналишини кўрсатиб беради. Бундан ташқари, талабалар билан биргаликда физикавий билимлардан фойдаланган ҳолда аниқ амалга ошириладиган босқичлар қуйидагича:

- 1) физикавий ҳодиса ва жараёнларни ёки унинг алоҳида элементларининг хусусиятларини аниқлаш;
- 2) масалада келтирилган алоҳида катталикларнинг асосий характеристикаларини аниқлаш;
- 3) масала шартига кўра берилган катталикларни аниқлаш ва ечимини топишни математик аппаратдан фойдаланган ҳолда алгоритмлаш;
- 4) алгоритмик кетма-кетликка асосланган ҳолда математик моделлаштириш;
- 5) физик жараённи лойиҳалаш;
- 6) физик жараённи конструкциялаш;
- 7) дастурлаш;
- 8) ташхислаш ва натижа олиш.

Талабаларга физика ўқитишнинг методологик босқичи физика курсининг аниқ мавзулари билан боғлиқ.

Физика фанининг механика бўлимига доир мавзуларни ўрганишда ушбу босқичдан фойдаланишни келтириб ўтамиз. Бунинг учун ушбу мавзуга оид билимлар учун қўлланиладиган иккита аниқ физик масала орқали ҳаракатларни режалаштирган ҳолда намунали дарс машғулоти амалга оширамиз. Талабалардан масала ечимини ёзмалик, фақат ўқитувчи бажарадиган ҳаракатларни кузатиб бориш талаб қилинади. Бунда ўқувчилар варақни тенг иккига бўладилар ва ҳар бир қисмда ўқитувчининг биринчи ва иккинчи масалаларни ҳал қилиш йўллари ёзиб оладилар.

Ўқитувчининг асосий вазифаси талабалар томонидан умумлашган усулнинг етарли даражада ўзлаштиришидир. Бунинг учун ўқитувчи куйидаги ишни бажариши керак. Ҳар бир талабага юқорида келтирилганларга ўхшаш мустақил ишлар ва бир неча лойиҳалаш топшириқлари (тахминан 5-6) учун ўқув карточкаси берилади. Биринчидан, ўқитувчи биринчи вазифани ўзи таҳлил қилиб, ўқув картасида кўрсатилган барча амалларни қатъий бажаради. Шу билан бирга мулоҳаза юритиш жараёнида технологик харитасида бажариладиган амалларни ёзади [4]. Сўнгра талабаларнинг мустақил ишлари бошланади. Барча талабалар рўйхатдан иккинчи масалани ечиш учун ҳаракатларни режалаштирадилар ва ўқитувчи ҳар бир амалнинг бажарилишини назорат қилади. Сўнгра вариантлар бўйича бошқа иккита топшириқ танланади ва талаба-ўқитувчи жуфтлигида амалга оширилади. «Талаба» умумлаштирилган методга киритилган ҳаракатларни овоз чиқариб талаффуз қилади ва «ўқитувчи»нинг ҳар бир ҳаракатини бажариши зарур. Кейин роллар ўзгаради. Бу босқичда лойиҳалаш вазифалари ҳал этилмайди.

Кейинги босқичда ҳар бир талаба ўз вазифа ва топширигини олади: физик объектнинг ёки унинг алоҳида элементларининг механик хусусиятларини ҳисоблаш учун лойиҳалаш фаолияти босқичини амалга оширилади ва дастури тузилади. Бу вазифани барча ўқувчилар якка тартибда назорат қилишлари лозим. Ушбу босқични амалга оширишнинг умумлашган усулини ўзлаштиришнинг баён этилган усули ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш назариясига асосланади. Методологик босқич 2 академик соатга мўлжалланган бўлиб, битта амалий дарсдан иборатдир. Дарснинг охирида ўқувчиларга уйда бажариш учун иккита масала берилади ва уларни умумлаштирилган усул асосида ечиш сўралади.

Талабалар томонидан лойиҳавий-конструкторлик фаолиятининг методологик босқичини муваффақиятли амалга ошириш

умумлаштирилган усулнинг ҳар бир амалини аниқ бажариш орқали амалга оширилади.

Талабаларни умумлаштирилган методлар асосида лойиҳавий-конструкторлик масалаларини ечишга ўргатишнинг учинчи шакллантирувчи босқичи методологик босқичдан сўнг амалий машғулотда ташкил этилади. Шу билан бирга физика фанини ўрганиш давом этади ва бу босқич кейинги мавзуларни ўрганиш давомида амалга оширилади. Масалан, «Механика» бўлимида бу босқич «Иш, қувват, энергия» мавзусида амалга оширилиши мумкин. «Молекуляр физика ва термодинамика» бўлимида «Термодинамиканинг иккинчи қонуни: Энтропия», «Оптика» бўлимида геометрик оптика қонунлари ўрганилади [1, 2].

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятини амалга ошириш босқичларининг умумлаштирилган усуллари мазмуни тақдимот шаклида ёки талабалар дафтарларида келтирилмаганлиги асосли аҳамиятга эга. Бу усуллар талабаларнинг раҳбарлик қилиши, ҳар бир мавзу бўйича аниқ лойиҳалаш вазифаларини ҳал этишда ҳар бир ҳаракат натижаларини қайд этиши лозим. Ҳар бир босқичда уй вазифасини текшириш, ҳар бир амалнинг бажарилишини муҳокама қилишдан бошланади. Сўнгра ўқитувчи иштирокида таълим жараёнида талабалар ҳар бир ҳаракатни белгилаб, лойиҳалаш масалаларини ечадилар. Дарс якунида талабаларга тўлиқ мустақил ечишлари лозим бўлган лойиҳавий вазифалар рўйхати берилди.

Ўқувчиларни лойиҳалаш фаолиятига тайёрлашнинг тўртинчи босқичи кейинги барча мавзуларда амалий машғулотларда амалга оширилади. Талабалар физика курсининг бошқа мавзулари билан параллел равишда мустақил ечиш учун рўйхатлардан топшириқларни бажарадилар. Яъни, «Дастурлаш» фанини ўрганишда физикавий объект ёки унинг алоҳида элементларининг механик характеристикаларини ҳисоблаш, «Оптика» бўлимини ўрганишда эса – линзанинг фокус масофасини аниқлашга доир дастурий маҳсулот яратишлари мумкин.

Лойиҳалаш масалаларини ечиш натижалари физика курсининг ҳар бир бўлимини ўрганиш якунида муҳокама қилинади. Масалан, конструкторлик фаолиятда тезкор ечимларни топишда жамоавий ишлаш, лойиҳа гуруҳларида ишлаш ва бошқалардан фойдаланилади. Иккинчи семестр якунида якуний дарс ташкил этилади, масалан, конференция шаклида жамоа аъзолари ечилган лойиҳалаш вазифалари билан сўзлашади ва натижаларни барча талабалар билан муҳокама қилишади. Шундай қилиб, физика курсини ўрганиш якунига кўра, ҳар бир талаба физик билимлар ёрдамида ҳал қилиниши мумкин бўлган лойиҳалаш ва конструкциялаш муаммоларининг «банки» ни ташкил этади.

Физика ўқитувчиси талабаларни лойиҳавий-конструкторлик фаолиятга тайёрлаш учун методиканинг тўрт босқичини ташкил этиш бўйича узоқ муддатли режага эга йўл харитаси бўлиши лозим.

Хулосакилибайтадиганбўлсак, дастурчи-муҳандисларни тайёрлашда физикавий ҳодиса ва жараёнларни лойиҳалаш ва конструкциялаш учун физика ўқув курсининг билимларидан фойдаланиш, таълим жараёнини ташкил этишда юқорида кўрсатиб ўтилган босқичлардан фойдаланиб амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Масленникова, Л.В. Взаимосвязь фундаментальности и профессиональной направленности в подготовке по физике студентов инженерных вузов: Дис. . доктора пед. наук: 13.00.02 / Масленникова Людмила Васильевна. - Саранск, 2001 г. - 398 с.

2. Рыскулова, М. Н. Методика курсового проектирования на основе интеграции общетехнических и специальных дисциплин: Дис. ... канд. пед. наук: 13.00.02 / Рыскулова Марина Николаевна. – Нижний Новгород, 2004. - 232 с.

3. Тураев С.Ж. Повышение качества профессиональной деятельности студентов с привлечением к научному проекту. XII Международной научно-практической конференции «Инновации в технологиях и образовании», 21-22 марта 2019 г., Филиал КузГТУ в г. Белово. – Белово: 2019. – Ч. 4. -240-241 с.

4. Turaev S.J. (2019) «Methods of the using of software program Microsoft Excel in practical and laboratory occupation on physics» Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 1 : Iss. 10 , Article 55. –P. 292-297.



НОГИРОН БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.29.81.015>

Мусурмонова Ойниса,

педагогика фанлари доктори, профессор

Қодирова Феруза,

педагогика фанлари доктори, доцент

Аннотация. Мақола ногирон болаларнинг ижтимоийлаштириши масалаларига бағишланган. Муаллифлар мамлакатимизда ногирон болаларни ижтимоийлаштириши бўйича олиб борилаётган ишлар бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини бериб ўтган.

Калит сўзлар. Ижтимоийлаштириши, ижтимоий муҳофаза, ногирон бола, жамиятнинг тўлақонли аъзоси, имқонияти чекланган, ҳуқуқий-меъёрий асослар.

ОСОБЕННОСТИ СОЦИАЛИЗАЦИИ ДЕТЕЙ С ОГРАНИЧЕННЫМИ ВОЗМОЖНОСТЯМИ ЗДОРОВЬЯ

Мусурмонова Ойниса,

доктор педагогических наук, профессор

Қодирова Феруза,

доктор педагогических наук, доцент

Аннотация. Статья посвящена вопросам социализации детей с ограниченными возможностями здоровья. Автор высказал свое мнение и прокомментировал проводимую в нашей стране работу по социализации детей с ограниченными возможностями.

Ключевые слова. Социализация, социальная защита, ребенок-инвалид, полноправный член общества, ограниченный имидж, нормативно-правовые основания.

SPECIFIC FEATURES OF SOCIALIZATION OF CHILDREN WITH DISABILITIES

Musurmonova Oynisa,

doctor of Pedagogical Sciences, professor

Kadirova Feruza,

doctor of Pedagogical Sciences, Associate Professor

Abstract. The article is devoted to the issues of socialization of children with disabilities. The author gave his views and comments on the work carried out in our country on the socialization of children with disabilities.

Key words. *Socialization, social protection, disabled child, full member of society, limited image, legal-normative grounds.*

Мамлакатимизда жамиятнинг тўлақонли аъзолари сифатида ногиронлиги бўлган шахсларнинг манзилли ижтимоий муҳофазасини кучайтиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари ишлаб чиқилди, таълим муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари асосида ташкил этилувчи қар, заифэшитувчи болалар учун оилада яққат тартибдаги, ихтисослаштирилган таълим мазмуни замон талаблари ҳамда халқаро миқёсдаги ёндашувлар асосида такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида таълимнинг барча бўғини ва турлари қаторида ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим тизимини тубдан яхшилаш, бу жараёнга инновацион технологияларни олиб кириш устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5270-сонли ва 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги ЎРҚ-641-сонли Қонунида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда оила ва махсус таълим муассасаларида олиб борилаётган коррекцион-педагогик ёндашувлар олиб борилса-да, ногирон болаларнинг жамиятга уйғунлашиши, муҳитга мослашиши, атрофдагилар билан тез ва самарали мулоқотга киришиши қийин кечмоқда. Мактаб таълими даврида ногирон болаларни жамиятга эрта уйғунлаштириш чораларини кўриш муҳим масала ҳисобланади. Қанчалик бу чоралар тизимли ва самарали технологияларга асосланса, шунчалик мазкур тоифа болаларнинг жамиятга уйғунлашиб кетишига самарали эришилади. Ногирон болаларнинг соғлом инсонлар орасида уйғунлашиб кетишидаги қийинчилик, ижтимоий ногиронликни келтириб чиқаради. Яъни соғлом болалар оламида самарали яшаб кетмаган имконияти чекланган бола нафақат ўзининг жисмоний етишмовчилигидан, балки унданда мушкул саналган тан олинши, мулоқот қилиш, муносабатларда эркин иштирок этиш, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда қулай ҳаракатланиш имкониятига етарлича эга бўлмасликдан қийналади. Шу боис, бизнинг тадқиқот ишимизда илгари



сурилган ғоя бу, ҳаётда жисмоний ногиронликнинг олдини олиш, уни камайтириш имкониятига эришиш эҳтимолидан қатъий назар, жамиятда ижтимоий ногиронликни камайтиришдир.

Маълумки, соғлом ўқувчиларга кундалик ҳаёт эҳтиёжларини қондириш жараёнида оила аъзолари ҳамроҳ бўлади. Шунинг учун ҳам улар ижтимоий кўмакни болалигидан сезиб яшайдилар. Мактаб-интернатда яшаб ўқийдиган болалар эса, ўқитувчи, тарбиячи, энага ҳамда муассасанинг бошқа ходимлари томонидан қўйилган талаблар доирасида ўз ҳаётини ташкил этадилар. Афсуски, давлатнинг ногирон болаларга бўлган бундай эътиборига нисбатан аксарият оилаларда «давлат бунди қилиши керак»-деган тушунча шаклланган бўлиб, натижада уларнинг фарзандлари бир умр «боқиманда»ликка ўрганиб қолмоқдалар. Пировардида ўзгаларнинг кўмаги остида яшаб, ўз эҳтиёжларини бировларнинг сайи-ҳаракатлари эвазига қондиришга ўрганган ўқувчи таълимдан сўнг мустақил ҳаётда қатор тўсиқларга учраши табиийдир. Ногирон болалар мактаб таълими даврида ижтимоий ҳаёт қўяётган талабларни, жумладан, меҳнат қилиш, тегишли ҳуқуқлардан самарали фойдаланиш, иш қоғозларини юритиш, атрофдагилар ва турли касб эгалари билан мулоқотга киришиш, оилавий ҳаётга тайёр бўлиш, маънавий-моддий эҳтиёжини таҳлил қилиш, яқин ва узоқ келажакка мақсад белгилаш, ўз-ўзини ҳимоя қилиш ва номоён қилиш, ўз саломатлигини назорат қилиш каби кўникма ва малакаларни етарлича ўзлаштирмаётдилар. Зеро, мактаб таълимининг натижавийлиги имконияти чекланган болаларнинг мустақил ҳаётда ўз ўрнини топиши, кундалик-маиший ҳаётда ўзгалар ёрдамига муҳтожлик сезмасдан, боқимандалик туйғусидан ҳоли шахс, яъни жамиятга «юк» эмас, балки унинг фаол иштирокчиси сифатида шаклланганлиги билан баҳоланади.

Ногирон болаларнинг ижтимоий ҳаётга етарлича тайёр эмасликларини асословчи сабабларни тавсифлаймиз:

- ногирон болалар таълими (мактабгача, мактаб ва кейинги таълим) мазмунида узлуксизлик ва узвийликнинг етарли таъминланмаганлиги;

- мактаб-интернатларда фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг ҳаётий кўникмаларини мақсадли шакллантиришга йўналтирилган ўқув топшириқларининг тизимлаштирилмаганлиги;

- тарбиявий ишлар яхлит тизим асосида ташкил этилмаётганлиги ва методик таъминланмаганлиги;

– болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашга йўналтирилган стратегия ва технологиялар аниқланиб, амалиётга жорий этилмаганлиги;

– республика миқёсида ногирон болаларни ижтимоийлаштиришнинг ягона тартиби йўлга қўйилмаганлиги ва методикаси ишлаб чиқилмаганлиги;

– ногирон фарзандлари уй таълимига жалб этилган оналарни оилада таълимий-ривожлантирувчи муҳит яратишга тайёрлаш механизмлари яратилмаганлиги.

Ижтимоийлашув индивиднинг шахсга айланиш жараёни остида

кечувчи қайта алоқанинг сифати билан боғлиқ тушунча ҳисобланади. Шахс ҳаёти давомида эҳтиёжларини қондириши, ўзи ва ўзгалар манфаатларини кўзлаган ҳолда маълум ҳаракатларни амалга ошириши унинг бошқа инсонлар билан ўзаро мулоқоти орқали амалга оширилади. Шахснинг муҳитга мослашуви ижтимоий ва шахсий омилларнинг ўзаро алоқадорлигида амалга ошади. Маълум муҳитда ривожланаётган бола ўз фаолликларини англай бошлайди, яъни ўз-ўзини билиши, англаши содир бўлади. Бу жараён ижтимоий англашдир. Аста-секин муҳит таъсирида ўз ҳатти-ҳаракатлари орқали фаолиятини қайта ўзгартиришга йўналтиради, бу давр унда дунёқарашнинг кенгайиши, тажрибаларнинг ортиши, маълумотлар, воқеликлар ҳақида мустақил фикрлайдиган ҳамда ўз фикрини қарши қўя оладиган даражада шаклланганлиги билан боғлиқдир.


«Ижтимоийлашув» маълум ёшдаги кишиларнинг жамиятдаги мавжуд муҳитга киришиши, унга кушилиши, ижтимоий субъектлар билан узаро алоқа қилиши. бир суз билан айтганда ижтимоий тажрибани эгаллаши (мавжуд илмий, диний, фалсафий ва турли соҳаларга оид билимларни узлаштириши. маънавий- ахлокий кадриятларни англаши, одоб-ахлоқ ва меҳнат қуникмаларини узлаштириши)ни ифодаловчи ходисадир.

Ижтимоийлашув масаласи америкалик социолог Ф.Г.Кеддингснинг «Ижтимоийлашув назарияси» (1987) китобида, жумладан шундай талқин этилган: «Ижтимоийлашиш бу инсон томонидан инсоният тажрибасини фаол ўзлаштириш ва қайта ишлаш жараёнидир. Яъни ижтимоийлашиш маданият ва цивилизацияга уйғунлашиш демакдир».

А.В.Петровский ижтимоийлашиш жараёнида субъект-объект муносабатларининг ривожланишини уч даражага ажратиб кўрсатган: мослашиш, индивидуаллашиш ва интеграциялашув.

Ижтимоийлашиш пирамидаси

1.- расм.



Мослашиш даражаси болалик даври билан боғлиқдир. Бу даражада бола одамлар дунёсига кириб боради, белгилар тизимини ўзлаштиради,

одамлар томонидан яратилган оддий меъёрлар ва хулқ-атвор қоидалари, инсон фаолиятининг оддий кўринишларини эгаллайди. Бола ўзи шахс сифатида ривожланишни ўрганади. Бу давр ижтимоийлашиш жараёнида жуда ҳам муҳимдир. Индивидуаллашиш даражасида инсоннинг эҳтиёжларига боғлиқ ўзгаришлар кузатилади. Бунда шахс-оммавий муносабатлар субъекти ҳисобланади. Субъект фаолияти биринчи даражада ўзлаштиришга йўналган бўлса, иккинчи даражада эса, уни қайта ўзгартиришга ҳам кириша олади. Бу даврда болада «мен», яъни индивидуаллик юзага келади, ўз-ўзини кўрсатиш устуворлик қилади. Интеграциянинг учинчи даражаси ижтимоийлашиш бўлиб, бу жараёнда инсон ривожланади. Бу босқичда инсонларда ижтимоий қадриятлар пайдо бўлади. Айнан шу даврга етгач, инсон маълум бир ижтимоий гуруҳга тегишлилигини англайди.

Бола илк ривожланиш даврида ижтимоий муносабатлар дунёсига кириб боради. Яқин одамлар билан мулоқотда бўлиши орқали аста-секин хулқ-атвор меъёрларини ўрганади. Лекин бу даврда унинг ҳаракатлари англамаган бўлади. Аста-секин боланинг ички дунёси шаклланади. Боланинг катталар билан муносабат шакли ўзгаради, атроф-муҳитдаги нарсалар дунёсига кириб боради ва шу асосда предметли фаолиятни ўзлаштиради. Ана шу предметли фаолият асосида бола катталар билан мулоқотга киришади, предметларнинг образи билан боғлиқ равишда атроф-муҳитни ўрганади. Оила ижтимоийлашишнинг муҳим институти ҳисобланади, чунки оиланинг ўрнини ҳеч қандай бошқа жамоа эгаллай олмайди. Оилада инсоннинг дастлабки ижтимоий мослашиш даври кечади. 6 ёшгача бола учун бу асосий ижтимоий муҳитдир. Асосий ижтимоий муносабат ва одатларни бола оилада эгаллайди. Оила болани жамоада ўзини тутишга ўргатади ва унга диний қадриятлар, этник қарашлар ва маънавий кадр-қимматларнинг моҳиятини тушунтиради.

Отто Шпек ногиронлиги бўлган шахсларга яқинларнинг ёрдамини маълум бир мақсадли тизим сифатида ўрганди. Олимнинг фикрича, ногирон болага нисбатан кўрсатилган яқинларнинг ёрдами шундай кўрсатилиши керакки, унинг натижасида маълум вақт ўтгач, болалар ўзи учун ўзи ҳаракат қила оладиган бўлсин.

«Ижтимоийлаштириш» тушунчаси «жамоа» ва «индивид» тушунчалари билан боғлиқдир. Ушбу тушунчаларнинг мазмуни, моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини очиш масалалари билан фалсафа, социология, психология ва педагогика шуғулланади. Ижтимоий мослашув турли муносабатлар шароитида амалга ошади. Шахснинг мослашганлик даражаси ижтимоий муҳит хусусиятлари ва инсоннинг шахсий сифатлари билан ифодаланади. Маълумки, ижтимоийлашув жараёнининг асоси инсоннинг муҳитга мослашувидан иборат бўлиб,

унинг таъсирида шахс жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосига, турли муносабатларнинг фаолиштирокчисига айланади. Инсоннинг ижтимоий мослашуви жамиятга муносабатлари билан боғлиқ равишда ўзгариб боради ва унда жамият талабларига жавоб бериш даражаси ортиб боради. Инсоннинг ҳаёт йўли қуйидаги шахснинг ижтимоийлашуви йўналишлари замирида кечади: фаолият, мулоқот ва ўз-ўзини англаш.

Ижтимоийлашув ва ижтимоий мослашув ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, шахс ва жамиятнинг ўзаро муносабати бирлигини ўзида акс эттиради. Ижтимоийлашув, одатда, умумий ривожланиш билан, мослашув эса, янги шароит, мулоқот ва фаолият билан белгиланади.

С.Л.Рубинштейн шахс тузилишини қуйидагича таснифлайди:

–қобилият;–темперамент;–характер;–ирода;–ҳиссиётлар;–мотивация; –ижтимоий қадрият(установка)лар.

Ҳар доим ҳам ногирон болаларнинг маълум бир жамоага қўшилиб кетиши осон бўлмайди. Аксинча, у ёки бу таъсирлар доирасида бола ҳаётида юз берадиган тўсиқлар дезадаптация жараёни юзага келади. Ҳозирги кунда амалиётда бу каби ижтимоийлашув муаммоларини бартараф этишнинг яхлит услублари мавжуд эмас. Чунки бу муаммо бола ҳаётининг турли жиҳатларини ўз ичига олади. Бу вазиятда тиббий, педагогик, психологик ва ижтимоий омилларни инобатга олиш зарур. Амалий психологияда дезадаптацияни бартараф этишда қуйидаги тартибда иш олиб бориш йўлга қўйилган:

- бола яшаётган ижтимоий муҳит ўрганилади, анамнез йиғилади;
- болада мавжуд ички қаршилик характери ўрганилади;
- боланинг мослашувига қарши омиллар аниқланади, жамланади;
- боланинг ёш хусусиятларига кўра психофизик ривожланиш даражаси махсус тестлар орқали ўрганилади;

Боланинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда педагогик-психологик коррекция ишлари режалаштирилади. Агар ушбу иш режа мақсадли тузилиб, у бўйича машғулотлар ташкил этилса, болада ҳаётни севиш ва унга ижобий муносабатда бўлиш хисси кучаяди.

Ижтимоий мослашув шахс ва муҳитнинг ўзаро муносабати-таъсир майдони юзага келганда амалга ошади. Шахс ва муҳит ўртасидаги муносабат юзага келмаса, дезадаптация амалга ошади. Ижтимоий таъсирларга ҳар бир шахс ўз жинси, ёшига мувофиқ жавоб беради. Ҳар бир инсон ҳаётда учрайдиган тўсиқлар ва қийинчиликларни енгиш учун мос ва хос усулларни қўллаганлиги сабабли, мослашувчанликни усуллар тизими дея талқин этиш мумкин.

Ижтимоийлашув – бу шахснинг ижтимоий хулқ -атвор моделларини, шунингдек, бир қатор психологик муносабат, меъёр ва қадриятларни ўзлаштиришининг энг муҳим жараёни. Келгусида санаб ўтилган

элементлар унга жамиятда муваффақиятли ишлашига ва ўзини шахс сифатида англашига имкон беради, лекин болалигида у малакали ва изчил ижтимоийлашиш жараёнини бошидан кечиради. Маълумки, шахснинг ижтимоийлашуви социализацияси – бу инсон нафақат ривожланишининг дастлабки босқичида бошдан кечирадиган жараёндир: бу жараён инсон ҳаёти давомида содир бўлади. Аммо муваффақиятли ижтимоийлашув ва доимий ўзгариб турадиган ижтимоий шароитларга мослашиш учун пойдевор айнан болалиқдан қўйилади.

Ногирон боланинг асосий муаммоси – катталар жамоасининг тушунмовчилиги. Чунки улар ҳар доим ҳам боланинг мустақиллигига, унинг шахс сифатида ижтимоий кадриятига эътибор бермайдилар. Бу ички қарама-қаршиликка ва ногирон болаларнинг шахсий ривожланишининг кечикишига олиб келади. Амалиёт шуни кўрсатадики, ривожланишида нуқсонли бўлган ҳар бир бола тўлақонли шахсга айланиши мумкин. Муайян шароитда у маънан ривожланиб, ўзини моддий таъминлай олади ва жамият учун фойдали бўлиши мумкин. Ва бунинг учун бола жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиши керак.

Ижтимоийлашув жараёни – бу шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёни. Одамнинг шахсияти кўплаб омиллар таъсирида шаклланади, объектив ва субъектив, табиий ва ижтимоий, ички ва ташқи, мустақил ва одамларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ, тартибсиз ёки белгиланган мақсадлар учун ҳаракат қилади. Шуни тушуниш керакки, инсон ташқи таъсирларни акс эттирувчи пассив мавжудот сифатида ҳаракат қилмайди. У ўзининг шаклланиши ва ривожланиши субъекти сифатида ҳаракат қилади.

Тенгдошлар жамоасига кириб, ногирон болалар мустақил бўлишни ўрганадилар, мумкин бўлган вазифаларни ҳал қилиш учун масъулиятни ўз зиммаларига оладилар. Ногирон болаларни ижтимоийлаштиришнинг асосий омилларидан бири болани мулоқотга ва мустақил бўлишга ўргатишдир. Улар учун таълим жараёни нафақат билим олиш учун, балки ижтимоий мослашувни яратиш ва психологик хусусиятларни ривожлантириш учун ҳам муҳим аҳамиятга касб этади. Ногирон бола учун болалар жамоаси - кучли ривожланиш манбаи. Уларни тенгдошларидан ажратиб, ҳеч қандай мулоқот қилишни ўргата олмаймиз. Боланинг мотивацияси ва руҳий ҳолати бошқа болаларнинг унга бўлган муносабатига боғлиқ. Ногирон боланинг когнитив фаоллигининг ривожланиши психологик хусусиятларга эга бўлиб, уларни ҳисобга олиш муҳимдир. Ўқитувчилар бундай болаларнинг ижтимоий, эмоционал, интеллектуал ривожланиши билан боғлиқ мураккаб муаммоларни ҳал қила олишлари, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари керак, бу эса муваффақиятли ижтимоийлашувига ёрдам беради. Ногирон

болаларнинг ижтимоийлашуви қуйидаги даражаларда юз беради:

Таркибий. Жамиятда ўзини тўғри тута билиш, мулоқот қобилиятидан фойдаланиш ва мактаб интизоми қоидаларига амал қилиш. Қадриятли ва маънавий-ахлоқий. Дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни баҳолаш қобилияти.

Тарбия. Ўз тарбиявий вазифаларини амалга ошириш, режалаштириш ва амалга ошириш қобилияти. Шахсий ривожланиш. Уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш учун масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда.

Маънавий тараққиёт. Маданий-тарихий қадриятларни қабул қилиш ва уларга истак ва хулқ-атворда риоя қилиш. Имконияти чекланган болалар ҳаётидаги энг муҳим ва шу билан бирга муаммоли масалалардан бири касб танлаш. Ҳозирги кунда имконияти чекланган болалар мактаб таълими босқичида касблар олами билан анча жиддий танишиб, касбий ўз-ўзини аниқлашда ёрдам ола бошлайдилар.

Қўшимча таълим тизими ногирон болалар учун касбий ўз тақдирини белгилашда бебаҳо ёрдам бериши мумкин. Соғлом тенгдошлар ва катталар жамоасида қўшимча таълим олиш - қонун ҳужжатларида мустақамланган ажралмас ҳуқуқ ва ногирон болалар ва ногирон болаларни муваффақиятли ижтимоийлаштиришнинг асосий шартидир.

Қўшимча таълим олаётганда имконияти чекланган бола ўзининг индивидуал ривожланишини белгиловчи фаолиятни эркин танлаш имкониятига эга. Қўшимча таълим тизими барча ёш босқичларида болаларнинг турли қизиқишларини қондирувчи хилма-хил ижодий йўналишларни ўз ичига олади, у бола шахсини ўрганиш, тарбиялаш, шахсий ривожлантириш ва шакллантиришнинг мақсадга мувофиқ жараёнидир. Ногирон болалар учун қўшимча таълим олиш ижтимоийлашувнинг барча босқичларида ижтимоий хавфсизликка, ижтимоий мавқеини яхшилашга, фуқаро бўлишга ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш қобилиятига ва уларнинг манфаатларига таъсир қилувчи муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Имконияти чекланган болалар билан олиб бориладиган мақсадли реабилитацион ишлар натижасида уларнинг жамиятга уйғунлашувига эришилади.

Ногирон боланинг ижтимоийлашишида ижтимоий тажрибанинг таъсири беқиёсдир. Болалар катталарга тақлид асосида турли фаолиятларни мустақил, бошқаларини эса, ўзгалар ёрдамида ўзлаштиришга эришадилар. Ижтимоийлашиш натижасида ногирон болалар соғлом шахслар каби маданият ва цивилизацияга уйғунлашади. Имконияти чекланган болаларда психик жараёнларнинг кеч ва сустривожланиши билан боғлиқ равишда уларнинг таълим муддатлари белгиланиб, мос усул ва воситалар танланади. Мазкур йўналишда олиб

борилган тадқиқот ишимиз қуйидаги хулосани асослашга хизмат қилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 сентябрдаги «Имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги 256-сонли Қарори/ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 37-сон, 380-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.-№6(766)-70-модда, -Т.: Адолат, 2017.-Б.38.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сонли «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 11 декабрь, 49-сон, 1195-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармони. ҚХММБ: 06/19/5712/3034-сон.

5. Аксенова Л.И. Маленькие ступеньки, ведущие в большую жизнь, //Дефектология 1999. – № 5.

6. Елисеев О.П. Практикум по психологии личности. –М: «Питер», 2007.-508 с. 47,132-б.

7. Галогузовой М.А., Л.В.Мардахаева. Методика и технология работы социального педагога.–М.: 2004, Академия.

8. Махмудова М. Халқ педагогикаси мазмуни асосида талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тизими. п.ф.док. дисс. автореф. –Т.: 2004.-40 б.

9. Spek, Otto. Menschen mit geistiger Behinderung und ihre Erziehung. ISBN 3-497-01484-2. 87-б.

10. Усанова О.Н. Специальная психология. Москва. «Питер», 2006.- 31, 37, 53, 65, 89, 91, стр.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ АЙРИМ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.13.83.014>

Атоева Мехринисо Фарходовна,
Бухоро давлат университети докторанти

Аннотация: Мақолада ҳозирги замон физикасини олий таълимда ўқитишнинг айрим долзарб масалаларини ёритишда физика фанининг тарихий илдизлари, фаннинг ривожланиш босқичлари ва физика фанини ўқитишнинг турли методларини тушунтиришдан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган.

Калит сўзлар: таълим тизимида физикани ўқитиш усуллари, табиий фан, электрон ўқув адабиётлари, электрон дарслик, виртуал лаборатория стендлари, 3D анимация, мултимедиа, баҳоловчи воситалар, таълим воситалари.

НЕКОТОРЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРЕПОДАВАНИЯ СОВРЕМЕННОЙ ФИЗИКИ

Атоева Мехринисо Фарходовна,
докторант Бухарского государственного университета

Аннотация: В статье освещаются актуальные вопросы преподавания современной физики в высшей школе с использованием объяснения исторических корней физики, этапов развития науки и различных методик преподавания физики.

Ключевые слова: методы обучения физике в системе образования, естественные науки, электронные учебники, электронные учебники, виртуальные лабораторные стенды, 3D-анимация, мультимедиа, средства оценивания, учебные пособия.

SOME PROBLEMS OF TEACHING MODERN PHYSICS

Atoeva Mehriniso Farhodovna,
doctoral student of Bukhara State University

Abstract: The article highlights topical issues of teaching modern physics in higher education using an explanation of the historical roots of physics, stages of development of science and various methods of teaching physics.

Key words: methods of teaching physics in the education system, natural sciences, electronic textbooks, electronic textbooks, virtual laboratory stands, 3D animation, multimedia, assessment tools, teaching aids.

Жаҳонда олиб борилаётган таълим ва тарбия соҳасидаги ислоҳотлардан асосий мақсад, соғлом ва баркамол, билимли, юсак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган авлодни шакллантиришдан иборат. Айнан ана шу мақсадга эришиш учун янги даврда яшайдиган, янгича фикрлайдиган, янги ишлаб чиқариш, янгича ижтимоий шароитларда фаолият кўрсатадиган, замонавий касбий билим ва маҳоратга бой бўлган етук мутахассис кадрлар тайёрлашнинг «Миллий модели» ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Таълим тизимини, хусусан, олий таълимни ривожлантириш, мустаҳкамлаш, уни замонталаблари даражаси билан уйғунлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Бунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва тарбия бериш тизими ислоҳотлар талаблари билан чамбарчас боғланган бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис педагог кадрларни тайёрлаш, олий таълим давлат стандартлари талаблари асосида таълим ва унинг барча таркибий тузилмаларини такомиллаштириб бориш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир. Шу нуқтаи-назардан қараганда олий таълимда тайёрлов йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича ўқув режаларига асосан ўқитиладиган фанлар блоки, унинг таркибий тузилмаси, мазмуни, сифати ва ўқитиш самарадорлиги доимий аҳамиятга молик масалалардандир. Ойдинлаштириш лозимки, ҳозирги кунда ўқитиладиган гуманитар ва табиий-илмий, умумқасбий, қўшимча ва ихтисослик фанлари қаторида махсус (танлов) фанларни ўқитишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу мақолада «Физика» тайёрлов йўналиши бакалавр, магистрлари ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш тингловчилари учун танлов фани сифатида айнан қандай курсларни ўқитиш керак, танланган фанларни қандай кўламда ўқитиш, қандай янги фанларни киритиш, уларни танлаб олишда қандай мезонларга асосланиш, «ҳозирги замон физикаси» атамасининг мазмуни - моҳияти нимадан иборатлиги ёки унинг «классик» физикадан нимаси билан фарқ қилиши каби масалаларнинг назарий ечимлари ва ихтисослик фан (курс) лари қаторида ҳозирги замон физикаси асосларини ўқитишнинг айрим долзарб масалалари таҳлил қилинган.

Даставвал «ҳозирги замон физикаси» ибора (атама) сининг мазмуни, моҳияти, уни қандай тушунмоқ лозимлиги ҳақида тўхталамиз. Бу ибора ҳақида фикр юритганда, «ҳозирги замон», «янги» ёки «ноклассик» (кўп манбаларда «современная») ва «эски» ёки «классик», «мумтоз» физикани қарама-қарши қўйиш, қиёслаш ёки нисбат бериш маъносида тушунмаслик керак, чунки, «энг замонавий» физика ва классик физика ҳам табиат ҳақидаги умумий фандир; улар материянинг тузилиши, шакли, хоссалари ва унинг ҳаракатлари ҳамда ўзаро таъсирларининг умумий хусусиятларини ўрганади. Бу хусусиятлар барча моддий

тизимларга хос. Турли ва аниқ моддий тизимларда материя шаклларининг мураккаблашган ўзаро таъсирига тегишли махсус қонуниятларни кимё, геология, биология сингари айрим табиий фанлар ўрганади. Бинобарин, физика фани билан бошқа табиий фанлар орасида боғланиш бор. Улар орасидаги чегаралар ҳам нисбий бўлиб, вақт ўтиши билан турлича ўзгариб бораверади. Физика фани техниканинг назарий пойдеворини ташкил қилади. Физиканинг ривожланишида кишилиқ жамиятининг ривожланиши, тарихий даврларнинг ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитлари маълум аҳамиятга эгадир. Ўрганилаётган объектлар ва материалларнинг ҳаракат шаклларига қараб, физика фани бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғланган элементар зарралар физикаси, ядро физикаси, атом ва молекулалар физикаси, газ ва суюқликлар физикаси, қаттиқ жисмлар физикаси, плазма физикаси бўлимларидан ташкил топган. Ўрганилаётган жараёнларга ва материянинг ҳаракат шаклларига қараб, физика моддий нукта ва қаттиқ жисм механикаси, термодинамика ва статистик физика, электродинамика, квант механикаси, майдон квант назариясини ўз ичига олади. Табиатнинг барча ҳодисаларини бир бутун қилиб боғловчи энергиянинг сақланиш ва айланиш қонунининг очилиши табиатшуносликда, жумладан, физиканинг ривожланишида катта аҳамиятга эга.

Классик физика эса модда, фазо, вақт, масса, энергия ва ҳ. к. ҳақидаги махсус тасаввурлар, тушунчалар, қонунлар, принциплардан ташкил топган. У классик механика, классик статистика, классик термодинамика, классик электродинамика ва бошқа бўлимларга бўлинади.

Физиканинг классик ва ноклассик физикага ажратилиши шартлидир. Галилей-Ньютон механикаси, Фарадей-Максвелл электродинамикаси, Больцман-Гиббс статистикасини, одатда, классик физикага, майдон квант назарияси ва нисбийлик назариясини ҳозирги замон физикасига киритишади. Тарихий жиҳатдан бу ҳақиқатан ҳам шундай. Аммо классик физика билан ҳозирги замон физикасини бир-бирига қарши қўйиш асоссиздир. Янги техника, технологиялар, космосни эгаллаш каби соҳаларда классик физикадан кенг фойдаланиб муҳим ютуқларга эришилмоқда.

Физика текширадиган ҳодисаларни миқдорий жиҳатдан таҳлил қилишда бошқа фанларга, жумладан математикадан кенг фойдаланади. Ҳодисаларнинг ўтиши ва уларнинг табиатидаги мураккабликка қараб қўлланиладиган математик усуллари ҳам мураккаблашади. Ҳозирги даврда элементар математика, дифференциал, интеграл ҳисоблар, аналитик геометрия, оддий дифференциал тенгламалар билангина чекланиб қолиш мумкин эмас. Масалан, майдон назариясида тензорлар, операторлар каби тушунчалардан кенг фойдаланилади. Физиканинг

ривожланиши ҳамма вақт бошқа табиий фанлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб келган. Физиканинг ривожланиши бошқа табиий фанларнинг ривожланишига ва кўпгина ҳолларда янги фанларнинг вужудга келишига олиб келган.

Масалан, физиклар томонидан микроскопнинг ихтиро этилиши кимё, биология, зоология фанларининг кенг кўламда ривожланишига сабаб бўлди. Телескопнинг яратилиши, спектрал анализ қонунларининг кашф этилиши астрономия фанининг ривожланишини жадаллаштирди. Электромагнит индукция ҳодисасининг кашф этилиши ва радионинг ихтиро этилиши электроника, радиоэлектроника ва радиотехника фанларининг вужудга келишига олиб келди. Жуда кўп соҳалар борки, уларни физика бошқа фанлар билан биргаликда ўрганади. Шу тариқа кимёвий физика, биофизика, астрофизика, геофизика ва бошқа фанлар вужудга келган. Физикада яратилган кашфиётлар техниканинг турли соҳалари ривожланишига, пировардида, саноат ва халқ хўжалигининг жадал ривожланишига олиб келган. Ўз навбатида, техника фанларининг эришган ютуқлари физиканинг янада ривожланишига сабабчи бўлган. Техниканинг, умуман халқ хўжалигининг ривожланиб боришида узлуксиз равишда вужудга келувчи физик муаммоларни ҳал этиб боришга тўғри келди. Бу эса техника фанларининг ҳамма вақт физика билан ҳамкорликда иш олиб боришини тақозо этади. Ўзбекистонда ядро физикаси, физикавий электроника, қаттиқ жисмлар физикаси, юқори энергияли ва космик нурлар физикаси, яримўтказгичлар физикаси, фотоника, акустооптика, акустоэлектроника, лазерлар физикаси, гелиофизика, гелиотехника ва бошқа физика соҳаларида муҳим ютуқларга эришилди [1]. Шундай қилиб, «ҳозирги замон физикаси», «янги физика» ёки «ноклассик физика» ва «классик физика» ёки «мумтоз физика» ўртасида антагонистик зиддият мавжуд эмас, чунки ибтидонинг ривожланиб янги босқичга кўтарилишида объектни фақат сифат мезонлари нуқтаи-назаридан баҳолаш лозим. Аммо нафақат физикада, балки бошқа табиий ва аниқ фанларда ҳам, ибтидо усткурма сифатида қаралганда, бино унинг устига қурилади. «Ҳозирги замон физикаси» га бундай ёндашув кейинги қилинадиган хулосалар учун муҳим ҳисобланади. Физика яхлит фан сифатида қаралганда, ҳозирда мавжуд физикавий йўналишлар, унинг таркибий бўлимлари, турдош қисмлари, икки фан бирлашган соҳалар (астрофизика, физикавий кимё, математик физика ва ҳ.к.) ҳамда тадқиқотлар таркиби, кўлами бениҳоя ранг-барангдир (микдоран сон билан таснифлаш, баҳолаш маъносиздир). Аммо бунда яхлитлик, ўзаро узвий боғлиқлик, умумий ривожланиш тамойиллари ҳукмрондир (физика қонунлари, исботланган назариялар). Инсоният тараққиётида ҳар бир фаннинг ривожланиб янги

босқичга ўтиши шубҳасиз ва у кишилик жамияти ривожини учун хизмат қилади. Бинобарин, «ҳозирги замон физикаси» асосида инсоният 21-асрда янги инқилобий янгилик ва кашфиётларни очиш арафасида турибди. Шубҳасиз, бунга кучли назарий тайёргарлик ва услублар, илмий потенциал, замонавий тадқиқот технологиялари, тадқиқотларда такомиллашган илмий-техника, асбоб-ускуналарнинг қўлланилиши туфайли эришилади. Фандаги бундай янгиликларни умумий ўрта ёки олий таълим стандартлари доирасидаги ўқув режа ва дастурларнинг имкониятлари жуда чекланганлиги сабабли жуда оз қисминигина киритиш мумкин, холос. Иккинчи томондан, ҳақиқатдан, физика ҳақида гапирганда, тан олиш керакки, ҳозирги кунда таҳсил олаётган олий таълим талабалари ўтган 20-асрнинг 50 - 80- йилларида кашф этилган физикавий ҳодисалар, жараёнлар ва назарияларни ўрганмоқдалар, фақат оламшумул физик янгилик, кашфиётлар қилиниб, унинг асосида яратилган янги технология ёки техникаларнинг кундалик ҳаётга кириб келганидан кейингина улар физик ҳодиса ёки жараённинг нималигини, унинг «физика»сини тушуниб етадилар. Масалан, лазерлар физикаси ҳам кундалик ҳаёт, техника ва технологияда бўлган ўзгаришлар натижасида олий таълим дастурларига киритилди, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Олийгоҳ талабаси нигоҳида «Физика» алоҳида, бир бутун, яхлит, қотган фан, тизим сифатида тасаввур этилади (ўрганиб, ўзлаштириш нуқтаи-назаридан). Шундай қилиб, тўпланиб бораётган илмий, амалий, техник ва тадқиқот соҳасидаги билимлар, уларни ўзлаштириш учун «масъул» бўлган ўқувчи, талаба ва педагоглар назаридан четда қолмоқда, улар физикани фақат стандарт талаблари доирасидагина ўрганмоқдалар холос, албатта бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор, буни назардан туширмаслик лозим, масалан, ўқув соатлари ҳажми, уларнинг чегараланганлиги ва ҳ.к. Бундан кўринадики, ҳозирги замон физикасининг ривожланиш ёки тадқиқот базаси кўлами уни ўқитиш кўламидан маълум даражада илгари юрмоқда. «Физика» нинг фан сифатида ҳозирги кундаги ривожланиш босқичида, физика ҳақидаги илмий ва педагогик қарашлар орасидаги фарқ яна ҳам ортиб бормоқда. Бизнинг назаримизда, бунга асосий сабаб, талаба ва ўқувчиларга ҳозирги замон физикаси асосларини ўқитиш методикасининг ишлаб чиқилмаганлигидир. Бундан ташқари олий таълим муассасалари учун ўқув соатлари сеткасида «Ҳозирги замон физикаси асослари» (бу фанни турлича номлаш мумкин, масалан, «Ҳозирги замон физикасининг долзарб йўналишлари», «Ҳозирги замон физикаси ютуқлари» ёки умумий ҳолда «Ҳозирги замон физикаси») фани учун ўқув соатларини ажратиш, таълим жараёни учун методик қўлланмалар ишлаб чиқиш, профессор-ўқитувчиларни тайёрлаш

масалаларини ҳам ҳал этиш лозим.

Педагогика йўналиши бўйича мавжуд илмий ва ўқув, услубий адабиётларни ўрганиб, таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳозирги замон физикаси ривожланишининг долзарб йўналишларини, ютуқлари ва ўқитиш услубларини ишлаб чиқиш ва уни умумий ва ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим тизимларида албатта жорий этиш зарур. Олий таълимда, хусусан, педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида «Ҳозирги замон физикаси асослари» фанини алоҳида модул сифатида киритиш ва уни ўқитишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

- педагогик олий таълим муассасаларининг ўқув режа ва дастурларига мазкур фан (модул, курс) бўйича ўқув соатларини киритиш;

- уни ўқитишнинг шакл ва услубларини ишлаб чиқиш;

- замонавий физикани олий таълимда ўқитишнинг долзарб йўналишлари ва масалаларини танлаб олишнинг назарий мезонларини ишлаб чиқиш;

- талабаларга ҳозирги замон физикаси асосларини ўқитишда мазкур фанни ўқув режасида асосий фан (компонента) сифатида белгилаш;

- «Физика» тайёрлов йўналиши бўйича бўлажак педагогларга ҳозирги замон физикаси асосларини ўқитишда махсус курсларни жорий қилиш, масалан, «Физика учинчи минг йиллик бўсағасида».

- педагогик олий таълимда ҳозирги замон физикаси бўйича махсус курс методикасини ишлаб чиқиш.

Также кроме личностных качеств и взаимоотношения учитель - ученик, можно отметить группы факторов, которые подвергают учителей профессиональному выгоранию. Как показали наши исследования, что профессиональному выгоранию у учителей приводят также следующие факторы: Условия работы, т.е. имеется повышенные нагрузки в педагогической деятельности, сверхурочная или дополнительная работа, высокая продолжительность рабочего дня. Кроме того, в профессии учителя большое количество учащихся или несколько классов (две смены), может в итоге привести к недостатку элементарного контроля, что способствует эмоциональному, физическому и когнитивному выгоранию. Нельзя не отметить и социально-психологические факторы. У учителей, которых присуще опекающая идеология во взаимоотношениях с учениками, а так же не использующие репрессивную и ситуационную тактики, демонстрируют высокий уровень выгорания. С другой стороны, атмосфера в коллективе учащихся и их отношение к учителю и учебному процессу могут провоцировать возникновение выгорания у педагогов. Также следует отметить, что апатия учеников и неблагоприятная атмосфера в классе вызывают у учителей выгорание [8,10,12].

Можно согласиться с мнением А.К. Марковой о том, что профессия учителя может быть отнесена к «разряду стрессогенных, требующих от него самообладания и саморегуляции» [7]. Несомненно, в педагогической профессии присутствует информационный стресс, который возникает

из-за когнитивных информационных перегрузок. Данный стресс и является уже причиной появления эмоционального выгорания, так как когнитивные, познавательные компоненты начинают работать на полную мощь, не оставляя дополнительной энергии. В этом случае появляются проблемы в эмоциональных и поведенческих структурах. Информационный стресс относится к организационному фактору (содержание труда). Учитель должен всегда быть информационно готов к учебному процессу, а также уметь отвечать на поставленные вопросы учеников, при этом быть уверенным в своём ответе.

Таким образом, профессия педагога отличается от других профессий своим сложным объектом труда, требованием к личностным качествам, организационными факторами, влияющими на педагога. Тем самым, чтобы преодолеть трудность в профессиональном труде надо проанализировать психическое и физическое состояние педагога. При рассмотрении сложности профессиональной деятельности педагога стоит учесть и его физическое и психическое состояние. Данное явление не может остаться без внимания, так как объектом педагогической профессии, является будущее поколение. Эмпатия, как важное профессионально значимое качество личности учителя определяет организацию учебного процесса, его эффективность и качество образования и имеет статистически значимую связь с количеством проработанных лет. Нам представляется также необходимым различать в дальнейшем понятия профессиональный стаж работы и количество проработанных лет.

Заключение (Conclusion). Необходимо отметить, что задача психологического сопровождения профессионального выгорания учителя школы может решаться в рамках самой школы силами психолога на специально организованном социально-психологическом тренинге. Одним из главных блоков этого тренинга будет осознание учителями собственной позиции по отношению к учащимся и обретения личностного мужества изменить привычный директивно-контролирующий стиль отношения к ученикам на авторитетный, эмпатичный стиль, характеризующейся общей эмоциональной комфортностью, интеллектуальной раскованностью и ведущей к сотрудничеству и совместному творчеству.

Литературы

1. Ананьев Б. Г. Человек как предмет познания. Л., 1968.- 338 с.
2. Бойко В. В. Энергия эмоций в общении: взгляд на себя и на других. - М.: Наука, 1996. - 154 с.
3. Бойко В.В. Методика диагностики уровня эмоционального выгорания. // Практическая психодиагностика. / Ред. Райгородского



Д.Я. – Самара, 1999.

4. Зимняя И. А. Педагогическая психология: Учеб. Пособие для пед. вузов. Ростов-н/Д.: Феникс, 1997.- 476 с.

5. Ливехуд Б. Кризисы жизни - шансы жизни. Калуга: Духовное познание, 1994, С. 74.

6. Львова Ю.Л. Социально-педагогические проблемы развития профессиональной и общественной активности учителей. М., 1988г.

7. Маркова А.К. Психология труда учителя. М., Просвещение , 1993 г.

8. Рогов Е.И. Учитель как объект психологического исследования: Пособие для школьных психологов по работе с учителем и педагогическим коллективом. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1998.

9. Рубинштейн С Л. Основы общей психологии: В 2 т. М. Педаго-фика, 1989.- 323 с.

10. Скугаревская М.М. Синдром эмоционального выгорания // Медицинские новости. – 2002. – № 7, С. 3–9.

11. Форманюк Т.В. Синдром «эмоционального сгорания» как показатель профессиональной дезадаптации учителя. Ж. «Вопросы психологии», 1994 г., N 6.

12. Шакуров Р. Х. Новая психологическая теория деятельности: системно-динамический подход//Проф. образование. 1995. № 1.

13. Arthur N.M. The assessment of burnout: a review of three inventories useful for research and counseling // Journal of Counseling and Development. – 1990. – Vol. 69, С. 186–189.

ЁШЛАРДА ТАҲДИДЛАРГА НИСБАТАН МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ТАЪСИРЧАН ПСИХОЛОГИК УСЛУБЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.19.22.009>

Жабборов Хазрат Хусенович,

Тошкент давлат шарқшунослик университети, педагогика ва психология кафедраси доценти, психология фанлари бўйича фалсафа доктори

Аннотация: *Мазкур мақолада ёшларда ички ва ташқи таҳдидларга нисбатан мустаҳкам мафкуравий иммунитет шаклланишининг психологик омиллари тадқиқ қилинган ва ушбу эмпирик маълумотлар юзасидан хулосалар келтирилган. Мақолада ёшларда мафкуравий иммунитет шаклланиши ва ривожланишига ижобий таъсир этувчи «ижобий тақлид», «ижобий мотивация», «ўзини-ўзи назорат қилиш», «ўзини-ўзи баҳолаш» каби ижтимоий-психологик хусусиятлар, мафкуравий иммунитетнинг «ахборотни саралаш», «салбий ахборотга нисбатан ҳимоя», «бузгунчи ахборотга қарши кураш» ва «ўзини-ўзи бошқариш» сингари етакчи ижтимоий-психологик сифатлар, мафкуравий иммунитет барқарорлигини таъминловчи эътиқоднинг «яхшиликка ишонч», «мен»нинг қадр-қимматига ишонч, «ўзини бошқаришга ишонч», «ҳаётнинг одиллигига ишонч» таянч мезонлари, мафкуравий иммунитет барқарорлик ва беқарорлик даражаларини баҳолашнинг мотивацион, когнитив ва хулқ-атвор компонентлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.*

Калит сўзлар: *таҳдид, мафкура, иммунитет, тақлид, мотивация, ахборий хуруж, психологик омил, хулқ-атвор*

ЭФФЕКТИВНЫЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ МЕТОДЫ ФОРМИРОВАНИЯ ИДЕОЛОГИЧЕСКОГО ИММУНИТЕТА ОТ УГРОЗ У МОЛОДЕЖИ

Жабборов Хазрат Хусенович,

Ташкентский государственный университет востоковедения, доцент кафедры педагогики и психологии, доктор философских наук по психологии.

Аннотация: *В статье исследуются психологические факторы формирования стойкого идеологического иммунитета молодежи к внутренним и внешним угрозам и делаются выводы на основе полученных эмпирических данных. В статье рассматриваются такие социально-психологические особенности, как «позитивное*

подражание», «позитивная мотивация», «самоконтроль», «чувство собственного достоинства», которые положительно влияют на формирование и развитие идеологического иммунитета у молодежи. психологические качества, такие как «относительная защита», «борьба с деструктивной информацией» и «самоуправление», «вера в добро», «уверенность в себе», «уверенность в самоуправлении», «уверенность в самоуправлении» уверенность в справедливости жизни », идеологический иммунитет, мотивационный, когнитивный и поведенческий компоненты оценки устойчивости и нестабильности.

Ключевые слова: угроза, идеология, иммунитет, имитация, мотивация, информационная чувствительность, психологический фактор, поведение.

EFFECTIVE PSYCHOLOGICAL METHODS FOR FORMING IDEOLOGICAL IMMUNITY AGAINST THREATS IN YOUTH

Jabborov Xazrat Xusenovich,

Tashkent State University of Oriental Studies, Associate Professor of «Pedagogy and Psychology», Doctor of Philosophy in Psychology

Abstract: This article examines the psychological factors of the formation of strong ideological immunity of young people to internal and external threats, and draws conclusions from these empirical data. The article discusses socio-psychological features such as «positive imitation», «positive motivation», «self-control», «self-esteem» that have a positive impact on the formation and development of ideological immunity in young people, ideological information «sorting», «negative information». Leading socio-psychological qualities such as «relative protection», «fight against destructive information» and «self-government», «confidence in the good», «self-confidence», «confidence in self-government», «confidence in self-government» confidence in the justice of life «, ideological immunity, motivational, cognitive and behavioral components of the assessment of stability and instability.

Key words: threat, ideology, immunity, imitation, motivation, information sensitivity, psychological factor, behavior.

Кириш. Жаҳонда бугунги кунда ижтимоий таъсирларнинг жадал равишда ривожланиши, фан ва технологиялар таракқиёти, ахборотлар оқимининг ортиб бориши, инсон омили билан боғлиқ фанлар олдида янги вазифалар қўймоқда. Айниқса, жадал суръатлар билан ривожланган давлатларда юзага келаётган ижтимоий-психологик танглик ҳолатлари ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий-сиёсий ва маънавий-

маданий ҳаётига ўз таъсирини кўрсатмоқда. «Ахборот майдонидаги кибержиноятчилик ва кибертерроризм хуружларини кучайиб бориши юзасидан хусусан, Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеяси, Европа Кенгаши, Шанхай ҳамкорлиги ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан қайд қилинган статистик маълумотларга кўра ҳозирги вақтда 7 миллиардга яқин инсон (дунё аҳолисининг 95%) электра алоқасининг кўчма тармоқлари билан қамраб олинганлигини[16], йилига кибержиноятчилик оқибатида етказилган моддий зарарнинг миқдори дунё ялпи ички маҳсулотининг 1% ни ташкил этишини кўрсатмоқда[17]. Шу боис ҳозирда мафкуравий таҳдидларга, ғоявий ва ахборот хуружларга қарши мустаҳкам мафкуравий иммунитет шакллантиришнинг ижтимоий-психологик омиллари масаласи долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда ахборот хуружлари, ижтимоий онгнинг шаклланиш хусусиятлари, шахснинг ижтимоийлашуви, ғоявий курашнинг психологик механизмлари, психологик иммунитет, бузғунчи ва вайронкор мафкуралар билан мафкуравий иммунитет шаклланишининг психологик омиллари ўртасидаги боғлиқлик муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўсмирларда барқарор мафкуравий иммунитет шаклланишини таъминлашда психологик ҳимоя механизмлари, психологик хусусият ва ёшларнинг таянч эътиқодлари таъсирини ўрганиш каби психологик омиллар эса ушбу тадқиқотларнинг долзарб йўналишилигича қолмоқда.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, маънавий-рухий барқарорлиги ва умуминсоний ғояларга таҳдид қилаётган бузғунчи ва вайронкор мафкураларга нисбатан одамларда мустаҳкам мафкуравий иммунитет шакллантириш воситалари, шакллари, омиллари ўрганилмоқда. Қолаверса, мазкур масалада давлатимиз «жаҳолатга қарши маърифат»[1] билан курашиш тамойили бўйича бутун дунё ҳамжамиятида намуна бўлиб келмоқда. Шу маънода мамлакатимизда мафкуравий, ғоявий ва инфорацион кураш кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда турли хил ички ва ташқи, очик ва яширин таҳдидларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантириш ишларини янги босқичга кўтариш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишнинг психологик омилларини тадқиқ қилиш, ўсмирларда ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб боришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорларини қабул қилиниши ҳам жамиятда мазкур масалани нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Ичкиваташқитаҳдидларни профилактикасига бағишланган мақсадли ва манзилли вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3160-сон Қарори [2], Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4307-сон қарори [3], «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини замонавий ахборот технологиялари ҳамда интернет тармоғи орқали кўрсатилаётган ахборот ва мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишга қаратилган чоратадбирлар Дастури» [4], шунингдек мазкур масалага оид ҳужжатларда келтирилган.

Бугунги кунда мафкуравий иммунитет шакллантириш масаласи кўпгина фанлараро тадқиқотлар предмети сифатида ҳам фойдаланилиб келинмоқда. Мафкуравий иммунитетнинг таркибий сифатлари, комил инсонни тарбиялаш ғоялари, адолат ҳақидаги қарашлар жамиятнинг соғлом маънавий-ахлоқий руҳини сақлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилувчи тарихий манбалар Авесто, Култегин битиктоши, муқаддас китобимиз «Қуръон карим» ва буюк аждодларимиз Унсур Ул Маолий Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошифий, Абу Наср Фаробий, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Абу Али ибн Сино, Баҳоддин Нақшбанд, Абу Ҳомид Ғаззолий ва бошқаларнинг ибратли ўғитлари, бой мероси бўлган таълимотларида акс этган.

Ўзбекистонлик файласуф, тарихчи, сиёсатшунос, ҳуқуқшунос олимлар А.Эркаев, Н.Жўраев, А.Очилдиев, А.Ғаниев, А.Маврулов, У.Убайдуллаев, М.Қаҳҳорова, Қ.Назаров, А.Мўминов, Г.Туленова, Ф.Равшанов, С.Отамуратов, С.Мамашокиров, О.Аббосхўжаев, Н.Умарова, Р.Кўчқоров, Д.Байалиев, Д.Ҳимматов, Ш.Ғойибназаров, А.Ташанов, А.Ўтамуродов, Ш.Тўраев, Н.Салиева, М.Хожиева, Б.Иминов, А.Умаров, М.Рахматуллаев, И.Маминова, Х.Маматрайимова, М.Матмуродова, З.Исломов, Д.Алимова, А.Шарипов, Н.Шабкарова, Ш.Усмонов, М.Жакбаров, Ш.Аббасова, Т.Жўраев, А.Яхшиев, Ф.Мадрахимова ва бошқаларнинг ишларида ўз тарихини пухта билиш, миллий урф-одат ва қадриятлар тизимини ҳурмат қилиш, ижтимоий воқеа ва ҳодисаларга онгли муносабат ҳамда ёшларнинг миллий ифтихор туйғусига эга бўлишлари орқали уларда мустаҳкам мафкуравий иммунитет ҳосил қилишнинг назарий-методологик таҳлилини кузатишимиз мумкин.

Педагог олимлардан М.Қуронов, О.Мусурмонова, У.Маҳкамов, С.Нишонава, Ш.Қурбонов, Д.Рўзиева, М.Абдужабборова, З.Қосимова, Ш.Акрамова, Г.Махмутова, Д.Кенжаева, Ш.Райимов, А.Исманова, Ш.Шодмонова, Б.Ходжаев, И.Мирзиётов, М.Арипова, И.Хушмуродова, М.Юлдашева ва бошқаларнинг ишларида эса мафкуравий иммунитет

шакллантиришнинг педагогик асослари, бузғунчи «оммавий маданият» нинг салбий иллатларини педагогик жиҳатлари, мафкуравий иммунитет шакллантиришда маънавий қиёфанинг педагогик механизмлари, ватанпарварлик, миллий ифтихор масаласи юзасидан педагогик таҳлил амалга оширилган.

Психолог олимлар орасида М.Г.Давлетшин, Э.Ғ.Ғозиев, Б.Р.Қодиров, Ғ.Б.Шоумаров, А.М.Жабборов, В.М.Каримова, Ш.Р.Баратов, Н.С.Сафаев, Б.М.Умаров, З.Т. Нишонова, Р.И.Суннатова, М.М.Маматов, Г.Қ.Тўлаганова З.Х.Абдурахмонова, Ў.Б.Шамсиев, Э.М.Мухторов, Н.И.Халилова, М.Т.Исанова, У.А.Қосимов, Б.М.Ботиров, Д.М.Анварова ва Ш.Алимбаеваларнинг тадқиқотларида баркамол шахс психологияси, ёшларда соғлом хулқ-атворни шакллантириш механизмлари, шахсда юксак маънавият ҳамда соғлом мафкура шакллантиришнинг психологик йўллари каби бир қанча илмий тадқиқот ишлари олиб борилганлигини кўришимиз мумкин.

Ёшларда ички ва ташқи таҳдидларга нисбатан мустаҳкам мафкуравий иммунитет шакллантиришнинг психологик омилларини ўрганишда қўйидагича вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

мафкуравий иммунитет муаммосига оид илмий манбаларни таҳлил қилиш ва тадқиқот мақсадига мос равишда тизимлаштириш;

ёшларда мафкуравий иммунитет шаклланиши ва ривожланишига таъсир қилувчи психологик омилларни аниқлаш (ёш, жинс, ҳудуд кесимида);

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидаги ёшлар гуруҳида мафкуравий иммунитетни шакллантириш даражаларини аниқлаш ва ривожлантиришга қаратилган мақсадли ва манзилли тавсиялар ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш;

ёшлар гуруҳида мафкуравий иммунитетни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-психологик тренинг дастурларини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш;

ёшларда мафкуравий иммунитет шаклланишининг психологик омилларини аниқлаш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ёшларда ички ва ташқи таҳдидларга нисбатан мустаҳкам мафкуравий иммунитет шакллантиришнинг психологик омилларини ўрганишда тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун қуйидаги комплекс назарий ва эмпирик методлар қўлланилди: мақсадли кузатув, суҳбат, қайд қилувчи эксперимент, «Психологик ҳимоя механизмларини диагностика қилиш» сўровномаси (Келлерман-Плутчик-Конте сўровномаси асосида), «Таянч эътиқодлар шкаласи» (Р.Янов-Бульман услуби асосида), «Субъектив назорат локуси хусусиятларини ўрганиш» сўровномаси (С.Р.Пантелеев ва В.В.Столин

томонидан ишлаб чиқилган Дж.Роттер шкаласини модификация қилиш асосида мослаштирилган), «Ўсмирларнинг тахдидлардан хабардорлик даражасини баҳолаш» ижтимоий-психологик сўровномаси (Х.Жабборов), ҳамда математик статистик методлари («SPSS-22» дастури талаблари бўйича).

Ёшларда тахдидларга нисбатан мафкуравий иммунитет шаклланганли даражаларини аниқлаш бўйича олиб борилган психодиагностика ишларида Бухоро вилоятидан 535 нафар ва Тошкент шаҳридан 465 нафар жами 1000 нафар умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9-синф ўқувчилари жалб этилди.

Ёшларда ички ва ташқи тахдидларга нисбатан мустаҳкам мафкуравий иммунитет шаклланишининг психологик омиллари мавзусидаги тадқиқот давомида қуйидагича амалий ишлар қилинди:

тахдидларга нисбатан мафкуравий иммунитет шаклланганлик даражаларини аниқлаш имконини берувчи «Ўсмирларнинг тахдидлардан хабардорлик даражасини баҳолаш» ва «Тахдидлар нарвони» сўровномалари ишлаб чиқилди;

мафкуравий иммунитетнинг тўрт, «ахборотни саралаш», «ҳимоя», «қарши кураш», «бошқариш» каби асосий психологик функцияларини шакллантиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;

психологик ҳимоя механизмлари, субъектив назорат локус хусусиятлари ва таянч эътиқодлар мафкуравий иммунитетни ривожлантиришда инобатга олиниши лозим бўлган асосий психологик омиллар бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

ўсмирлар ўртасида вайронкор ғоя ва бузғунчи мафкураларга нисбатан барқарор мафкуравий иммунитет шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-психологик тренинглار ўтказиш орқали, ўсмирлардаги мафкуравий иммунитет беқарорлик даражаларини баҳолашнинг услубий таъминоти ишлаб чиқилди.

Мавзунинг илмий ва амалий аҳамияти давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг миллий, минтақавий, ғоявий, мафкуравий, психологик хавфсизлик борасидаги фаолиятига кўмаклашиш усуллари ҳамда воситаларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аҳоли, айниқса ўсмирлар орасида динниқобидаги экстремизм, терроризм, радикализм, сепаратизм, прозилатизм, кибержиноятчилик, кибертерроризм деструктив кучларга қарши курашнинг психологик, маърифий усулларини белгилаш, буборада аждодлар мероси ва жаҳонда қилинган ишлардан унумли фойдаланиш, ўсмирларни четдан кириб келаётган ташқи ва ички тахдидлардан асраш, бузғунчи ғоя ва вайронкор мафкураларга нисбатан мустаҳкам мафкуравий

иммунитет шакллантириш тизими элементларининг функционал интеграциялашувини ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда, «Ижтимоий психология», «Сиёсий психология», «Ёш даврлари психологияси» фанларидаги «Психология ҳимоя», «Психологик муҳофаза», «Психологик оғиш», «Ахборот тизимида ахборий психологик хавфсизлик» каби мавзуларни янги манбалар билан бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Мавзу юзасидан ўрганишларимиз шуни кўрсатдики, мафкуравий иммунитет шакллантириш ишларида унинг психологик омиллари етарлича ўрганилмаган, комплекс назарий тизимли таҳлил ишлаб чиқилмаган, мафкуравий иммунитетни шакллантиришда психологик омиллар масаласининг илмий ва амалий анланмаганлиги, мафкуравий иммунитет шакллантириш ва ривожлантиришда унинг психологик омилларини инобатга олиш бўйича аниқ механизмларнинг ишлаб чиқилмаганлиги, шунингдек мазкур жараённи ўрганиш ва баҳолашнинг ўзига хос диагностик методлари мавжуд эмаслиги кузатилди.

Ёшларда мафкуравий иммунитет шакллантириш муаммосига оид илмий манбаларни таҳлил қилиш ва тадқиқот мақсадига мос равишда тизимлаштириш мақсадида, масала юзасидан Шарқ мутафаккирлари, хориж, шу жумладан Россия, ҳамда ўзбекистонлик тадқиқотчилар ишларининг назарий таҳлили ўрганилди. Илмий манбаларда «мафкуравий иммунитет» тушунчаси моҳияти ва уни ўрганиш тарихи қараб чиқилди, «мафкуравий иммунитет» феноменини ўрганишга оид илмий ёндашувлар ва илмий адабиётларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва ривожлантириш методлари таҳлили амалга оширилди.

«Мафкуравий иммунитет» тушунчаси (лотинча *immunitatis* – бирор нарсадан озод этиш) – тарихий феномен бўлиб, шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоялашга хизмат қилувчи тизимдир.

Мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва ривожлантиришни ўрганиш бўйича фалсафий, педагогик, психологик, социологик, тарихий, интегратив ёки комплекс ва аналитик ёки тузилмавий ёндашувларга назарий-илмий жихатдан изоҳлар берилди.

Ёшларда мафкуравий иммунитет шаклланишининг психологик омилларини тадқиқ қилишда, асосан, «шакллантириш», «шаклланиш», «шаклланганлик», объектив ва субъектив категориялари ҳам таҳлил қилинди.

Мавзунини амалий ўрганишда тадқиқот бир нечта босқичда амалга оширилди:

Биринчи босқич – назарий методологик таҳлил. Унда тадқиқот муаммоси ўрганилганлигининг замонавий ҳолати таҳлил қилинди,

тадқиқот мавзуси бўйича фалсафий, педагогик, психологик, тарихий, социологик ва бошқа адабиётлар ўрганилди. Тадқиқотнинг тушунчавий аппарати шакллантирилди, мақсад, вазифалари, объекти, предмети аниқлаштирилди. Тадқиқот концепцияси ва шакллантирувчи эксперимент моделининг умумназарий ҳолатлари ишлаб чиқилди. Тадқиқотнинг диагностик методикалари танланди ва ижтимоий-психологик тренинглар дастури тузилди.

Иккинчи босқич – қайд этиш: психологик ҳимоя механизмлари, таянч эътиқодлар ва субъектив назорат локус хусусиятларининг юқори ёки пастлиги ўсмирлардаги мафкуравий иммунитет шаклланишига таъсири ҳамда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий сўровномалар асосида ўсмирларда мафкуравий иммунитетнинг шаклланганлик даражаларини аниқлаш бўйича диагностика ишлари олиб борилди.

Учинчи босқич – шакллантирувчи эксперимент: мазкур ижтимоий-психологик тренинг дастурида 62 нафар ўсмир ўқувчилар иштирок этишди. Ижтимоий-психологик тренинг машғулоти 18 та семинар-тренингга мўлжалланган бўлиб, ҳар ҳафтада 3 тадан тренинг машғулоти, жами 6 ҳафтада 36 соатни ташкил этди.

Ўсмирларда барқарор мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг оптималлаштиришга йўналтирилган дастурини қўллаш учун бир қатор жиҳатларни инобатга олишга эътибор қаратилди:

дастур ёшларда мустаҳкам мафкуравий иммунитет шаклланишига мўлжалланганлиги;

иштирокчиларда бир жамоа бўлиб, дахлдорлик, масъулият ва бурчларни тўлақонли ҳис қилинишига олиб келиш;

қўлланилиши ва вақт тежамкорлигининг инобатга олиниши;

жамоада соғлом психологик ва маънавий муҳитни яхшилашга қаратилган машқлардан фойдаланиш;

машғулотларда қайтар алоқанинг коммуникаторлик ва рецелент масъулиятининг йўлга қўйилганлиги;

иштирокчилардан ортиқча вақт талаб қилмаслик;

натижаларни қайд этишнинг шакллантирилганлиги;

машғулотларда перцепция, интеракция ва дидактик тактнинг қўлланилиши;

муаммонинг ечимини топиш имкониятини намоён эта олганлиги.

Тўртинчи босқич – таҳлилий: таҳлил амалга оширилди. Тўпланган эмпирик маълумотлар асосида тадқиқот натижалари қайта ишланди ва умумлаштирилди.

Ёшларда мафкуравий иммунитет шаклланишига дахлдор психологик омиллар ўзаро корреляцион таҳлиллар асосида ўрганилди. Олиб борилган тадқиқотлар ёшларнинг жинси, ёши ва ҳудуди кесимида

таҳлил қилинди.

Қўлга киритилган натижалар асосида бир-бирига боғлиқ бўлмаган танланмалар Стъюдент t-тести ёрдамида таҳлил қилинди.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Мавзуни амалий ўрганиш давомида тадқиқотнинг экспериментал модели, тадқиқот босқичлари, диагностика ва шакллантирувчи экспериментал методлар тавсифланди, шунингдек, мафкуравий иммунитет шаклланиши психологик омилларининг ўзаро боғлиқликлари ҳамда ёшларда мафкуравий иммунитет шаклланиши ва ривожланишига таъсир қилувчи психологик омилларни аниқлаш (ёш, жинс, ҳудуд кесимида) каби вазифаларни таҳлили юзасидан ўтказилган эмпирик тадқиқотлар натижалари баён қилинди.

Жумладан, ёшларда психологик ҳимоя механизмларининг ҳудудлар бўйича фарқлари қуйидаги ҳолатларни қайд қилди (1-жадвал).

1 - жадвал

Психологик ҳимоя механизм типлари	Ҳудуд	N	Ўртача қиймат	Стандарт оғиш	t	Ишонч даражаси
Сиқиб чиқариш	Тошкент	465	5,6688	2,19570	6,513	,001
	Бухоро	535	4,7981	2,02983		
Проекция	Тошкент	465	8,9312	2,11001	-7,689	,001
	Бухоро	535	9,8991	1,87060		
Реактив тузилма	Тошкент	465	6,2280	1,61475	-5,072	,001
	Бухоро	535	6,7682	1,73489		

Ҳудудлар бўйича иккита шаҳар қамраб олинди: Бухоро ва Тошкент. Ҳудудлар бўйича психологик ҳимоя механизми кузатганимизда тошкентлик ёшларда бухоролик ёшларга нисбатан «сиқиб чиқариш» психологик ҳимоя механизми юқорилиги намоён бўлди ($t=6,513$; $p<0,001$). Бу жараёни онгсиз равишда қабул қилинмайдиган ғояларни инкор қилиниш ҳодисаси билан изоҳлаш мумкин.


Тадқиқот ёшларда «проекция» психологик ҳимоя механизми бўйича ҳам ишонч даражадаги фарқларни кузатиш имконини берди ($t=7,689$; $p<0,001$). «Проекция» психологик ҳимоя механизми - бу бошқа инсонга ёки объектга нисбатан фикрларнинг кўчишидир. «Проекция» психологик механизмининг ноаниқ шакллари одатий ҳаётда намоён бўлиши мумкин. Кўпгина ўсмир ўғил ва қиз болалар ўзларининг камчиликларига нисбатан танқидий назар ташлай олмайдилар, бироқ бошқаларнинг камчиликларини осонлик билан аниқлайдилар.

Ўтказилган ҳудудий тадқиқотлар «проекция» психологик ҳимоя механизмининг даражаси бухоролик ўсмирларда тошкентлик ўсмирларга нисбатан юқори эканлигини кўрсатди. Мазкур ҳолат «проекция» ҳимоя механизми юқори бўлган бухоролик ўсмирларда низоли вазиятлардан кўр-кўрона хулоса чиқариш ва бунга ўз изоҳини бериш хислатининг даражаси юқори эканлигини, тошкентлик ўсмирларда

эса бундай вазиятларда асосан далилларга таяниш ҳолатлари устун эканлигини намоён қилди.

Тадқиқотлар «реактив тузилма» психологик ҳимоя механизмини ҳам бухоролик ўсмирларда юқорилигини кўрсатди ($t=5,072$; $p<0,001$). Бухоролик ўсмирларда исталмаган ҳолатлари сиқиб чиқарилар экан, сўнгра инкор қилинади, демак, ҳимояни кучайтириш инкор этиш ҳолатлари билан боғлиқ.

Таҳлиллар Р. Янов-Бульманнинг «Таянч эътиқодлар» методикасини деярли барча шкалалари бўйича ишонч даражадаги фарқлар мавжудлигини кўрсатди (1-расм).



1-расм. Р.Янов-Бульман услуби бўйича «Таянч эътиқодлар» шкаласи кўрсаткичлари


Демак, таянч эътиқодларнинг шаклланишига ўсмирларнинг қайси ҳудудда яшаётганлиги таъсир кўрсатар экан. «Инсонларнинг яхшилигига ишониш» ($t=4,251$; $p<0,001$) таянч эътиқоди кичик ҳудуддаги ўсмирларда юқорилигини кўрсатди, яъни бухоролик ўсмирлар инсонлар ҳар доим яхшилик қилади, деб кўпроқ ишонишар экан, катта ҳудудда истиқомат қилувчи ўсмирлар учун эса бунга шубҳа билан қараш тенденциясининг мавжудлиги маълум бўлди.

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, «ҳаётнинг одиллиги» таянч эътиқоди ҳам кичик ҳудуддаги ўсмирлар катта ҳудуддаги ўсмирларга нисбатан кўпроқ ишонишар экан ($t=2,998$; $p<0,01$). Тошкентлик ўсмирларда бу ҳолатга нисбатан ўз шубҳа гумонлари мавжудлиги қайд қилинди. «Ҳаётнинг бошқарилувчанлиги» таянч эътиқоди бўйича ҳам кичик ҳудуддаги ўсмирларнинг натижалари юқори чикди ($t=7,882$; $p<0,001$). «Тасодифларга ишонч» таянч эътиқодига ҳам бухоролик ўсмирлар кўп ишонишлари маълум бўлди ($t=4,888$; $p<0,001$).

Демак юқоридаги далиллар ўсмирларни қанчалик кичик ҳудудда

яшаса, уларнинг таянч эътиқодлари шунчалик собит бўлишини, аксинча ўсмирлар қанчалик катта ҳудудда яшаса уларнинг эътиқодида суст муносабатлар шаклланиши мумкинлигини намоён қилди. Мазкур ҳолатни катта ҳудудларда ташқи тасирларнинг (интернет, ижтимоий тармоқлар ва ота-оналар назоратининг сустиги) кўплиги омили билан изоҳлаш мумкин.

Мақолада биз томонимиздан ишлаб чиқилган «Ўсмирларни таҳдидлардан хабардорлик даражасини аниқлаш» саволномасида фойдаланилди. Чунончи мазкур 36 та саволдан иборат бўлиб, улар 14 та шкалага ажратилган. Натижалар қуйидаги кўринишга эга бўлди (2-расм).



2-расм. Ўсмирларнинг таҳдидлардан хабардорлик даражаларини ҳудудий фарқларда намоён бўлиши

Тадқиқотлар натижалари бухоролик ва тошкентлик ўсмирларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш» тўғрисидаги ПҚ-3160-сон Қарорида келтирилган эл-юрт тақдирига лоқайдлик, миллий қадриятларга нисбатан эътиборсизлик, оилада фарзанд тарбиясига ва оилавий қадриятларга нисбатан эътиборсизлик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик, эрта турмуш қуриш ва оилавий ажримлар, ёшлар орасида жиноятчилик каби ички таҳдидлар ҳамда диний экстремизм, халқаро терроризм, ақидапарастлик, «Оммавий маданият», нарқобизнес, одам савдоси, коррупция ва жиноятчилик каби ташқи таҳдидларини аксарият қисмининг мазмун-моҳияти ва оқибатидан огоҳлик даражалари бири-бирига яқинлиги ва айрим бирларида сезиларли даражадаги ишончли фарқлар мавжудлигини кўрсатди.

Эл юрт тақдирига лоқайдлик таҳдидининг мазмун-моҳиятини тушунмаслик даражаси кичик ҳудудидадаги ўсмирларда юқори эканлиги аниқланди ($t=2,824$; $p<0,01$), эрта турмуш қуриш тушунчасига етарлича таъриф бера олмаслик ҳолати ҳам бухоролик ўсмирларда юқори экан ($t=3,645$; $p<0,001$). «Оммавий маданият» таҳдидининг мазмун-моҳиятини етарлича фарқлай олмасликка дахлдор кўрсаткичларининг Бухоро ҳудудидаги ўсмирларда юқорилиги аниқланди ($t=2,26$; $p<0,05$). Натижалар таҳлили бухоролик ўсмирларнинг тошкентлик ўсмирларга нисбатан маънавий таҳдидлардан етарлича хабардор эмаслигини кўрсатди. Ўсмирларни маънавий таҳдидларни умумий мазмун-моҳияти ва унинг салбий таъсир ҳамда оқибатларидан етарлича хабардор эмаслиги уларда мазкур таҳдидларга нисбатан суст мафкуравий иммунитет шаклланганлигидан даракдир. Ушбу ҳолатни чекка ҳудудларда маънавий-маърифий профилактика ишларини мақсадли ва манзилли олиб борилмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Биз мафкуравий иммунитет шаклланишининг психологик омили бўлган психологик ҳимоя механизмлари орасида ёш, жинс ва ҳудуд кесимида ўзаро боғлиқлик мавжудми ёки йўқлигини ҳам текширдик ва улар қуйидагича корреляцион кўрсаткичларни қайд қилди (2-жадвал).

	Инкор этиш	Сикиб чиқариш	Регрессия	Компенсация	Проекция	Ўрин алмаштириш	Рационализация	Реактив тузилма
Ёши	0,084 (**)	-0,052	-0,027	0,080 (*)	0,029	- 0,117 (**)	- 0,096 (**)	- 0,083 (**)
Жинси	-0,018	0,032	-0,114 (**)	0,032	- 0,119 (**)	- 0,076 (*)	-0,057	-0,062
Ҳудуди	0,018	- 0,202 (**)	-0,023	0,004	0,236 (**)	-0,029	0,051	0,159 (**)
Инкор этиш	1,000	-0,016	-0,001	0,146 (**)	0,149 (**)	- 0,114 (**)	-0,009	0,082(**)
Сикиб чиқариш		1,000	0,292 (**)	0,171 (**)	- 0,063 (*)	0,223 (**)	- 0,103 (**)	-0,033
Регрессия			1,000	0,292 (**)	0,122 (**)	0,483 (**)	0,000	0,218 (**)
Компенсация				1,000	0,085 (**)	0,300 (**)	- 0,018	0,046
Проекция					1,000	- 0,150 (**)	0,192 (**)	0,338 (**)
Ўрин алмаштириш						1,000	0,114 (**)	0,039
Рационализация							1,000	0,181 (**)
Реактив тузилма								1,000

Ёш кўрсаткичлари ва «инкор қилиш» психологик ҳимоя механизми ўртасида ишонч даражасидаги боғлиқлик қонунияти кузатилди ($r=0,084$; $p<0,01$). Ўсмирлар қанча ёш бўлса, инкор қилмаслиги, кўникиши осон экан, ёши улғайгани сайин уларда инкор қилиш ҳолатлари ошиб борар экан, яъни уларда янги ҳолатларга нисбатан табиий ҳимояланиш ҳосил бўлиши маълум бўлди. Ўсмирларнинг ёшлари улғайиши, улардаги «компенсация» психологик ҳимоя механизмини ортиб боришига сабаб бўлишини кўрсатди ($r=0,080$; $p<0,05$). Бу механизм онгли равишда ишлатилади, шунинг учун ҳам ёш ошиши, ақлнинг ўсиши

натижасида етмаётган нарсаларни бошқа ҳолатлардан ундиришга интилиш кузатилиши мумкин. Бироқ натижаларнинг кўрсатишича, ёш кўрсаткичлари «рационализация» психологик ҳимоя механизми билан тескари муносабатни намоён қилди ($r=0,084$; $p<0.01$). Яъни синалувчиларимиз катта бўлганлари сайин эмоцияларини бошқаришни ва омадсизликларни таҳлил қилишга ўрганишар экан. «Ўрин алмаштириш» психологик ҳимоя механизми ва ёш кўрсаткичлари ўртасида ҳам тескари алоқани кузатишимиз мумкин ($r= - 0,117$; $p<0.05$). «Ўрин алмаштириш» психологик ҳимоя механизми маълум бир ҳолат орқали ифодаланади, айнан ёш бўлган синалувчиларда «ўрин алмаштириш» яққолроқ кўриниши маълум бўлди, ёши катта бўлиши билан «ўрин алмаштириш» психологик ҳимоя ҳолатлари камроқ намоён бўлишини кўрсатди. «Реактив тузилма» психологик ҳимоя механизми ҳам ёш кўрсаткичлари билан тескари алоқага киришиши аниқланди ($r= - 0,083$; $p<0.05$). Ўсмирларнинг ёши қанчалик кичик бўлса, уларнинг таъсирга тушишлари осон бўлар экан.

Психологик ҳимоя механизмларининг кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кузатганимизда, қуйидаги ҳолатлар аниқланди. Ўсмирларда «инкор қилиш» психологик ҳимоя механизми ошса, «компенсация» психологик ҳимоя механизми ҳам ошиб боради. Яъни ўсмирларда низоли вазиятларда «инкор қилиш» психологик ҳимоя механизми реал ёки ҳаётий камчиликларни онгсиз тарзда бартараф этиш услубига ва етишмаётган жиҳатларни бошқа нарса билан ўрнини тўлдириш ҳолатига ўтади. «Ўрин алмаштириш» психологик ҳимоя механизми ва «инкор этиш» психологик ҳимоя механизми орасида тескари муносабатга киришиши қайд қилинди ($r = - 0,114$; $p<0.01$). «Инкор қилиш» психологик ҳимоя механизми кучайгани сайин маълум бир ҳолатларда «ўрин алмаштириш» психологик ҳимоя механизми пасайиб боришини намоён қилди. Ўсмирларда «сиқиб чиқариш» психологик ҳимоя механизми ошгани сайин «регрессия» психологик ҳимоя механизми ҳам ошиб боришини кўрсатди ($r=0,292$; $p<0.05$). «Сиқиб чиқариш» психологик ҳимоя механизми асосан ўзини идрок қилиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, ўсмирларни қандайдир таъсир остида қолиш ҳолатини билдиради ва шундай вазиятларда ўсмирлар аввалги ва етишмаган (болаликдаги) хоҳиш ва ҳаракатларни қониқиш шаклига қайтишни исташади.

Ўсмирлар орасида ижтимоий-психологик тренинглари дастурни ўтказилганидан сўнг уларнинг мафкуравий иммунитет шаклланиш жараёнида сезиларли ижобий ўзгаришлар содир бўлди (3-жадвал).

Аҳолининг таҳдидлардан ҳабардолик даражаларини баҳолаш
сўровномасининг ижтимоий-психологик тренинг дастуридан
олдинги ва кейинги ҳолатидаги фарқлар (n=62)

Шкалалар	Тренингдан олдинги	Тренингдан кейинги	t	Ишонч даражаси
Мафкуравий иммунитет тушунчасини билиши	3,1290	3,8387	3,301	0,001
Мафкуравий иммунитет шаклланганлиги	3,4194	3,9677	3,140	0,003
Мафкуравий иммунитет шакллантиришга муносабати	3,4194	3,9355	-2,026	0,047
Мафкуравий иммунитет шакллантиришда психологик билимларнинг ўрни	3,7742	3,3871	2,754	0,008

Мафкуравий иммунитетнинг шаклланганлиги ҳам коррекцион дастурдан сўнг ошганлигини кузатишимиз мумкин ($t = - 3,140$; $p < 0.01$). Мафкуравий иммунитетни шаклланишга муносабат ҳам ижобий томонга ўзгарганлигини кузатишимиз мумкин ($t = - 2,026$; $p < 0.05$). Мафкуравий иммунитет шакллантиришда психологик билимларнинг ўрнида ($t = - 2,754$; $p < 0.01$) ҳам ижобий томонга ўзгаришлар бўлганлигини кузатишимиз мумкин. Олиб борилган назарий ҳамда эмпирик таҳлиллар ўсмирларда мафкуравий иммунитет шаклланишининг психологик омиллари кўрсаткичларига муаллиф томонидан тақдим этилган ижтимоий-психологик тренинг дастури орқали адекват баҳо бериш мумкинлигини кўрсатди.

Мавзу юзасидан ўрганилган назарий ва амалий таҳлиллар қуйидагича илмий янгиликларни илгари суриш имконини берди. Жумладан,

ёшларда мафкуравий иммунитет шаклланиши ва ривожланишига ижобий таъсир этувчи «ижобий тақлид», «ижобий мотивация», «ўзини-ўзи назорат қилиш», «ўзини-ўзи баҳолаш» каби ижтимоий-психологик хусусиятлари аниқланганлиги;

мафкуравий иммунитетнинг «ахборотни саралаш», «салбий ахборотга нисбатан ҳимоя», «бузғунчи ахборотга қарши кураш» ва «ўзини-ўзи бошқариш» сингари етакчи ижтимоий-психологик сифатлари аниқланганлиги;

ёшларда мафкуравий иммунитет барқарорлигини таъминловчи эътиқоднинг «яхшиликка ишонч», «мен»нинг қадр-қимматига ишонч, «ўзини бошқаришга ишонч», «ҳаётнинг одиллигига ишонч» таянч мезонлари аниқланганлиги;

мафкуравий иммунитет барқарорлик ва беқарорлик даражаларини баҳолашнинг мотивацион, когнитив ва хулқ-атвор компонентлари ишлаб чиқилган.

Хулоса ва таклифлар. Ёшларда ички ва ташқи таҳдидларга нисбатан

мафкуравий иммунитет шакллантиришнинг психологик омиллари мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

- ёшларда мафкуравий иммунитетни ривожлантиришда психологик ҳимоя механизмлари ва таянч эътиқодлар каби психологик омилларни шаклланганлик даражаларини ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқ;

- ўсмирларнинг интернал ёки экстернал назорат локусига эга бўлишлари уларни мафкуравий иммунитет шаклланиш жараёнига таъсир кўрсатмайди;

- таянч эътиқодларнинг шаклланишига ёшларнинг кичик ёки катта ҳудудда яшаётганлиги ҳам таъсир кўрсатиши аниқланди. Ёшлар қанчалик кичик ҳудудда яшасалар уларнинг таянч эътиқодлари шунчалик собит бўлиши мумкин экан. Мазкур жараённи катта ҳудудларда яшовчи ўсмирларнинг таянч эътиқодлари ва қадриятлар тизимига ташқи таъсирларнинг кўплиги билан изоҳлаш мумкин;

- мафкуравий иммунитет шакллантириш ва ривожлантиришда ижтимоий-психологик тренинг дастурларини қўлланилиши ёшларда вайронкор ғоя ва бузғунчи мафкураларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш ва англаш жараёнини осон кечишини таъминлайди;

- ёшларда ички ва ташқи таҳдид ҳамда ахборот хуружларида «ахборотни саралаш», «ҳимояланиш», «қарши кураш» ва «бошқариш» каби психологик функцияларни ривожлантириш улардаги мафкуравий иммунитет тизимини мустаҳкамлашдаги асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида мактаб психологлари, маънавият ва маърифат тизими ходимлари ҳамда профилактика назирларига қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

- мафкуравий иммунитет шакллантириш ва ривожлантиришда психологик ҳимоя механизмлари ва таянч эътиқодлар каби психологик омилларни шаклланганлик даражаларини ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқ;

- ўсмирларда ички ва ташқи таҳдид ҳамда ахборот хуружларида «ахборотни саралаш», «ҳимояланиш», «қарши кураш», ва «бошқариш» каби психологик функцияларни ривожлантириш улардаги мафкуравий иммунитет тизимини мустаҳкамлашдаги асосий омил бўлиб хизмат қилиш тамойилини инобатга олиш;

- ўсмирларда ички ва ташқи таҳдидларга чалиниш ҳолатларини ўз вақтида олдини олиш мақсадида таълим муассасаларида «Ўсмирларнинг таҳдидлардан хабардорлик даражасини баҳолаш» ва «Таҳдидлар нарвони» каби ижтимоий-психологик сўровномаларни мунтазам ўтказиб бориш;

- ўсмирларда мафкуравий иммунитет шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга уларнинг ижтимоийлашув жараёни, оилавий муҳити, оилавий қадриятлари, ижтимоий гуруҳлардаги ўрни ва ролини ўрганиш;

- жинойт содир қилган ўсмирлар орасида мафкуравий иммунитет шакллантириш ва ривожлантириш профилактика ишларида, кўпроқ самара беради уларнинг ёши билан боғлиқ психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ёндашиш;

- жинойтга мойилиги бор ёки ҳуқуқбузарликни содир этган ўсмирлар билан олиб бориладиган мафкуравий иммунитет профилактикаси жамоавий эмас, балким индивидуал тарзда ташкил этилиши кўпроқ самара беради;

- мафкуравий иммунитет шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар ва маънавий-психологик профилактика ишларида психологиядаги «Вертер қонуни» омилини инобатга олиш зарур;

- соҳа вакиллари учун мафкуравий иммунитет шакллантириш ва ривожлантириш ишларида «Мафкуравий жараёнлар харитаси» методикасидан фойдаланиш, ҳудудларда ўсмирлар онгига салбий таъсир кўрсатаётган ички ва ташқи таҳдидларнинг тури, мақсади, мазмуни ва таъсир кучини аниқлаш, ҳамда мафкуравий жараёнларнинг мунтазам мониторингини амалга ошириш орқали ўзгараётган тенденцияларни кузатиб боришни ҳамда мазкур иллатларни бартараф этишда мақсадли ва манзилли маънавий-психологик профилактикани жорий этиш имконият яратади;

- мафкуравий иммунитет шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ташкил этишда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган, Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан чоп этилган «Ёшларда мафкуравий иммунитет шаклланишининг психологик механизмлари» ва «Ёшларда барқарор мафкуравий иммунитет шакллантиришнинг педагогик-психологик тренинглари» қўлланмаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

- мафкуравий иммунитет шакллантириш ва ривожлантиришда ижтимоий-психологик тренинг дастурларини қўлланилиши ўсмирларда вайронкор ғоя ва бузғунчи мафкураларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш ва англаш жараёнини осон кечишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги

«Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4307-сон Қарорлари.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ёшлар сиёсати, таълим, маданият ва спорт масалари ахборот-таҳлил департаментининг 2016 йил 14 январдаги 9-сонли баёни.

5. Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. Тошкент: Маънавият, 2009. – 480 б.

6. Жўраев Н. Ўзбекистонда янгиланишлар концепциясининг яратилиши, эволюцияси ва амалиётда қўлланилиши: Сиёсий. фан. док. дис... Автореф. – Т., 2001. – 54 б.

7. Ачилдиев А.С. Проблема взаимодействия национального самосознания и национальной культуры: Автореф...канд.филос.наук. – Т., 1994. – 22 с.

8. Ғаниев А. Ғарб оламидаги ахлоқий муаммолар. – Тошкент: Ворис, 2007. – 32 б./ Маврулов А. Маънавий баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 80 б.

9. Убайдуллаев У. Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари. – Тошкент: Университет, 2009. – 143 б.

10. Ташанов А «Вайронкор ғоялар ва бузғунчи мафкуралар» . Т.: «Турон замин зиё» нашриёти. 2015.-Б.400.

11. Давлетшин М.Г., Абдурахмонов Ф.Р. Қадимги Шарқ мамлакатларида психологик фикр тараққиёти. – Т.: 1995. – Б.26.

12. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. – Т.: «Ўқитувчи», 1990. –Б. 184.

13. Қодиров Б.Р. Истеъдодли болалар ва уларни танлаш методикаси.Т., 1992.- Б. 326.

14. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. Университет ва педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т.: «Ўқитувчи», 1994.–Б. 98 .

15. Баротов Ш.Р, Мухторов Э.М. «Ўсмирларда ўзини-ўзи психологик муҳофаза қилиш ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришнинг илмий-амалий асослари» Монография - Т.: «Фан» 2008. – Б.118.

16. http://www.itu.int/net/pressoffice/press_releases/2016/pdf/30-ru.pdf (International Telecommunication Union).

17. <http://www.statista.com/> (The Statistics Portal).



ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМДА ВИТАГЕН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.69.41.008>

Шаюсупова Азиза Асфандияровна,

*Тошкент давлат шарқишунослик университети педагогика ва
психология кафедраси доценти*

Аннотация: мақолада жаҳон стандартлари талабларига жавоб берувчи замонавий машғулотлар жараёнида витаген технологиялардан фойдаланиш бўйича илмий, амалий таҳлил келтирилган. Инновацион ёндашув асосида таълим жараёнини ташиқил этишида ҳаётий тажриба, яъни инсон ўзи бошидан кечирган, у ҳис қилган, ўйлаб кўрган, тарғиб қилган ва узоқ муддатли хотира заҳирасига сақлаган, у учун шахсан муҳим бўлиб қолган маълумотлардан қай даражада дарс жараёнида унумли фойдаланиши ҳақида фикр юритилади. Таълим олувчи учун қимматли ва мазмунли билим, фақат у шахсан муҳим деб ҳисоблайдиган нарсаларда бўлади. Яъни, фақат у ва унинг ривожланиши учун муҳим бўлган нарсалар. Ўқув билимларини ўзлаштириши самарадорлиги уларнинг шахсий тажрибаси билан қандай боғлиқлигига боғлиқ. Агар бола ўзи учун бирор нарсани бошдан кечирган бўлса, ўрганган ёки кўрган бўлса, у уни эслаб қолади ва уни эшитганидан кўра яхшироқ ўрганади. Инновацион ёндашув асосида таълим жараёнини ташиқил этишидаунингасосий компоненти интерфаол таълим методлари ҳисобланади, таълим олувчиларнинг фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг барча босқичларида субъект-субъект муносабатини ташиқил этувчи методлар тушунилади. Улар педагогик жараёнларни фаоллаштириши, ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни аниқ вазиятларда қўллаш олиши, ўз имкониятларини рўёбга чиқариши, ижодий изланиш имконини беради. Ушбу метод ва стратегияларнинг дидактик аҳамияти шундаки, улар таълим олувчиларни ўқув материаллари юзасидан чуқур ўйлашга мажбур қилади.

Калит сўзлар. *Витаген, инновацион жараён, тажриба, интерфаолтаълим, ТРИЗ, скампер, квест.*

ПРИМЕНЕНИЕ ВИТАГЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СОВРЕМЕННОМ ОБРАЗОВАНИИ

Шаюсупова Азиза Асфандияровна,

*доцент кафедры педагогика и психология Ташкентского
государственного востоковедного университета.*

Аннотация: В статье рассматривается использование технологии vitagen в процессе современных занятий, отвечающих требованиям мировых стандартов. При организации учебного процесса на основе новаторского подхода важное значение приобрел жизненный опыт, то есть степень использования человеком информации, которую он

пережил, прочувствовал, подумал, передал и сохранил в долговременной памяти. Ценные и значимые знания для учащегося заключаются только в том, что он или она лично считает важным. То есть только те вещи, которые важны для него и его развития. Эффективность учебных достижений зависит от того, как они соотносятся с личным опытом. Если ребенок что-то испытал, узнал или увидел на собственном опыте, он запомнит это и узнает лучше, чем когда-либо слышал. Основная составляющая-интерактивные методы обучения, методы, активирующие учащихся и стимулирующие самостоятельное мышление, формирующие предметно-субъектные отношения на всех этапах образовательного процесса. Они позволяют активизировать педагогические процессы, применять полученные знания и навыки в реальных ситуациях, реализовать свой потенциал, творчески совершенствоваться. Дидактическое значение этих методов и стратегий заключается в том, что они заставляют учащихся глубоко задуматься об учебных материалах.

Ключевые слова. Витаген, инновационный процесс, опыт, интерактивное обучение, ТРИЗ, скампер, квест.

USE OF VITAGEN TECHNOLOGIES IN MODERN EDUCATION

Shayusupova Aziza Asfandiyarovna,

*Associate Professor of the Department of Pedagogy and Psychology,
Tashkent State Oriental University.*

Abstract: *The article discusses the use of vitagen technology in the process of modern classes that meet the requirements of world standards. When organizing the educational process on the basis of an innovative approach, life experience acquired great importance, that is, the degree of using by a person of information that he experienced, felt, thought, transmitted and retained in long-term memory. Valuable and meaningful knowledge for the student consists only of what he or she personally considers important. That is, only those things that are important for him and his development. The effectiveness of educational achievement depends on how it relates to personal experience. If a child has experienced, learned or saw something from his own experience, he will remember it and learn better than he ever heard. The main component is interactive teaching methods, methods that activate students and stimulate independent thinking, forming subject-subject relationships at all stages of the educational process. They allow you to activate pedagogical processes, apply the acquired knowledge and skills in real situations, realize your potential, and creatively improve. The didactic*

significance of these methods and strategies is that they make students think deeply about the teaching materials.

Keywords. *Vitagen, innovation process, experience, interactive learning, TRIZ, scamper, quest.*

Таълим самарадорлигини оширишда ўзига хос замонавий ёндошувларидан бири бу инновацион ёндашув бўлиб, бунда ўқитиш жараёнларини ташкил этишда шакл, метод ва воситаларнинг ўзаро уйғунлигини ҳисобга олган ҳолда танлаш асосида ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг ҳамкорлигидаги фаолиятини ривожлантириш саналади.

Жаҳон стандартлари талабларига жавоб берувчи замонавий машғулотлар жараёнида анъанавий дарс яъни тушунтириш, маъруза, амалий ва лаборатория дарслари билан бир қаторда ўқувчилар, талабалар билимини оширишда ўйин технологиялари, муаммоли масалаларни ечиш, кейс–стади технологиялари ва бошқалардан самарали фойдаланиш мумкин. Одатда ўқув жараёнига олиб кирилаётган янгиликлар билим олувчи томонидан фаол қизиқиш билан кутиб олинади, айниқса бу янгиликлар интерфаол ва ўйин кўринишида бўлса. Шу билан биргаликда илм-техника ютуқларидан дарс жараёнида фойдаланиш таълим бериш жараёни имкониятларини кескин кенгайтириши мумкин. Инновацион ёндашув асосида таълим жараёнини ташкил этишда унинг асосий компоненти интерфаол таълим методлари ҳисобланар эди.

Ижтимоий-иқтисодий трансформация жараёнида ҳал қилишни талаб этадиган янгича ёндашувларни талаб қилувчи муаммолар пайдо бўлади. Жамиятнинг нафақат чуқур билимга эга, балки мураккаб вазифаларга ижодий ёндаша оладиган инсонларга бўлган эҳтиёжи ортади. Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимида ҳам ижодий шахсни шакллантиришда инновацион педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш долзарб масалалардан биридир. Таълим жараёнига витаген технологияларни жорий қилиш бу масалаларни ечишга ёрдам беради.

Витаген–vita (лотинча) ҳаёт, genesis-туғилмоқ (ҳосил бўлиш), яъни ҳаётдан туғилган. Витагентаълим – шахс (талаба)нинг ҳаётий тажрибасини актуаллаштириш (талаб), унинг ақлий (интеллектуал) ва психологик салоҳиятидан ўқув мақсадларида фойдаланиш асосида ўқитиш. Витагенга йўналтирилган таълимнинг мақсади шахснинг интеллектуал ва психологик потенциалини намоён қилишдан иборат. Бунда шахснинг ҳаёт тажрибасини ҳаётий тажрибага ўзгартиришни назарда тутлади.

Ҳаёт тажрибаси – бу инсон томонидан яшамайдиган, фақат унинг онги билан боғлиқ ахборотдир. Ҳаётий тажриба – инсон ўзи (шу жумладан талаба) бошидан кечирган, у ҳис қилган, ўйлаб кўрган, тарғиб

қилган ва узоқ муддатли хотира захирасига сақлаган, у учун шахсан муҳим бўлиб қолган маълумот.

Россиялик педагог А. С. Белкин витаген таълим технологиясини ишлаб чиқди ва синовдан ўтказди. Витаген таълими инсоннинг ҳаётий тажрибасини, педагогик мақсадлар учун шахсий ва интеллектуал салоҳиятини долзарблаштиришга асосланган таълимдир. Витаген таълими доирасида ҳаётий тажриба муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, ҳаёт тажрибаси ва ҳаёт тажрибасини фарқлаш керак. А. С. Белкиннинг сўзларига кўра, бу турли мазмунга эга бўлган мутлақо бошқа тушунчалардир. ҳаётий тажриба-бу мустақил равишда қўлга киритилмаган, лекин инсоннинг ҳаёт ва фаолиятнинг муайян жиҳатларини англашига асосланган ҳаётий ахборотдир. Витаген таълим технологиясининг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат:

- ўқувчиларда ҳаётга мослашиш компетенцияларни шакллантириш;
- замонавий турмуш шароитига мослаша олиш;
- ўз-ўзини баҳолаш ва интизомлиликни шакллантириш қобилиятини ривожлантириш;
- таълим жараёни кўп ўлчовли деган ғояни шакллантириш.

Витаген таълим технологиясининг концептуал қоидалари қуйидагилардир: голографик онг – ҳар бир инсон ривожланишнинг (ҳаракатнинг) кўплаб томонларининг комбинацияси сифатида қаралади. Ҳар қандай таълимнинг асосини инсон ҳаёти (вита) ташкил этади. Педагогик муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш учун боланинг барча қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантиришдан иборатдир. Таълим жараёнининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорлигига боғлиқ. Ўқитувчи ва ўқувчи сифатида шахснинг ҳаётий тажрибасига таяниш. Ҳаётий тажрибаларни таълимий қадриятларга айлантириш. Шахснинг онг ости онгига, унинг таълим жараёнининг кўп ўлчовли характери ҳақидаги ғояларига таяниш, витаген ахборотнинг ҳаёт тажрибасига ўтиши бир неча босқичлардан ўтиш орқали амалга оширилади:

- олинган ахборотни баҳолаш ва филтрлаш идрокини амалга ошириш (яъни олинган ахборотнинг шахсий аҳамияти нуқтаи назаридан);
- ахборотни тушуниш ва уни ёдлашни белгилаш;
- ҳаётий ахборотни ўрганиш қадриятларига айлантиришнинг муҳим шарти-билимга қадриятли муносабатдир;
- билимга қадриятли муносабат-ўқув билимларини қадриятга айлантиришнинг биринчи ва асосий шартидир.

Таълим олувчи учун қимматли ва мазмунли билим, фақат у шахсан муҳим деб ҳисоблайдиган нарсаларда бўлади. Яъни, фақат у ва унинг ривожланиши учун муҳим бўлган нарсалар. Ўқув билимларини

ўзлаштириш самарадорлиги уларнинг шахсий тажрибаси билан қандай боғлиқлигига боғлиқ. Агар бола ўзи учун бирор нарсани бошдан кечирган бўлса, ўрганган ёки кўрган бўлса, у уни эслаб қолади ва уни эшитганидан кўра яхшироқ ўрганади. Яна бир муҳим нуқта-боланинг жаҳолатга бўлган қадрият муносабати. Жаҳолат том маънода ахборот этишмаслиги демакдир. Лекин жаҳолат фақат жаҳолатнинг бир кўриниши сифатида эмас, балки таълим-тарбия жараёнида ўрганиш усули сифатида ҳам мавжуд. Агар бола бирор нарсдан беҳабарлиги унинг шахс сифатидаги мавқеига салбий таъсир этишини англаса ва бу жаҳолатни тўлдириш зарурлигини англаса, биз унинг ўқишга тайёрлиги ва бу жараённинг эҳтимол юқори натижалари ҳақида гапиришимиз мумкин. Бундай ривожланиш воситаларидан бири инновацион технологиялардир, яъни булар педагогик фаолият натижаларига самарали эришишни таъминловчи таълим берувчи билан таълим олувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тубдан янги йўллари ва усуллари.

Инновацион ёндашув асосида таълим жараёнини ташкил этишда унинг асосий компоненти интерфаол таълим методлари ҳисобланади, таълим олувчиларнинг фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг барча босқичларида субъект-субъект муносабатини ташкил этувчи методлар тушунилади. Улар педагогик жараёнларни фаоллаштириш, ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни аниқ вазиятларда қўллай олиш, ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ижодий изланишимконини беради.

Инновацион жараён – янгиликнинг киритилиши ва шарт-шароитлари, тизимни янги кўрсаткичларга муваффақиятли ўтишини таъминловчи ўзгаришдир. Инновацион ўзгаришларга тайёргарлик кўриш ва уни амалиётга киритиш жараёнидир.

Р.Н.Юсуфбекова инновацияларни педагогик нуқтаи назардан кўриб чиқишга эътиборни қаратиб, хусусан, педагогик инновациялар муаллиф томонидан таълим ва тарбия жараёнида аввал маълум бўлмаган, қайд қилинмаган ҳолат ёки натижага олиб борувчи педагогик ҳодисанинг ўзгариб туриши мумкин эканлиги таъкидлайди.

Педагогикага оид адабиётларда интерфаол таълимнинг самарали жиҳатлари қуйидагича баҳоланади:

1.Интерфаол таълим методлари таълим олувчилардаги билиш жараёнларини фаоллаштириш,ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни аниқжараёнларини фаоллаштириш, ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни аниқ вазиятларда қўллай олиш, ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ижодий изланиш имконини беради.

2. Интерфаол таълим методлари – таълим олувчилардаги

мотивацияни, ностандарт вазиятларда тўғри қарор қабул қила олиш кўникмаларини, тадқиқотчилик фаоллиги, креатив фикрлаш кўникмасини ривожлантиради.

3. Интерфаол таълим муҳити таълим олувчиларда муаммоларни кўра билиш, таҳлили қилиш, фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, толерантлик, ўзгалар фикрига хурмат, жамоадаги ҳамкорлик, ҳаётий кадриятларини ривожлантиришга қулай шарт-шароитларни яратади.

Инсон воқелик тўғрисидаги дастлабки маълумотларни кўриш, эшитиш, ҳидбилиш, таҳм билиш, туйиш каби сезгилар орқали қабул қилади. Сезгилар орқали қабул қилинган маълумотлар мияда муайян хусусиятларига кўра яхлит холга, бир тизимга олиб келиниши, яъни маълумотлар идрок қилиниши лозим бўлади. Ахборотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таҳминлашга хизматқилувчи бу жараён уларни хотирада сақлаш ва зарур ҳолатларда қайта эсгатуширишдан иборат бўлади. Маълумотларни қабул қилишда қанчалик кўпсезги органлари қатнашса, уни идрок этиш, ўзлаштириш ва хотирада сақлаш шунчалик осон кечади. Шу боис, таълим жараёнида назарий билим ва амалий кўникмаларни шакллантириш, ўқув материални турли кўринишда шакллантириш, ўқув материалларини турли кўринишларда, турли сезги органлари орқали қабул қилиниши ва идрок этилишини таҳминлаш – таълим самарадорлигини оширишнинг муҳимомили ҳисобланади. Бутундунёда таълим жараёнида қўлланиладиган педагогик технологияларнинг 100 дан ортиқ методлари мавжуддир.

Бундай инновацион технологиялар бугунги кунда долзарб, яна бир таълим жараёнини самарали ташкил этиш усулларида бири quest синф. Ўйин шакли кўпинча кўп таълим муассасаларида синфда жуда самарали бўлади. Ҳақиқат квестлари йўналиши ривожланмоқда, у дам олиш соҳасида жуда қизиқарли ва инфорацион йўналиш бўлиб, у ерда инсон олинган барча билимларни қўллайди ёки янгиларини олади ва натижаларга еришиш учун фойдаланади.

Quest (инглизча «Quest-search» дан) - турли бошқотирмалар ва мантиқий вазифаларни ечишдан иборат ҳикояли интерфаол ўйин. Шунга кўра, тадқиқот дарси ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин: фаолият-бу муайян қодалар билан муайян сюжет ёки муайян ҳаракатлар кетма-кетлигини ифодаловчи ўйин бўлиб, унда ўқитувчи муайян малакани шакллантириш учун талабалар гуруҳининг жамоавий билим ва бошқа фаолиятини бошқаради, шу жумладан мантиқий фикрлашни ривожлантириш, муайян вазифада тўғри ечим топиш, ақлий тажрибалар ўтказиш қобилиятини ривожлантиради.

Бундан ташқари, ўйин улкан ижодий салоҳиятга эга ноёб макон. Инсон бошқалар билан муносабатларда, келажакни ва дунёнинг

келажагини бутунлай хавфсиз муҳит ва вазиятида яратиши мумкин. Биз реал ҳаётдан кўра кўпроқ ўйинда ўзимизга ўхшаймиз. Яхши ўйин-ҳар бир иштирокчининг ўзига қўядиган психологик экспериментидир.

Таълим муассасасида маъруза, суҳбат ва китоб муҳокамаси каби иш шакллари олиб бориш тобора қийинлашгани учун ўйин шакли – дарс-изланишни танладик. Бу усулнинг самараси орттирилган тажрибанинг узоқ вақт сақланиб қолиши ва амалий эътиборга эга бўлишидадир. Ҳар бир гуруҳ аъзосининг фаолиятига жалб этишнинг максимал даражасига эришиш мумкин. Квестлар атрофдаги воқеликнинг муайян моделини ифодалайди. Ўйин вақтида талабалар турли вазиятларда ҳаракат қилиш бўйича зарур тажрибага эга бўладилар. Бундан ташқари, бу тажриба кейин муҳокама қилинади ва реал ҳаётдан фарқли ўлароқ, одам ҳаракатлари ўзгартирилиши мумкин. Ҳақиқатда эса унинг ҳаракатларида самаралироқ йўл топишга имкон яратилади. Бундан ташқари, талабалар билан ўйин тарзида айрим билим ва кўникмаларга эга бўладиган ўқув-топшириқлар берилади.

Мақсад-муайян миссияни бажариш, яширин нарсалар ва маслаҳатлар топиш, вазифаларни бажариш, жумбоқ ва жумбоқларни ҳал қилишдир.

Бу методдаги жараён ҳар бир иштирокчи томонидан яшаган «кичик ҳаёт» дир. Бу иштирокчиларга ҳақиқий ҳаёт учун ҳам қимматли бўлган тажрибага эга бўлиш имконини беради.

Ўйиндан кетма-кет уч вазифаларни ҳал қилиш учун фойдаланиш мумкин:

-талабаларни ўйин майдонида яшашга ўргатиш, ўйин дунёси ва ўйин муносабатларига тўлиқ сингдириш;

-уларни ўйин майдонида эркин бўлишга, ўз қобилиятларини имкониятларидан хабардор бўлишга ва бошқа одамлар билан муносабатлар ўрнатишга ўргатиш;

-таълим олувчини ўйин тажрибасини ҳис қилишга ўргатиш;

- ўйиндан ўз-ўзини кашф этиш ва ҳаётий тажрибалар воситаси сифатида фойдаланиш.

«Ўсмирлар учун топшириқлар» дастурининг мақсади ўйин фаолиятида иштирок этиш орқали ўсмирларнинг ижтимоий компетентлигини ривожлантириш учун шароит яратишдан иборат.

Бу шароитда талаба олдига қуйидаги вазифалар қўйилади:

-конструктив мулоқот кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш;

-салбийэмоционалҳолатларнибартарафэтишкўникмалариниривожлантириш;

-мулоқоткўникмалариниваҳамкорликда ишлашкўникмалариниривожлантириш;

-бошқалар билан ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш;

- танловлар ва ҳаракатлар учун масъулиятни хис қилиш;

-мустақил бўлиш қобилиятини ривожлантириш, ўз позициясини конструктив жиҳатдан ҳимоя қилиш.

Бу метод доирасида қуйидаги вазифалар белгиланади:

1.Retelling-турли манбалардан олинган материалларни янги форматда тақдим этишга асосланган мавзунини тушунишни намойиш қилиш: тақдимот, плакат ёки ҳикоя яратиш.

2.Режалаштириш ва лойиҳалаш – белгиланган шартлар асосида режа ёки лойиҳани ишлаб чиқиш.

3.Ўз-ўзини билиш-шахс тадқиқотининг ҳар қандай жиҳати.

4.Компиляция-турлиманбалардан олинган ахборот форматини ўзгартриш.

5.Ижодий вазифа-муайян жанрдаги ижодий иш .

6.Аналитик вазифа-ахборотни қидириш вазифасини амалга ошириш.

7.Детектив ҳикоя, бошқотирма, сирли ҳикоя-зиддиятли фактлар асосидаги ҳулосалар қилиш.

8.Консенсусга эришиш-ўтқир муаммонинг чимини ишлаб чиқиш демакдир.

9.Баҳолаш-муайян нуктага назарни асослаш.

10.Журналистиктергов - ахборотни холис оғзақиметиш (фикр ва далилларни айтиш).

11.Ишонтириш-рақибларнинг ёки бетараф шахсларнинг ёки олишга ундаш.

12.Илмий тадқиқот турли ҳодисалар, кашфиётлар ва далилларни ўрган ишдир.

Вазифаларни амалга ошириш учун бир нечта босқич босиб ўйтиши шарт.

Бошланғич босқич (жамоавий босқич) - ўқувчилар ўзининг сюжети билан танишадилар. Жамоада роллар берилди.

Рол ўйнаш босқич - умумий натижа учун жамоада якка тартибда (Individual) ишлаш. Иштирокчилар бир вақтнинг ўзида ўз танлаган ролларига мувофиқ вазифаларни бажарадилар. Жамоа биргаликда ҳар бир топшириқ натижаларини умумлаштиради, иштирокчилар умумий мақсадга эришиш учун материаллар билан танишадилар ва алмашадилар.

Якуний босқич - натижаларни баҳолашда ўқитувчилар ҳам, таълим олувчилар ҳам иштирок этадилар.

Изланувчанлик (намунавий йўналишлар) бўйича ишларни муҳокама қилиш ва баҳолаш):

- кўрсатилган мақсадга эришиш;
- бажарилган ишлар сифати;
- ишниякунлашжараёнинингсифати;
- таркиб;
- вазифанингқийинлиги.

Муҳокама натижалари асосида хулоса ва таклифлар шакллантирилади. Ўйин натижалари кўпинча кутилмаганда ўзгарувчан бўлиши мумкин ва ҳар доим олдиндан уларни башорат қилиб бўлмайди. Ўйин қоидаларидан бир иштирокчи янги тажрибани қабул қилиш ва тушуниш учун билимга ва кўникамагаэга бўлмаса, ўйин уларга хавфсиз йўлни таклиф қилади: «бу сизэмас эдингиз, бу фақат рол-ўйин. Ўйин иштирокчиси реал ҳаёт учун қадрли бўлган тажриба орттириш, муайян вазиятни ишлаб чиқиш имконига эга.

Квестларнинг афзалликлари, биринчи навбатда, болалар ўйин майдонида эркин бўлишни, ўз қобилиятларини намоён қила олишларига ёрдам беради ва жамиятда одамлар билан муносабатлар ўрнатишни ўргатади.

Г.С.Альтшуллер томонидан ишлаб чиқилган ихтирочилик муаммоларини ҳал қилиш назарияси (ТРИЗ) таълим самарадорлигини оширадиган инновацион технологиялардан биридир.

ТРИЗ педагогикаси асосида:

1) психологик инерцияни олиб ташлаш йўллариини ўзлаштиришга имкон берувчи техника ва технологиялар (РТВ-ижодий тасаввурларни ривожлантириш);

2) тизимларни ривожлантириш қонунлари, зиддиятларни ҳал қилишнинг умумий тамойиллари ва уларни муайян ижодий муаммоларни ҳал қилиш механизмларига асосланган муаммоларни ҳал қилиш методикаси;

3) ижодий шахс тараққиёти назариясига асосланган таълим тизимини ташкил этиш мумкин.

ТРИЗ технологиясини амалиётга тадбиқ этиш қуйидаги педагогик вазибаларни ҳал этиш имконини беради:

- таълим олувчиларнинг ўз атрофидаги дунёга тўғри муносабатини шакллантириш, воқеликни таҳлил қилиш;

- таълим олувчиларнингмустақиллигини, ўзига бўлган ишончини, ҳар қандай вазибани удалай олиш туйғусини ривожлантириш;

- таълим олувчиларнингдунёқарашини кенгайтириш;

- таълим олувчиларнингтаълим жараёнига ижобий муносабатини шакллантириш;

- ихтирочилик, амалий ва ижтимоий муаммоларни таҳлил қилиш ва ҳал қилиш қобилияти ривожлантириш;

-тизим-диалектик тафаккурнинг мақсадли ривожланиши инобатга олинади.

Психологик нуқтаи назардан бу технология:

- умуманхотира, диққат, мантиқвақл ни ривожлантириш;
- ижодий қобилиятларни ривожлантириш (равонлик, мослашувчанлик, тафаккурнинг ўзига хослиги);
- фазовий тафаккурни ривожлантириш;
- нутқни ривожлантириш;
- анализ, синтез қилиш, бирлаштириш қобилияти;
- ижодий тасаввурларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Юқоридаги технологиядан дарсда фойдаланиш учун албатта шарт-шароит бўлиши керак. Аудиторияда таълим олувчилар сон жиҳатидан бир хил бўлишни талаб этади, тез муносабат ўрнатиш, мантиққа, яъни мантиқий ва танқидий фикрлашни ривожлантирувчи саволлар бериб вазифани бажариш учун йўналтирувчи позицияни эгаллаш, жонли мулоқот вақтида ўқитувчи жавобни билмаган ҳолатлар юзага келиши мумкин. Бундай вазиятлардан ўқитувчини эсанкиратиб қўйиши мумкин, лекин бу ҳолатлардан асло чўчимаслик керак, чунки болалар учун ҳам ўрганадиган, номаълумни тушунишга интиладиган ўқитувчининг аниқ намунаси ҳам кучли тарбиявий рағбатдир. Хорижий мамлакатларнинг таълим тизими амалиётида шахс креативлиги сифатларида шакллантириш ёки ривожлантиришга хизмат қиладиган кўплаб метод ва стратегиялар қўлланилади. Ушбу метод ва стратегияларнинг дидактика аҳамияти шундаки, улар таълим олувчиларни ўқув материаллари юзасидан чуқур ўйлашга мажбур қилади. Шу сабабли бу метод ва стратегияларни креативлик қобилиятлари паст ривожланган талабалар билан ишлаш жараёнида самарали қўллаб бўлмайди.

Скампер — амаллар ва ўзгартиришлар рўйхат кўринишидаги масалаларни ечиш усули. Ечимлар топишнинг кўп ижодий вариантлар орқали саралаш асосида қурилган бўлиб, улардан баъзилари ҳаракатлар ёки саволлар рўйхатларига асосланган, босқичма-босқич натижага олиб келувчи усулдир.

Scamper сўзи «тез югуриш» деган маънони англатади. Скампер-ўрнини алмаштириш, бирлаштириш, мослаштириш, ўзгартириш, қўйиш, барта-рафэтиш, тескари қисқартма каби сўзлардан маъно жиҳатидан фойдаланишни тақозо этади. Энг муҳими, чиройли сўзларни ижодий танлашдир.

SUBSTITUTE-алмаштириш, ўзгартириш-компонентлар, маънолар, қоидалар, элементлар, материаллар, тузилма-лар, жараёнлар, одамлар, номлар, муносабатлар ва бошқалар.

- «қандай?», «нима?», «мумкинми?» саволларига жавоб излаш.

COMBINE - бирлаштириш, улаш, яратиш;

- бошқа тизимларнинг элементлари, бошқа вазифалари, маънолари, ғоялари, натижалари, қўлланиш соҳалари, қобилиятлари, қисмларини яратиш;

- «нима бўлиши мумкин?», «мумкинми?», «қандай?» саволларига жавоб топиш.

ADAPT - мослашиш, ўзгартириш, ўрнатиш, қайта ишлаш, баҳолаш, тестлаш, модернизация қилиш, кўчириш, мослашиш, сошлаш, қўшиб янги элементлар ҳосил қилиш, ғоялар, турли нуқтаи назар;

- «нима?», «нимани ўрганишим мумкин?», «нима у ва у ким?», «кимдан олиш мумкин?», «ўзи мавжудми?» саволларга жавоб излаш.

MODIFY-ўзгартириш, модификациялаш, катталаштириш, марказлаш-тириш, тезлик, такомиллаштириш, кенгайтириш, дастуркенгайтмаси;

- катталиги, шакли, оммавийлиги, таркиби, ранги, қаршиликга муносабати, самарадорлигини ошириш;

- савол: «нима?», «қандай?», «нима ва қандай қилиб бажариш мумкин?».

PUT TO OTHER USES-қўллашнинг бошқача усули, бошқача фойдаланиш, уни ишлатиш учун, бу йўл учун яна бир нарса керакми, ўзгартириш, қайта ишлаш, фойдаланиш, фойда, қайта ташкил, қилиш учун янада қулай йўлларни топиш.

- «яна қандай бошқа бўлиши мумкин?», «қўллаш мумкинми?» саволларидан иборат.

ELIMINATE–олиб ташлаш учун бартараф этиш, соддалаштириш, камайтириш, ўчириш, кесиб ташлаш, йўқ қилиш, чеклаш, қутилиш учун, бекор қилиш, сошлаш.

- «мумкинми?», «мен учун албатта керакми», «иш учун зарурми?» саволлардан иборат.

REVERSE-ўрин алмаштириш ёки тескари ўрин алмаштириш, ўчириш, айлантириш, ҳаракатни алмаштириш, қайта ташкил қилиш, ўзгартириш, қайтиш.

- «нима бўлади?», «мумкин бўладими?», «агар қабул қилинса қандай бўлади?» саволларга жавоб беришга тайёр бўлишни талаб этади.

Дарсга тайёрланиш жараёнида бу методни қўллашдан аввал аниқ вазифа белгиланиши керак – яъни қандай муаммони ҳал қилиш керак, шуни белгилаб олгандан сўнг биринчи навбатда аниқ вазифа нимадан иборат, қандай ечим ишлаб чиқиш керак деган саволлар билан ўзига мурожаат қилиб, пухта ўйланган режа асосида СКАМПЕРда келтирилган кетма-кетликни амалга ошириш зарур бўлади. Бу шахсий ҳаётингизда, бизнесингизда, маҳсулотингизда, жараёнингизда ёки яхшилашни истаган хизматингиздаги муаммо бўлиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ҳар бир педагогик технологиянинг ўзига хос афзаллик ва камчиликлари бор:

Муайян технологиялардан фойдаланишда зарур шартлар бажарилса, юқори самарага эришиш мумкин.

Таълимнинг аниқ шакл ва усуллари танлаш ўқитишнинг пировард мақсадига боғлиқ бўлади. Чунки замонавий таълимда витаген технологияларни қўллаш нафақат ўқитувчидан балки, таълим олувчидан ҳам юқори савиядаги билим ва танқидий фикрлашга оид кўникмаларни талаб этади.

Шунинг учун замонавий таълимда танланаётган ва фойдаланаётган ҳар бир педагогик технология ва таълим усулларининг ўзига хос вазифасини инобатга олган ҳолда машғулотлар ташкил қилинса юқори билимли, кўникма ва малакага эга ёшлар ва мутахассисларни тарбиялашга муваффақ бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с.

2. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Т.: «Lesson press», 2020. 112 бет.

3. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М.А. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик техноогиялар (таълим тизими ходимлари, методистлар, ўқитувчилар, тарбиячи ва мураббийлар учун ўқув қўлланма) - Т. 2017, 368 б.

4. Макарова Н.С. Дидактика высшей школы. Монография/ Н.С.Макарова Н.А. Дука, Н. В. Чекалева. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ИздательствоЮрайт, 2019 - 172 с.

5. Муслимов Н.А вабошқалар. Инновационтаълимтехнологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: «Sano-standart», 2015. – 208 б.



ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАРНИ ТАЛАБА ИЖТИМОЙ ИНТЕЛЛЕКТ ДИНАМИКАСИГА ТАЪСИРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.10.79.007>

Авлаев Ориф Умирович,

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти,
психология кафедраси доценти, психология фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)*

Аннотация. Ушбу мақолада педагогик инновацияларни талаба ижтимоий интеллект динамикасига таъсири ўрганилган. Тўпланган натижаларни илмий-амалий талқини келтириб ўтилган. Шунингдек, педагогик технологиялар таълим олувчи шахсга, айниқса, унинг ижтимоий интеллекти тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди. Бунинг учун талабаларнинг ақлий тараққиётини таъминлашга қаратилган педагогик технологияларни ўқув машғулотларда қўллашга мўлжалланган семинар-тренинглار татбиқидан аввал ва кейинги натижалар таҳлили амалга оширилган.

Калит сўзлар. Талаба, педагогик технологиялар, ижтимоий интеллект, эмоционал интеллект, ақлий тараққиёт, корреляцион боғлиқлик

ВЛИЯНИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИННОВАЦИЙ НА ДИНАМИКУ СОЦИАЛЬНОГО ИНТЕЛЛЕКТА СТУДЕНТОВ

Авлаев Ориф Умирович,

*Ташкентская область Чирчикская государственная педагогика
Институт, доцент психологии, Доктор философии психологии (PhD)*

Аннотация. В статье исследуется влияние педагогических инноваций на динамику социального интеллекта студентов. Дана научная и практическая интерпретация собранных результатов. Также было обнаружено, что педагогические технологии положительно влияют на учащегося, особенно на развитие его социального интеллекта. Для этого проводится анализ результатов до и после проведения семинаров и тренингов, направленных на применение педагогических технологий на занятиях, направленных на обеспечение интеллектуального развития студентов.

Ключевые слова. Студент, педагогические технологии, социальный интеллект, эмоциональный интеллект, умственное развитие, корреляция

THE IMPACT OF PEDAGOGICAL INNOVATIONS ON THE DYNAMICS OF STUDENT SOCIAL INTELLIGENCE

Avlaev Orif Umirovich,

Tashkent region, Chirchik state pedagogy Institute, Associate Professor of Psychology, Doctor of Philosophy in Psychology (PhD)

Abstract. *This article examines the impact of pedagogical innovations on the dynamics of student social intelligence. Scientific and practical interpretation of the collected results is given. It was also found that pedagogical technologies have a positive impact on the learner, especially on the development of his social intelligence. For this purpose, the analysis of the results before and after the implementation of seminars and trainings aimed at the application of pedagogical technologies in the classroom, aimed at ensuring the intellectual development of students.*

Keywords. *Student, pedagogical technologies, social intelligence, emotional intelligence, mental development, correlation*

Таълимнинг самарадорлигини амалга оширишда юқори кўрсаткичли воситалардан бири – бу педагогик технологиялар эканлиги сир эмас. Таълим-тарбия жараёнига илғор педагогик технологиялар назарияси ва амалиётининг кириб келиши замон талабидир. Педагогик технологиялар муаммоси педагогик нуқтаи назардан илмий асосда чуқур ўрганилган. Бироқ улар таълим-тарбия жараёнига татбиқ этилганда, талаба шахсига (унинг психик жараёнларига) нисбатан психологик таъсири масаласи шу пайтгача жиддий тадқиқ қилинмаган. Зеро, инсон шахси ўта мураккаб ва кўп қатламли тузилмага эга бўлган психологик объект ҳисобланади. Педагогик технологиялар талаба шахсига яхлит ҳолда таъсир қилади, унда муайян ўзгаришларни вужудга келтиради. Педагогик технологиялар маълум мазмунни талабалар онгига етказиш усули сифатида уларнинг ақлий тараққиётига таъсир кўрсатади. Кўплаб психолог олимлар таъкидлаганларидек (Б.Г.Ананьев, В.В.Давидов, Л.С.Виготский, А.А.Вербицкий, А.М.Матюшкин), ақлий тараққиёт бевосита мазмун таъсири асосида амалга оширилади. Шакл ва мазмун уйғунлиги, яъни самарали таъсир кўрсатадиган педагогик технологиялар замирига мазмуннинг жойлаштирилиши талабалар ақлий тараққиётининг асосини белгилайди.

Адабиётлар таҳлили. Педагогик технологиялар ўзида анъанавий таълим тизимидаги камчиликларни такрорламаслиги билан, аксинча, таълим олувчини фаол шахсга айлантириб қўйиши билан, унинг тафаккури тараққиётига имконият яратиб бериши билан тавсифланади. Педагогик технологиялар тушунчасига В.П.Беспалько куйидагича

таъриф берган: «Педагогик технология – олдиндан режалаштирилган ўқув-тарбиявий жараённинг амалиётга узлуксиз сингдирилиши» [5.33].

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, педагогик ва психологик технологиялар 3 та функцияни бажаради.

Инструментал функция. Бунда таълим субъектларида маълум кўникма ва малакалар шакллантирилади.

Гностик функция. Бунда ўқув фаолияти қатнашчиларида билимлар шакллантирилади ва талаба ҳамда талабаларнинг тафаккури ривожлантирилади.

Ижтимоий-психологик функция. Бунда талабаларда маълум ижтимоий-психологик кўникмалар ривожлантирилади. Масалан, коммуникатив кўникмалар шакллантирилади.

Ҳар бир функцияга мос ҳолда маълум технологиялар қўлланилади: инструментал функция учун ўйин машқлари, гностик функция учун дидактик технологиялар, ижтимоий-психологик функция учун ролли ўйинлар қўлланилади [6].

Таълимни фаоллаштириш, талабаларни мустақил ижодий фаолиятга боғлаш орқали уларни фикр юритишга, тафаккурини ишлатишга жалб қилиш зарур деган ғояларни Ж.Ж.Руссо, И.Г.Пестолоцци сингари мутафаккирларнинг асарларида учратиш мумкин. Уларнинг асарларида қотиб қолган, ёдлашдан нарига ўтмайдиган эски таълим усулларидадан воз кечиб, таълимнинг «фаол» усулларига ўтиш тарғиб қилинганлигининг гувоҳи бўламиз [6].

XX асрнинг 70-80-йилларига келиб англиялик психолог Э.Де Боно педагогик технологияларнинг таълимда қўлланилиши тарафдори бўлиб чиқди ва ўз тадқиқотларида уларнинг талабалар ақлий тараққиётига таъсирини кўрсатиб берди [8]. Унинг фикрича, таълим олувчида тафаккур жараёнини уйғотмайдиган таълим ҳар доим кутилган натижа бермайдиган таълим ҳисобланади.

Боланинг билиш жараёнининг, тафаккурининг тараққиёти тўғрисида энг эътиборли назариялардан бири – Л.С.Виготскийнинг олий психик функциялар тараққиёти назарияси ҳисобланади. Мазкур назарияда инсоннинг ижтимоий моҳияти ва (унинг) фаолиятининг билвоситалик табиати (унинг қуроллар орқали, белгилар ёрдамида амалга оширилиши) ўз аксини топган [7].

Ижтимоий интеллектни М.Форд ва М. Тисак интеллектни баҳолашнинг негизида муаммоли ҳолатларнинг тўғри ечимини топиш ётишини таъкидлайдилар. Улар ижтимоий интеллект ахборотларни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган ментал қобилиятларнинг аниқ ва мутаносиб гуруҳини ўз ичига олишини кўрсата билдилар. Бу қобилият гуруҳи эса ўз ўрнида «формал» тафаккур асосини ташкил қилувчи ва «академик»

интеллект тестлари билан текширилувчи қобилиятлардан тубдан фарқ қилади. Шу нуқтаи назардан биз педагогик технологияларнинг таълимда талаба ижтимоий интеллектга таъсирининг психологик ўзига хослигини ўрганишни мақсад қилиб танладик.

Тадқиқот методлари: Мақола мақсадини ҳал этиш учун қуйидаги тадқиқот методларидан фойдаланилди: Талабанинг таълим жараёнидаги интеллектуал салоҳияти кузатилди. .Дж.Гилфорд ва М.Салливеннинг «Ижтимоий интеллект диагностикаси» «Эмоционал интеллект диагностикаси» методикаларидан фойдаланилди. Тўпланган эмпирик қийматлар математик-статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижалари: Таълим-тарбия жараёнининг замонавий кўринишини ўзида акс эттирувчи таълим технологияларни ўрнини тўғри талқин этиш лозим:

- педагогик технологияларнинг талаба касбий шаклланишида уларнинг интеллектуал ривожини учун таъсири;

- таъсирнинг педагогик-психологик аҳамиятини қандай омилларда акс этиши;

- педагогик технологияларнинг талабанинг ижтимоий ва эмоционал интеллект даражасини белгилашдаги ўрни.

Бунинг учун тажриба жараёнида институтда ташкил этиладиган замонавий педагогик технологиялар ойлиги тадбири орқали экспериментал ишларимизни ташкил этиш энг қулай вариант сифатида қабул этдик. Тажриба жараёнида педагогик технологияларни таълим жараёнида қўллашда фойдаланилган муаммоли таълим, ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш сингари интерфаол усуллардан фойдаланиш жараёнидаги талаба муносабатларидаги ўзгаришларни баҳолашга эришдик. Бунинг учун талабаларнинг ушбу усуллар қайси жиҳатдан фаолият самарадорлигига таъсири ёки шахсий-касбий ўсишга кўрсатадиган таъсирини баҳолашга эришдик. Талабаларнинг билимларнинг ўзлаштиришида умумий интеллект коэффиценти юқори белгиловчи омил ҳисобланадиган бир шароитда, ижтимоий ёки эмоционал интеллект эса уларнинг касбий-шахсий камолотини таъминлашга хизмат этувчи асосий омиллар сарасига киришини таъкидлаш жоиз. Биз ушбу усулларни қўллашда фойдаланилган педагогик технологияларнинг шкалали баҳолашга урғу бердик. Ушбу усулга кўра талабалар қўлланилган замонавий таълим усулларининг фаолияти учун таъсирини 5 балли шкалада энг аҳамиятли бўлса 5 балл, энг аҳамиятсиз бўлса 1 балл билан баҳолашлари сўралди. Шунингдек ушбу кўрсаткичларни кейинчалик талабаларнинг умумий интеллект, эмоционал ва ижтимоий интеллектлари билан ўзаро

алоқадорлик коэффициентларини текширишимизга ҳам олиб келди. Бу эса талабаларнинг касбий шаклланиши жараёнимда ўзлаштирадиган билимлар даражасини белгилашимиз учун ҳам аҳамият касб этди (иловаларга қаралсин). Биз таълим технологияларнинг талабалар фаолиятига таъсири юзасидан олиб орган тажрибамиз натижаларига эътибор қаратайлик (1-жадвал.)

1-жадвал

Таълим жараёнида қўлланилган таълим технологияларнинг талаба фаолиятига таъсири баҳолаш кўрсаткичлари

Таълим усуллари / Йўналишлар	Муаммоли таълим	Ақлий хужум	Лойиҳа лаш	Ҳамкорлик-да ишлаш	Кичик гуруҳларда ишлаш	Ўртача қиймат
Психология	4,23	3,63	4,71	4,68	4,62	4.37
Педагогика	4,59	4,15	4,51	4,64	4,58	4.49
Физика-математика	4,53	3,73	4,28	4,54	4,26	4.27
Тарих	4,69	4,24	4,11	4,59	4,58	4.44
Филология	4,61	4,23	4,31	4,53	4,43	4.42
Ўртача қиймат	4.53	3.99	4.38	4.59	4.49	

Бир нарсани эътироф этишимиз керак талабаларнинг таълим технологияларини татбиқ этишга қадар ўзлаштириш кўрсаткичлари билан уларнинг педагогик технологиялар асосида ўқитиш натижалари кўрсаткичлари ўзаро таққослангандаги ҳолат (йўналишлар кесимида) ўзаро қиёсий ўрганилди.

Замонавий педагогик технологиялар сифатида қўлланилган усулларнинг аҳамиятлилик кўрсаткичи талабаларнинг муносабати орқали баҳоланганда ҳар бир таълим йўналиши ўзига хос қийматларда акс этди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, таълимда қўлланилган технологик усуллар талабанинг билим даражаси, унинг таълим муҳитидаги фаоллиги ва ақлий салоҳият даражасига таъсири фақат ички мантикий боғлиқликлар орқали ўрганиш мумкин бўлади. Бундан кўринадики, таълим жараёнида қўлланилган таълим технологияларнинг талаба фаолиятига таъсирида қўлланилиши аҳамияти жиҳатида барча факультетлар бўйича ўртачадан юқори қийматни акс эттирилганлиги келтирилган жадвал натижаларида акс этиб турибди. Биз натижаларни ҳар бир факультет доирасида ва таълим усуллари бўйича таққослаш имконига эга бўлдик.

Қўлланилган усулларнинг аҳамиятига кўра барча усуллар таълим жараёнида талабаларга ижобий таъсир кўрсата олган (деярли усулларнинг аҳамияти ўртачадан юқори), аммо муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш, ҳамкорликда ва кичик гуруҳларда ишлаш технологиялари

бир мунча юқорироқ натижаларни акс эттирган (4.53, 4.59 ва 4,49). Аммо ақлий ҳужум усули бошқа усулларга нисбатан бир оз қуйи кўрсаткични намоён этганлиги билан характерланди. Бу эса ушбу усулнинг қўлланиш технологиясиси, бошқа усулларга қараганда бир оз осон бўлса-да (3.99) пастроқ қийматларда акс этмоқда. Бундан кўринадик, қўлланилаётган таълим усулининг осон ёки мураккаблиги эмас, балки усулдан самарали ва ўз ўрнида фойдаланиш таълимда ўзининг ижобий натижасини бериши мумкинлигини тасдиқламоқда.

Ўз навбатида ушбу натижаларнинг факультетлар бўйича кузатилганда эса натижалар ўзининг ижобий аҳамиятини йўқотмаган: Психология-4.37, педагогика-4.49, Физика-математика-4,27, тарих-4,44 ва филология-4.42 кўрсаткичларни намоён этди. Бундан кўринадики, таълим усуларини қўллаш таълим жараён учун фойдадан холи эмас экан. Ҳатто бу ҳолат педагогик технологиялар ойлиги натижаси бўйича талабалар ўзлаштиришида ҳам ўз аксини топган (йўналишлар кесимида)

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, технологик ёндашув асосида педагогик фаолиятни ташкил этиш индивидуал ва ижодий хусусиятга эга. Шу билан бирга таълим ва тарбия жараёнини йўлга қўйишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш касбий хусусиятларни шаклланишига, ижтимоий ва эмоционал интеллект турларини ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи омил сифатида намоён бўлар экан.

2-жадвал

Таълим усуллари	Муаммоли таълим	Ақлий ҳужум	Лойиҳалаш	Ҳамкорликда ишлаш	Кичик гуруҳларда ишлаш
Интеллект турлари					
Ижтимоий интеллект	-0.238	0.224	0.344*	0.412**	0.436**
Эмоционал интеллект	0.201	0.208	0.263	0.431**	0.482**

Талабаларнинг интеллекти билан таълим усуларини таъсири ўртасидаги ўзаро корреляцион муносабатларда илмий аҳамиятга эга кўрсаткичлар қўлга киритилди. Талабаларнинг интеллект билан таълим усуларини таъсири орасидаги корреляцион муносабатларда эътибормизни тортган томони корреляцион алоқаларда таълим усулларининг таъсири ижтимоий ва эмоциоанал интеллект кўрсаткичларида анча яққолроқ ва ижобий боғланишлар ҳосил қилганлигидадир. Бундан кўринадики, таълим усуларини қўллаш талабанинг ижтимоий интеллектига таъсир кўрсатиш самарадорлиги оператив тарзда акс этмас экан. Аммо ҳамкорликда ишлаш, гуруҳий

муносабатларни шакллантиришга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаслиги кузатилди. Бир нарсани эътироф этишимиз керакки, умумий интеллект билан муаммоли таълимни ташкил этиш усусили ўртасидаги ўзаро алоқадорлик физика-математика ва табиатшунослик йўналиш талабаларида ижобий ва юқори корреляцион алоқани намоён этди. Чунки, бу усулни ушбу соҳа талабаларида фойдаланиш самарали бўлиши улардаги аниқлик ва қўйиладиган муаммоларнинг аниқлиги ва ўз ечимини яққол кўрсаткичларда акс эттиришида бўлиши билан боғлаш мумкин. Аммо педагогика, тарих ва бошқа йўналишларда эса таълим жараёнида ҳосил қиладиган муаммо бир неча ечимларда акс этиши мумкинлиги билан характерланади.

Аммо бизнинг тадқиқотимизда таълим усуллариининг талаба интеллектига таъсирини акс эттирувчи корреляцион муносабатларнинг кўп қисмида эса ижтимоий ва эмоционал интеллектнинг яққолроқ намоён бўлишига замин ҳозирлаши мумкин экан. Чунки, талабаларнинг умумий ва таълим йўналиши бўйича натижаларида интерфаол таълим усуллариининг таъсири ҳамкорликда ишлаш ҳамда эмоционал интеллект бўйича натижалар анча ижобий кўриниш олди (таълим йўналишлари бўйича ҳам): ижтимоий интеллект лойиҳалаш билан ($r=0.344$, $p<0.05$), ҳамкорликда ишлаш ($r=0.412$, $p<0.01$) ва кичик гуруҳларда ишлаш ($r=0.436$, $p<0.01$) юқори ижобий муносабат ҳосил қилди. Ўз навбатида талабаларнинг эмоционал интеллект ҳам ҳамкорликда ишлаш ва ($r=0.431$, $p<0.01$) ва кичик гуруҳларда ишлаш ($r=0.482$, $p<0.05$) усуллари билан юқори ижобий боғланиш ҳосил қилмоқда (хусусий ҳоллар ҳам буни тасдиқлайди).

Хулосалар:

Тадқиқотимиз натижаларидан келиб чиқиб хулосалашимиз мумкинки, интерфаол таълим усуллариини танлаш талабаларнинг умумий интеллектдан кўра уларнинг ижтимоий фаоллик даражасига кўпроқ таъсир кўрсатаётган экан. Бундай ҳолат талабаларнинг касбий шаклланишида ижтимоий ва эмоционал интеллект даражасини ўсиб бориши муҳим омил бўлади.

1. Ҳар бир босқич талабаларида эмпатиянинг қайсидир даражаси кўпроқ камол топган бўлиши кузатилди: биринчи босқичларда эмоционаллик билан идентификациялашув; иккинчи босқичларда эса эмоционаллик билан сидқидиллик; учинчи босқичларда рационаллик, интуитивлик ва идентификациялашув; тўртинчи босқичларда эса рационаллик, эмоцияга мувофиқлашув ва идентификация каналларини ривожлантиришга мойиллик хосдир.

2. Технологик ёндашув асосида педагогик фаолиятни ташкил этиш индивидуал ва ижодий хусусиятга эга. Шу билан бирга таълим ва

тарбия жараёнини йўлга қўйишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш касбий хусусиятларнинг шаклланишига, ижтимоий ва эмоционал интеллект турларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи омил бўлиб ҳисобланади.

3. Педагогик инновациялар асосида фаолиятни ташкил этиш индивидуал ва ижодий хусусиятга эга. Шу билан бирга таълим ва тарбия жараёнини йўлга қўйишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш касбий хусусиятларни шаклланишига, ижтимоий ва эмоционал интеллект турларини ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи омил бўла олади. Бу эса талабаларга касбий ривожланиш ва мослашиш имконини беради.

4. Педагогик инновациялар таълим олувчи шахсга, айниқса, унинг ақлий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Бу таъсирнинг даражаси бир қанча омилларга, жумладан, таълим олувчи шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларига, педагогик технологиялар дастурининг муваффақиятли тузилганлигига, шунингдек, педагогик технологиялар орқали таъсир кўрсатаётган таълим берувчи шахс ва унинг тайёргарлигига боғлиқдир.

Адабиётлар

1. Avlaev O. U. Талабалар камолотида ижтимоий интеллектнинг гендер фарқлари. «Psixologiya» ilmiy jurnal. 2021. № 1, 34-41 бетлар.

2. Avlaev O., Butaeva U. Shaxs kamolotining psixologik determinant. Xalq ta'limi ilmiy-metodik jurnali. 2021. № 6, 87-92 бетлар.

3. Butaeva U., Avlaev O., Abdumannotova N. Scientific and practical studies of psychological maturity of students./ Journal of critical reviews. JCR. 2020; 7(12): 3063-3070 doi: 10.31838/jcr.07.12.463

4. Burkhanov A., Avlaev O., Abdujalilova Sh. Responsibility as a criterion for determining personal maturity/ E3S Web of Conferences 2021.

5. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М.: Педагогика, 1989. - 192 с.

6. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.: ИРПО, 1995. - 212 с.

7. Виготский Л.С. Педагогическая психология/ Под ред. В.В. Давыдова. – М.: Педагогика, 1991. - 480 с.

8. Столяренко Л.Д. Педагогическая психология. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2000. - 544 с.



ТОРТИНЧОҚЛИК ШАХСНИНГ ИНДИВИДУАЛ – ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ СИФАТИДА

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.84.43.006>

Ботирова Дилафруз Бозоровна,

*Тошкент давлат шарқшунослик университети, педагогика ва
психология кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация: *Мазкур мақолада тортинчоқликни шаклланишининг психологик хусусиятлари, даражалари ва хусусиятлари ва шунингдек тортинчоқликни пайдо бўлишига таъсир этувчи омиллар мисолида органишнатижаларикелтирилди. Тортинчоқлик ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилганлиги ва муайян тизимга келтирилганлиги ҳамда тадқиқотлардан олинган натижалар тортинчоқлик ва унинг шахс индивидуал хусусиятлари билан боғлиқлиги ҳақида маълумотлар берилган*

Калит сўзлар: *тортинчоқлик, шахс. муҳит, билиш жараёнлари, ижтимоийлашув, хиссий иродавий жараён, ички ва ташқи омил, ёш даври, темперамент, идрок, ўз ўзига ишонч*

КАК ИНДИВИДУАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ

Батирова Дилафруз Базаровна,

*Ташкентский государственный университет востоковедения,
преподаватель кафедры педагогика и психология*

Аннотация: *В данной статье представлены результаты организации на примере психологических особенностей, уровней и характеристик формирования застенчивости, а также факторов, влияющих на возникновение застенчивости. Данные о застенчивости были обобщены и систематизированы, и исследования показали, что застенчивость связана с индивидуальными характеристиками*

Ключевые слова: *застенчивость, индивидуальность. окружающая среда, когнитивные процессы, социализация, эмоционально-волевой процесс, внутренние и внешние факторы, возраст, темперамент, восприятие, уверенность в себе*

TRACTION AS AN INDIVIDUAL PSYCHOLOGICAL FEATURE OF THE PERSON

Botirova Dilafruz Bozorovna,

*Tashkent State University of Oriental Studies,
Teacher of «Pedagogy and Psychology» department*

Abstract: *This article presents the results of the organization on the example of psychological characteristics, levels and characteristics of the formation of shyness, as well as factors influencing the onset of shyness. Data on shyness have been summarized and categorized, and studies have shown that shyness is associated with individual characteristics*

Keywords: *shyness, individuality, environment, cognitive processes, socialization, emotional-volitional process, internal and external factors, age, temperament, perception, self-confidence*

Кириш. Шахс атроф оламни билиш жараёнида ундаги нарса ҳодисаларга хос белги-аломатларни шунчаки қайд этиш билан чекланмай, айтиш вақтда уларга нисбатан ўз муносабатини билдиради. Билиш объектига одамнинг муносабати уларга бериладиган баҳоларда, «яхши» ёки «ёмон», «ёқимли» ёки «ёқимсиз», «ижобий» ёки «салбий» ва бошқа шу каби тавсифларда акс этади. Албатта, баҳоловчи муносабат одам томонидан онгли идрок этилаётган барча нарса – ҳодисаларга нисбатан рўёбга чиқиши мумкин. Аммо бундай муносабат айниқса ижтимоий билиш жараёни, яъни шахс бошқа одамларнинг белги – хусусиятларини ўрганиш давомида яққол намоён бўлди. Зеро, одам ҳаётини ижтимоий борлиқда кечар экан, унинг доимий равишда бошқаларнинг баҳоловчи муносабатига дуч келиши, ўзи уларга қандайдир баҳоларни бериши табиийдир.

Ижтимоий баҳо бошқаларнинг ижобий ёки салбий баҳосини олиш эҳтимоли одамни қандайдир ҳаракатларидан тўхтатади, аксинча, маълум ҳаракатларга ундайди. Кимнингдир ошқора айтилган ёки билинар билинмас англанадиган баҳоси баҳоланувчи одамда муайян ҳис-кечинмаларни уйғотиш, улар ёқимсиз бўлса, тезроқ бартараф этиши, ёқимли бўлса янада кучайтириши учун одам тегишли ҳаракатларни амалга оширади. Яна кимнингдир мана шундай баҳосига учраганидан ёки бундай муносабатни ич-ичидан кутганидан одамда уйғонадиган мураккаб ҳиссий кечинмалардан бири тортиниш, ийманиш ҳиссидир. Бу ҳис уйғонганда одамда бетакрор психологик манзарага эга бўлади. Тортинчоқлик қандай даражада бўлмасин, қанчалик осон вужудга келмасин, бу сифат ижтимоий ҳуқ-атвори назоратида қайсидир ўринларда кучли бошқарув механизми, баъзида эса яхшигина психологик

тўсиқ бўлиб гавдаланади. [1: 84]

Ҳар қандай бошқа индивидуал- психологик тузилма каби тортинчоқлик даражаси хилма- хил сабабларга кўра турли шахсларда ўзаро фарқланиши табиийдир. [1:113]

Бу борада аниқ текширувлар ўказишда назаримизда, биринчидан, одамда тортиниш ҳиссининг аломатлар, деб ҳисобланадиган белгилар қанчалик ривож топганини аниқлаш, иккинчидан, одам кўпроқ қандай ҳолатлар, объектлар сабабли тортиниш ҳис этишни билиш, учинчидан, тортинчоқликнинг турли даражалари ташқи ифодасида қандай тафовутлар бўлишини аниқлаштиришга хизмат қилиши керак.

Шундай экан, психологияда тортинчоқлик муҳим аҳамиятга эга. Ўта юқори даражали тортинчоқлик боланинг ижтимоий ҳаёти ва психик ривожланиши борасида анча хавотир уйғотиш, айти вақтда ушбу сифатнинг қарама – қарши тесқари кутбида сурбетлик, бетгачопарлик каби иллатлар жойлашишини эътиборга олсак, бу соҳадаги ташхис ишининг аҳамиятини теранроқ англаймиз. [2: 156]

Бундан ташқари тортинчоқ кишилар шахслараро муносабатларда, ўзаро сўзлашувларда қийинчилик ҳис қилишади, ҳаёти фаолиятларида жуса пассив бўлиб, бошқалар ўзи тўғрисида қандай фикрда бўлиши мумкин деган ўй – ҳаёллар банд бўлиди. Бундасн ташқари улар жуда таъсирчан бўлиб, ўзгасларга муҳтож, ўта ишонувчан ва бошқаларнинг таъсирига тез тушиб қолиши билан ажралиб туради. Мана шундай холларда тортинчоқ жамиятда мослашиши қийинлаштиради.

Ҳаёт давомида одамда шакилланадиган барча сифат ва хислатлар муайян омиларнинг таъсири оқибатидир. Энг умумий равишда, ушбу омилларни иккига – ички ба ташқи омилларга ажратиш мумкин. Ички омиллар одамнинг индивидуал – психологик хусусиятлари, табиий – биологис кўрсаткичлари билан боғлиқ бўлса, ташқи омиллар одам ижтимоий таъсирни қайси гуруҳларда, қандай муҳит ичида ўзлаштираётгани билан боғлиқ бўлади. [3: 113]

Замонавий психология фанида генетик ёндашувга асосланган тадқиқотларда, яъни тегишли психологик тузилмаларнинг вужудга келиши хусусиятларини аниқлашга қаратилган изланишларда катта натижалар қўлга киритилганига қарамай қайси омилнинг аҳамияти юқорироқ экани ҳақида узил кесил хулосалар чиқариш қийин. Албатта, бир қарашда одам фаол ижтимоий таъсир объектига айланмасидан аввал ҳам муайян индивидуал кўрсаткичлар эгаси бўлади. Аммо айнан тегишли йўналишдаги ижтимоий таъсир одамнинг кўпчилик индивидуал кўрсаткичларини юзага чиқаришини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Тортинчоқлик ҳам ўзига хос мураккаб эмоционал хусусият сифатида

ўз ички ва ташқи манбаларига эгадир. Психологик тадқиқотларда тортинчоқликнинг замиридаги ички омиллар чуқур тадқиқ этилган. Бунда тортинчоқлик вужудга келиши ва намоён бўлишининг индивидуал – психологик, ёш, жинс хусусиятлари махсус ўрганилган, [4: 64]

